

**Зулайхо
Машарипова**

**ДАҚШАТЛИ
НИКОЖ**

Детектив қисса



5-китоб

**МАЖБУРИЙ
НУСХА**

ТОШКЕНТ
"ЯНГИ АСР АВЛОДИ"
2013

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

М-34

Машарипова, Зулайҳо

Даҳшатли никоҳ / З.Машарипова. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. - 352 б.

ISBN 978-9943-27-141-8

Зулайҳо Машариповани китобхонлар бир неча детектив асарлари орқали яхши танийди, кейинги китобини интиқлик билан кутиб нашриётга қўнғироқ қиладиган мухлислар ҳам талайгина.


Азиз китобхон, адибанинг навбатдаги асарида жиноят оламининг жирканч кирдикорлари, муқаддас никоҳга хиёнат, аёл номига нолойиқ нафс бандаларининг ёвузликлари бир-биридан жумбоқли, ҳаяжонли, шиддатли воқеалар асосида ифодаланади.

Китобхон ушбу асарни “қани, нима бўларкин”, дея шошиб, энтикиб ўқиши тайин.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

Адабий муҳаррир:
Маҳмуд САЪДИЙ



ISBN 978-9943-27-141-8

© З.Машарипова, «Даҳшатли никоҳ», «Янги аср авлоди», 2013 йил.

МУНДАРИЖА

М. Саъдий. «Тубанликнинг чегараси»	4
Муаллифдан	6

БИРИНЧИ ҚИСМ

7

Дурдонани ўлдириб кетишди...

Уни ким ўлдирди? Ўттиз уч яшар аёлнинг ўлими кимга керак эди? Эри Журъатми? Йўқ, у шол бўлиб қолган, ўрнидан туролмади... Балки, уни ўғлининг касали сабабчиси келини деб билган қайнотаси Матназар ака ёки қайнонаси Ҳанифа опа ўлдиргандир? Инобат опа қизини жазмани Толиб ўлдирган деб ўйлайди. У ҳеч кимга билдирмай Толибни ўлдирди пайида. Насима опа эса «Дурдонанинг жонини Азроил олганини ўз кўзим билан кўрдим, у беш дақиқа ичида чавақлаб, ҳеч нима демасдан чиқиб кетди» дея ҳаммани ишонтирмоқчи...

Инсон кимнингдир маслаҳати билан иш қилмоқчи бўлса, ўша маслаҳатни ақл тарозисига солиб кўради ва бирор фикрга келади. Ҳатто бундан ота-она васияти ҳам мустасно эмас экан.

Агар ота розилиги қонунга хилоф иш қилишни тақозо қилса-чи? Малик ака ўғлининг ҳаётини аъдар-тўнтар қилиб юбуровчи шиор белгилаб берди. Бир умр отамнинг ўғити, унинг васиятига амал қилиб яшайман деб ўйлаган Рамазон охири оқибат нима қилиб қўйганини тушунди. Лекин энди жуда кеч эди...

ИККИНЧИ ҚИСМ

176

Сайфиддин бир ярим ой ичида онаси, хотини, ўғлидан ажраб, ёлғиз ўзи қолди. У ғам-аламдан таркидунё қилиб, ҳамма нарсасидан, ҳатто яшаш жойидан ҳам айрилиб, кўчада қолди. У ўз жонига қасд қилмоқчи бўлганида, нариги дунёга «бирга кетишга тайёр» ҳамроҳ топилиб қолди. Шу орада унинг ҳаётига қисқа фурсат ичида икки марта суиқасд қилинди.

Мол-мулки, ҳатто бошпанаси бўлмаган бу одамнинг ўлими кимга керак экан?

Жиноятчини аниқламоқчи бўлган Собиржоннинг сажасиз яшар ўғилчасини ким ўғирлаб кетди? Сайфиддинни йўқ қилиши кимга шунчалик муҳим экан? Бу жиноят замирида қандай сир бор?

ТУБАНЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ

Давр ўзгаргани сари янги-янги ҳаётий эҳтиёжлар пайдо бўлади. Адабиётда ҳам шундай. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида, тўғрироғи, тўқсонинчи йиллари ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асари (дастлабки икки китоби) эълон қилинди. Ўзбек адабиётида янги йўналиш – детектив адабиётнинг туғилишини шу асар билан белгилаш адолатли бўлади, деб ўйлайман. Шундан буён турли савиядаги роман, қисса, ҳикоялар пайдар-пай босилиб турибди. Уларнинг аксариятида шайтанат оламининг кирдикорлари фош этилган. Бу асарлар муаллифлари орасида аввал адвокат, судья, прокурор бўлиб ишлаганлари ҳам бор. Улар жиноятчиларни, жиноятчилар муҳитини яқиндан биладилар, асарларида уларнинг тубан дунёсини ўз иш тажрибалари, шахсий кузатишлари асосида акс эттирадилар.

Зулайҳо Машарипова ҳам нафақага чиққунига қадар адвокат, судья бўлиб ишлаган. Аввал болалари тарбияси билан шуғулланган, ҳозир неваралари даврасида. У сира бекорчиликни ёқтирмайди. «Шунинг учун бўш вақтларимда иш тажрибам, ҳаётда қузатганларим ҳамда турмуш ўртоғимнинг (у киши прокуратура ходими) тергов материаллари асосида асарлар ёза бошладим, – дейди Зулайҳо ўз ижоди ҳақида. – Мен буларни фарзандларим учун, улар асар қаҳрамонларининг аянчли тақдирларидан хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлдан юришлари, адашмасликлари, ҳамиша эзгу ишлар йўлидан боришлари учун ёзардим...

Хоразмда нашриётдагилардан ёзганларимни фақат фарзандларим учун 50 нусхада китоб ҳолида босмадан чиқариб беришларини илтимос қилдим. Улар ёзганларингизни кўпроқ нусхада чиқариш керак, буларни бошқалар ҳам ўқиса, фойдадан холи бўлмайди, дедилар. Бу фикр менга маъқул тушди».

Шу тариқа, Зулайҳо Машарипованинг «Тамға», «Никоҳ», «Хато», «Қасам» деб номланган китоблари «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилди.

Гарчи Зулайҳо: «Мен профессионал ёзувчиликка даъво қилмоқчи эмасман, бунга ҳаққим ҳам йўқ, деб ўйлайман», деса-да, адибанинг асарлари қизиқиб ўқилади; у айниқса асар сюжетининг пухта бўлишига катта эътибор беради, воқеаларни мароқли баён этади.

Адиба аввал қаламга олинмаган ҳаёт материалларини асарларига олиб киради, шу орқали турмушнинг, одамлар феъл-атворининг биз илгари илғамаган томонларига диққатимизни тортади. Масалан, қўлингиздаги «Даҳшатли никоҳ» қиссаси. Асарда Инобат, Марғуба каби пасткаш кимсаларнинг кирдикорлари, Украинага ўқишга бориб, украин йигитга турмушга чиқиб қаттиқ адашган Саломатнинг пушаймонлари ўтган асрнинг охири – янги асрнинг аввалида кечган воқеалар ичида ифодаланади. Ёвузликлари катта терговчи Собиржон ва унинг содиқ ҳамкори Фарҳод томонидан фош қилинган Инобат мол-мулк, бойлик учун ҳеч нарсадан тоймайди, ҳатто келини Марғубани Сайфиддинга қўшиб қўяди...

Ҳаётда эзгулик, яхшилик ҳам, ёвузлик, тубанлик ҳам бор. Лекин яхшиликнинг чегараси бўлиши мумкин, пасткашликнинг эса чегараси йўқ. Ҳамма гап ҳаммаша эзгу ишлар қилишдан ортга қайтмасликда. Зулайҳо Машарипованинг детектив асарлари жиноят йўлига кириб қолган, оқибатда қонуний жазосини олганлар қисматидан огоҳлантиради, бу йўлнинг охири ҳалокатли тугашини кўрсатади. Шу орқали муаллиф ҳалолликни, покиза ҳаётни улуғлайди, инсондек яшашни шарафлайди.

*Маҳмуд САЪДИЙ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист*

МУАЛЛИФДАН

Азал-азалдан халқимизда никоҳ муқаддас саналиб келинган. Эркак ва аёлнинг бир-бирига покиза севгиси, ҳурмати асосига қурилган оилаларнинг пойдеворлари муस्ताҳкам бўлиб, уни ҳеч нарса буза олмайди.

Агар никоҳ бир томоннинг гаразли мақсадларини амалга ошириш учун ҳийла йўли билан тузилса-чи? Уни нима деб аташ мумкин? Менимча, бу – даҳшатли никоҳ бўлади...

Ушбу асарда терговчи Собиржоннинг шогирди Фарҳод ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг қотиллик, наркобизнес, инсон ҳаётига суиқасд каби жиноятларни фош этишидаги машаққатлари, жиноятчиларнинг маккорлиги туфайли улар учраган тўсиқларни қай усулда енгишларини кўрсатиб беришига ҳаракат қилганман.

Воқеалар жараёнида асар қаҳрамонларидан Журъатнинг соддадиллигидан фойдаланган мол-дунёга ўч Дурдона билан никоҳлари, отасининг норозилигига, ҳатто унинг “оқ” қилишига қарамасдан қурилган Саломат билан Тараснинг никоҳлари, хиёнаткор Нозима билан Сайфиддиннинг никоҳлари, Марғубанинг жиноий мақсадда пок қалбли Сайфиддин билан тузган никоҳлари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Эрининг фалаж бўлиб қолишидан қувонган ахлоқи бузуқ Дурдона, ота қарғишини олган Саломат, бир умр эрига хиёнат қилган Нозима, тубанликка юз бурган Марғубалар мақсадларига эришадиларми?

Охир-оқибат, муқаддас никоҳни топтаганларнинг тақдири қандай яқун топади?

Агар Инобат маънан тубан бўлмаганида эди, унинг фарзандларидан бирининг ёш умри хазон бўлмасди, иккинчиси қотилликка қўл урмасди, келини эса инсон зотига ёт бўлган жирканчликка бормасди...

Агар Малик ака ўғли Рамазонни ўзи каби шафқатсиз бўлишига ўргатмаганида эди, у заҳри-қотил савдоси билан шуғулланиб, инсониятга қарши жиноятга қўл урмасди...

Агар...

Ҳурматли китобхон, асар воқеалари ҳақида қандай ҳулосага келиш, албатта, ўзингизга ҳавола. Мен эса китобни ўқиганингиз учун Сизга олдиндан миннатдорлик билдириб қоламан.

...Эй, ҳушёрлар!

Қулоқларингиз билан пухта эшитингиз: энг эзгу каломларни ва ёруғ ният билан хоҳ эр, хоҳ аёл – ҳар бирингиз назар ташлангиз, то буюк ҳодиса рўй бермасдан ва одимларимиз сўнги манзилга етмасдан икки йўлдан бирини ўзингизга ихтиёр этингиз-да, бу каломларни ўзгаларга ҳам етказингиз!

Ибтидода бу икки тугишган – ҳамзодлар андиша, калом ва амалда бири – эзгулик; бири – ёмонлик ўзаро суҳбат қурдилар.

Бу иккидан бири, яъни эзгуликни ундан огоҳлар, ёмонликни эса ноогоҳлар танладилар...

АВЕСТО

(Биринчи қўшиқ. Ясна, 30-ҳот.)

БИРИНЧИ ҚИСМ

ҚОТИЛЛИК

Иброҳим қоронғида катта йўлнинг четидаги ғирашира ёруғлик тушиб турган тор йўлакдан келаётиб, сал нарида эркак билан аёл турганини кўрди. Эркакнинг қўлида бир нима «ялт» этиб кетди, у аёлга пичоқ ўқталиб турарди! Иброҳим ўйлаб кўришга фурсат йўқлигидан ўша томонга қараб югурди. Новча, оёқлари узун-узун Иброҳим, жиноятчининг гавдаси жиккакгина кўрингани учун тезроқ ҳаракат қилса, уни тўхтатиб қолишига ишонган эди. Лекин нима сабабдандир, унинг одимлари орқага қараб кетаётгандек туюларди, қанчалик тез югурмасин, улар турган жойга етолмади. Пичоқ зарбидан аёл «шилқ» этиб йиқилиб, қотил қочиб кетди. Жиноятчи жуда тез чопарди, Иброҳимнинг эса нафаси қисилиб, қадами секинлаша бошлади. Аксига олиб, кўчада ҳеч ким кўринмасди.

Ё тавба, катта кўчада на бир машина, на бир инсон кўринади, бу қанақаси? Кимнингдир ёрдамига умид қилмасам ҳам бўлади, деб ўйлади Иброҳим ва нафасини ростлаб, яна югуриш ниятида қараса, жиноятчи кўринмай қолди. Аблах қаёққа йўқолди экан, деб бир фурсатгина атрофга аланглаётган Иброҳимнинг бўйнига қутилмаганда иккита қўл шаппа ёпишди. Бу – ўша қотил эди!

– Кўйиб юбор, ярамас! Мени ўлдиришга ҳаққинг йўқ! – деди Иброҳим унинг қўлларини бўшатишга ҳаракат қилиб.

– Нега энди? Мен гувоҳдан қутулишим керак! – деб қотил уни янада қаттиқроқ бўғди.

– Мен... прокуратура ходимиман... – деди Иброҳим хириллаб...

Иброҳим орқага суянганича ухлаб қолган креслода боши чап томонга қийшайиб, бўйни букилиб қолгани учун ҳаво етишмай, терлаб-пишиб кўзини очди. У чуқур нафас оларкан:

– Хайрият, тушим экан... – деди. – Кўзим илинганини билмабман, ғалати туш... Ҳойнаҳой, бу ўқиётган китобимнинг таъсири. Айтмоқчи, китобнинг ўзи қани?

Иброҳим ўрнидан туриб керишиб, у ёқ-бу ёққа қаради. У полда ётган китобни қўлига олиб, стол устига қўйди.

Вилоят прокуратурасида кечаси билан навбатчиликда ўтирган Иброҳим қўл телефонининг соатига қаради: саккиз бўлаяпти. Навбатчилик вақти тугашига атиги бир соатча қолибди. У қўлидаги китобнинг ўқилмаган варақларини чамалади, ярмидан ками қолибди. Шоша-пиша қўнғироқ қила бошлади.

– Олимжон, менга берган китобингни ўзинг ўқиб чиққанмидинг?

– Албатта, ўқиганман. Нима, китобни йўқотиб қўйдингми?!

Ўзи буни олдиндан билишим керак эди! Сен уни бирор жойда эсингдан чиқариб қолдиргандирсан-да?!

Туман газетасида ишловчи Олимжон Иброҳимнинг синфдош дўсти. У ёшлигидан китобга қизиқар, ўқиган ҳар бир китобини қадрлаб, кутубхонасида сақларди. Уйига келган меҳмонга биринчи навбатда кутубхонасидаги китобларини кўрсатиб мақтанар, кимдир китоб сўраб қолса, тезда қайтариб беришини қайта-қайта таъкидлаб, кейин берарди.

Кеча Иброҳим уларникига борганида машҳур ёзувчининг детектив асарига кўзи тушиб:

– Бир кунга бериб тур, кечаси навбатчиликда зерикиб ўтирмасдан ўқийман, – деди.

– Мен шу китобнинг электрон вариантини компютерингга ташлашим мумкин, – деди Олимжон китобни бергиси келмай.

– Йўқ, китобнинг ўзини варақлаб, ўқимоқчиман. Нима, китобингни мендан қизғанаяпсанми?

– Майли, фақат, эҳтиёт бўлиб ўқи, – деб Олимжон китобни худди жонли жонзотни силагандек меҳр билан силаб, Иброҳимга узатди.

Иброҳим шуларни эсларкан, кулгиси қистаб:

– Хавотирланма, китобинг бус-бутун, мана, турибди. Фақат мен уни ўқиб чиқишга улгурмадим. Азбаройи қизиқиб кетганимдан воқеалар қандай тугашини билгим келаяпти, холос. Китобнинг ярмидан кўпроғини ўқисам ҳам билолмаяпман, менга айт-чи, ўзи ўша аёлни ким ўлдирган?

– Жазмани.

– Ие, нега?

– Нимага ўлдирганини тушунтириш учун соатлаб гапиришимга тўғри келади.

– Менга, фақат воқеалар қандай якун топишини айтсанг, дегандим.

– Сен шу билан ҳаммасига тушуниб етаман, деб ўйлайсанми?

– Ҳа.

– Демак, сен учун китоб ўқишдан мақсад унинг натижасини билиш экан-да.

– Албатта.

– Аҳмоқ, китоб ўқиганда ундаги ҳар бир гапнинг маъзини чақиш керак.

– Нима учун?

– Эй Худо, бу қандай савол, нима учун эмиш?! Худди мана шу саволни бермаслигинг учун, гапирганингда сўзларинг маъноли бўлиши учун, ишлаганингда ишингга масъулиятли бўлишинг учун, оилангда фарзандларинг фахрланадиган ота бўлишинг учун, қисқаси, рисоладагидек инсон бўлишинг учун, тушундингми?

– Исминг Олим-ку, аммо ўзинг ғирт тентаксан. Менга шунча гапиргунча, воқеаларнинг қандай тугашини айтиб қўя қолсанг, тилинг узилармиди! Ўзи нима қилаяпсан, трубкадан ғалати товушлар эшитилаяпти?

– Мен ювиниш хонасида бир қўлим билан соқолимни олиб, иккинчи қўлимда трубкани ушлаб, битта аҳмоқ билан гаплашаяпман! Уйингда ҳатто бир дона эртақ китобга ҳам кўзим тушмаганидан билишим керак эди, сенинг маънавиятдан қанчалар йироқ эканлигингни! Менга китобимни қайтариб, бошқа ҳеч нима сўрама! – деб Олимжон трубкани қўйди.

– Оласан, ўша матоҳингни! – деди Иброҳим телефонни жаҳл билан столнинг устига қўйиб, муқоваси саргайган китобга кўз қирини ташларкан.

Одам ҳам шунчалик қўпол бўладими, у ўлса ҳам ўзгармаса керак! Эрталабдан асабимни бузди, ўзим унга қўнғироқ қилиб бекор қилдим. Лекин, барибир, китобдаги воқеалар қандай яқун топишини билишни истаяпман. Керак бўлса, вақт топиб қолган қисмини ўқиб оламан.

Олим менга маънавиятдан узоқсан, дедими? Вой ярамас, у менинг кимлигимни ҳалиям яхши билмайди, шекилли, ахир мен прокуратура ходимиман, менга нисбатан шундай сўзни ишлатишга қандай ҳадди сиғди?

Мактабни тугатганимдан бери бирон марта дўконга кириб бадий китоб харид қилмаганлигим, рост, сабаби – ишимдан ортмайман... Китоб ўқишга вақт қаёқда? Эрталабдан кечгача иш билан бандман, бўш вақтимда рўзгор ташвишлари дегандек... Тўй, базмларни қолдирсам, қатордан чиқиб қоламан. Олимнинг эса иши китоб ўқишдан иборат. Журналист-да, ўқийди, ёзади, шунинг орқасидан бола-чақа боқади. Барибир, тентак Олимнинг гапларига хафа бўлмаслигим керак...

У шундай ўйлар билан ўтирганида, рўпарасида турган хизмат телефони жиринглашидан чўчиб тушди ва трубкани кўтарди.

– Эшитаман...

– Ички ишлар бўлимидан қўнғироқ қиляпман, бир аёлни уйида ўлдириб кетишибди, қотиллик содир қилинган жойнинг манзилени ёзиб олинг.

Иброҳим ёзаркан:

– Жиноятчи маълум эканми? – деди.

– Йўқ, ҳозирча ҳеч нима маълум эмас, хайр.

Иброҳим трубкани қўймасдан, шу жиноят иши бўйича воқеа жойига тезда етиб бориши лозим бўлган прокуратура ходимларига қўнғироқ қила бошлади.

У катта терговчи Собиржон Мирзаевнинг уй телефони рақамини тераркан, бирдан тўхтаб, одатда Собиржон ака ишга барвақт келарди-ку, хонасига қўнғироқ қила қолай, деб ўйлаб, унинг хизмат телефони рақамини терди.

– Тинчликми, Иброҳим?

– Ҳозиргина қотиллик ҳақида хабар беришди.

– Манзилени айттинг, тезда етиб бораман, – деди Собиржон ва Иброҳимнинг айтганларини ёзиб олди.

* * *

Вилоят прокуратураси тергов бўлимининг бошлиғи Мурод Раҳмоновнинг хонасига саккизта ходим бундан уч кун илгари содир қилинган жумбоқли қотил-

ликнинг ечимини топиш учун йиғилишган. Ушбу қотиллик тўғрисида ҳар ким ўз фикрини билдириб, баҳслашишмоқда. Мурод ака тик турганича уларни тингларди.

У олтмиш ёшлардаги баланд бўйли, сочлари битта қораси қолмай оқарган, қошларига ҳам бир-иккита оқ оралаган, жуда сермулоҳаза, ҳаммани «сиз»лаб гапирадиган одам.

Мурод ака ўтирганларга «жим» дегандек, қўлини кўтарди ва Собиржондан воқеа тафсилотларини сўзлашни сўради.

Катта терговчи Собиржон Мирзаевга мазкур жиноят иши терговини олиб боришда гуруҳ раҳбарлиги топширилгани учун у жиноят ишининг ўзларига маълум бўлган тарафларини, ўртада у ёқдан-бу ёққа юриб, қисқача баён қила бошлади.

Собиржон ўттиз беш-ўттиз олти ёшлардаги ўрта бўйли, қорачадан келган, барваста гавдали, табиатан камгап, қарашлари ҳамиша жиддий, оғир, босиқ одам эканлиги боис, бир қараган кишига салобатли кўринарди. Унинг қалин қошлари ўткир боқувчи кўзларига яқинроқ жойлашган, сочлари вақтидан илгарироқ сийраклаша бошлаган эди. Собиржоннинг айримлардан ажралиб турувчи жиҳатларидан бири – у ҳар бир айтаётган сўзига эҳтиёткор, суҳбатдошининг гапларини диққат билан тинглаб, ҳар бир сўзининг асл маъзини чақишга ҳаракат қилиши эди.

Собиржон гапираркан, қўлидаги қоғозга қараб-қараб қўярди.

– Дастлабки суриштирувда аниқланишича, марҳума Бобоқулова Дурдонанинг ёши ўттиз учда, эри ва ўғли билан яшаган. Турмуш ўртоғи Бобоқулов Журъат ногирон, у фалаж, икки йилдан бери ўрнидан турмайди ва гапиролмайди. Марҳума эрига қарашга хизматчи ёллаган. Хизматчи Исроилова Насиманинг касби тиббий ҳамшира. У кечаю кундуз шу ерда яшаб, беморнинг соғлиғи ва унинг парвариши билан шуғулланган.

Ҳамширанинг айтишича, у ўша кечаси марҳуманинг рухсати билан уйига кетган. Уларнинг Жавлон исми ўғиллари бир йилдан бери чет элда коллежда таҳсил олаётган экан. Қотиллик содир қилинган тунда уйда фақат марҳума ва унинг эри бўлган.

Суд тиббий экспертизаси хулосасида кўрсатилишича, қотиллик 25 январдан 26 январга ўтар кечаси, тахминан, тунги соат икки-учларда содир этилган. Марҳуманинг бошига учи ясси жисм билан урилган, бундан у ҳушини йўқотган, кейин эса унинг қоқ юрагига икки марта пичоқ санчилган. Бобоқулова ана шу пичоқдан етказилган жароҳатлар оқибатида вафот этган.

Воқеа жойидан жиноят қуроллари топилмаган. Лекин залдаги овқатланиш столига яхшилаб эътибор берсак, у ерда шу кеча кимдир меҳмон бўлганлигини билиш қийин эмас, чунки йиғиштирилмаган стол устидаги буюмлар ҳаммаси иккитадан. Коньяк қолдиқлари билан турган иккита биллур қадаҳдан биридаги марҳуманинг бармоқ излари экани аниқланган, иккинчи қадаҳдаги бирмоқ излари номаълум шахсга тегишли. Унинг кимлигини аниқлаш жуда муҳим.

Марҳуманинг ўнг қўли кафтидан мана бу туморча топилди, – деб Собиржон целлофан пакетга солинган кичкина учбурчак шаклдаги туморни кўрсатди.

Терговчилар ўз тахминларини билдира бошладилар. Мурод ака уларнинг гапларни эшитаркан, бир қўли билан сочини орқага қараб силаб:

– Собиржон, жиноят иши бўйича бу ерда айтилган тахминларни умумлаштириб, қандай хулосага келганингизни эшитсак, – деди.

Январ ойининг охири бўлишига қарамай, хона иссиқлигиданми ёки кичикроқ хонада кўпчилик ўтиргани учун димиққаниданми, Собиржон кенг пешонасидан мунчоқ-мунчоқ чиқаётган терларни рўмолчаси билан артиб, тик гавдасини янада ростлаб, гап бошлади.

– Мурад ака, мен бу ерда айтилган тахминларни эшитиб, ўзимнинг фикрларимга таянган ҳолда, қотилликни очиш учун қуйидаги тергов тахминларини аниқлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Бизга маълумки, марҳума Бобоқулова Дурдона тижорат билан шуғулланган. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда биз марҳуманинг тижоратдаги ҳамкорларини, унинг таниш-билишларини, кимдандир катта миқдорда қарзи борлиги ёки ундан кимдир қарз олганлигини аниқлашимиз зарур.

Иккинчидан эса марҳуманинг юриш-туришини яхшилаб ўрганишимиз керак, деб ўйлайман.

Жиноят содир қилинган кечаси у билан бўлган шахсни қотилликка бевосита алоқадорлигини назарда тутган ҳолда, албатта, аниқлаш зарур.

Марҳума наркотик моддалар олди-сотдиси билан шуғулланганми-йўқми эканини текшириш лозим. Биз биламизки, наркобизнесга аралашининг оқибати, уларнинг ўзаро келишмовчилиги, одатда, ўлим билан тугайди. Бу ерда ҳам шундай ҳол юз берганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Биз тергов давомида бу ерда айтилган бошқа тахминларни ҳам иложи борича ҳал қилиб ўтишимиз керак. Юқорида айтилганларни аниқламай туриб, бирор хулосага келишимиз мумкин эмас, деган фикрдаман.

Ҳар бир ходимга бажариши лозим бўлган вазифалар белгиланиб, ўтирганлар тарқалишди.

* * *

Собиржон зинапоядан тушаётганида Иброҳим билан тўқнаш келиб, саломлашди.

– Собиржон ака, анави кунги жиноят ишидаги қотил топилдими? – деди қизиқувчанлик билан.

Собиржон унинг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи бўлимда ишласа ҳам, ҳар доим терговдаги жиноят ишлари билан қизиқишини, жиноятчи номаъ-

лум бўлса, қотил тўғрисида башорат қилиб, кейин ҳақиқатан ҳам башорати тўғри чиқдимиди-йўқми эканини аниқлаб юришини биларди.

– Ҳозирча, йўқ, – деди Собиржон.

– Марҳума нима иш қиларкан?

– Тижорат билан шуғуланаркан.

– Унда эри ўлдиргандир-да? – деди Иброҳим сочи калта қилиб олинган, гавдасига мос тушмаган кичик, чўзинчоқ бошини силаб.

– Эрини қотил дейиш учун бирор асосингиз борми? – деди Собиржон ажабланиб.

– Нимага деганда, тижоратчи аёллар уйларига кам келишади, уларнинг асосий вақти кўчада ўтади. Шунинг учун эри шўринг қурғур рашк туфайли ўлдириб қўйгандир, деб ўйлайман-да.

Иброҳимнинг гапларини эшитиб, Собиржоннинг юзидаги жиддийлик ўрнини енгил табассум эгаллади.

– Башоратингиз нотўғрилигини ҳозирданоқ бемалол айтишим мумкин. Унинг эри қотилликда шубҳаланишимиздан анча йироқда, – деди Собиржон.

– Нима, у хотинига шунчалик бефарқми? – деди Иброҳим таажжубланиб.

– У икки йилдан бери ўрнидан туролмайти, фалаж.

– Тушунарли, демак, у икки йил олдин курашда оғир яраланиб, қулаган экан, – деди Иброҳим ачиниш билан.

– Умид қиламанки, ҳаммаси тергөн давомида аниқланиб қолади. Мен бораёй, Иброҳим, шошаётган эдим, – деб Собиржон йўлида давом этди.

– Ўша «иш»-чи, мени қизиқтириб қўйди, бушроқ пайтимда ёнингизга чиқаман, – деди унинг ортидан Иброҳим.

– Майли, чиқинг.

Собиржон хонасига кириб, муҳокама қилинган жиноят ишининг ҳозиргача тўпланган ҳужжатларини варақлай бошлади. У жиноят ҳақида хабар берган Исроиловнинг кўрсатмасини қайта ўқиди:

– ...Мен эрталаб келиб эшик қўнғироғини босиб анча турдим, ҳеч ким жавоб бермади. Эшикни итарсам, очилиб кетди, қулфланмаган экан. Журъатнинг хонасига кирдим, шўрлик ҳар доимгидек, мени кутиб эшикка қараб ётарди. У гўлдираган овоз чиқариб, бир нима демоқчи бўлди, мен тушунмадим, қорни оч қолган, деб ўйлаб ошхонага кирдим. У ерда идиш-товоқлар тартибсиз ётганини кўриб, кеча мен кетганимдан кейин меҳмон келганга ўхшайди, деган фикрга бордим. Дурдона кўринмагани учун уни ювиниш хонасидамикан, деб «Дурдонахон, кеча меҳмон келибдида», дедим. У овоз бермади, ваннахонани очиб қардим, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Мен залга кирсам, гиламда Дурдона қонга беланиб ётарди...

Демак, воқеани биринчи бўлиб кўриб, хабар қилган Исроилова экан. Уларнинг хонадониди бир-икки йилдан бери беморга қараётган ҳам шу аёл. Унинг бу оила сирларидан озми-кўпми хабардорлиги аниқ, деб ўйлади Собиржон.

Шу пайт хонага деярли ҳамиша кўтаринки кайфиятда юришга одатланган, латифалари билан бошқаларни ҳам қулдирадиган ёш терговчи Фарҳод кирди.

У баланд бўйли, Собиржондан етти-саккиз ёшлар чамаси кичикроқ, оқ-сарикдан келган думалоқроқ юзи қулгу-табассумга мойил, ҳазиллашишни яхши кўрадиган йигит.

Фарҳод одатига кўра:

– Собиржон ака, жинойт иши муҳокамасида роса бошим оғриб кетди, менимча, сиз ҳам бундан мустасно эмассиз, келинг, янгисидан эшитинг, бир қулишайлик, – деди ва Собиржоннинг жавобини эшитмасдан, латифа айта бошлади: – Битта бландинка дугонаси билан автобусга чиқибди, қараса, бўш ўрин йўқ. У дугонасига кўзини қисиб, шу ўтирган чиройли йигитлардан қайси бири менга жой бераркин-а дебди. Автобусда ўтирган эркакларнинг ярми ўрнидан турибди! – деди жилмайиб.

– Бу билан нима демоқчисиз? – деди Собиржон сал қизарган юзида табассум билан турган Фарҳодга бошдан-оёқ норози қиёфада назар ташлаб, хаёлини бўлгани учун бироз асабийлашиб.

– Бу анекдот-ку, фақат кайфиятингизни кўтармоқчийдим, холос...

– Сизнинг ҳамма эркакларни қандайдир битта аёлнинг хушомадига учадиган лақмага чиқаришингиз қандай қилиб кайфиятимни кўтарсин!

– Ҳаммаси эмас, автобуснинг ярми дедим...

– Барибир эмасми, ундан ташқари, ўзингиз ҳам шу жинс вакилисиз, сал ўйлаб гапирсангиз-чи?

– Кечирасиз, бевақтроқ келдим, шекилли, – деб Фарҳод орқасига қайтди.

– Тўхтанг, жуда вақтида келдингиз, лекин латифани беўрин айтдингиз. Ҳозир ўзим сизнинг олдингизга чиқмоқчи эдим. Марҳума Бобоқулованинг ота-онасидан айрим нарсаларни сўрашимиз керак, уларникига борамиз, – деди Собиржон ўрнидан туриб.

– Унда мен уларни огоҳлантириб қўяй.

– Қўнғироқ қилганман.

Улар машинада кетарканлар, Фарҳод жимликни бузиб:


– Собиржон ака, янглишмасам, сиз бу жиноятнинг очилишига унчалик ишонмаяпсиз, тўғрими? – деди.

– Нимага дабдурустдан бундай фикрга бордингиз? – деди Собиржон йўлдан кўзини узмай.

– Билмайман, ўта жиддий бўлиб қолганингизгами ёки ҳатто латифа айтганимга дакки эшитганимгами, шундай хаёлга бордим.

– Балки тўғри ўйлаётгандирсиз, ҳақиқатан ҳам жуда чигал жиноят иши...

– Менимча, унчалик эмас. Биз ўша кечаси марҳума билан бирга бўлган шахсни аниқласак, қотил топилди ҳисоб, деб ўйлайман. Энг асосийси, бизга унинг бар-



– Сиз қотил бармоқ изларини қолдириб, ўзи қочиб кетиши мумкин, деган фикрдамисиз?

– Албатта, ахир у одам ўлдирган. Қилган ишидан саросимага тушиб, бармоқ изларини йўқотишни ҳам унутган. Ўзи аслида-чи, менинг назаримда, қотил маърума билан бир нимани келишолмай қолиб, уни ўлдириш фикри тўсатдан пайдо бўлган кўринади.

– Шунақамикан? Менимча эса ҳар қандай вазиятда ҳам, қотил биринчи навбатда бармоқ изларини йўқотишга ҳаракат қиларди...

– Қотиллик қуроли нима экани экспертиза хулосаларидан маълум. Ўзингиз ўйлаб кўринг, агар қотил одам ўлдириш мақсадида келса, оддий ошхона пичоғидан фойдаланармиди? Унинг одам ўлдириш учун махсус тайёргарлик кўрмасдан келганлиги, қайтариб айтаман, улар ўртасида қутилмаганда чиққан низони билдиради, – деди Фарҳод бармоғини бигиз қилиб, ўзини худди тажрибали изқуварлардек тутиб.

– Бўлиши мумкин, ҳамма нарса бўлиши мумкин... – деди Собиржон бу борада бирор қарорга келолмай.

Терговчилар қотиллик ҳақидаги ўз фикрларини айтиб, манзилга етиб қолганларини сезмай ҳам қолишди.

Кўриниши бошқа уйлардан деярли фарқ қилмайдиган оддийгина ҳовлининг олдида келиб тўхташди. Фарҳод эшик қўнғироғи тугмачасини босди. Эшикни етти-саккиз ёшлардаги бола очди. У афтини буриштириб олма чайнарган салом берди ва:

– Сизларга ким керак? – деди.

– Пирниёзов Жонибек аканинг уйими? – деди Собиржон.

– Ҳа, – деди бола ва олманинг нордонлигидан бошқа егиси келмади, шекилли, отиб юборди.

Шу пайт етиб келган эллик беш-олтмиш ёшлардаги узун бўйли, озғин киши йигитларнинг кимлигини сўрамасдан, бояги Собиржоннинг қўнғироғидан кейин ўзи уларнинг кимлигини фаҳмлаб, ичкарига бошлади.

У терговчиларни кираверишдаги юмшоқ мебел қўйилган жойда қолдириб, ўзи бошқа хонага кириб кетди. Собиржон бу ерни кўздан кечириб, унчалик ораста эмаслигини сизди. У папкасидан қоғоз салфетка чиқариб, кичик столнинг чангини артди. Пальтосини ечиб, ёнига қўйди.

Фарҳод эса эгнидаги енгил, ёшлар учун охирги русумда тикилган калта курткасини ечиш нияти йўқ эди. Унинг қорни оч қолган чоғи, тушлик вамида тикка турганича кимгадир қўнғироқ қилиб, қайсидир ошхонада ҳалиям ўшандай мазали кабоб тайёрланишини аниқлаш билан банд эди.

Бироздан кейин ҳалиги одам бир аёлни бошлаб чиқди. Собиржон бошини қўйи солганича юрган бу кишига қараб, марҳуманинг отаси шекилли, деб ўйлади.

Аёл йигитларнинг саломига алик олиб:

– Биздан нимани сўрамоқчисизлар? – деди кўрслик билан.

Собиржон ўзларини таништириб, унинг ҳам исм, фамилиясини сўраганидан сўнг:

– Инобат опа, биз қизингизнинг қотилини топиш мақсадида сизлардан айрим нарсаларни сўрамоқчи эдик, – деди аёлнинг гап оҳангига эътибор бермай.

– Жиноятчини топиш бу – сизларнинг ишингиз, бунинг учун фарзандининг доғида қон ютиб ўтирган ота-онасини безовта қилиш шартмиди?

Хотинининг гапларидан хижолат бўлган Жонибек ака:

– Айбга буюрмайсизлар, шу воқеадан кейин Инобат ўзини қўлга ололмапти. Сен ўзингни босиб, мана бу ерга ўтиргин, – деб унга креслони кўрсатди. – Майли, сўрайверинглар, биз билганимизча жавоб берамиз, – деди ва хотинига қараб бошини чайқаб қўйди.

Фарҳод савол-жавобларни ёзишга тайёрлаб, аллақачон компьютерни чиқариб, очиб қўйганди.

Собиржон Инобат опадан марҳуманинг оиласи, унинг тижорат ишлари ҳақида сўрай бошлади. Ино-

бат опа унинг саволларига ўзига малол келаётганини билдириб, қовоғини уйганича қисқа-қисқа жавоб берарди.

Гавда тузилиши худди Жонибек акага ўхшаб кетадиган ўттиз ёшлардаги йигит меҳмонларга салом бериб, столга чой келтириб қўйди. Собиржон йигитга раҳмат деб, ҳеч нима керакмаслигини айтди.

– ...Қизингиз Дурдона сизга кимдандир қарз олган ёки берганини айтмаганмиди? – деди Собиржон Инобат опага савол беришда давом этиб.

– Йўқ.

– Марҳума ўлдирилган тунда унинг ёнида яқинларидан кимдир бўлган, мен буни коньякдан бўшаган иккита қадаҳ турганига асосланиб айтаяпман. Ўша кишининг кимлиги ҳақида сизларда бирор шубҳа туғилмадими?

– Нималар деяпсиз, сиз ҳали қизимнинг пок руҳини чирқиллатиб, уни бузуқликда айбламоқчимисиз? – деди Инобат опа сакраб ўрнидан туриб. Унинг семиз гавдаси лўмбиллаб, қорачадан келган думалоқ юзи бўғриқиб кетди. Азадорлиги учун бошига ўраган қора рўмоли сирпаниб тушиб кетганини сезмай қолди. У асабийлашганидан эғнидаги қора свитерининг ёқасини тортиб-тортиб қўярди. Жонибек ака эгилиб хотинининг рўмолини ердан олиб унга узатди.

– Сиз мени нотўғри тушундингиз, унинг яқини деганда, яқин дугонасини, тижоратдаги яқин ҳамкорини назарда тутган эдим, – деди Собиржон босиқлик билан.

Инобат опа Собиржоннинг кейинги гапларидан сўнг сал ўзини босиб, беўрин гапириб қўйганини сизди. У рўмолини ўраб жойига ўтирди ва ингичка терилган қошларини чимириб:

– Дурдонанинг дугоналари кўп эди, лекин жуда яқин ўртоғи кимлигини яхши билмайман, – деди.

– Сиз унинг тижоратдаги яқинларининг номларини манзиллари билан айтсангиз, – деди Собиржон.

– Майли, фақат билганларимни, – деб Инобат опа Дурдонанинг дугоналарининг исмлари ва манзилларини айта бошлади. Фарҳод унинг гапларини тез-тез ёзаркан, улгурдим, дегандек, компьютердан бошини кўтариб қаради. Собиржон савол беришда давом этди.

– Эри соғлом пайтларида улар бирга яхши яшармидилар?

– Ҳа, турмушидан нолимаган. Шўрлик қизим эри ногирон бўлиб қолганидан кейин рўзгорнинг оғир юкини ўзининг нозик елкасига ортган эди. Унинг кечаю кундуз югурганига ким ҳам раҳмат айтарди.

– Нимани назарда тутаяпсиз? – деди Собиржон Инобат опага синчковлик билан қараб.

– Ўша жодугар қайнонасини-да! Унинг қотилини қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ, қизимни қайнонаси ўлдирган! Ҳа, мен буни аниқ биламан!

– Хотин, ўйлаб гапиргин, қудамизда айб йўқ! – деб Жонибек ака ўрнидан турди. У хотинини тинчлантиришга ҳаракат қиларди.

– Қудангизни қотилликда айблашга бирор асосингиз борми? – деди Собиржон.

– У ярамас хотин қизимга бир умр азоб бериб келган, ўглининг ногирон бўлиб қолишини қизимдан кўрарди, шунинг учун жигарбандимни ўлдириб, қасдини олган-да!

– Агар рухсат берсангиз, Инобат бироз дам олса, – деди Жонибек ака хотинининг елкасидан ушлаб.

– Майли, – деди Собиржон Жонибек аканинг таклифига қаршилиқ қилмай.

Улар ичкарига кириб кетганларидан сўнг Фарҳод компьютерининг четига бармоқлари билан уриб-уриб:

– Ана, холос... – деди.

Бироздан кейин чиққан Жонибек ака терговчиларга хижолатомуз қараб:

– Сизлар Инобатнинг гапларига унчалик эътибор берманглар, у қизимизнинг ўлиmidан қаттиқ изтиробда, шунинг учун нима деяётганини ўзи ҳам билмай-

ди. Қудамиз Ҳанифага келсак, у жуда яхши аёл... Сизлардан илтимос, Инобатнинг у ҳақдаги гапларини айтмади, деб ҳисобланглар, – деди.

Жонибек ака ўзига анча катта келганидан осилиб турган иссиқ жемфери енгидан бармоқлари зўрға кўриниб турган узун, бесўнақай қўлларини қаерга яширишни билмаган кишидай гоҳ уларни бир-бирига ишқалар, гоҳ бармоқларини қирсиллатарди. У аслида хотинининг гапларидан ўзини ноқулай сезаётгани билиниб турганди. Жонибек ака деярли сочи тўкилиб бўлган бошини силаб қўяр, бетартиб ўсган қалин қошлари остидан тик боқолмаётган кўзларини ердан узмасдан терговчининг саволларига жавоб берарди.

Собиржон Жонибек акадан ва унинг ўғли Бурҳондан мўлжаллаган саволларига жавоб олганидан сўнг улар билан хайрлашди.

Терговчилар йўл бўйи ҳозиргина сўроқ қилинган оила аъзоларининг кўрсатмаларини муҳокама қилиб, баҳслашиб, прокуратура биноси олдида машинадан тушарканлар, Фарҳод бошини ушлаб:

– Эҳ, жин урсин, бутунлай унутибман-ку!– деди.

– Нима, у ерда бирор нарсангиз қолиб кетибдими?

– Йўқ, ахир бугун тушликда кабобхўрлик қилишни режалаштирган эдим, эсизгина, ўша ошхона шундай йўлимизда жойлашган эди-я, – деди афсусланиб.

– Бугун бошқачароқ тушлик қилмоқчи экансиз-да, майли, ҳечқиси йўқ, ҳар доимгидек ишхонамизнинг ошхонасида овқатланиб қўя қоламиз. Сизга айтсам, муҳими, тезроқ овқатланиш, – деди Собиржон тез-тез юраркан.

– Нимага? – деди Фарҳод.

– Чунки жуда оч қолдим!

ТАҚЛИД

Терговчиларни кузатиб қўйиб, қайтиб келган Жонибек ака Инобат опа ўтирган хонага кирди. У креслода ўтириб, қиш бўлса-да, одати бўйича орқага сунянганича елпигични у ёқдан-бу ёққа секин айлантираётган хотинига бирпас қараб турди.

– Ҳа, нега туриб қолдингиз? – деди Инобат опа қовоғини солиб.

– Сен ҳаммасини жуда яхши билсанг ҳам, қудаларимизга тухмат тошларини ёғдиришдан тўхтамайсанми? – деди жаҳл билан Жонибек ака.

– Агар индамасам, Дурдонагинамни бузуқликда айбламоқчилар! Нима, сизнингча, жим ўтираверганим маъқулмиди? – деди Инобат опа елпигичини тез-тез айлантириб.

– Сен хотин, амақачон имонингни йўқотиб бўлгансан! Қизингнинг шундай ўлим топишига ҳам аслида ўзинг сабабчисан!

– Мен?!

– Ҳа, ўзинг! Уни узатганингдан кейин қандай маслаҳатлар берганинг, қизингни тўғри йўлга солиш ўрнига, куёвинг ва қудангни қандай қилиб лақиллатишни ўргатганларинг эсингдан чиқдимми? Унда, яхшилаб эслаб кўр, ана шундан кейин зора бегуноҳ одамларнинг тинч қўйсанг! – деди Жонибек ака бақариб. У гапирётганида озгин бўйнининг томирлари буртиб чиқиб, кўзлари катта-катта очилиб, қизариб кетди. Афтидан, Жонибек аканинг айтадиган гаплари кўп эди, бироқ у азбаройи асабийлашганидан бошқа гапиролмай, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Эшикнинг тарсиллаган овозигами ёки эрининг гапларигами, Инобат опанинг юраги бир қалқиб тушди, у умрида биринчи марта Жонибек аканинг қаттиқ гапларини жавобсиз қолдириб, кўзларини юмди. У эрининг айтганлари қанчалар ҳақ ёки ноҳақлигини ўйлай бошлади.

«Мен Дурдонани жуда эрка ўстирганим тўғри, чунки у акасидан сўнг туғилган ягона қизим эди, кейин эса Бурҳон туғилган. Бурҳон дадасига тортган, у ёшлигидан мен билан унча иши йўқ, фақат дадасига дум бўлиб, унинг гапларини, қилиқларини такрорлайди. Мен билан ўтириб она-болага ўхшаб гаплашмайди ҳам, қайсидир бир гапим ёқмай қолса, тезда ўрнидан туриб кетиб қолади. Уйланганидан сўнг мени умуман ёқтирмай қолди. У ортиқча пачакилашиб ўтирмай:

– Ойи, агар менга ёки келинингизга жуда-бежуда жаҳл қилсангиз, ҳақоратли сўзлар ишлатсангиз, уйдан кетаман! Мен ҳеч қачон дадамга ўхшаб тишимни тишимга қўйиб яшамайман! – деган.

Ана шундан кейин мен у билан жуда эҳтиёткорлик билан гаплашганман. Дўст-душманнинг орасида ўғли билан келинини уйига сиғиштирмади, деган гапга қолиш яхшими?»

Инобат опа ота-онаси оламдан ўтганидан кейин катта ўғли билан келинини уларнинг бўш қолган уйига кўчириб борган эди. Дурдонани турмушга узатиб, кичик ўғли билан эрини жини суймагани учун у кўпинча катта ўғлиникида, Тошкентда турарди. Катта ўғли билан эса у ҳамфикр эди. Ўғли унинг ҳар бир гапига қулоқ солар, бу эса Инобат опага ёқарди.

У Дурдонани софринганидагина орқага қайтганини эслади. Энди қизини ҳеч қаёқдан тополмаслигини ўйлаб, хўнграб йиғлади. Инобат опа йиғидан тўхтаб:

– Ҳа, менинг ягона сирдошим, маслаҳатдошим, қалбимнинг бир парчаси Дурдонам эди. Унга юрагимни ёзардим, у эса менга... Ҳар бир ишни мендан бемаслаҳат қилмасди. Уни ўлдирганни ўзим ўлдираман, ўз қўлларим билан! – деди пичирлаб.

«Наҳотки ўша мулойим супурги Толиб қизимни ўлдирган. Ўша кеча у билан бирга бўлган киши Толиб эканлиги аниқ. Лекин у нима учун Дурдонани ўлдирishi мумкин? Балки у эмасдир? Йўқ, унинг ўзи! Шунинг учун ҳам ўша кундан бери қорасини кўрсат-

майди, ҳеч қаерда йўқ. Қидирмаган жойим қолмади. Айбсиз одам қочиб юрармиди?

Бироқ мен у ярамасни терговчиларга ҳеч қачон айтмайман, чунки Дурдонани ўйнаши ўлдирган, деган гапга қолишни истамайман».

Инобат опа Дурдонанинг дўмбиллаб, атак-чечак қилиб юрган кезларидан то ҳозирги кунгача бўлган даврларини эслаб, эсиз, эсиз, деб кўзларига ёш келди.

Инобат опанинг ота-онаси вилоятдан бориб Тошкентда яшаб қолганлар, лекин у шу ерда туғилгани учунми, ўзини Тошкентлик деб билар, болаларининг уни «ойи» деб аташларини истади. Дурдона ҳам уни шундай атарди...

Инобат опа, айниқса, қизининг кўриниши ўзига ўхшашлигини жуда ёқтирар, уни еру кўкка ишонмасди. Унинг ҳар бир қилиғи ҳам ўзига ўхшашини истарди. Агар Дурдона хоҳ яхши, хоҳ ёмон, онаси ёқтирмаган бирор иш қилиб қўйса, Инобат опа унга дарров танбеҳ берарди.

Ўшанда Дурдона саккизинчи синфда ўқирди. У дугоналари билан китоб магазинига бориб, таниқли ёзувчининг романини сотиб олди. У уйга келиши билан китобни онасига кўрсатди.

– Ойи, ўқитувчимиз синфдан ташқари ўқишга бир қанча китобларни айтган эдилар, мен биттасини харид қилдим.

Инобат опа китобни қизининг кўлидан юлиб олиб, орқасига қаради.

– Вой, тентак, шунча пул сарфлаб китоб оласанми?

– Агар шуни сотиб олмасам, олдинги сафаргидек, қизлар менга ғалати қарашарди.

– Қандай қарашганининг нима фарқи бор? Бунинг пулига чиройли сочбоғич берарди. Уни тақсанг, ҳамманинг кўзи сенда бўларди. Бор, қайтариб бер! – деб Инобат опа китобни Дурдонанинг кўлига тутқазди.

– Қаерга?

– Қаерга дейди-я, ўша дўконга-да, иккинчи бундай аҳмоқлик қилма, тушундингми?! – деди Инобат опа унинг бошига кўрсаткич бармоғи билан ниқтаб.

– Ойи, қайтариб олмаса-чи?

– Пулни қайтариб бермасангиз, ойим ўзлари келарканлар, дегин!

Дурдона китобни топшириш учун магазинга кетди, бирпасдан кейин қайтиб келган Дурдона онасига қараб:

– Топширдим... – деди норози оҳангда.

– Пули қани?

– Мана, – деб у кафтидаги тердан намланган пулни онасига узатди.

– Бу бошқа гап, иккинчи бундай бемаъни ишга қўл урмагин, хўпми?

– Хўп...

– Қизим, менинг гапларимни яхшилаб қулоғингга қуйгин. Сен ҳали ёшсан, пулни қадрлашни билмайсан, пул бу – инсоннинг куч-қудрати, агар пулинг қанча кўп бўлса, сени ҳамма шунча кўп ҳурмат қилади, сен эса хоҳлаган ишингни қиласан, истаган жойингда хоҳлаганча оғзингни тўлдириб гапирасан, қани биров сенга қарши чиқсин-чи. Ҳеч ким «гинг» демайди, ҳатто сен айб иш қилсанг ҳам. Шунинг учун ҳам, қандай йўл биланлигининг фарқи йўқ, пул, бойлик орттиришга ҳаракат қилиш керак. Билиб қўй, катта бойликка интилаётган киши ҳеч нимадан тап тормайди... Сени қара-ю, одам пулни кераксиз нарсага сарфлайдими?

Дурдона мактабда ўқиб юрган вақтлариданоқ онасига тақлид қиларди. У сочини онасиникидек қилиб қирқтирган, ўқитувчиларнинг эътирозларига қарамай, онасига ўхшаб бўянарди. Унинг лўппи, қорача юзида онасиникига ўхшаган кулгичлари борлигидан фахрланарди.

Инобат опа қизининг мактабни битирув кунида жуда очилиб кетганини эслади. Балки ўша куни у Журъатни кўрмаганида ҳозир тирик юрармиди, де-

ган фикрга борди. У хўрсиниб қўйиб, лекин барибир кимгадир турмушга чиқарди-қу, деб ўйлади. Бироқ бошқага турмушга чиққанида, балки ўша бошқа куёв Дурдонанинг гапларига лаққа тушмай, уни тўғри йўлга бошлармиди, яна ким билади? Бу ёқда эса мен...

Инобат опа қизининг Журъат билан танишгани ва ундан кейинги ҳаётини эслай бошлади.

ДАРЗ КЕТГАН ОИЛА

Дурдонанинг дуркунгина, келишган қадди-қомати-га ярашган пуштиранг, сўнги русумда тикилган қўйла-ги мактабни битирув оқшонида ҳаммани ўзига қараш-га мажбур этарди. Битирувчилар хиёбонда сайр қилиб юрганларида ўртоқлари билан ўтирган Журъатга тасо-дифан Дурдонанинг кўзи тушди. Журъат институтни тугатиш учун охириги давлат имтиҳонини топшириб, шу куни дўстлари билан айланиб юрган эди.

Дурдонанинг бегона йигитдан кўзини узолмай қол-ганини сезган дугонаси Мардона:

– Ҳа, тинчликми? – деди.

– Келишган йигит экан...

– Унга қараб овора бўлма, анча пишиқ кўринади, биздақаларга қиё боқадиган йигитга ўхшамайди.

– Балки сенга боқмас, лекин менга кўзи тушса, бе-фарқ қолмаслигини биламан, – деди Дурдона қошлар-ини кериб.

– Намунча, сенинг бошқалардан қаеринг ортиқ экан? – деди Мардона мийиғида кулиб.

– Қаерим ортиқлигини кўрсатиб қўяйми? – деди Дурдона.

– Нима қилмоқчисан?

Уларнинг баҳсларини қизиқиб эшитаётган бошқа қизлар ҳам суҳбатга аралашишди.

– Ҳа, Дурдон, бир ўзингни кўрсатиб қўй! – деди то-мошаталаб Сабоҳат. Бошқа қизлар ҳам уни ўраб олиш-ди.

– Ўзи нима қилмоқчисан, илтимос, бачкана қилиқ қилмагин, хўпми? – деди Мардона.

– Ҳозир кўрасанлар, фақат жим туринглар, сен мен билан юр! – деб Дурдона ўзидан бўйи пастроқ, оддийгина кийинган Фотиманинг қўлидан ушлаб, йигитлар ўтирган томонга юрди. У йигитларнинг ёнидан ўтаётганида атайлаб уларга эътибор бермай, шошиб кетаётганга ўхшаб тез-тез юрди ва сал юрганидан кейин вой, деб «оёғи қайрилиб», ўтириб қолди.

Дурдона нишонни жуда тўғри олганди, ҳақиқатан ҳам Журъат унга бефарқ қарамади. У худди Дурдонанинг кўнглини сезгандек, ўрнидан туриб қизлар томонга келди.

– Нима бўлди, ёрдам керак эмасми? – деди Журъат.

– Оёғим...

– Ўрнингдан туришга ҳаракат қил, Дурдона! – деди Фотима унинг ерда ўтириб олганига хижолат бўлиб.

– Ҳозир...вой, туролмаяпман, синган, шекилли! – деди Дурдона ваҳима билан.

– Келинг, ёрдамлашаман, – деб Журъат унга қўлини узатди.

– Керак эмас, ўзим...

– Келинг, яхшиси мен сизни уйингизгача кузатиб қўяман, – деб Журъат Дурдонани даст кўтариб, юра бошлади. Унинг жўралари:

– Ие, бу ёғи қанчадан тушди?! – дейишса, Дурдонани кузатаётган дугоналари:

– Ана, холос!.. – деганларича оғизларини очиб қолишди.

– Вой, бу нима қилганингиз, мени қаерга кўтариб кетаяпсиз? – деди Дурдона Журъатга кўзларини сузиб.

– Хавотирланманг, машинам турган жойга, кейин сизни дугонангиз билан уйингизга олиб бориб қўяман.

Дурдона ёлғондакам инқиллаб қўйди.

Журъат Дурдонани уйига обориб қўйганидан ке-йин:

– Кўнғироқ қилиб аҳволингизни сўрасам майлими? – деди.

Дурдона унга телефон рақамини берди.

Шундан кейин Журъат Дурдонани бир нафасга ҳам унутмади. Охири унинг «бошини иккита» қилиб қўйиш ниятида қиз қидираётган онасига Дурдонага уйланишини айтди. Ҳанифа опа ўғлининг қароридан бироз ажабланиб:

– Ўзи у қизни яхши биласанми, ўғлим? – деди.

– Тушунмадим?

– Айтаётган қизинг билан анчадан бери гаплашиб юрибсанми?

– Йўқ, опа*, уни атиги бир марта кўрдим, холос, – деди Журъат.

– Ҳазиллашма болам, мен сендан жиддий сўраяпман.

– Опа, рост айтаяпман, мен у қизни бир кўришда ёқтириб қолдим. Уйини биламан, агар сиз хоҳласангиз, олиб боришим мумкин, – деди Журъат ерга қараб.

– Шунақа дегин... – деб ўйланиб қолди Ҳанифа опа. Деярли ҳар бир гапига мақол қўшиб гапиришни одат қилган Ҳанифа опа бироздан кейин: – Синадингми – сев, синамадингми – қўй, дейишади. Ўғлим, назаримда, шошқалоқлик қилаяпсан-ов, – деди.

– Сиз ҳам у қизни кўрсангиз, яхши кўриб қолишингиз аниқ, опажон, чунки у жуда чиройли!

Ҳанифа опа ўғлининг гапларини эшитиб:

– Ўғлим, гап фақат чиройда эмас, ҳусн тўйда керак, ақл кунда керак, бу – умр савдоси. Сен шошилма, у қизни яхшилаб ўрган, кейин ўзинг ҳам у билан бахтли бўлишингга ишончинг комил бўлганидан сўнг гаплашармиз. Билиб қўй, сулув бўлган билан ёр бўла олмас, туя бўлган билан нор бўла олмас, – деди.

* * *

Журъат Дурдоналарнинг уйи атрофидан кетмай қолганди. У онасининг гапини ерда қолдирмай, Дур-

* Онани баъзи шевада шундай аташади.

дона билан учрашиб, у билан гаплашиб юрди, аммо қизнинг феълини яхши тушунмади.

«Мен илгари қизлар билан яқиндан танишмаганман, уларнинг қандайлигини билмайман. Шунинг учун ҳам Дурдонани тушунмаётгандирман, балки бошқа қизларнинг феъли ҳам шундайдир? Энг асосийси, мен уни яхши кўраман, у жуда гўзал, ҳеч қачон унга ўхшаш қизни учратмаганман», деб ўйлади Журъат.

Шу орада Дурдона унга совчилар кўпайганини, ойиси кимгадир узатмоқчи экани ҳақида гапирди. Журъат ундан ажраб қолишидан қўрқиб, буни дарров онасига айтди.

– Ўғлим, ҳовлиқма, мен у қизнинг оиласи ҳақида ҳали бирор яхши гап эшитмадим. Айтишларича, унинг онаси жуда ўзига бино кўйган аёл эмиш, эрини бир пулга олмас экан...

– Опа, мен унинг оиласи билан ишим йўқ, мен Дурдонага уйланмоқчиман!

– Лекин онасини кўриб, қизини ол, дейишади-ку.

– Нима дейишса дейишар, мен фақат Дурдонага уйланаман!

Она-боланинг суҳбатлари қулоғига чалинган Матназар ака гапга аралашиб:

– Хотин, сенга ҳайронман, нима қиласан бошингни оғритиб, ахир Журъат у қизни яхши кўриб қолгани кўриниб турибди. Сенинг мингта мақолинг ҳам унга таъсир қилмаяпти, яхшиси, уни ўша қизга уйлантирамиз, кўямиз! – деди.

Одатда, Матназар ака кўп ўйланиб ўтирмай, дарров бир қарорга келиб қўя қоларди. У бу сафар ҳам худди шундай қилиб, масалага нуқта кўйиб гапирган эди.

– Дадаси, бизнинг бу борада тажрибамиз камроқ, чунки катта ўғлимизни энди уйлантираяпмиз, келинг, яхшиси буни қариндошлар билан маслаҳатлашайлик. Айтишади-ку, маслаҳатли тўй тарқамас деб, – деди Ҳанифа опа ўғлининг кўнглига тегишдан қўрқиб юмшоқлик билан.

– Э, нима қиласан чўзиб ўтириб, икки ёш бир-бирларини яхши кўргандан кейин дарров тўйни бошлайвериш керак! – деди Матназар ака ва шошаётганини айтиб, чиқиб кетди.

Журъат дадасининг гапига қувонганидан у ҳам Дурдонага буни билдириш учун йўлга отланди. Ҳанифа опа эса:

– Тарки одат – амри маҳол, деб тўппа-тўғри айтишган экан. Шу шартталиқ, етти ўлчаб, бир кесишни билмаслиқ одатингиз бир умрга зиён келтирса ҳам, барибир, ташламайсиз, ишқилиб, бу сафар ўғлимизга бахт келтирсин-да... – деди у ўзига-ўзи.

* * *

Туйдан кейин Дурдона бинойидек келин бўлиб, ҳовлида супур-сидир, ошхонада пишир-қуйдирни бошлаб юборди. Ҳанифа опа унга секин-аста маслаҳатлар берар, Дурдона ҳам, хўп ойижон, деб чарчаш нималигини билмай, ҳамма ишларни бажарарди.

Ҳанифа опа ишлайдиган шифохона уларнинг уйдан унча узоқ эмас эди. У кўпинча тушлик пайтлари келини ва кичик ўғли Файрат билан бирга овқатланиш учун уйига келарди. Бу пайтда Матназар ака ўзининг савдо ишлари билан юрар, Журъат эса иш жойи узоқлиги учун тушликка уйга келмасди.

Бир куни Дурдона онасиникига меҳмонга борди. Инобат опа қизи билан гаплашиб тўймас, у қизини жуда соғинган эди. Улар ҳовлидаги супада ўтирардилар. Инобат опа Дурдона ёзги узумларни яхши кўргани учун дастурхонга узумларнинг ҳар хил туридан қўйган эди. Дурдона кўрпачада оёғини узатганича, бошини онасининг елкасига қўйиб, у-бу нарсалардан чимдинарди. Инобат опа уни дастурхондаги нознеъматлардан еб ўтиришга қистаб, қизининг сочларини силаб, эркалатаркан:

– Қизим, чарчамаяпсанми? Анави хотин сени хўрламаяптими? – деди.

– Қайси хотинни айтаяпсиз? Агар, ойижонни назарда тутаётган бўлсангиз, у жуда яхши аёл экан. Фақат менга ёрдам беради, билмаганимни тезда ўргатиб қўяди, – деди меҳр билан Дурдона.

Инобат опа титраб кетди, қўллари Дурдонанинг сочларини силашдан тўхтаб қолди. Наҳотки, жонидан ортиқ кўрган қизи кимнингдир уйига бориб, бошқа бир хотинни ўз онасидан ҳам ортиқ кўриб, «ойижон» деса?! Дарров-а! Йўқ, мен бунга йўл қўймайман, ҳеч қачон, деб ўйлади у.

– Сен у аёлни ойижон, дедингми? – деди Инобат опа қизининг бошини қўллари билан ўгириб, юзини ўзига қаратиб.

– Бўлмаса, нима дейишим керак?

– Ахир бу ерда «ойижон» дейишмайди-ку, «ойи» деб фақат тошкентликлар айтади, сен нима учун уни бундай атадинг, қайнонам дегин, тушундингми?

– Ҳа... Лекин улар менга, Дурдонахон, менинг қизим йўқ эди, билиб қўй, сен энди келиним эмас, қизимсан. Шунинг учун ҳам мени ўз онангдек кўр, онангни нима деб чақирсанг, менга ҳам шундай мурожаат қилавер, деганлар. Шунинг учун мен худди сизга айтгандай, уларга ҳам «ойижон» дегандим...

– Шунақами... Мен билан маслаҳатлашмай унга «ойижон» деб қўйибсан, нима ҳам қилардим, майли. Айтиб қўяй, фақат унинг ўзига ойижон, дейишинг мумкин, лекин ўзи йўқлигида қайнонам деб гапир, чунки қайнона ҳеч қачон ойинг бўлолмайди, буни яхшилаб уқиб ол!

– Хўп, ойижон. Мен ҳали унга ҳеч нима деганим йўқ, чунки унинг олдида гапирмаяпман.

– Бу нима деганинг, у ерга борганинга бир ой бўлаяпти, ҳалиям нафасингни ичингга ютиб, гапирмай юрибсанми? Сенга айтганман-ку, бу ернинг удумларини ипидан игнасигача бажараверма, деб! Қайнонанинг ҳурматини жойига қўйиш – унинг ёнида товушини чиқармаслик билан белгиланармиш! Асло ундай

қилма. Овозингни баралла қўйиб гапиргин. Унинг ҳар бир гапига жавобингни олдиндан тайёрлаб қўй! Ана шунда у сенга камроқ зуғум қилади, тушундингми?

– Ҳа...

– Бу гапларга қаёқданам сенинг ақлинг етсин, сен шўрликни ҳеч нимани билишга улгурмасдан, мактабни тугатишинг биланоқ узатиб юбордим, – деб Инобат опа кўзига ёш олди ва қизининг сочларини силашда давом этди.

– Тўғри, мен сиз нимани ўргатсангиз, шундай қилгандим.

– Агар биз Журъатни қўлдан чиқарсак, ким биларди, бошқа бундай имконият келармиди ёки йўқми?

– Қандай? – деди Дурдона онасининг гапларига унча тушунмай.

– Бадавлат оиланинг ўғли сенга оғиз солишини айтаяпман-да. Бояги саволимга жавоб бермадинг, у ерда чарчамайяпсанми?

– Бироз...

– Ўзи нима ишлар қиласан?

– Супур-сидир, ҳар куни уч марта овқат пиширман, идиш-товоқ юваман. Кир-чир дегандек, ойижон ҳам ёрдам берадилар...

Инобат опа қизининг гапини бўлиб, бошига секин туртиб яна эслатди:

– Ойижон дема, қайнонам, дегин!

– Қайнонам... Ойижон, уни нима учун ёмон кўриб қолдингиз?

– Чунки у айёр хотин сенинг ҳали гўдаклигингдан фойдаланяпти, сен буни тушуниб етмаяпсан.

– Тўғри, ҳеч нимани тушунмаяпман, ўзи нимани тушунишим керак?

– У катта бир оиланинг ҳамма юмушини сенга ташлаб қўйган, сен бечора эшшакдек лўкиллаб, уларнинг хизматидасан. У киши, мен дўхтирман, деб ишга кетадилар.

– Ишга кетмай, нима қилсин?

– Агар билсанг, бадавлат оилаларда битта-иккита хизматчи ишлайди. Нима, мен шундай соҳибжамол қизимни уларникига оқсочликка берганманми? – деб Инобат опа яна қизининг юзини силаб қўйди.

Онасининг гаплари Дурдонага маъқул туша бошлаганди. У ичида, тавба, нима учун шуларни илгарироқ ўзим уйлаб курмабман-а, ойим жуда ақлли аёлда, дерди.

– Ойижон, нима қилишни маслаҳат берасиз? – сўради у.

– Сен яхшилаб мияннга жойлаб олгин, биринчи навбатда, эринг «гаҳ» десанг, қўлингга қўнсин.

– Қандай қилиб?

– Сен у ишдан келиб хоналарингга кириши билан қайнонангни ёмонлашни бошла!

– Нима деб, ахир унинг ҳеч қандай ёмонлиги йўқ- ку?

– Сени уззу кун уйида ишлатиб қўйиши ёмонлик эмасми? У олий маълумотли, ўқиган аёл, шунинг учун ёмонликни ҳам ўзингга билдирмасдан, жуда культурний бажаради-да. Ўзи эса бизнинг оилани, мени, сени саводсиз одамлар деб менсимайди, фақат буни билдирмай, ичида ўйлайди.

– Шунақамикан?

– Албатта, мен сени алдармидим, қизим?

– Йўқ, ойижон...

– Аслида-чи, унинг бизни менсимасликка ҳаққи йўқ! Олий маълумотлиман, деб нимасига кеккаяди, мен гердайсам арзийди, чунки Тошкентдай шаҳарда, пойтахтда туғилиб, у ерда мактабда ўқиганман! У қайси институтда ўқиган бўлса ҳам менга барибир, мен учун у вилоятда ўсган битта қишлоқидан бошқа ҳеч ким эмас! Сен ҳам унга шундай назар билан қарагин, тундундингми?

Дурдона онасининг қайнонасига нафрати боисини тушунмас, унинг назарида онаси ўзининг асли қаерлик эканини ҳам унутиб юборгандек туюлиб, қўрқаписа эслатиб қўйди.

– Ойижон, сизнинг ота-онангиз ҳам асли тошкентлик эмас, шу ерлик-ку...

– Мен ота-онам тўғрисида гапирмаяпман, гап сен ҳақингда. Мен нима десам, сенинг фойдангни ўйлаб айтаяпман, шунинг учун гапимдан хато излама! – деди Инобат опа қизининг сўзларига бироз асабийлашиб.

– Тушундим, ойижон, сиздан бир нарса сўрасам майлими?

– Сўрайвер.

– Ойи, тошкентлик йигитлардан бирини эмас, дадамини қандай қилиб яхши кўриб қолгансиз? Сизлар бутунлай бошқа-бошқа одамсизлар-ку?

– Мен уни ҳеч қачон яхши кўрмаганман...

– Ахир сиз уларни деб, ўзингиз айтгандек, Тошкентдек шаҳардан бу ерларга келиб қолганингиз тўғри-ку.

– Бунинг тарихи узун, қизим, фақат сенга бир нарсани айтишим мумкин. Агар мен ўша пайтда бизни киди ижарада туриб ўқиётган анқов талаба – даданга турмушга чиқмаганимда, катта акангни эрсиз туғиб, шарманда бўлардим...

– Вой, ойи, ҳали акамнинг дадаси бошқа одамми?!

– Мен сенга унақа демадим! – деб Инобат опа гапни бошқа томонга бурди. – Сен бу гапларни қўй, яхшиси, ўзингнинг келажагингни ўйла. Етарлича ҳаёт тажрибасига эга онангнинг гапларига қулоқ сол. Мен сенинг кимлардандир хўрланиб, кимнингдир хизматини қилиб, чўрилардек эмас, ҳеч кимга тобе бўлмасдан, бой-бадавлат, маликалардек яйраб яшашингни истайман. Гапларимга кирсанггина бунга эришасан. Шунинг учун сен менинг ҳар бир гапимни иккиланмай тўғри қабул қилишинг керак.

– Ойижон, ҳар доим айтганларингизга қулоқ солганман...

– Ҳа, баракалла, сен эрингга онасининг бирпас тиним бермай иш қилдиришини, унинг хўрлашини, ҳақоратлашини айтиб, йиғла! Бир амаллаб жанжал чиқаришга баҳоналар топ!

– Лекин ундай эмас-ку? Уларнинг уйида жанжал чиқариш ҳам қийин, чунки улар бир-бирлари билан жуда аҳил. Мен айрим пайтлари ўзимизнинг уйимиздаги бақир-чақирларни эслаб, уларнинг уйидаги осудалиқдан таажжубга тушаман. Улар хотиржам, бир-бирларига қовоқларини уймасдан қандай яшашаркин?

– Сен уларнинг қандай яшашларини менга гапирмай қўя қол. Яхшиси, маслаҳатларимга қулоқ сол. Жанжал чиқаришдан осони бор эканми? Астойдил уринсанг, ҳар бир гапдан, ҳатто у гап сени мақташга қаратилган бўлса ҳам жанжал чиқариш мумкин. Сенга қилинган ҳар бир яхшиликдан ҳам битта ёмон томонини топиб, шуни катталаштириб йиғи-сиғи қилиш мумкин.

– Ойижон, ҳаммаси жойида, яхши-ку. Тинчгина яшайверсам-чи, ахир уйда тўполон кўтаришимдан нима фойда...

– Урушдан нима фойда, дейди-я! Бу айти муддао-ку, тентак!

– Нега, ахир мен Журъат акамни яхши кўраман, уни хафа қилишни истамайман!

– Нодон қиз! Эрингни яхши кўриб, умрбод унинг чўриси бўлиб қолишни хоҳлайсанми?!

– Чўриси эмас...

– Ҳайронман, мен туққан қизга ўхшамаяпсан! – деди Инобат опа юзини ўгириб.

– Нимага, ойижон?

– Наҳотки, уйда уруш-жанжал қанча кўп чиқса, эрингнинг кўзига онаси балодек кўринишини билмасанг? Кейин эса қайнонанг ўғли билан оралари жуда ёмонлашишининг олдини олиш учун сизларни алоҳида чиқариш пайига тушишига ақлинг етмаса?

– Алоҳида?

– Ҳа-да, бу иккаламиз учун ҳам жуда яхши. Сен қачон қайнонам рухсат берса, ойимникига бораман, деб ўтирмасдан, хоҳлаган пайтингда уйимизга келсан, истаган жойингга бораверасан, кўнглинг нимани

тусаса, шуни қиласан, мен эса сенинг уйингга соғинганимда бориб тураман.

– Ҳа, гап бу ёқда экан-да, ойижон, ўзимнинг ақлли ойижоним, – деб Дурдона онасини қучоқлади.

– Мен сенинг эмин-эркин, сиқилмасдан яшашингни истайман, қизим.

– Ўзим ҳам шуни хоҳлайман!

– Лекин қизим, мендан бемаслаҳат ҳеч ишга қўл ура кўрма, хўпми? – деб Инобат опа дастурхондаги ҳусайни узумдан бир дона олиб қизининг овзига солди.

– Хўп, ойижон, қайнонамнинг гапларини битта қўймай сизга етказаман, чунки у мен тушунмайдиган бирор нимада айёрлик қилиши мумкин, – деди Дурдона узумни чайнардан.

– Ҳа, жуда тўғри, қизим...

* * *

Дурдона онасининг маслаҳатларидан кейин ўзгариб қолди.

У эри ишдан келиши билан қовоғини уйиб оларди. Журъат бунинг сабабини, сўраганида, уйдаги ишлардан чарчаётганини айтарди. Журъат эса унинг гапларига эътибор бермай:

– Майли, уй юмушларини секин-аста бажарсанг ҳам бўлаверади. Уйимизда ўзи оғир иш ҳам йўқ-ку, опам ёрдам бераяптилар, – дерди.

Ҳанифа опа келинидаги ўзгаришни унинг ҳомилидорлигидан, деб ўйлади ва унинг инжиқликларига парво қилмай, Дурдонани авайлаб-асрашда давом этарди. «Келиним бизни куттириб қўймай, тўйдан икки ой ўтиб-ўтмай, бошқоронғи бўлди. Мен неварамнинг соғлом туғилиши учун қўлимдан келган ҳамма ишни бажараман», деб ҳатто Дурдонанинг овқат пиширишига ҳам йўл қўймасди. Унинг ўзи елиб-югуриб келинининг кўнгли тусаган таомини пиширарди.

Дурдонани шифохонага олиб бориб қон таҳлилини, ҳомиласининг ривожланишини текширтирган

Ҳанифа опанинг қувончи бир олам эди. У шу куни кечки дастурхонни ҳар доимгидан ҳам чиройлироқ безади. Стол кузги ширин-шакар меваларга тўлиб кетган эди.

– Бугун ниманидир нишонлаймизми дейман? – деди Матназар ака дастурхонга қараб кайфияти кўтарилиб.

– Ҳа, дадаси, неварамизнинг эсон-омон ривожланиб, вақти-соатида дунёга келишини тилаб, то у туғилгунча дастурхонимизни ҳар доим шундай безатамиз!

– Унда невараларимиз қанча куп бўлса, бизга шунча маза экан-да.

– Албатта, иноқ оилада – бешик бўшамас, дейишадди, кўп ўтмай тойчоғимизнинг сингласини кутиб олишга тайёрланиб ўтирсак, ажаб эмас. Бу ёғини сўрасангиз, кутаётган неварамиз ўғил экан!

– Э-э, бу жуда яхши хабар-ку, хурсандман! Болаларим, сизларни табриклайман!

– Дўхтирларнинг айтишича, худога шукур, падавонимиз яхши ривожланаётган экан! Бугун ҳаммасини аниқлатиб келдик, – деди севиниб Ҳанифа опа.

– Баракалла, – деди Матназар ака.

– Раҳмат, опажон, – деди Журъат.

– Вой, нимага раҳмат деяпсан, ўғлим?

– Ҳаммаси учун-да. Менинг зиммамдаги ишни ҳам ўзингиз бажараяпсиз.

– Унақа дема, болам, хафа бўламан. Ахир биринчи неварамнинг дунёга келишини интизорлик билан кутаяпман! Болагинамнинг боласи – қандак ўрикнинг донаси, – деди Ҳанифа опа ва кулиб Дурдонага қаради.

Дурдона эса уларнинг гапларига қўшилмай, қовоғини солиб ўтирарди.

Овқатланганларидан кейин хоналарига кирганда Журъат Дурдонанинг хафалиги боисини сўради.

– Қувонишимга бирор асос борми? – деди Дурдона тескари қараб.

– Бу нима деганинг, ота-онамизнинг қанчалик севинишаётганини кўрдинг-ку, ахир фарзандли бўла-
япмиз!

– Наҳотки, бу гапларни сиз айтяпсиз?

– Тушунмаяпман, нима демоқчисан, ўзи?

– Агар бугун УЗИга борганимизда менинг аҳволим-
ни кўрганингизда эди...

– Очиқроқ гапирсанг-чи...

– Агар билсангиз, ҳамма келинлар эрлари билан бо-
риб, экранда боласининг қандай ётганини биргалик-
да томоша қилиб, бахтиёр юрганларини кўриб
кўнглим ўксиди, – деб Дурдона юзларини бекитиб
йиғлади.

– Вой, жиннивой, нима экан, дебман-а! Шунга ха-
фамисан? Янаги сафар бирга борамиз, – деб Журъат
уни бағрига босди.

Дурдона силтаниб чиқиб:

– Агар онажонингиз рухсат берсалар! – деди.

– Тушунмадим?

– У киши менга яқинлашишингизга йўл қўймади-
лар-ку. Тўғриси айтинг, биз бошқаларга ўхшаб
етаклашиб концертларга, киноларга бораяпмизми?
Ҳатто биринчи фарзандимизнинг қорнимда қандай
ётганини кўриш учун боришга ҳам сизни қўймади-
лар.

– Бунда онамнинг нима айби бор, ахир менинг вақ-
тим йуқ эди-ку?

– Агар онангиз ўзим олиб бораман, сен ишингдан
кеч қолиб юрма, демаганларида, мен билан борардин-
гиз! – деб Дурдона кўз ёшларини артди.

Журъат ўйлаб қолди, у ичида хотинининг гаплари-
га беихтиёр қўшилиб:

– Мени кечир, сен билан боришим керак эди... – деди
гуноҳқорона оҳангда.

Ана шундан кейин Журъат Дурдонанинг гаплари-
га катта эътибор билан қарай бошлади. У «нима учун
илгари хотинимнинг сўзларига унчалик аҳамият бер-

маган эканман? Энди Дурдонани хафа қилмаслигим керак, ахир фарзандимизни кўтариб юрибди, соғ-саломат уни дунёга келтириши лозим», деб ўйлади.

Дурдона тез-тез онасиникига кетар, у ерда онасидан янги-янги маслаҳатлар билан қайтиб, эрининг ишдан келишига ҳар куни ҳар хил дилхиралик тайёрлаб қўярди. Журъатнинг тоқати-тоқ бўлди, охири онасига:

– Опа, илтимос, келинингизни тинч қўйинг! – деди жаҳл билан.

Ҳанифа опа ўғлининг кутилмаганда қилган зардасининг сабабини тушунмай:

– Нима гап, ўғлим, тинчликми? – деди.

– Яна нима гап, дейсиз-а, ахир келинингизни чиқиштирмаётган экансиз-ку! Бечора сиқилиб кетганидан ҳар куни йиғлайди.

– Йўғ-э, ўғлим, ўлибманми, ҳомиладор келинимни хафа қилиб, ҳатто бирор ишга қўлини ҳам урдирмайман! Бироқ нимага у ёлғон гапираяпти? Ёлғон айтган кишининг хатари бор ишининг, дейишади! – деди асабийлашиб Ҳанифа опа.

– Опа, нималар деяпсиз, бундан чиқди келинингиз тухматчи экан-да?

– Чақир хотинингни, юзма-юз туриб гаплашамиз, гуноҳим нималигини бетимга айтсин-чи? – деди Ҳанифа опа овозини баландлатиб.

– Опа, тушунсангиз-чи, ахир у офироёқ, асбийлашиши мумкин эмас.

– Буни сен менга айтаяпсанми? Менинг касбим нималигини ҳам унутиб юборган кўринасан!

– Опа, келинг, яхшиси, гапимизни шу ерда тўхтатамиз. Айтмоқчиманки, келинингизга сал меҳрибонроқ бўлинг, илтимос.

– Бу нима деганинг, ахир мен шундоғам унинг хизматидаман-ку!

– Ана, кўрдингизми, сиз уни ҳеч ким ўрнида кўрма-япсиз.

– Журъат, мени ўзингдан ҳам, хотинингдан ҳам безор қилмагин, мен қайноналик бурчимни ошиғи билан бажаряпман!

Журъат икки қўли билан бошини ушлаб туриб қолди, кейин секин:

– Опа, бошим оғрияпти, майли, мен кетдим... – деди.

Ҳанифа опа келинининг нима учун бундай ёлгон гаплар билан ўғли иккалови орасида ғалва чиқараётганини билолмай гаранг эди. Дурдонани чақириб қаттиқ-қаттиқ гапиришни истарди, лекин унинг ҳомиладорлигини ўйлаб, фикридан кайтарди.

Ҳар куни хотинининг йиғи-сиғилари, онасининг аччиқ гаплари жонига теккан Журъатнинг боши лўқиллаб оғрийдиган бўлиб қолди.

Бир куни у ишдан келиши билан кўз ёшини бошлаган Дурдонага:

– Бошим оғрияпти, ҳеч нимани эшитгим келмаяпти! – деб бақирди.

– Менинг гапларимни сиз эшитмасангиз, ойингиз қовоғини очмаса, мен шўринг қурғур ҳеч кимга керак эмас эканман-да!

– Йўқол! – деб Журъат бошини икки қўли билан чангаллаганича ўтириб қолди.

Ошхонада юрган Ҳанифа опа ўғлининг бақирган овозини эшитиб, югуриб келди.

– Сенга нима бўлди, ўғлим? – деди у хавотирланиб.

– Опа, бошим ёрилай деяпти, – деди Журъат кўзларини юмиб, чўзилиб ётганича.

– Вой, мен ўлиб қўя қолай, ҳозир... – деб Ҳанифа опа чиқиб кетди ва тезда фонендоскопни олиб келиб, Журъатнинг қон босимини ўлчагач, жуда баланд эканини билиб, ранги ўчиб, – қачондан бери бошинг оғрийди? – деб сўради.

– Мана шу машмашалар бошланганидан бери. Ўзи менга нима бўлган экан, опа?

– Қон босиминг сал кўтарилибди...

Ҳанифа опа Журъатга бошқа ҳеч нима демади. У укол қилиб, дори ичириб, бироз тинч ётишни айтиб чиқиб кетди. У йигирма тўрт ёшга тулмаган ўғлининг қон босими шунчалик ошиб кетганидан қўрқувга тушганди. «Журъат шу пайтгача соппа-соғ эди, булар ҳаммаси хотинининг инжиқликлари оқибати эмасми? Мен ҳам унинг ёлғонларига жим туролмай, ўғлимнинг асабига тегдим. Бечора болам, ҳар кунги асаббузарликлардан тинкаси қуриб, охири қон босими ошиб кетибди-да», деб хаёл суриб қолди.

– Нимага ичкарига кириб олдинг, чақирсам ҳам эшитмадинг? – деди Матназар ака Ҳанифа опа ўтирган уйга кириб.

Ҳанифа опа унга воқеани айтиб бериб, йиғлаб юборди.

– Ҳа, Журъатга қийин бўлибди, ишқилиб тузалиб кетсин. Энди бу ёрига қандай йўл тутмоқчисан?

– Билмадим... Совуғинг ошса – давлат, иссиғинг ошса – қиёмат, дейдилар.

– Сен мақолларингни йиғиштириб қўйиб, яхшиси, келиннгдан унинг мақсади нима эканини билгин, балки бир нимани ёрилолмай, жанжал чиқараётгандир?

– Шу нарса хаёлимга келмабди-я!

– Ўзи айрим аёллар қисқа ўйлашади, сен ҳам барибир аёллигингга борасан-да.

– Тўғри, ўғлимнинг касалга чалинишида менинг ҳам айбим бор, – деб Ҳанифа опа яна кўзига ёш олди.

– Йиғини бас қил, Журъатнинг соғлиғини ўйлашимиз лозим.

– Ҳўп.

Ҳанифа опа ўғлининг хонасига қараб кетди. У эшикни энди очмоқчи бўлиб қўлини узатганида бехосдан «...онажонингиз сизга меҳрибонлик қилиб, силаб-сийпаб ётқизиб кетдилар. Бу билан хотинингнинг қўлидан ҳеч нима келмайди, демоқчилар-да!» – деган келиннинг кесатиқ гапи қулоғига чалинди. Унинг жаҳ-

ли чиққанидан тишлари фижирлаб кетди, бироқ ўғлини ўйлаб индамади. Ҳанифа опа Журъатнинг қон босимини қайта ўлчаб, анча тушиб қолганини кўриб, бироз хотиржам бўлди.

– Эртага касалхонага боришинг керак. Болам, қон босиминг нима учун ошаётганининг сабабини аниқлаш зарур, бу касалликка бефарқ қараш яхши эмас, – деди Ҳанифа опа.

– Опа, бошим оғримаяпти-ку.

– Вақтинчалик муолажадан кейин қон босимининг тушиши табиий, лекин касаллик сабаби аниқданмаса, яна кўтарилаверади, бу эса сенинг ёшингда...

Қайнонаси чиқиб кетганидан сунг Дурдона ўйла-ниб қолди: «Тавба, жанжал чиқаришдан осони йўқ экан. Ойимнинг маслаҳатлари билан яхши кўрган ки-шимнинг асабига тегишга ҳам ўргандим. Агар мен жанжал чиқаришни тўхтатмасам, унинг касали авж олиши турган гап. Балки буёғига тинчгина яшармиз... Йўқ, бу мумкин эмас, унда бизни ҳеч қачон алоҳида уйга чиқаришмайди. Бу дегани бир умрга шу уйда хиз-маткорлик қилиб, кўчага чиқмай, ҳузур-ҳаловат ни-малигини билмай ўтиб кетасан, дегани-да. Ойим бу-ларни мени яхши кўрганларидан, бахтли яшашимни истаганларидан ўргатдилар. Уларнинг айтганларидан чиқмаслигим лозим...»

* * *

Аниқланишича, Журъатнинг қон босими асаблари-нинг зўриқиши оқибатида ошаётган экан. Ҳанифа опа келини иккаласи уйда ёлғиз қолганларида уни чақириб:

– Дурдона қизим, Журъатнинг касали фақат асаб-дан экан. Бундан кейин сен эрингнинг асабига тега-диган гаплардан гапирма, унинг кайфиятини туши-риш ярамайди. Айтадилар-ку, касални табиб эмас, ҳабиб тузатар, деб. Ўзи уйимизда жанжал чиқаришга арзийдиган бирор сабаб ҳам йўқ-ку, тўғрими? – деб сўради.

– Мен ўглингизнинг асабига тегибманми? – деди Дурдона жаҳл билан.

– Унақа демоқчи эмасман. Эрингнинг соғлиги энди сенинг қўлингда, агар унинг соғлом юришини истасанг, ҳар бир гапингни ўйлаб, мулоҳаза юритиб гапир. Бирор муҳим нарса чиқиб қолса, мен билан маслаҳатлаш, қўлимдан келганича ёрдам бераман. Ишқилиб, ҳаммамиз биргаллашиб, Журъатнинг соғлигини тиклашимиз лозим, демоқчиман.

– Мен шундоғам у кишининг соғлигини ўйлайман. Лекин менинг соғлигимни ҳам ўйлайдиган бирор киши топиладими?

– Бу нима деганинг, қизим?

– Нима учун мени ҳамма нарсага айбдор деб топасиз, ахир ўзингиз мени камситиб, ҳақоратлаб юрасизку?

– Йўғ-э, тухмат қилма, қизим, мен сенга қўлимдан келган ҳамма ёрдамни бераман. Бу гапни қаердан олдинг?

– Мен сизнинг ҳеч қаерда ўқимаган деб, ичингизда менсимаслигингизни биламан!

– Дурдона, сен гапнинг пўсткаласини айт, ўзи мендан нима истайсан? Мен ўғлимнинг соғлиги учун ҳамма хоҳишингни бажаришга тайёрман, қўрқмасдан айтавер!

– Мен сизларсиз, ўзимиз алоҳида яшашимизни истайман, ана шунда ҳеч қандай жанжал-панжал бўлмайди!

– Тушундим, гап бу ёқда экан-да... Лекин бир-икки ойга кўзинг ёригунча сабр қилишингга тўғри келади. Агар билсанг, шундай мақол бор:

«Тоқатлига тоғлар эгар бошини,
Бетоқатнинг итлар еяр лошини».

– Ойи, нималар деяписиз?!

– Майли, сизларни алоҳида қилиб, бошқа уйга чиқарамиз. Биз қайнотанг билан маслаҳатлашиб, уканг Файратни уйлантирганимиздан кейин сизларни ало-

ҳида чиқармоқчи эдик. Ҳатто сизларга сотиб олиш учун ҳовли қидираётган эдик. Ҳамма жанжал шуни деб чиқаётган экан, майли, бу иш уч-тўрт йил кейин бўлмаса, уч-тўрт йил олдин бўла қолсин.

Дурдона қайнонасининг кейинги гапларини эшитиб, хайрият, мақсадимга етарканман, деб ўйлаб тинчиб қолди.

Ҳанифа опа келинига қон босими касалининг хавфли томонларини, унинг асоратларини яхшилаб тушунтирди ва Журъатни асраб-авайлашни илтимос қилиб, йиғлади.

* * *

Дурдона онасининг Тошкентдан келганини эшитиб, юриб эмас, гўёки қанот боғлаб учиб борди. У қайнонасининг гапларини онасига айтаркан:

– Ойижон, эримнинг ҳаёт-мамоти энди менинг кўлимда! – деди севиниб.

– Вой, қандай қилиб? – қизиқди Инобат опа гап ни мадалигини ҳали тушуниб етмаса ҳам, қизининг қувончига шерик бўлиб.

– Қайнонамнинг айтишича, эримнинг асабига тегадиган гап айтсам, унинг қон босими ошаркан, менинг бундай қилмаслигим учун қайнонамнинг ялиниб-ёлборишини бир кўрсангиз эди!

– Ана, кўрдингми, бу менинг маслаҳатларим билан амалга ошди. Агар у уйда қўлинг косов, сочинг супурги бўлиб юраверсанг, ҳеч нимага эришмасдинг! Бундан кейин ҳам бўшашма, хўпми?

– Хўп, ойижон!

– Қорнингдаги ўғлингни эсон-омон туғсанг, эрингни бутунлай қулингга айлантирасан-қўясан!

– Лекин у касал-ку, қайнонам айтганидек, Журъат акамга бир нима бўлиб қолса...

– Билиб қўй, эрингга раҳминг келса, ҳеч нимага эришмайсан. Уни аямасдан арралаш керак, энг муҳими, у сенга қарши ҳеч нима дейишига йўл қўйма.

Мана, мен дадангни яёв қўйиб, ўзим машинада юраман, чунки у эркак киши, йўлини топиб кетади. Биз эса аёлмиз, бизга ғамхўрлик қилиш лозим, бунга уларни мажбурламасак, ким ўз ихтиёри билан қайишарди. Сен мана шу сўзларимни бўйнингга тумор қилиб тақиб олгин, тушундингми?

– Хўп, ойижон, эрга раҳмдиллик нотўғри ишлигини эсимдан чиқармайман.

– Баракалла!

ХИЁНАТ

Журъатнинг Дурдона ва ўғли Жасур билан алоҳида ҳовлида яшай бошлаганларига ҳам ўн уч йилдан ошди. Бу вақт ичида Журъат шу даражада ўзгариб кетдики, ҳатто бундан унинг ота-онаси ҳам ҳайратда эдилар.

Дурдона эса онаси Инобат опа айтганидек, эрининг «гаҳ» деса қўлига қўнишидан хурсанд. Журъат хотинининг истаги билан институтдаги ишини ташлаб, тижоратга ўтиб кетди. Матназар ака бундан норози бўлса ҳам, унинг қон босими ошиб кетмасин, деб оғиз очишга чўчир эди. Ҳанифа опа эса ўғлининг илтимоси билан уларнинг ҳаётига аралашмасликка сўз бергани учун фақат ичидан эзиларди.

У бир куни Матназар акага:

– Дадаси, Журъат оиласида худди қаратқи*га ўхшаб қолган, мен бир нима десам, сиз аралашманг, дейди. Бир чеккада томошабин бўлиб тураверамизми? – деди.

– Мен ҳам шунга сиқиламан, хотин. Бошим қотган, унга сал қаттиқроқ гапирсам, қон босими ошиб кетади...

*Қаратқи – дала қўриқчиси. Шевада.

Улар ўғилларининг ҳаётини ўйлаб, унинг ўзи йўл қўймагани учун ҳеч қандай ёрдам беролмасликларидан куйинардилар.

Дурдона ўзининг чиройли машинасида пардоз-андозни жойига қўйиб юрарди. У гулгун яшнаб, илгаригидан ҳам очилиб кетганди. Тижорат баҳонасида чет элга тез-тез чиқар, келганидан кейин сафарда жуда «чарчагани» учун дам олиш масканларида ҳордиқ чиқарарди.

Журъатнинг соғлиғи эса кун сайин ёмонлашиб борар, баланд қон босими унинг учун одатий ҳол эди. Ҳанифа опанинг жон куйдиришларига у бефарқ қарар, хотинининг хурмача қилиқларига ич-ичидан сиқилар, лекин унга қарши сўз айтолмай қийналарди.

* * *

Қаҳратон қиш, январ ойи эди. Журъат тижорат ишлари билан бошқа вилоятга кетди. Режаси бўйича у уйига икки кундан кейин қайтиши лозим эди, бироқ айрим сабабларга кўра, шу куни кечаси уйга келди.

Ўша кечаси тунда кўчанинг чироғи ҳам ёнмаётган эди. Журъат қоронғида ҳовлилари рўпарасида машинасини тўхтатди. Ҳаммаёқ рутубатли тун қўйнига чўккандек, атрофда алақандай сирли сукунат ҳукм суради. У машинадан тушмай бироз ўтириб қолди, кўнгли нима учундир хижил эди. Журъат машинадан тушди ва сал нарироқда йўлнинг чеккасида турган нотаниш машинага яқинроқ бориб қаради.

У яп-янги «BMW» машинасини кўриб бироз ажабланди, кейин «қўшниларникига келган меҳмон машинасини бизнинг кўчага қўйгандир-да», деган фикрга бориб, уйи томонга юрди. Журъат эшик кўнғироғи тугмачасини босди, ичкаридан жавоб эшитилмади. У яна тугмачани босди, кейин титраётган қўлларини совқотдим, шекилли, деб чўнтагига тикди. Бирпас туриб яна тугмачани босди. Эшикни ҳеч ким очмаганидан кейин анча туриб қолди.

Энди Журъатнинг фақат қўллари эмас, бутун аъзойи бадани титрарди.

Кучли шамол аралаш қор ёғарди. Қор доначалари бўралаб-бўралаб келиб унинг юзларига урилар, совуқ Журъатнинг пальтосидан ўтиб, бирпасда ҳамма ёғини музлатиб ташлади. У Дурдонани онасиникига кетган, деб ўйлаб қўл телефонида кўнғироқ қилди. Дурдонанинг телефони ўчирилган эди.

Ухлаяпти чоғи, телефонини ўчириб қўйибди, деб Журъат машинасига чиқиш учун кетаётганида эшикнинг «ғийқ» деб очилган овозига ўтирилиб қаради. Халатига ўралганича Дурдона турарди. Журъат қайтиб келиб:

– Ие, уйда экансан-ку, нимага эшикни очмаётгандинг ёки ухлаб қолганмидинг? – деди ажабланиб.

– Телевизорнинг овозида кўнғироқни эшитмабман, кечирасиз, – деб Дурдона бироз каловланди.

Журъат ичкарига кириб, чироғи ёниб тургани учунми, ечинмасдан тўғри залга ўтди. У камин олдида ўтирган нотаниш кишини кўриб қотиб қолди.

– Бу ким?! – деди у ёши қирқларда бўлишига қарамай, кийиниши, сочи йигитчаларникидек, ўрта бўйли, юзи кўкимтирга ўхшаш ғалати, совуқ тусдаги олифтанамо одамга қараб.

– Бу киши Толиб ака... Менга чет элдан молларимни келтиришда доим ёрдам берганлар, сизга айтгандим, шекилли? – деди Дурдона ва безрайиб эрига қаради.

– Йўқ, айтмагансан! Бугун уни тунги соат бирда уйга таклиф қилишингни ҳам айтмагансан! – деб бақирди Журъат.

– Меҳмоннинг олдида бақиришга уялмайсизми? Нима, сиз уйга меҳмон таклиф қилмоқчи бўлсангиз мени огоҳлантирармидингиз?! – деди Дурдона сир бой бермай, эрининг кўзига тик қараб.

– Сен ҳали менинг уйимга ўйнашингни келтириб, яна дағдаға қиласанми, манжалақи!!

– Овозингни ўчир, ярамас, хоҳишимга қарши боролмайсан, қўлингдан ҳеч нима келмайди!

– Мен ҳозир икковингни ҳам ўлдираман... – деб Журъат бир қадам ташлади. Бироқ у юролмай, чалқанчасига йиқилиб, қўларини олдинга узатиб бир нима деб гўлдиради, лекин тили айланмай, жимиб қолди.

Ўрнидан турганича жанжалга аралашмай, ҳаммасига бефарқ, индамай турган Толиб Дурдонага қараб:

– Мен кета қолай ёки ёрдамим керакми? – деди.

– Йўқ, ўзим амаллайман, ишқилиб шу йиқилганича қайтиб турмасин-да, – деди Дурдона ва Толибни кузатиб, эшикни қулфлаб келди. У чўзилиб ётган Журъатнинг ёнидан бепарво ўтиб, онасига қўнғироқ қилди.

У онасининг маслаҳати билан «тез ёрдам»га, ундан кейин эса қайнонасига хабар берди.

* * *

Журъат узоқ даволангандан кейин кўзини очди, бироқ унинг қўл-оёқлари шол, ўзи эса тилдан қолган эди. У бировнинг ёрдамисиз овқатлана олмас, ўрнидан ҳам туролмасди.

Ана шу воқеадан сал кейин Дурдона қайнона-қайнотасидан бемаслаҳат ўғлини чет элга ўқишга юборди. Унинг бу ишига чидамаган Матназар ака Журъатнинг хотинидан воз кечишини, ундан қонуний ажрашишини талаб қилди. Эртагаёқ унинг номидан адвокат ёрдамида бу ҳақда судга ариза ёзиб топширишини билдирди. Лекин Журъат ўзининг кўз қарашлари, ишоралари билан отасининг бу таклифини қатъиян рад этди. Матназар ака касал ўғлининг раъйига қарашга мажбур эди.

Журъатнинг ота-онаси ўғлининг қандай қилиб бу аҳволга тушганининг аниқ сабабини билолмай қийналардилар. Дурдона эса уни қаердандир асабийлашиб келиб, ҳеч нима демасдан йиқилиб қолдилар, деб ҳаммани ишонтирганди.

Инобат опа «Шўрлик қизим эрининг тўшакка михланиб қолганидан, ҳатто унинг бир оғиз сўз ҳам дея олмаслигидан қанчалик қувонган эди-я, аммо бу воқеадан икки йил ўтиб-ўтмай ўзининг вафот этишини хаёлига ҳам келтирмаганди...» деб ўйлади.

У қизининг ўлиmidан бир кун олдин бўлиб ўтган суҳбатларини эслади.

Ўша куни Дурдона нима учундир хомуш эди. Улар Инобат опанинг машинасида ўзлари яхши курган таомни егани кафега кетаётганларида Дурдона салфетка олиш учун машина қутичасини очди. У қутичада ётган расмларни томоша қила бошлади.

– Ойи, бу расмдаги иморат кимники? – деди у суратга тикилиб.

– Унинг эгасини сен танймайсан...

– Қандай чиройли, ҳашаматли бинонинг олдидаги каттакон гужумни* айтмайсизми? Ёзда унинг қуюқ соясида ўтириш маза-да. Уйни ҳамма томонидан расмга туширибсиз, сотиб олмоқчимисиз? Аммо нархи...

Инобат опа расмдаги бино ҳақидаги суҳбатга яқун ясаш мақсадида қизининг гапини бўлди. У расмларни қутичага ташлаб бекитиб қўйди ва:

– Суратларни қўя тур, ўзингдан гапир, нима учун кайфиятинг яхши эмас? – деди.

– Билмайман, ойи нимагадир юрагим сиқилаяпти.

– Бунинг сабаби борми, бекордан-бекорга сиқилмаётгандирсан?

– Сабаби... Сабаби, ойижон...

*Гужум – кўп йил умр кўрадиган дарахт. Унинг томири ерининг чуқур қатламларигача бориб, ўзига етадиган сувни топиб олади. Барглари майдароқ бўлиб, зич жойлашади, қуюқ соя беради. Намликни яхши сақлайди. У худди қирқиб, текисланиб шакл берилганга ўхшаб, думалоқ кўринишда бўлади. Гужум Хоразм воҳасида кўп ўсади.

Дурдона сўзини давом эттирмай, машина ойнасидан йўлга қаради ва ўзига ўзи гапираётгандек, секин сўзлай бошлади.

– Иккаламиз орзу қилганимиздек, пулларим, бойлигим беҳисоб... Кўнглим тусаган ишга ҳеч ким ғов бўлолмайди, эримнинг аҳволи биз истаганимиздан ҳам баттар – тирик мурда.

– Ҳа, тўғри, сенга кимларнинг ҳаваси келмайди.

– Менга-я, қанийди ҳаётим ҳавас қилишга арзиса...

– Ие, ҳали сен турмушигдан норозимсан?

– Биласизми, ойижон, назаримда, ҳаётим саробга ўхшайди... Бир қарасанг бор, ялтироқ, кўзни қамаштиради. Диққат билан яна бир қарасанг эса сассиқ балчиқ, ботқоқликдан бошқа ҳеч нима йўқ... Хоҳлаган пайтда ўз қаърига тортиб кетиши мумкин...

– Нималар деяпсан, кимни тортиб кетади?

– Мени, ойижон, мени!

– Оғзингдан шамол учирсин, унақа гапларни гапирма. Асабларинг чарчаган кўринади, кел, яхшиси кўшиқ тинглаймиз.

•Эрталаб Дурдонанинг ўлдирилганлиги ҳақидаги хабарни эшитдим...

Нима учун унинг гапларига эътибор бермадим-а? Нима учун ўша кеча унинг ёнида тунамадим?

Шу куни унинг хаёл суриб айтган гаплари қулоғимга кирмаган эди... Чунки ўшанда аллақандай бир кампирнинг мол-дунёсини қўлга киритиш иштиёқи мени бутунлай ўзига жалб қилган, бутун фикру зикрим шу борада режалар тузиш билан банд эди-да!

Эрим айтганидек, жигарбандимнинг ўлимига ўзим сабабчиман! У тўғри гапирди. Балки ҳақиқатан ҳам қизим менинг эмас, келин бўлиб тушган оиласида уларнинг йўриғига юрса, омон қолармиди? Балки...

Қизгинамни ўша Толиб ўлдиргани аниқ, мен у аблаҳни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб, нима учун Дурдонани ўлдирганини аниқлаганимдан сўнг, жонини

суғураман», деган ўйлар исканжасида Инобат опа бо-
шини чангаллаганича ўтириб қолди.

ТЕРГОВ

Инобат опа қизимнинг яқинлари деб кўрсатган шахсларни сўроқ қилиш терговчиларнинг анча вақ-
тини олди. Уларнинг аксарияти Дурдонанинг шахсий
ҳаётини яхши билмаслигини, фақатгина бизнесда ҳам-
кор эканини айтишарди.

Уларни сўрашдан шу маълум бўлдики, Дурдона ҳеч
кимдан қарздор эмас, ҳеч кимга катта миқдорда қарз
ҳам бермаган. Тергов натижасидан унинг ўлдирилиши-
нинг тижоратга алоқаси йўқ, деган хулосага келинди.

– Қанча аёл ва бирга тижорат қиладиган эркаклар-
ни сўроқ қилдик, наҳотки шулардан ҳеч бири марҳу-
ма билан яқин муносабатда бўлган кишини билмаса
ёки ўша номаълум одам шулардан бирортасимикан-
а? Ахир кимдир уникида бўлгани аниқ-ку? – деди
Фарҳод асабийлашиб.

– Менимча, буни айримлари билишса керак, бироқ
айтмаяптилар, – деди Собиржон хотиржам.

– Нима учун, улардан ҳеч бири жиноятнинг очили-
шини хоҳламайдими?

– Буниси номаълум, балки улар марҳуманинг ру-
ҳини безовта қилгилари келмас...

– Бобоқулованинг компьютеридаги интернет сай-
тини текшириб кўриб, шубҳалироқ ҳеч нима топма-
дим. У фақат чет элдаги ўғли билан ёзишган. Меним-
ча, у компьютердан унча фойдаланмаган кўринади.
Ўша тундаги номаълум кишини кимдан билишимиз
мумкин, ахир? – деди Фарҳод кўллари икки тараф-
га ёйиб.

– Менинг назаримда, дастлабки тергов пайтида
марҳуманинг қайнона-қайнотасини шунчаки сўроқ
қилгандекмиз, балки улардан яна бир бор синчиклаб
сўраб кўрсак, бирор нима чиқмасмикин?

– Ким биледи, балки чиқиб қолар, уларни эртага эрталаб соат тўққизга чақирайми?

– Ҳа.

* * *

Собиржон марҳуманинг қайнотаси Бобоқулов Матназарни сўроқ қила бошлади.

– ...Матназар ака, мана бир ой бўлаяптики, келинингизнинг қотилини тополмаяпмиз, шахсан сизнинг кимдандир шубҳангиз борми? – деди унга қараб.

– Биласизми, Собиржон, ўғлим ётиб қолганидан кейин ўша келиннинг номини ҳам эшитгим келмайди.

– Нима учун?

– Чунки у азалдан ўғлимнинг оиласига аралашишимизни истамасди, кейинчалик эса бизни бутунлай четга чиқариб қўйди. Агар жуда билишни истаётган бўлсангиз, мен ҳатто келинимизнинг афтини кўргим келмай қолганди.

– Бунинг сабаби нимада, ахир у ногирон ўғлингизга ғамхўрлик қилган-ку?

– Э, сабабини сўраб нима қиласиз, энди у аёл йўқ, ўлиб кетди. Менинг эса у тўғрида яхши-ёмон гапириб ўтиришимга ҳеч қандай ҳожат қолмади.

– Гапларингизга қараганда, келинингиз билан ўғлингизнинг турмушлари унча яхши бўлмаган, тўғрими?

– Тўғри, жуда ёмон эди.

– Тушунмаяпман, марҳума билан ўғлингизнинг муносабатлари ёмон экан, нима учун улар ажрашиб қўя қолишмаган?

– Журъатдан бошқа ҳар қандай одам шундай қиларди, бироқ унинг феъли онасига тортган, жуда содда, ишонувчан йигит. Шунинг учун ҳам бошига офир кунлар тушди... – деди Матназар ака қайғу билан. Матназар ака қошларини чимириб, бирпас индамай қолди, кейин эса бирдан ўрнидан туриб: – Мендан сўрайдиган бошқа гапингиз бўлмаса, рухсатингиз билан кетсам, қарши эмасмисиз? – деди.

Собиржон илгариги сўроқ пайтида ҳам Матназар аканинг чўрткесар, қайсарроқ киши эканини сезган эди. У оқ оралаган, тикандек бўйсунмас сочи, гапирганида нима учундир юзига қизиллик югурадиган, ёши олтмишларга бориб қолган бўлса ҳам, ҳаракатлари худди бир нимага шошаётгандек чаққон, гавдасини тикка тутиб юрувчи, қотмадан келган, ўрта бўйли бу одамдан бошқа гап чиқмаслигини билиб хайрлашди.

Матназар ака кетаркан, орқасига ўтирилиб:

– Ҳанифанинг соғлиги шу кунларда чатоқроқ, шунинг учун сал юмшоқроқ гаплашсангиз, ука, – деди.

– Ўзингиз қолишингиз мумкин, – деди Собиржон.

– Мен шошаётгандим, сизларга ишонаман, – деб Матназар ака чиқиб кетди.

У худди хонага кучли шамол билан келиб, яна ўша шамол билан чиқиб кетгандек, ҳаммаёқ тинчиб қолди.

Терговчининг қаршисида ўтирган Ҳанифа опанинг феъли эрининг тескариси эди. Унинг ўта мулойим сўз оҳанги, ёшига мос одмигина кийиниши, рўмоли остидан кўриниб турган оқарган сочлари, синчковлик билан боқувчи нигоҳлари Собиржоннинг диққатини тортди ва нимагадир Инобат опанинг «Қизимни қудам ўлдирган!» – деган гаплари хаёлига келди.

– ...Сиз келинингизнинг ўлимида кимнидир айблайсизми? – деди Собиржон Ҳанифа опага савол беришда давом этиб.

– Йўқ, кимни ҳам айблардим, ука. Мен инсоннинг бошига қандай савдо тушса, биринчи навбатда, унинг ўзи айбдор, деб ўйлайман

– Демак, ўлдириб кетишларига, сизнингча, келинингизнинг ўзи айбдор экан-да? Мен сизни тўғри тушундимми?

– Мен буни билмайман, гапирганимда ўзимни назарда тутган эдим...

– Ўзингизни? – деди Собиржон Ҳанифа опанинг нима демоқчи эканини тушунмай, елкасини қисиб.

– Ҳа, ўғлимнинг шу аҳволга тушишига унинг ўзи билан бирга мен ҳам айбдорман.

– Лекин гап бу ерда келинингизнинг қотилини топиш устида кетаяпти-ку, сиз нима учун ўғлингизни гапираяпсиз?

– Тўғри, аммо мен ўғлимнинг бир умрга шол бўлиб қолгани учун ўзимни кечиролмайман.

Ҳанифа опанинг кўзлари ёшга тўлди.

– Бунда сизнинг нима айбингиз бор?

– Менинг айбим бошиданоқ келинимнинг мақсадини тушунмаганимда эди. Ҳар қандай зийрак она ҳаммасини сезиб, ўғлига буни уқтирарди. Мен аҳмоқ, ўғлим шу қизни яхши кўради-ку, қачонлардир ҳаётлари изига тушиб кетади, деб ўйлабман. Мана, кўриб турибсиз, Журъатгинамнинг ётиши ўлганидан ҳам ёмонроқ! – деб Ҳанифа опа сумкасидан оппоқ, тахи бузилмаган рўмолча чиқариб кўз ёшларини артди, сўнг ўзига-ўзи гапиргандек қилиб: – «Чархни бузган палласи, қизни бузган онаси», деб жуда тўғри айтишган, – деди.

– Келинингиз вафот этган, ўғлингиз эса тирик, сиз ҳалиям ўзингизни айблаяпсиз, уни ким ўлдирган деб ўйлайсиз?

– Мен бу саволингизга жавоб беролмайман, чунки буни билишни ҳам, эшитишни ҳам хоҳламайман. Ҳар кимнинг гуноҳига яраша жазо, деган гап бор. У аёлни ким ўлдирганининг мен учун аҳамияти йўқ.

– Бу гапларингиздан кейин унинг ўлимида сиздан шубҳаланишимиз мумкинлигини сезаяпсизми?

– Йўқ, бу менинг қўлимдан келмайди, агар қўлимдан келса, уни алақачон ўлдирган бўлардим. Ахир мен Журъатни ҳатто Ғайратдан ҳам яхши кўраман! Уни шундай аҳволга солган хотинни... – деб Ҳанифа опа яна йиғлаб юборди. У сумкасидан дори чиқариб: – Кечирасизлар, – деб оғзига солди.

Собиржон Ҳанифа опага яна бир қанча саволлар бериб кейин:

- Кетаверишингиз мумкин, – деди.
- Ҳанифа опа кетаётганида Собиржон:
- Сиздан бир нарса сўрасам майлими?– деди.
- Ҳанифа опа индамай, тўхтаб Собиржонга қаради.
- Сиз келинингизни шунчалик ёмон кўраркансиз, касал ўғлингизга ўзингиз қарамасдан, нима учун уни келинингизнинг қарамоғига ташлаб қўйган эдингиз?
- Уни ўзингиз парвариш қилсангиз бўлмайдим, демоқчисиз-да?
- Ҳа.
- Буни ўжар ўғлим хоҳламаган.
- Ахир у гапиролмайди-ку.
- Тўғри, лекин у имо-ишоралари, кўз қарашлари билан ўз норозилигини ифодалайди. Айтишади-ку, кўрганнинг тили билдирар, куйганнинг дили, деб.
- Демак, у ҳамма гапни тушунар экан-да.
- Ҳа, фақат қўл-оёқлари, тили ишламайди.
- Майли, Ҳанифа опа, яхши боринг.
- У чиқиб кетганидан кейин Собиржон ўйланиб қолди. Хонага чўккан жимликни Фарҳод бузди.
- Менимча, гумондорлар сони яна биттага кўпайди, – деди.
- Ҳанифа опани назарда тутаяпсизми?
- Албатта, юзидан нур ёғилиб турган бу аёлни қотилликда гумон қилишимиз осон эмас, лекин унинг гапларидан сўнг шубҳаланмай иложимиз ҳам йўқ.
- Унинг эрини-чи, Матназар акани, унинг ҳам келинини кўрарга кўзи йўқлиги сезилиб турибди.
- Тўғри айтасиз, ҳар иккаласининг кўрсатмасини эшитган киши улар эр-хотин бамаслаҳат қотилликни амалга оширганлар, деган хулосага келиши табиий ҳол, – деди Фарҳод.

АЙТИЛМАГАН ГАПЛАР

Ҳанифа опа терговчиларнинг хонасидан чиқиб, уйига бориш учун автобустга чиқди. У йўлда кетаркан, уйига кела-келгунча улар билан бўлган савол-жавобларни ўйлаб, бошини чайқаб қўйди.

«Мендан келинимни нимага ёмон кўришимнинг сабабини сўрашди-я. Ўзиям сал қолди унинг қилмишларини очиқ-ойдин айтиб юборишимга. Ҳали у туғрида ҳеч нимани гапирмай туриб, терговчи унинг ўлимида мендан шубҳага борди. Агар Дурдонанинг қилиқларини айтиб, дардимни дастурхон қилсам борми, худо сақласину, уни сиз ўлдирганингиз аниқ деб, мени туғри ҳибсга олишарди. Ҳар қалай, тилимни тийганим яхши бўлди. Айтишади-ку, бошга бало тилдан келади, деб».

Ҳанифа опа нима учундир Дурдонанинг вафотидан сал олдинроқ, туғилган кунидаги воқеаларни эслай бошлади.

* * *

Уша куни Ҳанифа опанинг, аслида, келинини туғилган куни билан табриклаш нияти йўқ эди. У ўғлининг аҳволидан хабар олиш учунгина у ерга бориб, ҳаммасини ўз кўзи билан кўрди. У катта меҳмонхонанинг эшигини қия очиб, ичкарига қаради. Ҳанифа опа маст-аласт ўтирган ўн бештача одамдан ҳеч бирини танимасди. Уларнинг аксарияти эркаклар эди. Камчиликни ташкил этган, бирортаси рисоладагидек кийинмаган, аллақандай очиқ-сочиқ, ўзларига ярашмаган аллабалоларни кийган аёллар эса эркакларнинг пинжига тиқилиб, беҳаё гапларни тап тортмай гапириб, сигарета чекиб ўтиришарди.

Эшикни очиб, ёқимсиз манзарадан ўзини йўқотган Ҳанифа опа улар орасидан Дурдонани излай бошлади. У истар-истамас ўрнидан туриб келган Дурдонага:

– Келин, булар кимлар, сен бу уятсизларни уйга киритдингми? – деди.

– Сиз келишингиз билан фисқу фасодга ўтишдан олдин мени туғилган куним билан табрикласангиз-чи!

Дурдона жаҳли чиқиб, қайнонасини ичкарига таклиф қилмасдан, залнинг эшигини ташқаридан бекитди.

– Ҳали сен туғилган кунинг билан қутлашимни кутганмидинг? Агар сенда тарикчагина фаросат бўлганида уйга бунақа қаланғи-қасанғиларни киритмасдинг.

– Менинг ҳеч қайси ишим сизларга ёқмайди, агар дўстларим билан ресторанга борганимда эрини уйда қолдириб, ўзи ресторанда ўтирибди, дердингиз. Уни ёлғиз қолдирмай деб, уйда ўтириш қилиб берсам, менинг дўстларимни қаланғи-қасанғилар деб, ҳақорат қиляпсиз!

– Агар билсанг, шўрлик Журъат гапиролмаса ҳам ҳаммасини сезиб ётибди. Билиб қўй, ўғлимни бундай оёқости қилишингга йўл қўймайман! Йигит кишининг хўрлиги – ўлимдан қаттиқ, дейишади.

Шу пайт эшик очилиб, ўтирган аёллардан бирининг яланғоч елкаси, кейин боши кўринди,

– Дурдона, ичкарига кирсанг-чи, қадаҳ сўзларини сенсиз айтишимизга тўғри келаяпти, – деди у қийшанглаб.

– Ҳозир, сен боравер.

– Бу кампир қайнонангми, дейман, ҳозиргина айтган мақоли қулоғимга чалинди. Айтгандинг-ку, унинг мақоллари бирам гашимга тегади, деб...

– Ичкарига кир, дедим, Гули...

– Хўп.

Ҳанифа опа бир нима деб гапириш учун оғиз жуфтлаган эди, эшик қўнғироғи жиринглади. Дурдона эшикни очиш учун кетди. У қўлида гул кўтариб келган эркакка пешвоз чиқиб, гулларини олди. Ҳанифа опа учун нотаниш бўлган ўша одам Дурдонани бағрига босиб, қучоқлаб юзларидан ўпиб:

– Туғилган кунингиз билан, азизам! – деди.

– Раҳмат, Толиб ака, кечикканингиз учун сизга жазо бераман, – деди Дурдона эркалиниб ва уни қўлидан ушлаб ичкарига киритаркан: – Мен ҳозир кираман, – деди.

Келинининг ҳаракатларидан қотиб қолган Ҳанифа опа:

– Бу нима деган гап, нима учун бегона эркак сени қучоқлаб ўпади? – деди титраб.

– Замондан жуда орқада қолиб кетгансиз-да. Озгина маданиятлироқ бўлсангиз-чи! Ахир, ҳозирги пайтда ҳамма замонавий кишилар, эркак ёки аёл бўлишидан қатъи назар, ўпишиб кўришадилар-ку!

– Бу ерда нима қиляпсан? Дурдона, кирсанг-чи, ўзимиз яхши кўрган мусиқа бўляпти. Юр, вальс тушамиз! – деб уни бир эркак ичкарига тортди.

Дурдона улар ёнига кириб кетди. Ҳанифа опа нима қилишини билмай, анча туриб қолди. У ичкаридан чиқаётган қулоқни қоматга келтирувчи мусиқа садоларини эшитмаслик учун қулоқларини бекитди. Куксида пайдо бўлган қаттиқ оғриқдан беихтиёр чап қўлини қулоғидан олиб куксига қўйди.

У секин юриб ўғлининг хонаси томон бораркан «Беҳаёлар бел боғласа, ҳаёлилар уйга кирар», деб лаблари пичирлар, кўзларидан алам ёшлари юмаларди. Ҳанифа опа ўғлидан жуда хафа бўлиб кетди. У Журъатга шу хотин билан бир уйда яшаётгани учун аччиқ-аччиқ гапиришни истади, лекин унинг ётишини кўриши билан бу фикридан қайтиб, индамасдан, яна хонадан чиқди. У уйига аранг судралиб келди.

Унинг аҳволини кўриб эри:

– Кўринишинг яхши эмас, нима гап? – деб сўради.

Ҳанифа опа воқеани айтиб берди.

– У ярамаснинг дастидан кўча-кўйда бош кўтаролмай қолдим! Журъатдан ҳам кунглим қолди. Наҳотки унда заррача йигитлик ғурури бўлмаса? Ёки касаллиги туфайли унинг мияси ҳам ишлашдан тўхтаганмикин? – деди асабийлашиб.

– Соппа-соғ пайтида ҳам хотинининг юриши шу эди-ку, лекин унга қарши бир сўз демасди.

– Тўғри, Журъат бизнинг юзимизни ерга қаратди.

– Мен ҳам шунга куяман-да!

– Уни ҳозироқ бориб олиб келаман! – деб ўрнидан турди Матназар ака.

– Нималар деяпсиз, илгари ҳам мажбурлаб келтирган эдингиз-ку. Аҳмоқнинг қилган иши эсингиздан чиқдимиди? Бир кун давомида туз тотмади, очликдан ўлиб қолмаслиги учун яна уйига қайтаргандингиз.

Шашт билан турган Матназар ака секин креслога чўкди. У бошини қуйи солиб ўтирганича секин:

– Тўғри, энди бошқача йўл тутишдан ўзга чорам қолмади, шекилли... – деди.

– Нимани назарда тутаяпсиз, дадаси? – деди Ҳанифа опа эрига хавотирили назар ташлаб.

Матназар ака хотинининг саволига жавоб бермай, ўз хаёллари билан анча ўтирганидан сўнг:– Майли, кўявер, – деб чиқиб кетди.

Ҳанифа опа ўйлаб қолди, у бу гапи билан нима демоқчи? Наҳотки, Дурдонани ўлдириш ниятида? Йўқ, мен бунга йўл қўймаслигим керак! Бунга бефарқ қарасам, у қотилликда айбланиб, қамалиб кетиши мумкин.

Ундан олдин ўзим шу ишни қилсам-чи?! Ҳанифа опанинг миясига шундай фикрлар келган эди. Кейин эса кўп ўтмай Дурдона ўлдирилди...

Ҳанифа опа ана шундай ўй-хаёллар билан ўтириб:

– Хола, билет оласизми? – деган кондукторнинг овозини эшитгачгина автобуснинг ойнасидан ташқарига қаради ва ўзининг бекатдан анча ўтиб кетганини билди. Эҳ-ҳа, шу ҳам муаммоми, яна қайтиб келиш арзимаган иш-ку. Аммо, минг афсуски, ўғлимнинг ўтган умрини, унинг соғлигини қайтаришнинг асло иложи йўқ, деган хаёлдан юраги баттар сиқилди.

СУРАТ

Эрталаб ишга келган Собиржон компьютердан шу пайтгача сўроқ қилинган гувоҳлар кўрсатмаларини қайта куриб чиқарди. У булардан марҳуманинг ўлимига алоқадор ҳеч нима топмаганидан сўнг ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юриб, кейин яна тухтаб қолди. Қизиқ, марҳуманинг қўл телефони қаерга йўқолган экан. Мен ўша куни воқеа жойидан телефонни изладим, лекин топмадим. Сўраган одамларимнинг бари уни кўрмаганини айтди. Балки ўша кечаси у билан ўтирган киши олиб кетдимикин? Ҳар қалай, телефондан бирор нимани аниқлаш имконияти бор эди, деб ўйлади Собиржон. У Фарҳодга қўнғироқ қилди.

– Қаердасиз?

– Расмга тушяпман.

– Нима, эрталабдан-а?

– Паспортимни алмаштириш вақти келибди, шунга...

– Майли, кейин кирарсиз...

Ҳа, дарвоқе, тинтув пайтида марҳуманинг уйидан биттагина оилавий альбомидан ташқари ҳеч қандай сурат кўзга чалинмади. Қизиқ, кимдир қолган расмларни атайлаб яширдимикин? Лекин у ким бўлиши мумкин? Нима учун? Собиржон шуларни хаёлидан ўказаётганида Фарҳод кириб келди.

– Ассалому алайкум, Собиржон ака, эрталабдан мени йўқлаганингизга қараганда бирор янгилик борми дейман? – деди у одати бўйича жилмайиб.

– Ваалайкум ассалом. Аксинча, ҳеч қандай янгилик йўқ, лекин ўша янгиликни топиш илнжида марҳуманинг уйида қайта тинтув ўтказамиз.

– Бироқ уйнинг тит-питини чиқариб, тинтув қилганмиз-ку?

– Лекин ҳеч нима топилмаганди.

– Энди-чи, жиноятга алоқадор бирор буюм пайдо бўлиб қолган, деб ўйлаяпсизми?

– Билмадим, яхшиси, баҳслашмасдан у ерга бориб, натижани ўша ердан излашимиз керак, қайта тинтувга рухсат олиб қўйганман, – деб Собиржон столининг устидаги қоғозларни йиғиштира бошлади.

Собиржон билан Фарҳодга эшикни Насима опа очди. Терговчилар унга салом бериб, тинтув тўғрисида маълум қилдилар ва беихтиёр иккаласи бирдан Журъат ётган хонага назар ташладилар. У ҳар доимгидек шифтга маъносиз тикилганча ётарди. Йигитларнинг саломига жавобан сал бошини қимирлатиб, гудрангандек товуш чиқарди.

Собиржон катта зал эшигидаги илгариги муҳрни бузиб, эшикни очди. Улар тинтувни бошлаб юбордилар. Анчадан кейин Фарҳод:

– Тинтув ўзи нимага қаратилган? – деди тоқатсизланиб.

– Масалан, мен жиноятга алоқадор қандайдир далилий ашё топишга ҳаракат қилаяпман, сиз эса мажбурият юзасидан шунчаки юрганингизни биламан! – деди Собиржон жаҳл билан.

– Унчалик эмас...

Собиржон сервантнинг тепасига ташлаб қўйилган эски газеталарни олиб, уларни титкилай бошлади. Унинг чангидан, шекилли, икки марта акса уриб қўйди.

– Соғ бўлинг, – деди Фарҳод.

– Бу ким? Нима учун эски газеталарнинг орасида ётибди? – деб Собиржон марҳума билан бир кишининг тушган суратини қўлига олди. Чамаси улар расмга чет элда тушган эдилар.

Собиржон ошхонада куймаланиб юрган Насима опани чақириб:

– Бу одамни танийсизми? – деб расмни кўрсатди.

– Кўрганман...

– Уни қаерда кўргансиз?

– Қаерда бўларди, уйга келганди, шунда кўрганман.

– Исмини биласизми?

– Исмини Толиб ака, деганди.

– У марҳуманинг қандай таниши эканини билмай-сизми?

– Менга чет элда ёрдам беради, дегандек бўлувди.

– Уйда расмлар жуда кам экан, тўғрими? – деди Собиржон Насима опага синовчан назар ташлаб.

– Расмлар, дисклар жуда кўп эди, ишонасизми. Инобат мени ҳайрон қолдириб, ўртада чўзилиб, қонга беланган қизининг жасади ётганига қарамасдан, уларни йиғиштириб машинасига чиқариб ташлади. Сизлар кейин келдинглар.

– Ростданми?

– Ҳа, ёлғон гапириб ўлибманми?

– Нимага буни илгарироқ айтмадингиз? – деди Фарҳод.

– Мендан бу ҳақда ҳеч ким сўрамади-ку.

«Ҳа, дарвоқе, буни сўрамаганмиз», деб ўйлади Собиржон ва:

– Инобат опа марҳуманинг қўл телефонини ҳам олиб кетган бўлиши мумкинми? – деди.

– Мен унинг нималарни кўтариб кетганини батафсил айта олмайман, чунки ўшанда эътибор бермаганман...

Собиржон хонани бошқатдан муҳрлади. Улар машинада кетишаркан:

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, Инобат опа нимани яширмоқчи? – деди Фарҳод.

– Менимча, у қотилни билади ва буни биздан яширмоқчи.

– Нима учун?

– Ҳозир бориб, ўзидан сўраймиз, зора, тўғри жавоб берса, – деди Собиржон ва машинани Инобат опанинг уйи томонга бурди.

Терговчиларга эшикни Инобат опанинг ўғли очди.

– Инобат опа уйдадилар? – деди Собиржон у йигит билан саломлашганидан кейин.

– Ойим уйда йўқлар.

– Янглишмасам, сизнинг исмингиз Бурҳон эди, тўғрими?

– Ҳа.

– Онангиз қаерга кетди, кутиб ўтирсак тезда қайтадиларми? – деди Собиржон.

– Ростини айтсам, билмайман...

– Нимани, қачон келишиними ёки қаерга кетганиними?

– Унисиниям, бунисиниям.

– Ие, нима учун? – деди Собиржон ажабланиб.

– Опамнинг вафотидан кейин ойим эрталаб чиқиб кетганларича алламаҳалда уйга келадилар, ҳеч қандай саволимизга жавоб бермайдилар. Биз ҳам унинг аҳволдан хавотирланаяпмиз.

– Балки бундан дадангиз хабардордир?

– Дадам ишдалар, агар бўлганларидаям ҳеч нима дея олмасдилар.

– Наҳотки...

– Остонада туриб қолдинглар, ичкарига киринглар. Ойимдан бир нимани сўрамоқчимидинглар? – деди Бурҳон уларни уйга таклиф қилиб.

– Раҳмат, мен ундан мана бу расмдаги кишини танирмикин, деб сўрамоқчи эдим, – Собиржон расмни папкасидан чиқариб Бурҳонга кўрсатди.

– Бу Толиб ака-ку, – деди Бурҳон расмга қараб.

– Бу одам сизларнинг оилавий танишингизми?

– Йўқ, фақат опам билан тижоратда ҳамкор эди шекилли, ростини айтсам, мен у одамни яхши билмайман, – деб Бурҳон расмни Собиржонга узатди.

– Манзилени, тўлиқ исми, фамилиясини айта оласизми?

– Йўқ, буни ойимдан сўраш керак, у билан телефонда гаплашиб ўтирганини кўргандим.

– Майли, кечирасиз Бурҳон, буни Инобат опанинг ўзларидан сўрармиз, – деб Собиржон билан Фарҳод машинага чиқди.

– Бурҳон ҳам расм ҳақида Насима опадан кўп билмас экан, – деди Фарҳод бекорга келибмиз, деган маънода.

– Ҳа, бу ерда уни Инобат опадан бошқа ҳеч ким яхши танимаслиги аниқ, – деди Собиржон. У энди машинани юргизаётганида Фарҳод:

– Қаранг, Собиржон ака, – деди.

Собиржон ўнг томонига қаради. Инобат опанинг машинаси улардан сал нарида тўхтагани.

Терговчилар машинадан тушиб, ҳорғин қадам ташлаётган Инобат опа томонга юрдилар. Унга етиб олиб салом бериб, сўрашдилар. Инобат опа уларнинг саломларига истар-истамас алик олиб, уйи томон кета бошлади. Семиз гавдасига ярашмаган шалвираган шимининг буқимлари ва тугмаси нотўғри қадалган курткасининг орқа томонининг ғижимлангани унинг анчадан бери машинадан тушмаганини кўрсатарди. Аёлнинг тўладан келган, осилиб қолган юзидаги ҳорғинлик ифодасини бир қарашда пайқаш мумкин эди.

– Инобат опа, бир дақиқа вақтингизни олмоқчи эдим, бирпас тўхтаб турсангиз, – деди Собиржон у билан баравар юриб.

– Илтимос, мендан ҳеч нима сўраманглар, аҳволим яхши эмас...

– Мен фақат мана бу расмдаги кишини танийсизми, шуни билмоқчиман, – деди Собиржон унга расмни кўрсатаркан.

Инобат опа расмга куз қирини ташлаб:

– Йўқ, танимайман... – деди.

– Ойи, яхшилаб қаранг, ахир у Толиб ака-ку, – деди Бурҳон ажабланиб.

– Мен танимагандан кейин танимайман, дейманда, нима қиласан, менинг гапимга бурнингни тиқиб! – деди Инобат опа ўғлини жеркиб. Бурҳон онасининг нима учун бундай деётганини тушунмай, терговчиларнинг олдида бироз хижолат бўлиб, елкасини қисиб қўйди.

– Инобат опа, қизингиз ўлдирилган куни биз етиб келмасимиздан илгари у ердан олиб кетган расмлар, марҳуманинг қўл телефони, дискларни менга берсангиз, балки буларнинг қотилни топишда ёрдами тегар?
– деди Собиржон.

Инобат опа Собиржонга қараб, ўқрайиб:

– Буни сизга ким айтди? – деди.

– Насима опа.

– Ўша овсар хотин нотўғри гапирибди, мен у ердан фақат қизимнинг ёшлигида тушган бир дона расми олиб чиққанман, ишонмасанглар, уйимни тинтиб кўришларинг мумкин! – деб Инобат опа тез-тез юриб уйига кириб кетди.

Собиржоннинг орқасига қайтишдан бошқа чораси қолмади.

Улар йўлда кетишаркан:

– Инобат опа ниманидир яширишга жон куйдираяпти, деган фикримга қандай қарайсиз? – деди Фарҳод.

– Менимча ҳам шундай, ҳақиқатан ҳам у хотин қотилни бизга айтмоқчи эмас, чамамда, уни ўзи жа-золамоқчи.

– Наҳотки?

– Ҳа, худди шундай. Бурҳоннинг гапига қараганда, у ҳар куни эрталабдан кечгача йўқолиб кетади, демак, у ўша одамни излаяпти, лекин ҳалигача топмаган кўринади.

– Унинг излаётгани расмдаги киши эмасмикан?

– Худди шунинг ўзи. Расми кўриб Инобат опанинг ранги ўзгариб кетганига эътибор бердингизми?

– Ҳа, гезариб кетди, лекин у нима учун буни бизга айтмаяпти экан, шунга ҳайронман?

– Ким билади, балки марҳуманинг шаънига доғ тушишини истамаётгандир?

– Тавба, шунақасиям бўларкан-да, менимча, у тириклигида шаънига етарлича доғ туширган кўринади, – деди Фарҳод.

Собиржон индамай ниманидир ўйлаб қолди, кейин бирдан жонланиб:

– Балки Инобат опанинг бу ҳаракати қотилни қўлга туширишимизни бирмунча осонлаштирар-а, нима дейсиз, Фарҳод?! – деди.

– Унинг ортидан кузатувчи қўямиз, демоқчимисиз?

– Назаримда, Инобат опа Толибни қаерлардан излашни жуда яхши билади, шундай экан, бу бизга анча қўл келиши аниқ.

– Тўғри.

ТҲРТ ТОМОНЛАМА КУЗАТУВ

Терговчиларнинг таклифи билан Инобат опани кузатишни бошлаганларига ҳам ўн кунча бўлди. Лекин унинг нима қилмоқчи ёки кимни излаётгани ҳалигача номаълум эди. Собиржон тергов ҳаракатларидан бирор натижа чиқмаётганидан сиқилиб, хонасида у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Феврал охираб қолганига қарамай, ҳаво анча совуқ эди. Хона совиб кетгандек туюлиб, Собиржон кондиционернинг илитгичини баландлатди ва юришда давом этди.

Эшик очилиб, Фарҳод кириб келди. У кира солиб ўйлаган фикрини Собиржонга айтишга шошилди:

– Собиржон ака, ҳалигача қотилнинг кимлиги аниқ эмас. Мабодо, биз Инобат опага чалғиб, ҳақиқий қотилни кўздан қочирмаяпмизмикин? – деди.

– Сиз эшикни бекитинг, ундан кейин нима демоқчи эканингизни бемалол айтишингиз мумкин!

– Бунга эшикнинг нима дахли бор?

– Хонага совуқ киради!

– Э, нима экан дебман, ундан кўра кайфиятим йўқ, чиқиб кет, деб қўя қолмайсизми?

– Мен бунга ўзингиз сезасиз, деб ўйлабман.

– Лекин мен ҳам жиноятнинг ҳалигача очилмаганига сиздан кам сиқилаётганим йўқ. Шунинг учун ҳам

сиз билан айрим фикрларимни ўртоқлашгани келган эдим.

– Ҳўш, гапиринг-чи, – деб Собиржон жойига ўтирди.

Фарҳод унинг қаршисига ўтириб:

– Мен биз шубҳа қилаётганимиздан бошқа биров қотиллик қилгани аниқ демоқчи эмасман, лекин шундай бўлиши ҳам мумкин-ку.

– Шу гапни айтиш учун буюк кашфиёт қилган одам-дек ҳовлиқиб кириш шартмиди? Буни мен ҳам биламан, шунинг учун ҳам ҳеч нимани кўздан қочирмаяпман. Нима, сизнингча, мен фақат Инобат опанинг орқасидан кузатувчи қўйиб, бошқа ҳеч қаёққа қарамасдан, қўл қовуштириб ўтирибманми?

– Ундай демоқчи эмасман...

– Ҳамма ўз ишини рисоладагидек бажараяпти, лекин ҳеч қаердан натижа чиқмаяпти, ана шунга сиқилаяпман.

– Ҳа, тўғри. Собиржон ака, мен аслида кетаётганимни айтиш учун кирган эдим, – деди Фарҳод ўрнидан туриб.

– Қаерга?

– Уйга-да, соат кечки ўн бир бўляпти, нима, сизнинг кетиш ниятингиз йўқми, дейман?

– Соат ўн бир денг, дарров-а... Мен бироз ишламоқчи эдим.

Шу пайт унинг қўл телефони жиринглаб қолди.

– Эшитаман, ҳозир етиб борамиз, кўздан қочирманглар! – деб Собиржон манзилни ёзиб, трубкани қўйди.

– Тинчликми? – деди Фарҳод.

– Инобат опа машинасини панага қўйиб, бир уйдан кимнингдир чиқишини пойлаётган эмиш.

– Кузатувчилар ҳам машинадамикинлар? Ишқилиб, ўзларини билдириб қўймасинлар-да.

– Хавотирланманг, улар ўз ишларини яхши билишади.

Терговчилар айтилган манзилга етиб борганларида уларни фуқаро кийимидаги милиция ходими кутиб турган эди.

– Қани у? – деди Собиржон.

– Нариги кўчада, «болалар» аёлга сездирмай, унинг атрофини ўраб кузатаяптилар.

– Инобат опа бу ерга қачон келган эди?

– Чамамда икки соатча аввал у машинасини бошқа уйнинг қаршисида, дарахтлар панасига қўйган. Узи эса машинадан тушиб, ўша эски ҳовлининг деразасидан уч-тўрт марта мўралади. Менимча, у излаётган кишисининг шу ерда эканини аниқ билади.

– Шунақа денг, Ёрқинбек, биз ҳам бориб уни кузатсак, нима дейсиз?

– Майли, лекин машинани шу ерда қолдиришга тўғри келади.

– Албатта, кетдик Фарҳод.

Улар учалови йўлак бўйлаб юра бошладилар. Нариги кўчага ўтганларидан кейин:

– Бу кўчанинг қоронғилиги ишимизни осонлаштираяпти. Фақат айрим уйларнинг деразаларидан ёруғ тушаяпти, холос, – деди секингина Ёрқинбек.

– Тўғри, мана шу ерда туриб кузата қолайлик, яхши кўринаркан, – деди Собиржон қандайдир бутасимон шохлари қалин ўсган дарахт панасида тўхтаб. Улардан сал нарида Инобат опанинг машинаси турарди.

– У қайси ҳовлини кузатаяпти? – деди Фарҳод.

– Машина турган жойнинг рўпарасидаги ҳовлининг наригисини.

– Чироқ кўринмаётган пастқам уйиними?

– Ҳа.

– Ишқилиб, болалар сергак туришибдимиз?

– Албатта, – деб Ёрқинбек қўлидаги трубкадан: – Объектни кўздан қочирманглар, – деди паст овозда.

– Хўп бўлади, – деган овоз эшитилди.

Улар анча туришди. Кўчадан ўтиб кетган бир-иккита одамни ҳисобга олмаганда, жимжитлик эди. Фарҳод Собиржоннинг қулоғига:

– Эшитаяпсизми? – деди.

– Нимани? – деди Собиржон сергак тортиб.

– Қорнимнинг қулдирашини, жонивор очликдан ҳуштак чалаяпти.

– Ҳозир шу гапнинг мавридими?! – деди Собиржон жаҳл билан шивирлаб.

– Мен ҳам шуни айтаман-да, лекин буни қорнимга тушунтириб бўлмаяпти.

– Бас қилинг, майнавозчиликни, чалғитаяпсиз!

Ёшгина милиция капитани уларнинг гапини эшитиб, жилмайиб қўйди. Шунда кучада бир кишининг шарпаси пайдо бўлди, у тез-тез юриб, ўша эски ҳовлининг эшигига яқинлаша бошлади. Инобат опа машинасидан тушиб, унга қараб югуриб борди. Ҳалиги шарпа ўгирилиб қаради ва тўхтаб қолди.

– Толиб, гаплашиб олишимиз керак! – деди Инобат опа қўлларини орқасига қўйиб турган ҳолда.

– Инобат опа, мени кузатишаётган бўлишлари мумкин, сизни ўзим топаман, ана шунда гаплашамиз, майлими? – деди Толиб хавотирли оҳангда.

– Йўқ, бу асло мумкин эмас, мен сендан икки ориз сўз сўрайман, холос. Кейин сен билан ишим йўқ, катта кўча – кетавер.

– Майли, кира қолинг.

– Йўқ, машинада гаплашамиз!

– Қани машина?

– Анави ерда, юр! – деб Инобат опа Толибни машина томон бошлади. Толиб итоаткорона унга эргашиб борарди. Инобат опа машинанинг эшигини очиб, уни ичкарига киритди ва тезда машинанинг эшикларини бекитиб қўйди.

Толиб буни кутмагани учун:

– Ие, бу нима қилганингиз, Инобат опа? – деди.

– Сен ўзинг нимага машинада эмассан? – деди Инобат опа.

– Мени кузатишаяпти дедим-ку!

– Қизиқ, сени мендан бошқа яна ким кузатаётган экан?

– Сиз мени нимага кузатаяпсиз?

– Билмагандай гапиришини қаранг, гўёки беозор мусича!

– Нималар деяпсиз?

– Қизимни нима учун ўлдирдинг, ит!

Инобат опанинг бирданига бақриб, ўдағайлашидан саросимага тушган Толиб додираб:

– Унинг ўлганини эшитиб, қанчалар сиқилганимни биласизми? Уни мен ўлдирмадим, ишонаверинг! – деди.

– Сенга ишонаманми, аблаҳ! – деб Инобат опа қўлида ушлаб турган спорт гантели билан унинг бошини орқа томонига бир урди.

Толиб ёши бир жойга бориб қолган, гаплашганида «Толибжон» деб тилидан бол томадиган Инобат опанинг бошига тушириб қолишини хаёлига ҳам келтирмаганди. У инграб, кутилмаган зарбадан бўшашиб, ҳушини йўқотиб қўйди. Машинада бўлаётган воқеани тахминан англаган кузатувчилар қўзғалиб қолишди ва буйруқ кутиб туришди.

– Қўлга олиш ҳақида буйруқ берайми? – деди Ёрқинбек Собиржонга.

– Шошилманг, Инобат опанинг мақсадини билайлик-чи.

– Уни ўлдириб қўймасайди, – деди Фарҳод хавотирланиб.

– Менимча, ундай нияти йўқ, акс ҳолда, машинага чиқармасдан кўчадаёқ бирёқлик қиларди.

Ҳақиқатан ҳам Инобат опанинг Толибни ўлдириш нияти йўқ экан. Аввалдан тайёрлаб қўйилган тизимча билан унинг қўллари ва оёқларини тез-тез боғлаб, машинани орқага буриб, ҳайдаб кетди. Салдан сўнг кузатувчилар ҳам машиналарини унинг ортидан ҳайдашди. Инобат опа шаҳардан ташқарига чиқиб кета бошлади. Кузатувчиларга унинг машинасининг чироқлари ёруғи элас-элас кўринарди.

– Ўзи қаерга бораяпти? Тезликни сал оширсак-чи?
– деди Фарҳод.

– Шаҳар ташқарисидаги дачалар жойлашган томонга қараб кетмоқда, менимча, у дачасига бормоқчи. Агар унга яқинлашсак, сезиб қолиши аниқ, – деди Собиржон.

Шу пайт «CAPTIVA» машинаси тор йўлдан машиналарига тегай-тегай деб уларнинг машинасини қувиб ўтиб кетди ва Инобат опадан ҳам ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Инобат опа кўзлаган манзилига етиб борди, шекилли, унинг машинаси чироқларининг ёруғи кўринмай қолди. Орқадагилар ҳам машиналарини тўхтатиб, кутиб туришди. Бироздан кейин узоқдан бир уйнинг деразасидан чироқ ёнгани кўзга чалинди. Собиржон машинани юргизди. Улар, тахминан, Инобат опа машинасини тўхтатган жойга қараб ҳайдашди. Инобат опа чироқ милтилаб ёниб турган жойда эканини тахмин қилган кузатувчилар машиналарини берироқда қолдириб, ўзлари яёв боришди.

Собиржон чороқнинг очиқ қолдирилган эшигидан ичкарига кириб, овоз чиқаётган хонага мўралади. У ерда Инобат опа ҳушига келиб қолган, қўллари ва оёқлари боғлоқдик ётган Толибни тепиб:

– Қизимни нима учун ўлдирдинг! – деб бақирарди. У ўз ишига шу қадар берилиб кетган эдики, ҳатто эшикни очиқ қолдирганини ҳам хаёлига келтирмасди.

Собиржон бошқаларга кутиб турунглар, деган ишорани қилиб Ёрқинбек билан хонага кирди.

Инобат опа уларнинг кириб келганини пайқамай:

– Сен ит эмган Дурдонани ўлдирганимни айтмасам, тирик қоламан, деб ўйлаганмидинг, ҳозир сени ҳам ўлдираман! – деб Толибнинг бошини мўлжаллаб қўлидаги гантелни кўтарди.

Ёрқинбек тезда бориб унинг қўлини ушлади. Инобат опа чўчиб, орқасига қаради.

– Уни ўлдиришга ҳаққингиз йўқ! – деди Собиржон.

– Ҳаққим бор, мени қўйиб юборинг! Ахир у менинг жигарбандимни ўлдирди, унинг бошини эзиб ташлайман, кейин мени нима қилсанглар ҳам майли! – деб бақририб, Инобат опа икки томондан ушлаган милиция ходимларининг қўлидан чиқиб кетишга уринарди.

– Илтимос, тинчланинг, унинг жиноятини аниқлаганимиздан кейин албатта, қонуний жазоланади. Унинг қўл-оёқларини ечинглар! – деди Собиржон.

Толибни ўрнидан турғазишди.

– Машинага олиб чиқинглар, терговни прокуратурада давом эттирамиз, сиз ҳам биз билан боришингизга тўғри келади, – деди Собиржон Инобат опага қараб.

Шу пайт эшикдан кириб келган нотаниш киши:

– Кечирасиз, Толиб Авезов билан бу аёлни биз олиб кетишимиз керак, – деди. Кутилмаганда пайдо бўлган йигит Собиржонга ҳужжатини кўрсатиб: – Биз Миллий Ҳавфсизлик Хизмати ходимларимиз, – деб ўзини таништирди.

– Авезов сизларнинг кузатувингиздаמידи? – деди Собиржон.

– Ҳа, биз уни анчадан бери наркотик моддалар олиш-сотишда гумон қилиб, кузатаётган эдик, унинг айби тасдиқланиб ҳам қолган, лекин уларнинг гуруҳ раҳбарини қўлга тушириш учун уни ўз ҳолига қўйгандик.

– Боя ЖИПда ўтиб кетган сизлар экансизлар-да?

– Ҳа, қарасам, ҳаммамиз у аёлнинг ортидан кета-япмиз, улар милиция ходимларининг кузатувида эканини билганимиздан сўнг биз унинг олдига ўтиб олишимиз лозим, деб ўйладим. Айтмоқчи, бу аёл ўзи ким, кўққисдан биз кузатаётган объектни жароҳатлаб, ишимизга тўсқинлик қилиб қолди. Афсус, яна озгина кузатсак, ҳаммаси кўнгилдагидек бўларди. Авезов яширинган қавагидан эндигина чиқиб, ҳаракатга тушиб қолган эди-я.

– Биз Инобат опа қизининг қотилини излаётганини сезиб, уни кузатаётган эдик, – деди Собиржон.

– Майли, терговни ҳамкорликда олиб борарканмиз, – деди хавфсизлик хизмати ходими.

– Ҳа, – тасдиқлади Собиржон.

Толибни МХХ ходимларидан иккитаси ушлаб, хонадан олиб чиқмоқчи бўлганларида кутилмаганда деразадан икки марта ўқ узилди. Ўқлардан бири хавфсизлик хизмати ходимининг елкасига, иккинчиси эса Толибнинг қоқ кўксига тегди.

Тун қоронғусида ўқ узган жиноятчининг изидан қувиб кетган милиция ва хавфсизлик хизмати ходимлари кўп ўтмай уни қўлга туширишди.

Толибнинг аҳволи оғир эди. У аранг нафас олаётгани кўриниб турарди. Хавфсизлик хизмати ходими эса зўр бериб Толибдан жинойий гуруҳ раҳбарининг номини, унинг бошқа аъзоларини билишга уринарди.

– ...Авезов, ўзингиз ҳаммасини кўриб турибсиз, улар сизни ўлдириш учун отдилар, демак, сиз уларга керак эмассиз, наҳотки шундан кейин ҳам ҳеч нима демасангиз?!

– Айтаман... Ҳаммасини айтаман... Рамазон бошқаради, унинг иши... Афғонистондан келган героинни бошқа давлатларга ўзининг одамлари билан у жўнатади...

– Фамилияси, манзилини айтинг!

– Далеров Рамазон, шаҳарнинг бешинчи даҳасида, 51-уй, 38-хонадон...

Унинг тирик қолишига кўзи етмаган Собиржон:

– Айтинг-чи, Бобоқулова Дурдона ҳам сизнинг наркобизнесингизга аралашганмиди? – деб сўради.

– Мен наркотикни четга чиқаришда ундан фойдаланардим...

– Уни нима учун ўлдирдингиз?

– Мен ўлдирмадим... Худо ҳаққи, ишонинглар... билмайман, ким ўлдирганини... – деб Толибнинг жони узилди.

Хавфсизлик хизмати ходимлари ўқ узган жиноятчини ва Инобат опани олиб кетдилар. Тун зулматида машиналарнинг чироқлари, прожекторлар билан ёритилиб, ИИБ ва МХХ ходимлари билан тўлиб кетган кичкина чорбоғ атрофи бирпасда яна осудалик қўйнига чўмди.

Собиржон билан Фарҳод йўлда уйларига қайтишаркан:

– Демак, Толиб тўрт томондан кузатувда экан-да, бир томонда Инобат опа, иккинчи томонда биз, учинчи томонда МХХ ходимлар, тўрттинчиси эса ўзининг ҳамтовоқлари, – деди Фарҳод

– Ҳа, унинг сотиб қўйишидан чўчиб, қўлга тушмасидан отиб ташлаш буюрилган бўлса керак.

– Уни Хавфсизлик Хизмати ходимлари кузатаётганини билганларидан кейин дарров тинчитиб қўймагнларининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

– Менимча, Толибнинг яширинган жойини ўша сиз айтган кузатувчилардан ҳеч бири тополмаган. У яширинган жойидан чиқиши билан ҳаммамиз ҳаракатга тушдик.

– Ўқ узган жиноятчи бирор нимани айтади деб ўйлайсизми?

– Энди бунинг аҳамияти йўқ, чунки аниқ фактларни, керакли маълумотларни ўлиmidан олдин Авезов айтди.

ЯНГИ ТАХМИН

Эрталаб Собиржоннинг хонасига кирган Мурод ака у билан саломлашганидан кейин:

– Собиржон, ҳаммасини эшитдим, кеча биргаликда катта ишни амалга оширибсизлар, баракалла. Шу билан сиз ҳам қўлингиздаги жиноят ишига нуқта қўйдингиз, табриклайман, – деди мамнун жилмайиб.

Собиржон индамай дераза тоқчасига суяниб турган Мурод аканинг қаршисига борди ва:

– Раҳмат, Мурод ака, – деди кейин бироз деразадан кўчага қараб туриб: – Кеча катта наркобизнес билан шуғулланувчи жиноятчи қўлга тушиб, муҳим маълумотлар олингани тўғри, лекин биз тергов қилаётган жиноят ишига ҳозирча нуқта қўйилмади, деб ўйлайман, – деди Собиржон.

– Нима учун?

– Чунки қотил ҳалигача номаълумлигича турибди.

– Тушунмадим, сиз ўша шериклари томонидан отиб ташланган Аvezовни Бобоқулованинг қотили эканига шубҳа қиляяпсизми? – деди ажабланиб Мурод ака.

– Шубҳа қилаётганим йўқ.

– Бўлмаса муаммо нимада?

– Мен Бобоқуловани Толиб ўлдирмаганини аниқ биламан!

– Ие, нимага асосан?

– Жон бераётган одам уни ўлдирмаганини айтиб, қасам ичса, сиз бунга ишонмасмидингиз?

– Билмадим... – деб Мурод ака оппоқ сочларини орқага қараб силаб, ўйланиб қолди.

Шу пайт хонага салом бериб Фарҳод кириб келди.

– Ҳозир келдингизми? – деди Мурод ака Фарҳоднинг шишиб кетган қовоқлари, қизарган кўзларига қараб.

– Ҳа, кеча тонг оқарганда уйга борганмиз, шунинг учун ухлаб қолибман, – деди Фарҳод норози оҳангда, буни жуда яхши билса ҳам, яна сал кеч қолганимга шаъма қилишига бало борми, дегандек қилиб.

– Шунақа денг, Собиржон ҳам сиз билан биргамиди? – деди Мурод ака одатдагидек илмоқди гапириб.

– Ҳа...

– Майли Собиржон, жиноят ишини яхшилаб кўриб чиқинг-чи, фикрингиз ўзгарса, кейин яна гаплашармиз, – деб Мурод ака чиқиб кетди.

– Мурод ака яна қанақа фикр тўғрисида гапираяпти, ахир жиноят ишини тугатдик-ку.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми? – деди Собиржон жойига ўтираркан.

– Албатта, мархуманинг наркобизнесга аралашиб қолиб, келишмовчиликлар чиқиши натижасида шериклари томонидан ўлдирилган бўлиши мумкин, деган тергов тахмини ўз тасдиғини топди, деб ўйлайман.

– Гарчи, қадаҳдаги бармоқ излари Авезов Толибга тегишли эканлиги аниқланган бўлса ҳам, у қотил эмас.

– Сизга нима бўлди, Собиржон ака? Ахир Толибнинг наркотик моддаларни четга чиқаришда Дурдонадан фойдаланардим, деганини ҳамма эшитди-ку!

– Тўғри, Бобоқулова наркобизнесга аралашган, лекин уни бошқа биров ўлдирган.

– Менинг фикримча, бу ерда лаънати наркобизнесчилар ҳаром пулларни деб, бир-бирларини гажиб, ўлдирганлар! Бундан баттар аҳволга тушсалар ҳам майли! Қанийди, улар бутунлай йўқ бўлиб кетишса! – деди Фарҳод Собиржоннинг Бобоқуловани ҳамтовови Авезов ўлдирганига шубҳа билан қараётганига жаҳли чиқиб.

– Илтимос, фикр-мулоҳазаларингизни ичингизда сақласангиз, менинг ишлашимга халақит бераяпсиз, – деди Собиржон Фарҳоднинг бефойдалигини билса ҳам, қизишиб, овозини баянлаётган гапиришини ёқтирмай.

– Хўп, лекин яна бир гапни овозимни чиқариб айтиб, кейин хонамга кетсам майлими, устоз? – деди Фарҳод қизишиб кетганини сезиб, ҳазил аралаш узр оҳангида.

– Майли, – деди Собиржон компьютердан нималарнидир изларкан.

– Ҳозир сиз мен чиқиб кетганимдан сўнг мархуманинг қайнота-қайнонасининг кўрсатмаларини қайта-қайта ўқийсиз, чунки Толиб қотил эмас деган фикрга келганингиздан кейин, табиийки, улар асосий гумонланувчилар бўлиб қоладилар-да. Аммо уларнинг кўрсатмаларидан ҳеч нима тополмай, сиқилиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлайсиз. Менинг эса ўша пайт-

да билмасдан хонангизга кириб қолган одамга раҳ-
мим келади, – деди Фарҳод.

– Авлиё бўлиб кетинг-э, – деди Собиржон компью-
тердан бошини кўтармай.

– Салдан кейин гапимнинг исботини кўришга ки-
раман, – деб Фарҳод эшикни очиқ қолдириб, чиқиб
кетди.

– Сиз хонага эшик деган нарсанинг нима учун ўрна-
тилишини қачон тушуниб етасиз! – деди Собиржон
овозини баландлатиб унинг ортидан.

– Кечирасиз, мана тушуниб етдим, устоз, – деб Фар-
ҳод эшикни бекитиб кетди.

Собиржон Фарҳод айтганидек, марҳуманинг қай-
нонаси ва қайнотасининг кўрсатмаларини эмас, бал-
ки бутун бошли тергов материалларини бир бошидан
кўриб чиқа бошлади. У ҳар бир тергов ҳаракатини
синчиклаб ўқир, унинг ҳеч қаерида хатога йўл қўйил-
маганига ишонч ҳосил қилганидан кейин бошқасига
ўтарди.

У шу тариқа ҳамма материалларни кўриб чиқди ва
ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Ҳа, Фарҳод айтганидек, ҳеч нима тополмаяпман!
Уни Толиб ўлдирмаган бўлса ҳам бошқа шериклари
ўлдиргани аниқ. Шундай экан, силлиққина қилиб, ҳам-
масини Толибга тўнкаб, «жиноятчининг ўлими туфай-
ли» жиноят ишини ёпиб қўя қолсам-чи? Мурод ака-
нинг ҳам фикри айнан шундай. Фарҳод эса биринчи
марта ўзининг гапи тўғри чиққанидан хурсанд бўлар-
ди. Қисқаси, ҳаммамиз учун қулай йўл. Дарвоқе, шу
ишни бирёқлик қилсам таътилга чиқиб, оилам билан
дам олишим мумкин...

Бобоқулованинг жиноятчилиги аниқланди...

Собиржон юришдан тўхтаб, деразадан кўчага
қараб ўйлаб қолди.

Тўғри, марҳума жиноятчи, лекин барибир, уни ким
ўлдирганлиги маълум эмас. Мен буни аниқлашим ло-
зим, ахир ҳақиқий қотилни топиш бу – қонун талаби-

ку! Албатта, уни наркобизнесдаги шериклари ўлдирган, деб жиноят ишини «ҳаракатдан тўхтатсам» ҳам бўлади. Бу жуда осон, бироқ унда қотил кимлиги номаълумлигича қолаверади.

Балки, бу қотиллик замирида янада каттароқ жиноятлар яширингандир. Мен Бобоқуловани ким, нима учун ўлдирганлигини аниқлашим зурур! Собиржон ана шундай қатъий қарорга келганидан кейин яна компьютер қаршисига ўтирди. У гувоҳларнинг кўрсатмаларини ўқиркан, ҳар бир жумланинг, ҳар бир сўзнинг маъносини чақишга уринарди.

У Матназар аканинг терговдаги қисқагина кўрсатмасини қайта-қайта ўқиркан, унинг «Журъат онасига тортган, унинг ҳам соддалиги туфайли бошига офир кунлар тушди», деган сўзлари диққатини тортдиб, яна бир ўқиб чиқди.

Матназар ака хотинини «содда аёл» деяптими? Наҳотки, Ҳанифа опани «содда аёл» дейиш мумкин, менимча, йўқ, деб ўйлади Собиржон.

У Ҳанифа опанинг охирги марта терговда берган кўрсатмасини бошидан ўқий бошлади ва «Мен Журъатни ҳатто Файратдан ҳам яхши кўрардим...» деган жумлада тўхтаб қолди. Собиржон шу жумлани овозини чиқариб такрорлади.

Одатда, ота-оналар фарзандларини бир-бирларидан ортиқ ёки кам яхши кўришларини айтишмайди, ваҳоланки, уларни бир-бирларидан заррача кам ё кўп яхши кўриши мумкин ҳам эмас... Ҳанифа опанинг «ҳатто» деган сўзни ишлатишига сабаб нима экан? Бунда қандайдир мен билмаган бир нима борлиги аниқ, деб ўйлади Собиржон ва трубкани кўтариб, қўнғироқ қила бошлади:

– Алло, Матназар аканинг хонадоними?

– Ҳа.

– Мен прокуратурадан терговчи Мирзаевман. Сиз ким бўласиз?

– Мен келинлариман.

– Ҳанифа опа уйдадилар.

– Ҳа, ҳозир чақираман.

– Йўқ, чақирингиз шарт эмас, ҳозир терговчилар келаркан, деб қўйсангиз кифоя, – деди Собиржон ва трубкани қўймасдан бошқа рақам тера бошлади:

– Фарҳод, тушликка кетмадингизми? – деди.

– Йўқ, олдингизга кирмоқчи эдик.

– Ким билан?

– Ҳозир кўрасиз.

Фарҳод эшикни очиб ичкарига кираркан:

– Келавер, Комил, – деди.

Фарҳоднинг ортидан хонага ўрта бўйли, тўлагина, сариқ юзига сепкил тошган, кўзлари кўкиш, қўнғир сочлари жингалак йигитча қўрқа-писа кириб келди ва салом берди.

Собиржон кутилмаган меҳмонга ўрнидан туриб, саломлашиш учун қўлини узатди.

– Бу йигит практикант Комил, боя Мурод ака сизларни таништириш учун келган экан, мен вазиятни тушунтирганимдан сўнг Комилни менинг хонамда қолдириб, кейин Мирзаевнинг ёнига кирарсизлар, деди.

– Тушунарли, нечанчи курссиз?

– Охирги.

– Нимага қизиқасиз?

– Мен терговга кўпроқ қизиқаман, сиздан иш ўрганишни жуда хоҳлардим, – деди Комил Собиржоннинг самимий муомаласидан сўнг энди ўзини сал эркинроқ тутиб.

– Жуда яхши, унда мана бу казусларни ечиб, натижаларини ёзма равишда кўрсатинг, – деб Собиржон стол тортмасидан унга казуслар билан тўла папкани олиб узатди.

– Раҳмат.

– Сизнинг терговга қай даражада қизиқишингизни биз қайтиб келгунамизча нечта казусни тўғри ечингиздан биламиз, – дея Собиржон йўлга отланди.

- Ўзи қаерга бораяпмиз? – сўради Фарҳод.
- Ҳанифа опанинг уйига.
- Демак, менинг бояги башоратим тўғри чиқибдида, – деди кулиб Фарҳод.
- Ҳа, бироз.
- Бундан хурсандман.
- Хурсанд бўлишга ҳали эрта.
- Улар кўчага чиқарканлар Фарҳод:
- Тушликка оз қолди, овқатланиб кейин борсак- чи?
- деди.
- Мен уларга ҳозир борамиз, деб айтиб қўйдим, ошхонадан бирор нима олиб чиқинг, йўлда еб кетарсиз.
- Ҳар доим аҳвол шу, ҳамиша вақтни тежашингиз оғирлиги менга тушади, – деб тўнғиллади Фарҳод ва ишхонанинг ошхонасига кириб кетди.
- У кўлида егулик солинган пакет ушлаб, тезда қайтиб чиқди. Машинада кетишаркан Собиржон:
- Фарҳод, сиз нима деб ўйлайсиз, Ҳанифа опани жуда содда аёл, дейиш мумкинми? – деди.
- Ҳар бир гапини тарозига солиб гапирадиган, мақолларни жойида ишлатадиган аёл тўғрисида бундай фикрга борганингизнинг сабаби нимада? – деди Фарҳод сомсадан тишларкан.
- Агар эътибор берган бўлсангиз, марҳуманинг қайнотаси Матназар акани иккинчи марта сўроқ қилганимизда хотини тўғрисида шундай сўзларни айтди, – деди Собиржон Фарҳод узатган пакетдан битта сомсани қоғоз сальфетка билан ушлаб оларкан.
- Картошкали сомсани ёқтирмасдим, лекин қорин очлигида яхши кетаяпти, – деди Фарҳод кавшаниб. – Ўшанда Матназар ака нима деган эди, эслай олмаяпман?
- «Журъат онасига тортди, ўзининг ўта соддалигидан бошига оғир кунлар тушди» деган эди. Хўш, сиз ҳам унинг фикрига қўшиласизми?
- Йўқ, менимча, Ҳанифа опа билан гаплашиб кўрган киши ундай ўйламайди.

– Тўғри, мен ҳам шундай фикрдаман.

– Тушунмадим, ўзи нимани назарда тутяпсиз?

– Журъатнинг онасини содда аёл, дейлик. Ҳанифа опанинг табиати эса унинг тескарисси, демак, Журъат...

– Наҳотки, сиз Матназар аканинг битта сўзини деб, марҳуманинг эри Матназар ака ва Ҳанифа опаларнинг ҳақиқий ўғиллари эмас, деб ўйлаётган бўлсангиз? – деди Фарҳод Собиржон сўзини тугатмасидан.

– Ҳа, бироқ буни уларнинг ўзларидан сўраганимиздан кейин анигини айтиш мумкин.

– Майли, Журъатни асранди фарзанд ҳам, дейлик, лекин бунинг қотилликка қандай алоқаси бор, ахир бизнинг вазифамиз Журъатнинг ҳақиқий ота-онасини топиш эмас, балки қотилни топиб, жавобгарликка тортиш эмасми?

– Мен ҳамиша ички сезгиларимга қулоқ соламан. Шундай экан, ортиқча саволлар бермаслигингизни маслаҳат берардим.

– Собиржон ака, такрор айтаман, Матназар аканинг биттагина сўзидан бундай хулоса чиқариш, менимча, ҳақиқатга унча тўғри келмайди, чунки у одам шаддир-шуддир, гапирган бўлса, бордир.

– Унда Ҳанифа опа-чи, у нима учун Журъатни ҳатто... – деб Собиржон машинани тўхтатди. Улар етиб келишган эди.

Терговчиларни Ҳанифа опа қарши олди.

Собиржон у билан саломлашиб, Ҳанифа опа таклиф қилган оппоқ филоф кийдирилган юмшоқ ўриндиқларга ўтирганларидан кейин:

– Ҳанифа опа, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, илтимос, фақат ростини айтинг. Чунки мен бермоқчи бўлган саволимга сизнинг жавобингиз тергов учун жуда муҳим, – деди унга.

– Майли... – деди Ҳанифа опа терговчининг нимани сўрашини билолмай, унга хавотирли назар ташлаб.

– Журъат сизларнинг ҳақиқий ўғлингизми ёки асрандими? – деди Собиржон Ҳанифа опанинг кўзларига тик қараб.

Ҳанифа опа Собиржоннинг дангалига берган бу саволидан довдираб қолди. У Собиржондан кўзларини олиб қочиб:

– Ие, ўғлим, нимага дабдурустдан бундай деб қолдингиз? – деди.

– Мен буни айрим далилларга таяниб айтаяпман ва сизнинг тўғри жавобингизни кутаяпман.

– Менимча, бунинг сиз тергов қилаётган ишга ҳеч қандай дахли йўқ.

– Агар унинг ҳақиқий онасини билишнинг ишга алоқаси бўлмаса, мен буни сиздан сўрамасдим.

Собиржоннинг сўзларидан кейин Ҳанифа опа нима учундир ўрнидан турди, сўнг яна жойига ўтирди. У қўллари билан бошини сиқиб ерга қараганича анча ўтирди. Собиржон унинг жавобини кутар, Фарҳод эса гоҳ Собиржонга, гоҳ Ҳанифа опага бесабрлик билан қараб, бармоқлари билан столи секин чертарди.

Ниҳоят, Ҳанифа опа секин сўз бошлади:

– Сиз сўраётган гап учта киши орасидаги сир эди. Бу сирни биз ўттиз етти йилдан бери ҳеч кимга очмаган эдик, бунга зарурат ҳам бўлмаган, – деди Собиржонга қараб.

– Демак, Журъат...

– Ҳа, у бизга асранди ўғил.

– Шунақа денг, у асли кимнинг боласи эди, бир бошидан сўзлаб бера оласизми? – деди Собиржон.

– Ҳа, бошқа иложим ҳам йўқ, шекилли, айтишадик:

«Айтилмаган сир – дилингнинг сири,

Айтган сўнг сен – сирнинг асири».

Фақат сизлардан битта илтимосим, менинг айтган гапларимни Журъатга зинҳор билдирманглар.

АСРАНДИ ЎҒИЛ

Ўша йиллари институтни эндигина тугатган Матназарни мутахассис етишмагани учун бошқа вилоятга ишга жўнатишди. Унинг меҳнат таътилига чиқиб уйига келишини кутиб ўтирган ота-онаси дарров уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Муяссар опа илгаридан кўз остига олиб юрган ўзининг узоқ қариндошининг қизи Ҳанифани ўғлига айтганида Матназар кўп ўйланиб ўтирмай розилик бериб қўя қолди. Бўлажак келин тиббиёт институтини тугатган эди.

Улар тўйдан кейин яна Матназар ишлаётган вилоятга жўнашди.

Ҳанифа болалар шифохонасида ишлай бошлади, кўп ўтмай ўзининг мулойим феъли, одамоҳунлиги билан ишхонада ҳурмат қозонди. У Насима исмли ҳамшира қиз билан яқин дугона эди. Уларнинг опа-сингилдек тотувлигининг сабаби иккаласининг ҳам бошқа вилоятдан келганлиги, мусофирлиги боис бўлса ажаб эмас.

Сўнгги пайтлари Ҳанифа Насимани кайфиятсиз ҳолда кўра бошлади. У ҳеч ким билан гаплашмас, фақат кимдир бир нима сўраса, жавоб берарди. Ҳанифа бунинг сабабини сўраганда Насима:

– Ҳеч гап йўқ, ўзим шундай, – деб қўярди.

Бир куни Ҳанифа Насимани хонасига чақириб, унинг кўзлари қизарган, юзлари синиққанлигини кўриб:

– Насима, сен менга нима гаплигини айтмай, ўзингни еб юраверасанми, мени ҳеч нимани пайқамайдиган овсар, деб билдингми? – деди бироз асабийлашиб.

– Нимани сездингиз?

– Сендаги ўзгаришни фақат мен эмас, кўпчилик пайқаган.

– Наҳотки, наҳотки сездириб қўйдим?!

– Нимани яшираяпсан, бундай очиқроқ гапирсангчи, балки енгил тортарсан? – деди Ҳанифа дугонасининг кўнглига қўл солиб.

– Биласизми, мен энди ҳеч қачон енгил тортмасам қерак... – деб Насима бошини столга қўйиб йиғлади.

– Қўйсанг-чи, Насима, йиғлама, гапир, ахир биз дугоналармиз-ку, – деди Ҳанифа унинг бошини силаб.

Насима бироз тинчланиб, дугонасига қаради. Унинг кўзларидаги айтсамми, айтмасамми, деган иккиланишни пайқаган Ҳанифа ўртоғига далда бериб:

– Иккаламизнинг ҳам яқинларимиз узоқда, бир-биримизга ёрдам бермасак, ишонмасак, аҳволимиз янада қийинлашади. Гапиравер Насима, қўлимдан келганича ёрдам бераман, – деди.

– Майли, сизга ҳаммасини айтаман, бироқ сиз буни ҳеч кимга айтмасликка сўз беринг!

– Сўз бераман, – деб Ҳанифа унинг рўпарасидаги стулга ўтирди.

– Мен ҳомиладорман... – деди Насима қўллари билан юзини бекитиб.

Ҳанифа унинг кутилмаган бу гапидан гангиб қолди. У индамай анча ўтирганидан сўнг:

– Насима, нима деяётганингни биласанми? Ахир, сен...

– Ҳа, мен турмушга чиқмаганман, лекин билим юртида ўқиб юрганимда бир йигит билан танишиб қолган эдим. У менга уйланишга ваъда берган, мен аҳмоқ унга ишониб, сўзларига лаққа тушибман. Чунки уни яхши кўриб қолганман. Мен ҳомиладорлигимни айтганимдан кейин тезда тўйимизни қилишга сўз берди. У бу ҳақда ота-онасига айтиш учун кетганди, лекин шу кетганича дам-дараги йўқ.

– Қачон кетганди?

– Бир ойдан ошаяпти.

– Ҳомиланг неча ойлик?

– Тўрт ой...

– Энди нима қилмоқчисан?

– Абортни уйлаётгандим.

– Йўқ, сен ундай қилма, кейин фарзанд кўролмайсан!

– Майли, мен бошқа турмушга ҳам чиқмоқчи эмасман! – деди Насима йиғлаб.

– Балки ўша йигитнинг ота-онаси унинг сенга уйланишига розилик беришар, сен эса у келгунча болани йўқотиб қўйсанг, бу томонини ҳам ўйладингми?

– Келса, шу пайтгача келарди, менинг қийин аҳволда қолганимни билиб, шу пайтгача ҳеч қаердан хабар бермаган одам энди келишига ишонмай қўйдим. Ундан ташқари, вақт ўтаверса, аборт қилиш ҳам мумкин эмас, буни ўзингиз яхши биласиз-ку.

– Гапинг тўғри, лекин сенга маслаҳатим, болани йўқотма. Сен уни туғишинг керак!

– Нималар деяпсиз, агар ота-онам билса, мени ўлдиришади! Қорнимни дўппайтириб қандай кўчага чиқаман?!

Ҳанифа ўйланиб қолди, бироздан кейин:

– Мен яхшилаб ўйлаб кўрай-чи, эртага сен билан нима қилиш кераклигини яна маслаҳатлашамиз, сен кўп қайғурма, кўз ёшларингни артиб, у ёқ-бу ёғинга қараб, ишингга боравер, – деди.

* * *

Ҳанифа эри Матназар ишдан келганидан кейин кечки овқат пайтида Насиманинг аҳволи ҳақида ҳаммасини айтиб берди. Матназар хотинининг гапларини эшитиб,

– Қара, Ҳанифа, ҳеч кимга ишониб бўлмас экан-да, – деди.

– Ҳа, шўрлик Насима ўша йигитга ишониб нотўғри қилган. Ҳаммамиз ҳам хомсут эмган бандалармиз. Сиз Насимани унақа енгилоёқ қизлардан экан, деб ўйламанг. У адашган, ўзи жуда яхши қиз, бироқ бироз соддароқ, шунинг учун ҳам унга раҳмим келаяпти.

– Менимча, у икки марта адашган, – деди кулиб Матназар.

– Тушунмадим, нима демоқчисиз? – деди Ҳанифа эрининг бемаврид кулишидан ажабланиб.

– Мен ҳеч кимга ишониб бўлмас экан, деганимда, сени назарда тутган эдим. Ахир, сен дугонангга сирингни ҳеч кимга айтмайман, деб ваъда берганингни ҳозиргина ўзинг гапирдинг, хўш, у сенга ишониб тўғри қилганми?

– Албатта.

– Унинг сирини менга очдинг-ку, шуми сенга ишонгани?

– Э, нима демоқчи эканингизни энди тушундим. Мен буларни сизга айтмасам бўлмасди-да, шунинг учун ҳам Насиманинг сирини очдим.

– Аллақандай бир қизнинг бошқа бир йигитдан алданиб қолиши тарихининг менга нима кераги бор? – деди Матназар бўш чойнакни хотинига узатиб.

Ҳанифа чой дамлаб келди ва шошмасдан пиёлага қуйиб, эрига узатди. У гапни нимадан бошлашни билмай бироз ўтириб:

– Биласизми, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, – деди секингина.

– Айтавер, намуноча шоҳдан бир қошиқ қонидан кечишни сўраган фуқародек гапираяпсан, – деди Матназар телевизордан кўзини узмай.

– Жавоб – олтин, савол – кумуш дейдилар, – деди Ҳанифа гапни узоқдан бошлаб.

– Сени онанг сут ўрнига мақол эмизиб катта қилган чоғи, лекин ростини айтсам, сенинг шундай гапиришинг менга ёқади, гапиравер.

– Раҳмат, Матназар ака, ақл ўлчови – сўз, сўз ўлчови – нақл, дейишади-ку. Менга ҳақиқатан ҳам бундай гапириш онамдан ўтган.

– Сўрамоқчи бўлган гапинг шунчалик қалтисми, дейман, анчадан бери мақсадга ўтолмай қийналаяпсан? – деди Матназар хотинининг ҳалиям гапиролмай чайналаётганига тоқати-тоқ бўлиб.

– Ҳа, жуда, лекин мен сизнинг очиққўнгил, самимий инсон эканингизга ишонганим учун ҳам бир таклиф айтмоқчиман.

– Қандай таклиф?

– Мен Насиманинг ҳомиласини йўқ қилишига қаршиман. Ўша йигит қайтиб келса, унга уйланиши мумкин, агар қайтиб келмаса, унинг боласини туққанидан кейин биз асраб олсак, сиз бунга нима дейсиз? – деб Ҳанифа эрига ҳамиша сермаъно боқувчи нигоҳларини қадади.

Ўзи тан олмаса ҳам, аслида шу нигоҳларнинг асирига айланиб қолган Матназар хотинининг кутилмаган таклифига нима дейишини билмай, индамай қолди.

– Билмадим, уйдагиларга нима деймиз? – деди Матназар бошини қуйи солганича. Унинг бу гапи хотинининг таклифига хайрихоҳлигини билдирарди. Ҳанифа эрининг қаршилиқ билдирмаганидан севиниб кетди. У ўйлаб қўйган режасини гапира бошлади.

– Тез кунда уйга борганимизда уларга тўрт ойлик ҳомиладорлигимни айтамиз.

– Ўша ярамаснинг Насимага уйланмаслиги кундай равшан. Шунинг учун бу вариантни йўқ деб ҳисоблаймиз. Лекин бундан тўрт ой олдин уйдагиларга нима деганимиз эсингдан чиққан кўринади. Ахир, сен узоқ даволанганингдан кейингина ҳомиладор бўлишинг мумкинлигини айтган эдик-ку.

– Мен буни ҳам ўйлаб қўйганман. Ўшанда мен ҳомиладор эканман, лекин врачларнинг гапидан сўнг бунга ўзим ҳам ишонмай юрган эдим. Энди ҳаммасини аниқлаганимдан кейин сизларга айтаяпман, дейман.

– Дугонанг-чи, қорни дўппайиб қолмайдими?

– Унинг қорни беш ойгача унчалик билинмайди, беш ойдан кейин декабр, январ ойларида қалин кийимлар унинг сал билиниб қолган қорнини яширади. Етти ойдан кейин эса у ўз ҳисобидан таътилга чиқиб, бизнинг уйда яшайди. Албатта, яширинча.

– Сен-чи?

– Мен Насимадан бир ой илгари ўз ҳисобимдан таътилга чиқаман ва ҳаммага ўзимизнинг вилоятга кетаётганимни айтаман.

– Ҳа, ҳаммасини пухта ўйлабсан, бироқ бу ишлар сенга тўғри келмайди.

– Нима учун?

– Мен билган ва ёлғонни ёмон кўргани учун ҳурмат қилганим Ҳанифа, наҳотки шунча одамни алдаб, бир умрга ёлғонни яшириб юриши мумкин? Бу унинг принципларига тўғри келадими?

– Ўзим ҳам бу ҳақда кўп ўйладим, кейин эса ҳаётда амал қиладиган қоидаларимга бир марта қарши боришга қарор қилдим, – деди Ҳанифа ва бошини кўтариб эрига қаради. – Хўш, айтинг-чи, қотилликнинг бефарқ кузатувчиси гуноҳқорми ёки ўша қотилликни ёлғон гапирса-да бартараф этган инсон гуноҳқорми?

– Сен қотиллик деганда оддий абортни назарда тутаёсанми?

– Ҳа, менинг назаримда, кичкина инсонни нобуд қилиш билан каттасини ўлдириш орасида ҳеч қандай фарқ йўқдай гўё. Ундан ташқари, менга докторлар узоқ даволанишлардан кейин ҳам фарзанд кўришимга унча ишонмай гапиргандай туюлди.

– Қотиллик ҳақидаги фалсафангни эшитганимдан сўнг фикрингни қувватлашдан бошқа чорам қолмади.

– Менинг таклифимга қўшилганингиздан бениҳоя миннатдорман.

Матназар Ҳанифага бирпас тикилиб туриб:

– Биласанми, мен сенинг бу қалтис таклифингга нима учун дарров розилик бердим?

– Нима учун? – деди қизиқиб Ҳанифа.

– Чунки мен сени...сенга ишонаман.

– Раҳмат...

Матназар чиқиб кетди.

Уларнинг турмуш қурганларига эндигина бир йил тўлган эди. Илгаридан бир-бирларини синашиб ёки

севишиб кейин турмуш қурмаганлари учун Ҳанифа Матназарнинг ўзига қандай муносабатда эканини билолмай қийналарди. Улар тўйдан олдин атиги икки марта учрашган эдилар, холос. Матназар табиатан камгап, одатда, у гапни айлантиришни ёмон кўрар, айтмоқчи бўлган фикрининг пўсткалласини гапириб кўя қоларди. Яна Ҳанифа эрининг кўп ўйлаб ўтирмай, шартта бир қарорга келиш феълани ҳам билганди. Унинг бу одатини Ҳанифа унча хушламаса ҳам, ҳозир асқотган эди.

Энг муҳими, Матназар унга «Мен сени яхши кўраман» демоқчи бўлди, лекин айта олмай «...сенга ишонаман», деди. Бундай сўзларни эридан эшитиш – аёл учун катта бахт, деб ўйлади Ҳанифа.

У бахтидан энтикиб, тўлқинланиб анчагача кўз ёшларини тўхтатолмай ўтирди.

Эрталаб Насима дугонасининг таклифини эшитиб, ўйланиб қолди. У ўзи ҳам қорнидаги боласини йўқ қилишни истамасди, лекин ота-онасининг, акасининг номусдан бош кўтариб юролмаслигини, ўзининг эса туққан фарзандига отасини бир умрга ким деб айтишини билмай қийналиб юришини хоҳламай, шундай қарорга келган эди.

Бироқ Насиманинг қалби тубида ўчай-ўчай деб турган аллақандай бир учқун бор эди. Бу ишонч эмас, уни алдаб кетган кимсанинг қайтиб келишига бўлган умид учқуни эди... Бу – унга болани олдириб ташлашига қаршилиқ қиларди.

Насима дугонасига чексиз миннатдорлик тўла ёшли кўзлари билан боқаркан:

– Буни эплармиканмиз? – деди секингина.

– Бу сенга боғлиқ, агар астойдил ҳаракат қилсанг, ҳеч кимга билдирмай, ҳаммасини амаллаймиз, – деди Ҳанифа дугонасининг унинг гапларига розилигини билдирувчи сўзларидан қувониб.

Ҳанифанинг бу сўзлари Насимага куч бағишлади. У шу кундан бошлаб қорнидаги ҳомиласини қандай

қилиб йўқотишни эмас, балки эсон-омон дунёга келтиришни ўйлай бошлади.

* * *

Ниҳоят, ҳаммаси Ҳанифанинг пухта ўйлаган режаси асосида ташвишларга тўла, ҳаяжонли кечса ҳам, жуда силлиқ яқун топди. Учаласининг сиридан чақалоққа ҳужжат берувчи соҳа вакилидан ташқари, ҳеч ким воқиф бўлмади. Уларнинг ота-онасидан узоқда яшаганликлари катта сирни яширишларида қўл келган эди.

Насима Журъатни дунёга келтирганидан кейин унга боқиб кўзи тўймасди. Гўдакнинг беозор, беғубор қарашлари, унинг кичкинагина қўлчалари, ундан таралувчи ҳеч ниманинг ҳиди билан таққослаб бўлмайдиган ёқимли ифори... Гўёки бу митти мавжудот унинг юрагининг бир парчаси эди. Насима ўзидаги қолатга тушунмас, бу ширингина инсонча уни нимаси билан ўзига боғлаб олганини билмай қийналарди.

Чақалоқ лабларини чўччайтириб, йиғлаб юборди. Насима уни қандай овутишни билмай, юзларини силади. Гўдак йиғидан тўхтаб, унинг қўлларига оғзини яқинлаштирди ва яна йиғлаб юборди. Ана шунда у фарзандига, жигарбандига нима кераклигини ич-ичидан туйди ва кўкрагини унга берди. Чақалоқ эса пешонасидан мунчоқ-мунчоқ терлари чиқиб, ютоқиб-ютоқиб эмарди.

Насима қўлидаги фарзандини бировга беришини ўйлаб, йиғларди. Унинг аччиқ кўз ёшлари бутун вужудидан сизиб чиқаётганга ўхшар, юрак-бағри тилим-тилим бўлиб, парчаланиб кетгандек эди. У боласи билан узоқ-узоқларга қочиб кетишни хоҳларди, лекин бунинг иложи йўқлиги, чорасизлигини билгани учун ўзини тўхтатолмай, елкалари силкиниб-силкиниб йиғларди.

Ахир у болани туққанидан кейин дугонасининг қўлига тутқазиб, орқасига қайрилиб ҳам қарамай ке-

тишга келишган эди-ку. Энди нима бўлади? Уни қандай қилиб ташлаб кета олади?

Насима ана шундай ўйлар гирдобида ўғилчасига тикилиб ўтирганида Ҳанифа кириб келди. У Насиманинг ўтиришига анча қараб турди ва:

– Ҳа, ўртоқжон, ўғлимизга тикилиб қолибсан? – деди.

Унинг кирганини сезмаган Насима чўчиб тушди.

– Ўзим, шундай...

– Энди сен ишга тушишинг керак, таътил вақтинг тугашига икки кун қолди, холос.

– Биладан, лекин...

– Сен болани ташлаб кетгинг келмаётганини жуда яхши тушунаман. Бироқ сиримиз очилиб қолмаслиги учун сен ҳеч нима бўлмагандек ишга боришинг лозим. Кеча онанг қўнғироқ қилган эди, у билан гаплашиб қўй. Уч ойдан бери уйингга бормаганингни унутма.

– Мен унга қўкрагимни берган эдим...

– Нега ундай қилдинг? Ахир мен яқинда туққан аёлдан уни эмизиб беришни илтимос қилганман, у эмизаяпти-ку. Ҳозир эса у аёл келгани учун болани олиб кетишга кирган эдим.

– Унинг қорни туқ...

– Сен сутингни соғиб ташлашинг керак!

– Илтимос қиламан, ялинаман, мен уни ҳар куни ҳеч бўлмаса бир марта эмизишимга рухсат беринг! – деб Насима тиз чўкканича тикка турган Ҳанифанинг оёқларини кучиб, ҳўнграб юборди.

Насиманинг кутилмаган ҳаракатидан довдираб қолган Ҳанифа дугонасини кучоқлади ва у ҳам қўшилиб йиғлай бошлади. Улар тинчланганларидан кейин Ҳанифа:

– Агар сен уни бир кунда бир марта овқатлантирсанг, сут ачиб, бола касалланади. Шунинг учун мен бир йўлини топаман, уни ўзинг овқатлантиришинг мумкин...

– Раҳмат, бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман.

– Лекин эртагаёқ ишга тушишинг лозимлигини эсингдан чиқарма.

Ҳанифа бош врач билан гаплашиб, унга ҳамшира Насиманинг ёрдами жуда зарурлигини, ўзининг мазаси йўқлигини тушунтирди. У Насимага яна бир ой ўз ҳисобидан таътил беришини сўради. Бош врач бунга рози бўлганидан қувониб кетган Ҳанифа хабарни Насимага айтиб, уни ҳам қувончига шерик қилди. Ўғлини Насиманинг ўзи овқатлантирарди. Бир ойдан кейин эса ишдан тушликка чиққанда елиб-югуриб чақалоқнинг олдига келарди. У бола учун Ҳанифаларникида яшай бошлади.

Журъат бир ёшдан ошганида Матназар иши бўйича ўзларининг вилоятларига ўтди, табиийки, унинг оиласи ҳам ўзи билан бирга кетишига тўғри келарди. Бундан хавотирга тушган Насима кўзларида ёш милтилаб:

– Ҳанифа опа, энди мен нима қиламан? – деди.

– Сен энди тақдирга тан бериб яшайверасан, у ёққа, бизникига меҳмонга бориб турарсан... – деди Ҳанифа дугонасига ачиниб.

– Йўқ, мен чидолмайман, мен ўғлимни ҳар куни кўргим келади.

– Ўзинг ҳам яхши биласан, келишганимиздек, сенинг Журъат билан бирга яшашинг мумкин эмас.

– Биламан...

* * *

Улар ўз вилоятларига қайтиб, Матназар ишга шўнғиб кетди. Ҳанифа ҳам болалар шифохонасига ишга жойлашди. У ишдан келгунча бир ёшдан ошган Журъатга қайнонаси қараб турарди.

Роппа-роса бир ой ўтиб Насима келди. Уни кўриб Ҳанифа ҳайратдан ёқасини ушлади. Насима озиб-тўзиб кетган, кўзлари киртайган, ҳатто бироз қартайганга ўхшарди. Уни бир кўрган киши йигирма тўрт

яшар қиз эмас, ўттиз тўрт ёшли жувон деб ўйлаши тайин эди.

– Сенга нима бўлди, соғлигинг жойидами? – деди хавотирланиб Ҳанифа.

– Ҳаммаси яхши, фақат сизларни соғиндим, – деди Насима Журъатдан кўзини узмай.

Нима бўлганлиги маълум-ку, боласини бир ой кўрмаган онаизорнинг аҳволи-да. Шўрлик Насима ҳеч қандай чорасиз... Ҳанифанинг Журъатни бағрига босиб, эркалатаётган Насимага қараб юраги эзилиб кетди.

Эртаси куни Насима кетганидан кейин Муяссар опанинг оғзидан Насиманинг исми тушмади.

– Шундай яхши ўртоғинг бор-да, Ҳанифа. Шунақанги меҳрибон, шунақанги меҳрибонки, билмаган одам уни Журъатнинг онаси деб ўйлайди, – деди у нонушта қилаётиб.

– А, шунақами? – деб Матназар Ҳанифага қараб қўйди.

– Бизникига келганидан то кетгунича болани қўлидан қўймади-я. Чарчаб қоласиз, кап-катта бола, ўзи чопқиллаб юради десам, майли, эртага кетаман, шунгача тўйиб олай, дейди. У ёқда сенга ёрдамлашиб Журъатжонга роса ўрганиб қолган эканми? – деди Муяссар опа.

– Ҳа, жуда...

* * *

Шундан кейин Насиманинг Ҳанифаларникидан оёғи узилмади. Уни у ёқда ота-онаси, бу ёқда Ҳанифа қанчалик қисташмасин, турмушга чиқмасди. Журъат уч ёшга кирганда Ҳанифанинг бўйида бўлди.

– Биринчи неварамни биздан узоқда туққанинг учун сенга гамхўрлик қилолмаганман, энди иккинчи неварамнинг дунёга келишида ўзим қарайман. Ўшанда бахтингга мусофирлигингни билдирмай Насимани сенга худо етказган, қизим, – деди Муяссар опа кечки овқат пайтида.

– Тўғри, онажон.

– Айтмоқчи, эсимдан чиқаёзибди, ўша дугонангнинг турмушга чиқиш нияти йўқми, дейман? Унинг ёши нечада деган эдинг, сен билан баравармиди?

– Мендан бир ёш кичик, йигирма олти ёшда. Нима эди, онажон? – деди Ҳанифа унга чой узатиб.

– Агар таклифимга рози бўлса, мен уни бир кишига узатишни мўлжаллаган эдим.

– Кимга? – деди Ҳанифа қайнонасининг қўққисдан айтган гапидан ажабланиб.

– Расул сартарошнинг ўғли Холмуродга. Уни танийсан, уйи дадангларникига яқин-ку. Бояқишнинг хотини бултур қишда оламдан ўтган эди, битта қизи билан ёлғиз қолган, буни ўзинг ҳам биласан.

– Онажон, Насима ёшлигида бир йигитдан алданганини сизга айтган эдим. Балки шунгами, билмадим, нима учундир эрга тегишни истамайди. Айтишади-ку, томоғингга қилтанок кетса, айронни ҳам чайнаб ичарсан, деб.

– Э, сенлар унинг кўнглини топиб гапиролмайсанлар, мана, мени айтди дейсан, мен уни кўндираман! Дилни боғла тил билан, тилни боғла дил билан, деган ҳикматни ҳам эшитганмисан? – деди Муяссар опа келинига ўзининг ундан кўпроқ ҳикмат билишини кўз-кўз қилиб.

– Агар у хўп деса яхши бўларди...

– Ҳар бир ишнинг вақти бор, вақт билганнинг бахти ёр, деб жуда топиб айтишган. Насиманинг вақти ўтаяпти, биз унга шуни тушунтиришимиз лозим, – деди Муяссар опа.

Орадан кўп ўтмай Насима яна келди. Муяссар опа билан Ҳанифа унга турмушга чиқиш таклифини айтишди.

– У қаерда яшайди? – деди Насима Журъатни эркалатаётиб.

– Ким? – деди Муяссар опа.

– Ўша киши.

– Ҳаммамиз бир маҳалладанмиз.

– Мен розиман...

– Лекин сен уни танитайсан-ку? – деди Ҳанифа Насима нимани ўйлаётганини сезиб.

– Кейин танишармиз...

– Ана кўрдингми, Ҳанифа, сен дугонангнинг кўнглини топиб гаплашмагансан, дедим-ку. Менинг сўзларимдан сўнг ҳатто у йигитни кўрмаса ҳам дарров розилик берди-қўйди, – деди Муяссар опа севиниб.

Ҳанифа эса Насимага раҳми келиб, кўзлари ёшланди. У жигарбандини тез-тез кўриб туриши учун ҳатто кимга тегишининг ҳам фарқи йўқ. Шўрлик Насима, деб ўйлади у ичида.

* * *

Насима турмушга чиққан киши – Холмурод уйим-рўзгорим деб меҳнат қиладиган, мўмин-қобил одам экан. У Насимага агар ишни ҳам, уйни ҳам эпласанг, хоҳласанг, ишлашинг мумкин, деди. Насима эрининг узоқ рейсга қатнайдиغان шофёр бўлгани учун унинг каттагина ҳовли, боғ-роғларга қарашга вақти йўқлигини билиб, қизчасининг тарбияси ҳамда уй ишлари билан шуғулланишга рози эканини айтди.

– Жуда яхши, мен ҳам сенга шуни айтмоқчи эдим, лекин сенинг ҳам кўнглингни билай деган эдим-да, – деди Холмурод хотинининг жавобидан хурсанд бўлиб.

Улар тил топишиб, ширингина яшай бошладилар. Холмуроднинг олти яшар қизчасини Насима ўз қизидай парвариш қилар, она меҳрига зор қизча эса уни «онажон» деб атарди.

Кўз очиб, юмгунча орадан ўттиз йил ўтиб кетди. Бу вақт ичида Насиманинг эри автоҳалокатдан вафот этди. У ўғай қизини узатгани учун уйида ёлғиз қолиб кетди. Насима Журъатни кўриш учун кунора Ҳанифаларникига борарди. Уни бағрига босиб эркалатган кунни ўзини дунёдаги энг бахтли одам деб биларди.

Ўттиз йил ичида унинг ўғлига меҳрини ҳеч нима ўзгартиролмади. Журъатнинг бирдан фалаж бўлиб қолиши Насимани адои-тамом қилди. У Ҳанифадан ялиниб-ёлвориб Журъатга ўзи ғамхўрлик қилишга рухсат беришни сўради. Журъатнинг қаршилигига қарамай, уни уйига келтириш тараддудида юрган Ҳанифа Насиманинг таклифига кўнди. Ўғлининг оғирини енгиллаштира бошлаганидан кейингина у бироз тинчиди. Икки йилдан бери жигарбандига қараётган Насима Дурдонага касал Журъатнинг парвариши учун Ҳанифа унга ҳар ойда яхшигина пул бераётганини айтарди.

Дурдона эса шунисигаям шукур, ҳар қалай шол эримнинг ташвиши менинг бўйнимда эмас-ку, деб ўз ишлари билан машғул эди. Насима фақат ўғлининг касалига қараб қолмай, у Журъатнинг тузалиш йўллари қидирар, докторлардан, табиблардан маслаҳатлар сўрарди.

Насима ўғлининг гапирмаса ҳам гапга тушунишни билгани учун унга ҳамма нарсани, янгиликларни, унинг тузалиши мумкин эканлигини тушунтиришга, унинг қалбида соғайишга иштиёқ уйғотишга уринарди.

* * *

Ҳанифа опа ишдан қайтган Матназар акага терговчилар келганини айтиб, воқеани сўзлаб берди.

– Ниҳоят, сирни очибсан-да, – деди Матназар ака пешонасини тириштириб.

– Ростини айтишдан бошқа иложим қолмагани.

– Улар буни қандай сезишибди?

– Ҳайронман, терговчи Мирзаев кутилмаганда «Журъат сизларга асранди ўғилми ёки йўқ, фақат ростини айтинг», деса бўладими? Ўзим ҳам ҳайратдан қотиб қолдим. Ўша йигит, менинг назаримда, ернинг тагида илон қимирласа билади.

– Энди нима қиламиз?

– Билмадим, Насимага раҳмим келаяпти, уни бошқатдан сўроққа тутишса керак.

– Бошқатдан сўрашлари турган гап... Бечора Насима ўзини йўқотиб қўймаса, деб қўрқаман.

– Дадаси, сиз ҳам эътибор бердингизми? У шу кунларда галатироқдек.

– Илгариям ўртоғингнинг эси жойида эканлигига унча ишонмасдим. Шунча воқеалардан кейин билмадим...

– Ҳа, жуда хавотирдаман. Яхшиси, мен бориб унга терговчилар сиримиздан хабардор эканини ётиғи билан тушунтирай. Қўққисдан терговчилар боришса, бечора гангиб қолмасин тағин, – деб Ҳанифа опа Насима опаникига бориш учун ўрнидан турди.

– Бемаҳалда ёлғиз юрма, Файрат билан чиқ! – деди унинг ортидан Матназар ака.

– Хўп, – деди Ҳанифа опа.

ҚАСОС

Собиржон билан Фарҳод Ҳанифа опанинг ўғли Журъат ҳақидаги ҳикоясини муҳокама қилишарди. Бу кутилмаган ҳолат уларнинг тергов тахминларини ўзгартириб юборган эди.

Фарҳод Собиржоннинг қаршисида турганича:

– Менимча, жиноят очилди, энди терговни давом эттиришга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Фақат Насима опанинг қотилликни ўз бўйнига олиши қолди, холос, – деди ручкани столга уриб, ўйга толиб ўтирган Собиржонга қараб.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, аммо нима учундир бунга ишонгим келмаяпти, – деди Собиржон ручкани стол устига қўяркан.

– Бизнинг Бобоқуловани Насима опа ўлдирган дейишимизга асос бор. У ногирон ўғлини хўрлаб қўйган келинини тинчитган, тамом-вассалом. Менимча, Насима опа ўша куни усталик билан фурсатдан фойда-

ланган. У бир ўқ билан икки қуённи отмоқчи бўлган ва бунинг уддасидан чиққан, – деди одати бўйича қўл ҳаракатлари билан кўрсатиб.

– Исроилова келинини ўлдириб, айбни унинг ўйнашига тўнкаган, демоқчимисиз?

– Ҳа, буни тушуниш жуда жўн-ку.

– У аёлни қотилликда айблаш учун ҳеч қандай далилимиз йўқ, бироқ унинг қотилликдан хабардор экани аниқ, – деди Собиржон ўрнидан туриб.

– Марҳумани жуда оддий усулда, унинг бошига уриб, ҳушидан кетганидан кейин ошхона пичоғи билан ўлдирилиши-чи? Бундан кўриниб турибдики, қотил марҳумадан жисмонан заиф. Бу Исроилгани қотилликда айблашимизга асос бўлолмай-дими?

– Йўқ, бундай усулда фақат Насима опа эмас, бошқа биров ҳам ўлдирилиши мумкин.

– Собиржон ака, яхшиси, бориб ўша Исроилгани бошқатдан сўроқ қилсак-чи, балки ҳаммасини тан олар?

– Ҳозирми?

– Албатта.

– Бу фикр сиздан чиққанига ишонмаяпман, ахир соат кечки тўққизга яқинлашяпти. Овқатланиш-чи? – деди кулиб Собиржон.

– Мен аниқ билардим-ки, бу гапни мен айтмасам ҳам ўзингиз айтардингиз. Чунки янги тахминдан кейин сиз Насима опани сўроқ қилишни ҳеч қачон эртага қолдирмайсиз. Шунинг учун ўлганнинг кунидан, яхшиси, таклиф мендан чиқа қолсин дедим-да, – деди жилмайиб Фарҳод.

– Шунақа денг, кетдик.

Терговчиларга эшикни Насима опа очди. У Ҳанифа опанинг гапларидан кейин терговчиларнинг келишини ёки уни чақиришларини биларди. Шунинг учун ҳам уларнинг келишларидан унчалик ҳайрон қолмади.

Собиржон унга салом берганидан сўнг:

– Агар ичкарига таклиф қилсангиз, сиз билан бироз суҳбатлашмоқчи эдик, – деди.

– Мен билганларимни айтган эдим, яна нимани сўрамоқчисиз?

– Бу сафар ўғлингиз Журъат ҳақида.

– Нима?

Буни сўрашларини билса ҳам Насима опанинг ранги ўчиб кетди, у остонадан ичкарига қараб юриб, уларга киринглар, деган маънода йўл бўшатди.

Насима опа терговчиларни кираверишда қолдириб, ўзи Журъат ётган хонага кириб:

– Терговчилар келган экан, мендан ниманидир сўрамоқчилар, уларни кузатиб, кейин келаман, хўпми? – деди.

Унинг гапларини эшитиб турган терговчилар бир-бирларига қараб қўйдилар. Насима опа Журъат ётган уйнинг эшигини бекитди.

Бироздан кейин патнисда бир чойнак чой ва пиёлалар олиб кирган Насима опа патнисни йигитлар ўтирган диван олдидаги кичик столчага қўйиб, уларнинг қаршисидаги креслога ўтирди.

– Журъатнинг ҳақиқий онаси сиз эканлигингизни бизга Ҳанифа опа айтган эди, – деди Собиржон унга қараб.

Собиржоннинг гапнинг пўсткалласини айтиб, сўз бошлаганига, хайрият, суҳбатимиз тезда тугайди, шекилли, деб Фарҳод ичида қувониб қўйди.

– Биладан... – деди Насима опа.

– Биз бу янгиликни эшитганимиздан кейин сизга нисбатан шубҳа пайдо бўлди.

– Қандай шубҳа?

– Дурдона Бобоқуловани сиз ўлдирмадингизми, деган.

– Йўғ-э... Мен уни ўлдирмаганман! Нималар деяпсиз?

– Биласизми, мен ёлғон аралашган ҳар бир гапнинг тагида нимадир борлигини сезаман. Сизнинг тергов-

га берган кўрсатмангизга ёлгон қўшилган... Собиржон Насима опага қараб бирпас индамай ўтирди, кейин: – Сиз хиёнаткор келинингизни ўлдирмаганингизни исботлай оласизми? Агар исбот қилсангиз, гумондан холи ҳисобланасиз.

– Қандай қилиб? Ахир мен эрталаб келганман, уйга кирганимда у ўлиб ётган экан...

– Сиз буларни айтгансиз, лекин мана шу гапларингизни тасдиқлайдиган гувоҳингиз борми?

– Қанақа гувоҳ, уйда Журъатдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Лекин у гапирмайди...

– Демак, сиз кечаси Бобоқулованинг уйида тунамаганингизни исботлай олмайсиз, тўғрими?

– Мен уйимда ҳам ёлғиз яшайман, шунинг учун гувоҳим йўқ, лекин уни мен ўлдирмаганман. Тўғри, мен унга Худодан ўлим тилаганман, бунга яширмайман!

– Агар ҳеч қандай гувоҳингиз бўлмаса, биз сизни ҳибсга олишимизга тўғри келади.

– Нималар деяпсиз, ука, мени қамамоқчимисизлар?! Йўқ, ундай қила кўрманглар! Ўғлим ёлғиз қолади! Йўқ! – деди Насима опа Собиржонга қараб йиғлаб.

– Мен ҳам сизни айбдор деб билишни истамасдим, бироқ ҳамма далиллар сизга қарши, сиз эса ўзингизни оқлаш учун бирор важ кўрсатолмаяпсиз.

– Мен... мен...

– Сизга маслаҳатим, ҳеч нимани яширмасдан, ўғлингизни ўйлаб, ҳаммасини айтишингиз лозим, акс ҳолда у ёлғиз қолиб кетади, – деб Собиржон ўрнидан турди.

Насима опа бир чеккага қараб ўтирарди. Унинг ниманидир айтолмаётганини сезган Собиржон ўйлаб олишига фурсат бериб қўйган эди.

Анчадан кейин Насима опа:

– Биласизми, мен сизларга ҳақиқатни айтиб берман, зора бу гапларимга ишонсанглар, – деди.

– Сиз қотилнинг кимлигини билармидингиз? – деди у ёқдан-бу ёққа юраётган Собиржон Насима опанинг қаршисида тўхтаб.

– Ҳа, лекин мен уни сотмоқчи эмас эдим.

– Нимага, у сизнинг танишингизми?

– Йўқ, у мутлақо нотаниш одам, лекин унинг тўсатдан пайдо бўлиб, Дурдонани ўлдириши уни қарғаётган пайтимга тўғри келганди. Мен уни Худо томонидан юборилган Азроил деб ўйладим ва ҳеч қачон сотмасликка ўз-ўзимга сўз берган эдим. Энди эса ҳаммасини айтишимга тўғри келаяпти...

Собиржон Насима опага ўзи бу хотиннинг ақли жойидамикан, дегандек қаради ва:

– У нима учун Бобоқуловани ўлдирганини билганмидингиз? – деб сўради.

– Йўқ, у менга бу ҳақда ҳеч нима демади.

– Биласизми, Насима опа, сўзларингиз ўлда-жўлда чиқаяпти. Ахир қандай қилиб нотаниш бир одам кўчадан келиб, сиз қарғаётган аёлни ўлдириб, яна индамасдан чиқиб кетади?! Бу ҳолатни ҳатто тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Сиз яхшиси, ҳеч нимани бекитишга уринмасдан, ўзингизни босиб, ҳаммасини бир бошдан гапириб беринг. Ана шунда балки бирор нимани аниқлармиз...

Насима опа бир оз тарадудланиб турди ва уни диққат билан тинглаш учун жойига ўтирган Собиржонга қараб сўз бошлади.

– Сиз ҳаммасини тўғри айтдингиз, мен бошданоқ сизларга ёлғон гапиргандим... Аслида, Дурдона ўлдирилган тунда мен ҳеч қаёққа кетмагандим.

Ўша кечаси ярамас, бузуқ Дурдона Толиб билан алламаҳалгача мусиқани варанглатиб қўйиб, залда овқатланиб ўтирдилар. Спиртли ичимликлар ҳам бор эди. Тахминан тунги соат иккиларда Толиб кетди. Дурдона уни кузатаётганида қия очиқ эшикдан кўзим тушди. У оёғида аранг турарди...

* * *

Насима опа, одатдагидек, Журъатнинг хонасида унинг кароватидан сал нарига қўйилган кароватда

ётарди. Унинг кўзига уйқу келмасди. Қандай ухласин, унинг ёлғиз жигаргўшасининг ғурурини, эркаклик орномусини имонсиз бир аёл шафқатсизларча топтаса, унга қарши ногирон ўғли ҳеч нима қилолмаса, ўзи эса ҳатто унинг юзига тик қараб гапиришга ҳам юраги бетламаса?

Бир марта Насима опа унга қарши гапирганида Дурдона:

– Сиз бу оилада касалга қарашга ёлланган хизматчисиз, буни ҳеч қачон эсингиздан чиқара кўрманг, акс ҳолда ҳайдаб юбораман! – деб огоҳлантириб қўйган эди.

Насима опа қувилишдан кўрқиб, бошқа ҳеч нима демади. У фақатгина аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкарди, холос. Йиғлаганда ҳам овозини чиқармасди, чунки Журъатга билдирмасдан йиғларди.

У ўша кечаси ҳам йиғлайвериб, ёстиғини ҳўл қилиб юборди. Ўзини босганидан кейин ёстиғининг бошқа томонини ўгириб ётиб, ичида Дурдонани қарғай бошлади, уни дунёдаги энг ёмон сўзлар билан қарғади. Кейин ўрнидан туриб ўтирди.

«Мен бу ярамас бузуқни қанча қарғганимнинг фойдаси йўқ, агар қарғишим текканида у аллақачон жаҳаннам ўтида қовриларди. Бу аёлнинг гуноҳларини ер қандай кўтариб юрганига ҳайронман. Ҳеч қандай аёл эри касал бўлса-да, ҳали тирик, ҳамма нарсани англашини била туриб, уйига ўйнашини келтирмаса керак. Қани эди ўғлим розилик берса, мен уни ўзимнинг уйимга олиб кетиб, бу ҳаромзода хотиннинг турқини бошқа кўрмасам. Лекин қайсар болам на Матназар аканинг, на Ҳанифа опанинг гапига киради, у ўз уйдан кетишни истамаяпти. Уни мажбурлаб олиб кетишга ҳеч қайсимизнинг дийдамиз чидамайди. Кўзини мўлтиллашиб ётишига одамнинг юраги эзилади...

У шу ерда яшашни хоҳлаётган экан, демак, мен бу хотинни йўқ қилишим керак! Аммо қандай қилиб? Балки бугун шу ишнинг айни пайтидир, чунки... Ҳа, у

фирт маст, менга қаршилиқ қилолмайд, пичоқни кўксига икки марта урсам, ҳаммаси тугайди. Балки бир марта уришнинг ўзи кифоядир...

Ҳа, худди шундай қиламан, кечирилмас гуноҳ қилсам ҳам ўғлим учун қасос оламан! Ахир уни дунёга келтириб, болам учун бирор яхши иш қилмаганман. Бечора ўғлим бегоналарни отам-онам деб билди, вояга етганидан кейин эса тақдири шу бузуқ аёл билан боғланиб, ундан кечолмай, охир-оқибат, шу кўйга тушиб қолди. Уни ўлдириб, ўғлимни исноддан қутқараман!

Бироқ мени қамашади-ку, кейин шўрлик болам ёлғиз қолади. Майли, Ҳанифа опам унга мендан ҳам яхшироқ қарайди, бу ёғидан хавотирланмасам ҳам бўлади. Уни ўлдиришим керак...

Насима опа шундай хаёллар билан ошхонага ўтди. У ерда шкафнинг пичоқлар турадиган эшигини очиб, энг ўткирини танлади. Қўллари қалтираётганидан пичоқни ерга тушириб юборди. У эгилиб пичоқни оларкан, қўрқмаслигим керак, уни ўлдирсам, ҳамма аламлирим тугайди, дерди ўз-ўзига.

Насима опа пичоқнинг дастасидан маҳкам ушлаганича Дурдона ётган хона томонга юрди. У ғира-шира ёруғликда бораркан, оёғи гиламнинг четига ўралашиб, юзтубан йиқилиб тушди, қўлидаги пичоқ ўзидан анча нарига отилиб кетди. Насима опа аранг ўрнидан туриб, титраб-қақшаб, тимирскилаб пичоқни топди. Унинг бутун вужуди титроқ ичида қолган эди.

Насима опа Дурдонанинг ётоғига кирди. У деразадан тушиб турган ой нурида Дурдонанинг ухлаб ётишига бирпас қараб турди. Унинг сочлари ёстиққа ёйилиб, сал оғзини очганича, донг қотиб ухларди. Насима опа пичоқни унинг кўксини мўлжаллаб тўғрилади, шунда Дурдона инқиллаб чап томонига ўтирилиб ётди. Насима опа унинг юрагининг орқа томонидан пичоқ уришни мўлжаллай бошлади. Дурдонанинг дуркун, келишган гавдасига, лабларини қимтиб ётишига қараб, «мен унинг жонини олмаслигим керак, ахир бундай

қилишга фақат Яратганнинг ўзи қодир, мен одам ўлдиrolмайман, битта гуноҳкорни ўлдириб ўзим ҳам у қатори гуноҳкор бўлишни истамайман! Йўқ, шайтоннинг васвасасига қулоқ солмаслигим керак», деди у ичида.

Насима опа қўлида пичоқни ушлаганича хонадан отилиб чиқди. У пичоқни ошхонадаги столнинг устига ташлади.

Насима опа хонасига кириб, жойига чўзилди ва Журъатга қаради. У ухлаб ётарди. Ўғлининг ётишига қараб, ўпкаси тўлиб, йиғлай бошлади.

– Ўғлим, бечора онангни кечир, бир умр сен учун ҳеч нима қилиш қўлидан келмаган, ношуд, ожиз онангни кечир... – деди шивирлаб.

Насима опа кўз ёшларини артиб, беихтиёр:

– Унинг жонини ҳозир Азроил келиб ола қолса эди... – деди овозини чиқариб. У ўз овозидан ўзи кўрқиб, оғзини қўллари билан бекитди ва шипга тикилиб, индамай қолди.

Шу пайт кутилмаганда эшик қўнғироғи жиринглади. Насима опа чўчиб ўрнидан турди. Бемаҳалда ким келган экан, ўша ифлос Толиб қайтиб келди, шекилли, деб ўйлади у.

Яна жиринглади.

– Насима опа, эшикка қаранг! – деган Дурдонанинг ширакайф овози эшитилди.

Насима опа эгнига халатини илиб, эшик олдига келди.

– Ким?

– Мен иш билан келдим, эшикни очинг, – деган овоз эшитилди.

Алламаҳалда қандай иш бўлиши мумкин? У эшикнинг кўзчасидан каради. Қоронғида кимдир турарди, лекин унинг юзи аниқ кўринмасди. Насима опа эшикни очсамми, очмасамми, деб туриб қолди.

– Илтимос, эшикни очинг, жуда муҳим иш эди. Узоқдан келдим.

Унинг овози Насима опага танишдек туюлди. Таниш овоз, қаердадир эшитганман, ҳойнаҳой, у илгари ҳам бу ерга келган. Демак, у Дурдонанинг таниши, эшикни очишим лозим, деб ўйлаб эшикни очди. У останада турган кишини кўриб, сесканиб кетди. Унинг қоп-қора соқоли деярли юзининг ҳамма қисмини эгаллаган эди, баланд бўйи, бўйига яраша гавдаси қоронғида жуда даҳшатли кўринарди. У одам пальтосининг ёқасини кўтариб, шапкасини кўзигача бостириб кийганди. Насима опа эшикни очганига пушаймон бўлиб, эшикни қайта бекитиш учун итарди, лекин у одамнинг кўндаланг қўйилган оёғи эшикни ёпишга йўл қўймасди.

Насима опа кўрққанидан тили калимага келмай жим турарди, ҳалиги киши орқасига ўтирилиб, қўлини силтаб қўйди. Насима опа ана шундагина сал нарида панада турган икки кишини кўрди.

У одам ичкарига кириб:

– Толиб уйдами? – деди шивирлаб.

Насима опа бошини чайқаб, йўқ ишорасини қилди.

– Сен кимсан? – деди нотаниш киши Насима опага еб қўйгудек тикилиб.

Ичкаридан:

– Ким экан Насима опа? – деган Дурдонанинг овози эшитилди.

Бояги одам кўрсаткич бармоғини лаблари устига қўйиб, «айтма» ишорасини қилди ва бармоғини бўйни устида юритиб, ўлдираман демоқчи бўлди.

Насима опа кўрққанидан унга бўйсунди:

– Адашиб келибди, кетди... – деди.

– Насима? Демак, сен Насимасан, – деди шивирлаб ҳалиги одам.

– Сизга нима керак? – деди Насима опа кўрқа-писа.

– Толиб.

– У йўқ, боя кетувди...

Нотаниш киши кираверишда туриб, атрофга аланглади ва йўлақдан ичкарига қараб юра бошлади. Эши-

ги очик турган хонада ухлаётган Журъатга кўзи тушиб:

– У ким? – деди.

– Ўғлим... Журъат.

У бориб Журъатга тикилганича бирпас жим қолди.

– Ёши нечада? – деб сўради.

– Ўттиз еттида...

– Бу кароват кимники, – деди у Насима опанинг кароватини кўрсатиб.

– Меники.

– Нимага бу ерда ётасан?

– У фалаж...

– Нима?

– Оёқ-қўли ишламайди, гапиролмайди.

– Толибнинг ўйнаши сенга ким бўлади?

– Журъатнинг хотини...

– Ним-а-а?!

У одамнинг тишлари вичирлаб кетди. Тугилган муштларини бўшатиб, қўлини чўнтагига тикди ва пистолетини чиқарди. Бир нимани ўйлади, шекилли, яна пистолетни чўнтагига солиб қўйди. Насимага қараб:

– Ошхонада ўткирроқ пичоқ борми? – деди.

Пистолетни кинолардагина кўрган, ҳақиқийсини кўриб эси оғиб қолаётган Насима опа дудуқланиб:

– Пич... пичоқни нима қ...қиласиз? – деди.

– Савол берма, сиплик*, тезда олиб кел! – деди вазаб билан шивирлаб.

Насима опа ошхонага кириб, боя ўзи стол устига ташлаган пичоқни келтириб унга узатаётиб, қўллари қалтираб ерга тушириб юборди.

Ҳалиги киши сўқиниб, пичоқни ердан олди, елкаси билан Насима опани туртиб юбориб, тўғри Дурдона ётган хона томонга юрди. Насима опа унинг орқаси-

* Сиплик – ахлаат. Шевада.

дан секин қаради. У бориб хона эшигини очиб, ичкарига кирди. Насима опа бориб, ярим очиқ эшикдан мўралади. Бояги одам хонанинг чироғини ёқди. Дурдона ёруғдан кўзини қўллари билан пана қилиб, уй-қусираб:

– Насима опа, нима қилаяпсиз, чироқни ўчиринг! – деди.

Ҳалиги киши Дурдонанинг тепасига бориб, қараб турганини кўриб, Насима опанинг юраги орқасига тортиб кетди. Наҳотки ўлдирмоқчи, йўқ, бўлиши мумкин эмас! Мен милицияга қўнғироқ қилишим керак, деб Насима опа ўзидан нарида турган телефонга қараб кўйди ва энди қадам ташлаганида барзангининг:

– Манжалақи! – деган бақирини ўгирилиб қаради ва унинг Дурдонанинг бошига бир мушт туширганини кўрди. Тўсатдан урилган қаттиқ зарбадан аёл инграган овоз чиқарди. Қўлларини ҳар томонга ёйиб, типирчилай бошлади. Кейин эса кўксига икки марта урилган пичоқ зарбидан тинчиб қолди.

Насима опа даҳшатдан орқага тисарилиб, деворга бемажол суянганича турарди. Бояги киши қўлида пичоқни ушлаган ҳолда эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Ҳаммаси тўрт-беш дақиқа ичида бўлиб ўтган бу қўрқинчли воқеадан, шафқатсиз қотилликдан анча пайт ўзига келолмай турган Насима опа Журъатнинг гўлдираган овозини эшитиб, оёқ-қўлини қимирлатиб кўрди. Уларнинг ҳаракат қилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг секин юриб ўғлининг ёнига борди.

У нима қилишини билмай, ётоғида титроғини босолмай ўтирарди. Насима опанинг мияси фикрлашдан тўхтаб қолгандек карахт эди. У анчадан кейин ўрнидан туриб, сув қуйиб ичди. Хаёлини йириштириб ўйлай бошлади.

«Мен тезда милицияга хабар беришим керак эди, лекин улгурмадим... Бирпасда чавақлаб кетди-я! Дур-

донани ёмон курсам ҳам, у, барибир, одам эди-ку, уни ўлдириб кетишди, ахир! Мен эса ҳалигача ўтирибман», деб Насима опа ўрнидан туришга уринди, лекин оёқлари ўзига бўйсунмай, жонсиздай шалвираб қолганди.

Насима опа секин инграб қўйди ва ҳозиргина кўз ўнгида содир бўлган даҳшатли воқеани бир бошидан эслай бошлади.

«Ўзи бу воқеа қандай юз берди? Мен эшик қўнғироғи жириглаганда Дурдонани қарғаётган эдим. Қарғишим ич-ичимдан, астойдил чиқаётган эди... Мен уни ўлдириш қўлимдан келмаганидан кейин унинг жонини Азроил ола қолса эди, деган эдим!

Ё тавба, наҳотки, келган қўрқинчли киши Азроил?! Лекин Азроил фақат жонини олмоқчи бўлган кишига кўринади, бошқага кўринмайди, дейишарди-ку. Мен уни кўрдим, ҳатто гаплашдим ҳам, қўлига пичоқ тутқаздим!

Ё алҳазар, бундан чиқди, менга Азроил кўринган экан-да!»

Шуларни уйларкан, соддадил Насима опанинг юраги қинидан чиққудай дукиларди. У Дурдонани ўлдириб, индамай эшикни тарақлатиб ёпиб кетган кишининг Азроиллигига энди шубҳа қилмасди.

Мен ҳеч қаёққа хабар бермаслигим керак, ахир Худонинг ишига қарши боролмайман-ку. Мен унинг қандай ўлганлигини ҳеч кимга айтмайман, ҳатто Ҳанифа опамга ҳам! – деб ўйларди Насима опа.

У шу ўтирганича қанча вақт ўтганини ҳам билмади, деразадан тушган қуёш нури кўзини қамаштириб, ўзига келди. Ўрнидан туриб Дурдона ўлиб ётган хонага мўралади. У гиламнинг устида қонга беланганича ётарди.

Насима опанинг хаёлига Ҳанифа опамга қўнғироқ қилишим керак, деган фикр келди. Энди унинг фикрлаши анча равонлашганди.

Насима опанинг қўнғироғидан даҳшатга тушган Ҳанифа опа ва Матназар ака тезда етиб келишди. Улар

Дурдонанинг ўлиб ётганини кўриб, иккаласи барабарига:

– Уни ким ўлдирди?! – дедилар.

– Ҳеч ким, унинг жонини Азроил олди...

– Насима, эсингни йиғ! Ростини айт, сен ўлдирдингми?! – деди Ҳанифа опа унга пиёлада сув ичираркан.

– Нимага ишонмайсизлар, унинг жонини олаётганини мен ўз кўзларим билан кўрдим!

– Насима, Азроил ҳеч кимга кўринмайди, нима бўлганини бир бошдан айтиб бергин, буни биз билишимиз керак.

Насима опа уларга воқеани айтиб берди:

– Мен уни ҳеч кимга айтмасликка қарор қилгандим, сизлардан илтимос, у киши тўғрисида оғиз очманлар!

– Аммо Дурдонани ким ўлдирганини, барибир, аниқлашади-ку. Бунинг учун биринчи сени сўроқ қилишади, хўш, уларга нима деб жавоб бермоқчисан?

– Мен унинг жонини Азроил олганлигини айтаман, бошқа ҳеч нарса демайман.

– Бундай десанг, сени шу заҳоти олиб кетишади! – деди Ҳанифа опа куйиниб.

– Қаерга?

– Қаерга бўларди, қамоққа-да! У ерда нари борса, сенинг ақлдан озиб, одам ўлдириб қўйганинг учун руҳий касаллар шифохонасида мажбурий даволашга ётқизишади.

– Йўқ, мен уни ўлдирмаганман, ахир уни қора барзанги ўлдирди-ку!

– Демак, унинг шерикларидан бири ўлдирибди, бироқ сиз буни айтишингиз керак, – деди Матназар ака.

– Уни ўлиб қолсам ҳам сотмайман, чунки ундай қилсам, Худога қарши бораман!

Ҳанифа опа Матназар акага қаради, улар нима қилишларини билмай туриб қолишди.

Анчадан кейин Ҳанифа опа:

– Агар сен ҳаммасини рўй-рост айтиб бермасанг, бизни қийин аҳволга солиб қўясан, шуни тушунапсанми, Насима? – деди.

– Мени ўлдирсанглр ҳам уни айтмайман!

– Унда ҳозир айтганларингизни ўзимиз айтиб беришдан бошқа чорамиз йўқ, – деди Матназар ака.

– Мен сизларнинг ёлғон гапираётганлигингизни айтаман!

– Вақт ўтяпти, тегишли жойларга хабар бериш лозим, бундан олдин Насиманинг нима дейишини яхшилаб келишиб олишимиз керак, – деди Ҳанифа опа Насима, барибир, бўлган воқеани айтиб беришга кўнмаслигига кўзи етиб.

– Насима ҳақиқатни гапиришни хоҳламаса, бугун тунда бу ерда тунамаганини айтиши керак, – деди Матназар ака.

– Ҳа, мен ҳам шуни ўйлаб турувдим. Насима, сен яхшилаб эшит, ҳар қандай сўроқда ҳам сен кеча уйингга кетганингни, эрталаб келиб Дурдонанинг ўлиб ётганини кўрганингни айтишинг лозим...

– Мен эса Азроил унинг жонини қандай олаётганини ўз кўзларим билан кўрганман... – деди Насима опа бир нуқтага тикилганича пичирлаб.

– Яна шу гапингни қайтарсанг, мен ҳам сенинг ақдан озиб қолганингни ишона бошлайман! Бу гапни бошқа қайтарсанг, билиб қўй, гапинг бошингга етади! – деди Ҳанифа опа жаҳл билан.

– Ҳўп... – деди Насима опа бошини қимирлатиб.

– Менга қолса, нима бўлганлигини очиқ-ойдин айтишинг керак, лекин сен буни истамаётган экансан, ёлғон гапиришингга тўғри келади.

– Йўқ, у кишининг келганини ҳеч қачон сотмайман, агар ўлдиришсаям! Майли, мен кеча бу ерда тунамаганимни айтаман.

У Ҳанифа опа тутқазган телефон трубкасини қўлига олиб, нима дейишини яхшилаб ўйлади, кейин 02га кўнғироқ қилиб ўргатилган гапларни қайтарди. Кейин Дурдонанинг ота-онасини уйига кўнғироқ қилди.

Насима опа гапани тугатганидан кейин Собиржон:

– Бу сўзларингизнинг ростлигини нима билан исботлайсиз? – деди.

– Мен ўша кечаси бўлган воқеани ҳеч нима қолдирмай, ҳаммасини гапириб бердим. Қандай исботлашни билмайман...

– Сизнинг сўзларингизча, Бобоқуловани кимдир келиб, беш дақиқанинг ичида ўлдириб чиқиб кетган. Хўш, ундан қандайдир бир из қолганми?

– Йўқ...

– Ҳеч бўлмаса, ўша нотаниш кишининг юз қиёфаси қандайлиги эсингиздами?

– Мен унинг юзи қоп-қора соқол билан қопланганини биламан, холос.

– Сиз унинг қўлига берган пичоқ қани?

– Ишонаверинг, у пичоқни олиб кетганини аниқ кўрганман.

– Сиз буларнинг ҳаммасини бўйингиздан айбни соқит қилиш учун ёлғондан тўқимаётганингизга бизни қандай ишонтирасиз?

– Йўқ, ҳамма гапим рост... Ўша туморни менга кўрсатган эдингиз.

– Қайси туморни айтяпсиз?

– Мени биринчи марта терговга чақирганингизда кўрсатган тумор-чи?

– У тумор кимники эканини билармидингиз?

– Ҳа...

– Ўшанда нима учун айтмагансиз?

– Боя айтдим-ку, мен ўша одамни сотмоқчи эмас эдим, тумор ўша кишиники эди.

– Сиз буни қаердан биласиз?

– У одам Журъатнинг ёнига бориб, унга эгилиб тикилди, шунда унинг бўйнидаги туморга кўзим тушган эди. Менимча, Дурдона бошига тушган муштан типирчилаётганида жон ҳолатда тумор қўлига илинган ва узилиб, қўлида қолиб кетган.

– Демак, сиз марҳуманинг кафтидан олинган тумор қотилники эканини тасдиқлайсиз, шундайми?

Насима опа бир қўли билан оғзини ушлаганича паришонҳол ўтириб, ўзига-ўзи гапиргандай:

– Ҳа, тасдиқлайман. У мени ҳақорат қилган бўлса ҳам, сотмоқчи эмас эдим. Ҳанифа опанинг ҳаммасини рўй-рост айтиш керак, деган гапи тўғри экан.

– У сизни ҳақорат қилганмиди?

– Ҳа, «сиплик» деган эди...

ЎВУЗЛИК ТУМОРИ

Собиржон эрталаб ишга келиб ўйлаб қолди. «Мен ўша кичкина туморчанинг кимга тегишли эканини аниқлашга уриндим, лекин унинг ичида нима борлиги билан қизиқмабман. Одатда, туморнинг ичига молар кўздан, суқдан асрайди, деб қалампирмунчоқ, туз ва шунга ўхшаш нарсалар солиб тикишарди. Балки шунинг учун ҳам унга эътибор бермагандирман. Аммо катта ёшли, унинг устига одам ўлдирган қотил бўйнига қандай тумор осиши мумкин?»

Эшиқдан шошилиб кирган Фарҳод Собиржонга салом бериб:

– Собиржон ака, ишларнинг тескарисига ўзгариб кетганини қаранг, мен кеча Исроилова Насимани қотилликда айблаб, ҳибсга олишимизга жуда ишонган эдим. Қотил биз шубҳаланмаган, номаълум шахс бўлиб чиқишини ким ўйлабди, дейсиз.

Собиржон ўрнидан туриб сейфни очаркан:

– Ўша туморни очиб, ичида нима борлигини кўриш керак, – деди.

– Қизиқсиз-а, туморда нима ҳам бўларди?

– Ҳозир кўрамиз-да, – деб Собиржон қора духобадан тикилган туморни кичкина қайчи билан оча бошлади.

Туморнинг ичидан кичкинагина, юпқа темир бўлаги чиқди. Собиржон уни қўлида ушлаб:

– Ие, бир нима деб ёзилган экан? – деди унга диққат билан тикилиб.

– Менга беринг-чи, – деб Фарҳод қўлига олиб, ўқишга ҳаракат қилди. Лекин ўқиёлмай: – Ким билибди, унга сир яширинганини, – деб Собиржонга узатди.

– Жуда майда ҳарфлар экан, уни фақат лупа билан ўқиш мумкин, деб сейфдан лупа олиб ўқий бошлади: «Ў-м Р-н, шафқатсиз бўл, айниқса, аёлларга!»

– Ие, бу ёғи қизиқ бўлди-ку, бу ярамас қотилнинг дадаси ўғлини шафқатсизликка ундаган экан! – деди Собиржон ёзувни ўқиганидан кейин.

– Бу сўзларни қотилнинг отаси ёзганини қаердан билдингиз, – деди Фарҳод тумор ичидан чиққан юпқа темир бўлакчаси ва лупани қўлига олиб.

– «Ў-м» дегани «ўғлим» дегани бўлса керак, сўзларнинг темир бўлакчасига жойлашиши учун қисқартириб ёзган. «Р-н» бу унинг исми экани аниқ.

– Ҳа, тўғри, – деди Фарҳод ҳам унга диққат билан қараркан. – «Р-н» бу – «Равшан» деганимикин ёки...

– «Р» ҳарфи билан бошланиб, «н» ҳарфи билан тугайдиган номлар анчагина. Бу туморчани экспертизага беришимиз лозим, биз кўрмаётган бирор нима-ни аниқласалар, ажаб эмас, – деди Собиржон.

– Яхши.

Насима опанинг оз бўлса ҳам жинойтчининг ташқи кўринишини тасвирлаши бўйича тахминий фоторобот ясалиб, ҳамма бўлимларга тарқатилди. Шу қиёфага яқин шахс қамоқдан қочган ёки жазони ўтаб қайтганлиги, қидирувдаги жинойтчилар – ҳамма-ҳаммаси текширила бошланди.

Бироқ унинг изини топиш жуда қийин экани аниқ эди. Шундай бўлса ҳам, жинойт қидирув бўлими ходимлари ва бошқалар қотилни топишга тинмай ҳаракат қилардилар.

Собиржон эса ҳар хил тахминларга борар, аммо улардан ҳеч бири тўғри чиқмай, боши қотарди.

Насима опа, одатдагидек, кечаси Журъатнинг қўлоқларини уқалаб, унга ўзи билган муолажаларни қилиб, ён томонга ётқизиб, ётоқ яралар пайдо бўлмаслиги учун ҳар доим тўшақда турадиган томонини хўлланган қаттиқ сочиқ билан ишқалаб, уни анча чарчатиб ухлатди. Журъат ухлаб қолгунча уни янгиликлардан хабардор қилиб, бошқа гаплардан гапириб ўтирди.

Ўғли ухлаб қолганидан сўнг ўзи бирпас телевизор кўрди. Ўрнидан туриб, ҳамма чироқларни ўчириб, фақат ўзлари ётган хонанинг тунги чироғини ёқиб қолдирди ва жойига ётди.

Насима опа Дурдонанинг ўлиmidан кейин тунлари ухлай олмай қийналаётган эди. Унинг боши ёстиққа тегди дегунча, ўша даҳшатли одам унинг кўз олдида гавдаланаверар, Дурдонанинг инграгани аллақердан эшитилгандек бўлар, унинг куксига урилган пичоқ... кейин эса унинг гиламда қонга беланганича ётган жонсиз танаси...

Насима опа ҳатто тонггача кўзини юммай ётарди, сўнг тонг отганига шукур қилиб, ўрнидан туриб, бомдод намозини ўқишга тушарди.

У бугун тунда ҳам кароватда шифтга тикилиб, уйғоқ ётарди. Эшик қўнғироғи жиринглади. Насима опа бемаҳалдаги қўнғироқ овозидан чўчиб тушди ва деворда осифлиқ турган соатга қаради, **ун** дақиқа кам икки.

Ким экан, эшикни очсамми ёки жим ётаверсамми? Ҳанифа опа ёки Матназар ака зарур иш билан келдимикан? Йўқ, улар эмаслиги аниқ, улар телефон қилишарди...

Қўнғироқ яна жиринглади. Насима опанинг юраги кўрқувдан дукиларди. У телефон трубкасини кўтарди. Қўнғироқ қилиб, милиция ходимларидан ёрдам сўрашни ўйлади. Нима дейман, эшик қўнғироғи жиринглаяпти, кўрқяпман дейманми? Улар мени эсипаст хотин дейишса-чи? Яхшиси, Ҳанифа опага қўнғироқ

қила қолай, деб рақамларни тера бошлади, лекин охирига етказмай яна тўхтади, уларни алламаҳалда безовта қилсам қандай бўларкин?

Эшик қўнғироғи учинчи марта жиринглади. Насима опа титраб-қалтираб эшик олдига келди ва аранг:

– Ким у? – деди.

– Мен, эшикни оч! – деган овоз эшитилди.

Ўша овоз! Нима қилишим керак? Терговчига қўнғироқ қиламан, ахир у менга бирор гап бўлса, қўнғироқ қилинг, деган эди, деб ўйлаб секин орқасига қайтди.

– Насима, эшикни оч, сенда гапим бор, – деди бояги овоз бу сафар илтимос оҳангида.

Насима опа тўхтади, у ўз исмини бегона кишидан эшитиб, қотиб қолган эди. У киши менинг номимни қаердан билади? Насима опа доддираб, яна эшик олдига келди.

– Илтимос, эшикни оч, дарров кетаман, – деди ҳалиги одам.

Насима опа дастлаб қотилнинг овозини эшитиб, қанчалик даҳшатга тушган бўлса, энди унинг овозидаги ёлворишга ўхшаган оҳангдан ҳайратда эди. Ҳатто унинг қўрқинчли жинойтчига раҳми келаётганини сезиб, ўзидаги бу туйғудан ажабланди.

У эшикнинг калитига қўлини теккизиб, яна тўхтади.

– Илтимос...

Насима опа эшикни қандай очганини ўзи ҳам билмади, кириб келган барзангини кўриб қилган ишидан пушаймон бўлди, лекин энди бунинг фойдаси йўқ эди.

У одам қўрқувдан дир-дир титраётган Насима опанинг ёнидан тезда ўтиб, Журъат ётган хонага кириб кетди. Насима опа жон ҳолатда унинг орқасидан югурди. У йўл-йўлакай:

– Унга тегманг, яхшиси мени ўлдилинг! – деб борарди.

Насима опа хонага кириб анграйиб қолди. Ўша жинойтчи ухлаб ётган Журъатнинг юзини секин си-

лаб, унга меҳр билан тикилиб турганди. Насима опа яқинроқ бориб қаради, унинг кўзлари жиққа ёш эди.

– Сизга нима керак, ўғлимдан нима истайсиз? – деди у.

– Ҳеч нима, фақат ўша қуни унга раҳмим келганди, ёрдам бергим келди...

– Сизнинг ёрдамингиз керак эмас, унга Яратганининг ўзи шифо берсин, – деди Насима опа унинг ўғлига зарар етказиш нияти йўқлигини билганидан кейин ўзини анча босиб.

У киши чўнтагидан икки пачка юз долларлик пулларни Журъатнинг каровати ёнидаги стол устига ташлади.

– Унга яхши қарагин, – деб кетиш учун эшик томон юрди ва яна ортига ўгирилиб Журъатга қаради.

– Пулларингиз керак эмас, олиб кетинг, мен ўғлимга шундоғам яхши қараяпман, – деди Насима опа ва унинг юзини яхшилаб кўриш ниятида йўлакчанинг чироғини ёқиш учун қўлини чўзди.

– Чироқни ёқма, менга гап қайтарма, тушундингми! – деди жиноятчи жаҳд билан.

Насима опа қўлларини тушириб, унга бўйсунушдан бошқа чораси қолмади.

– Менга телефон рақамингни айт, ўғлингнинг аҳволини сўраб тураман, унга қандай ёрдам керак бўлса, бераман, у соғайиб, ўрнидан туриши керак, тушундингми!

– Мен... мен...

– Нима сен, ўлгинг келаяптими?! Мен битта гапирман, рақамингни айтишингни кутаяпман!

Насима опа унинг вазоҳатидан кўрқиб тезда телефон рақамини айтди.

– Сен, овсар хотин, менинг келганимни ва айтганларимни бирорта кишига ёки исковучларга айтиб қўйсанг, ўзингни ҳам, ўғлингни ҳам ўша заҳотиёқ ўлдираман! – деб тезда кўздан йўқолди.

Насима опа юзига қарсиллаб ёпилган эшикни секин очиб, ташқарига қаради, ҳеч ким кўринмади.

– Ё тавба, худди ажина-арвоҳдек қандай тез пайдо бўлган бўлса, шунчалик тез йўқолди-я... Энди мен нима қиламан? – деди у ўзига гапириб.

Яхшиям, Журъат уйғониб кетмади, шўрликнинг қулоқлари яхши эшитмайди-да. Ҳалиги одам унинг уйғонмаслиги учун паст овозда гапирди... Насима опа ўғлининг тепасига бориб, пича қараб турди. У ҳалиям титроғи тўхтамаганини сезиб, стол устидаги сувдан қўйиб ичди.

Насима опанинг пулларга кўзи тушиб, Журъат кўриб қолмасин деб, уларни ўзининг ёстиғи тагига бекитиб қўйди. Кейин кароватга чўзилиб, энди нима қиламан, бу ёғига қандай йўл тутсам экан, деб ўйлаб ўйига етолмай ётарди. Шу пайт Журъат уйғониб, кўзи билан сувни кўрсатди. Насима опа унга сув ичириб қўйди.

Қизиқ, ўша жиноятчининг Журъатга ҳақиқатан ҳам раҳми келдимикин ёки бирорта қабиҳ нияти борми? У ногирон ўғлимдан нима мақсадда фойдаланмоқчи? Мен бу аблаҳнинг келганини ҳеч кимга айтолмайман, ахир унга одам ўлдириш ҳеч гап эмас, Дурдонани бирпасда қандай қилиб нариги дунёга жўнатганини ўз кўзларим билан кўрдим-ку!

Эй, Худо, бошимга яна қандай балоларни ёғдирмоқчисан? Насима опа овозини чиқармай йиғлай бошлади.

* * *

Эрталаб ишга келган Собиржон тергов қилаётган жиноят ишининг тергов муддати тугашига оз қолганидан сиқилиб, хонасида у ёқдан-бу ёққа юриб ўйларди.

Наҳотки ўша қотил ҳеч қачон топилмаса? Унинг фотороботи ҳамма ёққа тарқатилган, тегишли жойлар қидирув ишларини олиб боришяпти, бироқ ҳалигача дараги йўқ.

Наҳотки мен қаердадир хато қилдим? Лекин қаерда?

Собиржон юришдан тўхтаб, деразанинг олдига келди ва кўчага қаради.

Ёшгина жувон бу йил биринчи синфга борган ўғилчасини қўлидан етаклаб мактабга олиб боряпти. Аёл ўғилчасига нималарнидир гапирарди, бола эса тушундим, деб бошини қимирлатарди.

Собиржон беихтиёр ўттиз етти ёшли ногирон ўғлини парвариш қилаётган Насима опани эслади. Шўрлик аёл ёшлигида қилган битта хатоси учун ҳозиргача умри азобда ўтяпти. Умрининг қолган қисмини касал ўғлига бағишлаган. Ҳаёт бунча мураккаб бўлмаса?

Дарвоқе, у ўша тунда келган қотил Журъатнинг ётган каровати устига бориб, унга қараб турди, кейин унинг ёшини сўради, деган эди. Нима учун жинойтчи ногирон кишининг ёши билан қизиқиб қолди экан?

Насима опа унинг чўнтагидан пистолетини чиқариб, кейин яна жойига солиб қўйиб, мендан пичоқ сўради... паст овозда шивирлаб гапирди... деган сўзларни айтди. Наҳотки, қотилнинг ногирон Журъатга раҳми келган? Унинг уйғониб кетмаслиги учун шивирлаб гапириши, буларнинг ҳаммаси жинойтчининг раҳмдиллигидан далолат берадимми?

Аммо ўзи Толибнинг уйдаи, йўқми эканини суриштириб, кейин Бобоқуловани бирпасда ўлдириб, ҳеч нарса бўлмагандек, чиқиб кетиши-чи? Бу нимадан далолат беради? Ёки бу ерда бошқа гап борми?

Очиқ турган эшикдан кириб келган Фарҳод дераза олдида турган Собиржонга қараб:

– Ассалому алайкум, Собиржон ака, – деди.

– Ваалайкум ассалом, келинг.

– Бирор янгилик борми? – сўради Фарҳод.

– Менда йўқ, ўзингизда-чи?

– Менда янгилик йўғу, лекин кеча кўрган киноим жуда таъсирли экан. Чет эл фильми...

Собиржон унга ҳозир кино ҳақида гапириш қандай юрагига сиғаркин, дегандек қараб қўйди, лекин индамади. Фарҳод Собиржоннинг индамаганини, кино билан қизиқиб қолди, шекилли, акс ҳолда, бирор нима деб, кесатиқ қиларди, деб ўйлаб гапира бошлади:

– Биласизми, ўша фильмда жиноят оламига кирган бир одам ёшлигида ташлаб кетган ўғлини танимайди, ўғли ҳам, албатта, бундан беҳабар эди. Буни қарангки, зурриёти ҳам ўзи каби олчоқ бўлиб вояга етади. Ота-бола ўзлари билмаган ҳолда рақибларга айланиб қоладилар. Охир-оқибат, ўша киши ўғлини ўлдириб, ашаддий рақибидан қутулганига байрам уюштиради. У шу пайт душманларининг қўнғироғидан, тасодифан, ўз ўғлини ўлдириб қўйганини билиб, ўзи ҳам жонига қасд қилади. Шу билан икки жиноятчи ота-ўғил пировардида, бир-бирларининг қилмишлари устидан ҳукм чиқариб, ижросиниям ўзлари бажарадилар.

Унинг гапларини диққат билан тинглаётган Собиржон:

– Шунақа денг, – деди.

– Сизга унчалик қизиқарли туюлмаганининг сабаби – сўзлаб берган билан кинонинг ўзини кўргандек бўлмайсиз-да.

– Тўғри, – деб Собиржон ўйланиб қолди. У энди Фарҳоднинг кейинги гапларига унча эътибор бермасдан:

– Биласизми, Фарҳод, айрим пайтларда суҳбатдошингизнинг эшитишни хоҳлаш ёки хоҳамаслигидан қатъи назар, ниманидир гапиришингиздан ҳам бирор фойда чиқиб қолади, ана шундай вақтда сизнинг озгина фаросатсизроқ эканлигингиздан хурсанд бўлиб кетаман! – деди Собиржон.

– Тушунмадим?

– Чунки сизнинг кино ҳақидаги тафсилотларингиздан сўнг менда Насима опадан айрим нарсаларни сўраб ойдинлаштиришимиз зарур, деган фикр туғилди.

– Мен ҳикоя қилган воқеаларнинг Насима опага нима дахли бор? – деди Фарҳод елкасини қисиб.

– Ўша сиз сўзлаб берган кинодаги воқеалар ривож менинг сиз келгунингизча уйлаётган тарқоқ фикрларимни бироз жамлашимга ёрдам берди.

– Бу яхши, лекин сиз менга...

– Кетдик, ўша ерга, – деди Собиржон.

Улар Насима опанинг уйига боргунча бир оғиз ҳам гаплашмадилар, чунки Собиржон қошларини чимириб, ўз тахминларининг қанчалик даражада тўғрилигини хаёлан тарозига солиб, Насима опадан нималарни сўраб, аниқлаб олишни уиларди. Фарҳод эса бундай пайтда Собиржоннинг қулоғига гап кирмаслигини яхши билгани учун жим эди.

Терговчиларнинг кутилмаганда келиб қолганларидан довдираган Насима опа:

– Тинчликми? – деди.

– Агар қарши бўлмасангиз, ичкарида гаплашсак, – деди Собиржон.

– Марҳамат, бироқ мен билганларимнинг ҳаммасини айтганман, – деди Насима опа йигитларни ичкарига бошларкан хавотирли оҳангда.

Улар илгари келганларида ўтирган ўринларига жойлашганларидан кейин Собиржон:

– Насима опа, сиз ўша тунда қотил эшикни очишим билан Толибни сўради дедингиз, тўғрими?

– Ҳа, – деб бошини қимирлатди Насима опа.

– У қачон ўғлингиз ётган хонага кирди?

– Мен Толиб кетганлигини айтиб, эшикни бекитаётганимда ичкаридан Дурдонанинг овози эшитилди. Шундан сўнг кетмоқчи бўлиб турган ҳалиги одам эшикни тортиб очиб, мени чеккага суриб, очиқ турган эшик томон юрди.

– Ўшанда Дурдона сизга нима деганини аниқ айта оласизми?

– У ичган эди, шунинг учун сўзлари тушунарсиэроқ эшитилди. Чамамда, у ким экан, Насима опа, деди чоғи.

– Кейин-чи?

– Ука, шу гапни сиз бир неча марта сўрадингиз, мен эса қайта-қайта айтаяпман. Майли, яна айтаман, унинг овозидан кейин бояги киши эшикни ёпишимга йўл қўймай, очиб, менга айтма, айтсанг – ўлдираман, деган маънода бармоғини лаблари устига қўйиб, сўнг бўйнига қўйиб ишора қилди. Мен кўрққанамдан адашиб келишибди деб, ёлгон гапиришга мажбур бўлдим.

– Шунақа денг, у ичкарига кириб нима қилди?

– Очиқ турган эшикдан Журъат ухлаб ётган хонага кириб, унга тикилиб бир пас туриб қолди, кейин эса ўғлинг неча ёшда, деди. Мен унинг 37 ёшдалигини айтдим.

– Кейин-чи?

– Толибнинг ўйнаши сизларга ким бўлади, деб сўради.

– Сиз нима дедингиз?

– Ўғлимнинг хотини, – дедим.

– У қачон Бобоқуловани ўлдирди?

– У менга бошқа савол бермади, фақат пичоқ сўради, мен унинг Дурдонани ўлдирмоқчи эканидан беҳабар, пичоқ бердим. Менга ишонинглар, кўрққанамдан унинг айтганини қилишга мажбур эдим. У жуда даҳшатли... Ундан кўрқаман... – деб Насима опа йиғлай бошлади.

– Ҳозир нимага кўрқасиз, яна келиб қолиши мумкин деб ўйлайсизми?

– Йўқ, йўқ, келишини ўйламайман! – деди Насима опа бирдан кўз ёшларини артиб.

– Сиз яхшилаб эслаб кўринг, Насима опа, мабодо у одамнинг алақаеридир сизга таниш туюлмадимиз?

– Нималар деяпсиз, ахир мен унинг қанақалигини кўролмадим, айтганман-ку, у чироқни ёқишимга рухсат бермади, деб.

– Мен яна бир марта эслаб кўришингизни маслаҳат берардим.

Насима опа бир чеккага қараб, ўйлаб қолди. Кейин Собиржонга қараб:

– Унинг овозини қаердадир эшитганга ўхшадим. Танишга ўхшаб кетди, балки менга шундай туюлгандир... – деди.

– Овозини денг... Гавдаси, қадам ташлаши-чи, ҳеч кимни эслатмадимми?

– Билмадим...

– Айтинг-чи, Журъатнинг отасининг исми нима эди?

– Унинг исмини билиб нима қиласиз, у биз учун йўқ одам-ку? – деди Насима опа кўнглига битмас озор етказган кишининг номини тилга олгиси келмай.

– Исми эсингиздами? – деди Собиржон Насима опадан кўзини узмай, саволига жавоб кутиб.

– Рамазон...

Фарҳод ёзишдан тўхтаб:

– Собиржон ака, ўша тумордаги «Р-н» дегани шу эмасмикин? – деди.

Собиржон Фарҳодга бир қараб қўйиб, Насима опага савол беришда давом этди.

– Сиз уни охирги марта қачон кўргансиз?

– Журъатга уч ойлик ҳомиладорлигимда, – деди Насима опа ерга қараб.

– Ўша одамнинг овози эсингиздами?

Насима опа жавоб бермай, жим бўлиб қолди. У анчадан кейин:

– Ҳа, ҳа... – деб йиғлаб юборди.

– Нима демоқчисиз?

– Ўшанинг овози... ўхшайди! Қаерда эшитганман, жуда таниш, деб ўйлагандим!

– Бундан чиқди, Рамазон келган экан-да?

Насима опа кучли ҳаяжонда эди. У ўрнидан туриб, бошини чайқар, қўллари билан бошига уриб-уриб қўярди.

– Билмадим, билмадим, у тунов куни ҳам... – деб Насима опа оғзини қўллари билан бекитди.

– Хўш, нима демоқчи эдингиз? Айтишга бир нима тўсқинлик қиляптими?

– Йўқ, ҳеч нарса, – деди Насима опа қўллари қалтираб.

– Тунов кунни нима бўлганини айтишингиз шарт, агар айтмасангиз, бу ўзингизга қийинчилик туғдириши мумкин, – деди Собиржон.

– Мен айтсам, у ўлдиради...

– Ким?

– Ўша қотил.

– Демак, у яна келган, тўғрими?

– Ҳа, т...тўғри.

– Қайси пайтда?

– Яна ўша пайтда, тунги соат икки-учларда.

– Нима мақсадда келган экан?

– У икки пачка юз долларлик пул ташлаб кетди.

– Уларни кўрсатасизми?

– Ҳа, мана бу ерга яшириб қўйганман, – деб Насима опа ёстиғининг тагига қаради. Бироқ у ерда ҳеч нима йўқ эди.

– Қани пуллар? – деди Собиржон.

– Улар йўқ бўлиб қолибди...

– Ўша кундан бери уйга кимдир келиб кетдими?

– Йўқ, ҳеч ким, фақат Ҳанифа опа билан телефонда гаплашдим, холос.

– Бу гапдан унинг хабари борми?

– Йўқ, ҳеч кимга айтмаганман, у одам менга шундай деб тайинлаган.

– Хўш, унда пуллар қани?

– Билмайман, эсим оғиб қолганга ўхшаяпти. Ахир у келиб менга ўғлингга яхшилаб қара, деб пул берган эди, мен уларни олмоқчи эмас эдим, лекин ундан кўрққанимдан... Ёстиқнинг тагига бекитиб қўйгандим...

– Гапингиз ростлигини қандай исботлайсиз?

– Билмайман, мен ҳеч нимани исботлай олмайман! – деб Насима опа бошини қўллари орасига олиб йиғлашга тушди.

– У келганида нима учун бизга хабар бермадингиз?

– Мени ўлдираман, деб қўрқитди, қандай айтай? – деди у йиғи аралаш.

– У яна келса, бизга хабар қилинг, акс ҳолда, бирор кор-ҳол юз бериши мумкин.

– Ўзим ҳам шундан қўрқяпман...

Собиржон Насима опанинг сўзларидан кейин унинг гапларининг рост ёки ёлғонлигини ажратолмай қолди. Ҳақиқатан ҳам қотил тунда келиб, пул берган бўлса, қани ўша пуллар? Агар у келмаган бўлса, Насима опани ёлғон гапиришга нима мажбур қилаяпти?

Бу ерда бир гап борлиги аниқ, шунинг учун ҳам Журъатнинг уйи атрофига кузатувчилар қўйишимиз лозим, деб ўйлади Собиржон.

У бу фикрини Мурод акага айтганида:

– Авезов айтган йирик наркобарон Рамазон билан Бобоқулованинг қотили бир киши, деган фикрдаман, денг, – деб Мурод ака ўйлаб қолди, кейин Собиржонга қараб: – Агар ҳаммаси сиз айтгандек бўлиб чиқса, уни қўлга тушириш халқаро аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифа ҳисобланади. Биз бу ҳақда миллий хавфсизлик хизмати ходимларини хабардор қилишимиз лозим. Кузатувчиларни эса марҳуманинг уйи атрофига шу бугуноқ жойлаштиришимиз зарур, – деди.

* * *

Роппа-роса тўрт кундан кейин Собиржон эрталаб ишга келиб ҳали жойига ўтириб улгурмасидан Насима опа қўнғироқ қилиб қолди.

– Собиржон, у ҳозиргина келди, беш дақиқадан кейин яна кетиб қолди!

– Қачон чиқиб кетди?

– У кетиши билан қўнғироқ қияпман.

Собиржон уйни кузатаётган соқчилар билан уланди.

– Бобоқулованинг уйига ким кирганидан хабардормисизлар?

– Ҳа, биз қутаётган киши келмади.

– Насима опа унинг ҳозиргина келиб кетганини айтди-ку.

– Йўғ-э, уйга эркак зоти киргани йўқ, кузимизни узмасдан кузатяпмиз.

– Ўн дақиқача олдин ким кирган эди?

– Бир кампир, қўлида идиши билан.

– Унинг чиқиб кетганига анча бўлдимиз?

– Ҳа, беш дақиқа.

– Ҳали унча узоққа кетмагандир. Уни тезда тўхта-тинглар!

– Хўп бўлади!

Кампир автобус бекатида қўлга олинди. У қанчалик текширилмасин, ҳеч қандай шубҳали нарса аниқланмади. У одатдаги кўчада сут сотувчи аёл эди. Насима опага икки литр сут сотганини, сутни қозончага қуйганлигини айтди. Уни қўйиб юборишдан олдин Насима опа билан юзлаштирганда:

– Мен бу хотинни танимайман, ҳозиргина ўша жиноятчи келган эди, – деб туриб олди.

– Насима опа, сизнинг уйингизга сут сотувчи аёлинг кирганлиги бу – факт! Унинг қўлларида сут идишлари бўлган, – деди Собиржон унга тушунтиришга ҳаракат қилиб.

– Йўқ, ҳеч қандай аёлни кўрмадим. Мен сизга айтсам, ишонмайсиз! Ўша эрталаб келган киши худди Рамазоннинг ўзгинаси эди! Унинг овози худди ўша овоз... У илгари келганида қоронғилиги учунми ёки юзига нимадир қилганмиди, билмадим, қоп-қора, соқоллари ҳам қора эди.

– Бутун-чи? – деди Собиржон унга ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай.

– Ўзи у ёшлигида сариқдан келган йигит эди-да. Ҳозир ҳам шундай, сариқдан келган, кўзлари қизғиш жигарранг, анча қарибди, лекин, барибир, илгаригидек кучли...

Собиржон Насима опанинг гапларини тингларкан, охиригача эшитай-чи, нима билан яқунланаркин, деб ўйлаб, савол беришда давом этди.

- Сиз уни таниганингиздан кейин нима дедингиз?
- Сиз Рамазонмисиз? – дедим.
- Мендан ҳеч нима сўрама! – деди ғазаб билан у.
- Кейин-чи?

- У яна Журъатга тикилиб турганидан сўнг менга бир пачка юз долларлик берди. Бу сафар пулларни мана бу ерга қўйдим, – деб Насима опа қўли билан кираверишдаги кийим ечадиган шкафни кўрсатди.

- Қани, уларни кўрсатинг-чи?

Насима опа шкафнинг тепадаги бўлими эшигини очиб, қўлини узатди, қўлига ҳеч нима илиниб чиқмагандан кейин стулнинг устига чиқиб қаради. Кейин бошини чангаллаб, индамай қолди.

- Яна йўқолиб қолибдимиз? – деди Собиржон.

- Ҳа...

- Ахир сиз уни ҳозиргина ўша жойга қўйгансиз-ку, қандай йўқолиши мумкин?

- Билмадим, энди бутунлай ақдан оздим, шекилли... – деб Насима опа йиғлаб юборди.

Собиржон ошхонага ўтиб, стол устидаги қозончага солинган сутни кўриб:

- Насима опа, бу сутни қачон сотиб олгансиз? – деди.

- Қанақа сут? – деди йиғидан тўхтаб.

- Бу ёққа келинг-чи, – деди Собиржон ошхонада туриб.

- Мен сут олмаганман, нимага ишонмайсизлар? Бунинг қаердан келиб қолганини билмайман! – деб бақирди Насима опа сутга кўзи тушиб.

* * *

Собиржон ишхонасига қайтаркан, боши қотиб қолган эди.

- Фарҳод, Насима опанинг ўзини бундай тутиши ҳақида фикрингиз қандай? – деди.

- Менимча, у ё муғомбирлик қиляпти ёки ўзининг гапи билан айтганда, ақдан озяпти.

- Наҳотки...

– Ўйлаб кўринг, уйни кузатаётган тўртта одам аёлни-
нинг уйга кириб кетганини айтишаётган бўлишига
қарамасдан, у уйга эркак киши, ўша қотил киргани-
ни таъкидлаяпти. Бунинг устига, у шундай қозонда
турган сутни сотиб олганини инкор қилиши ақлга сиф-
майди. Буни Исроилованинг терговни чалғитиш учун
ўйлаб топган уйдирмаси, дейиш мумкин. Агар суд
психиатрия экспертизаси уни муомалага лойиқ деб
топса, албатта, – деди Фарҳод қизишиб.

– Уни эртагаёқ психиатр кўригидан ўтказиш лозим,
– деди Собиржон ўйга толиб.

ЯГОНА ГУВОҲ

Насима опа билан узоқ суҳбатлашган руҳшунос
Собиржон билан ёлғиз қолгач:

– Унинг фикрлари ўлда-жўлда, менимча, у ўша даҳ-
шатли қотилликни ўз кўзлари билан кўрганидан сўнг
руҳиятида ўзгариш содир бўлган. У бир вақтлари қал-
бига жароҳат етказган, нафратланган ўғлининг отаси
– қотил билан иккаласи бир одам эканига ишоняпти.
У ўзини ва бошқаларни бунга ишонтириш учун ҳар
нималарни тўқиб чиқаряпти. Бу беморларнинг ода-
тий ҳолати ҳисобланади.

– У қотилни ўз кўзим билан кўрдим деяпти-ку? –
деди Собиржон.

– Тўғри, кўрган. Лекин, унинг назарида, қотил бош-
қа, ўша ўзи хоҳлаган киши қиёфасида гавдаланади.
Бу ҳолат галлюцинация деб аталади.

– У ўзининг одатий юмушларини бажариши мум-
кинми ёки бундай ҳолларда уни шифохонага ётқизиш
лозимми? – деди Собиржон.

– Буни беморнинг ихтиёрига қўйиш керак, чунки
уни мажбурий даволаш фойда бермайди.

– Бемор теваарак-атрофдагиларга зарар етказмай-
дими?

– Йўқ, унинг вақти-вақти билан кўзига кўринадиган шарпани ҳисобга олмаганда, соғлом кишидан дегарли фарқи бўлмайди.

Собиржон руҳшуноснинг гапларидан кейин Насима опанинг яна Журъатга қараши мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Собиржон руҳшунос ҳузуридан қайтаркан, ўйларди: Насима опанинг кўзига шарпалар кўриняпти десақ, Дурдонани ким ўлдирган? Ахир уни ўлдириб кетишди-ку!

Собиржон Фарҳодга қараб:

– Сиз Бобоқуловани ким ўлдирган деб ўйлайсиз? – деди.

– Мен олдин ҳам айтганман, уни Насима опа ўлдирган, фақат муғомбирлик қиляпти.

– Унда руҳшуноснинг гапларига нима дейсиз?

– Билмадим, руҳшуноснинг гаплари унчалик ишончли эмас, деб ўйлайман.

Собиржон хонасига кириб, жиноят иши ҳужжатларини бошқатдан кўриб чиқмоқчи бўлди, лекин фикридан қайтиб, жойида ўтирмай, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

У ўйларди: устомон қотил бизни доғда қолдириб, боглаб лақиллатяптими? Ёки Насима опа келинини ўлдириб, Фарҳод айтганидек, муғомбирлик қиляптими? Руҳшуноснинг фикрлари тўғрими? Балки Насима опанинг ҳамма гапи ростдир?

Агар руҳшунос ҳам, Фарҳод ҳам янглишяпти, ҳар иккаловининг фикри нотўғри, деб ҳисобласак ва Насима опанинг гаплари рост, деб унга ишондик, дейлик. У ҳолда масала қандай ечилади? Унда жиноятчи Насима опанинг бўйнига қотилликни тўнкамоқчи ва унинг руҳий касал эканига бизни ишонтириш учун бор маҳоратини ишга солаётган бўлиб чиқади. У уйнинг кузатувимизда эканини дастлабки кунданоқ пайқаб, бизни боглаб аҳмоқ қилаётгани аниқ бўлиб қолади...

Наҳотки, у ярамас бизни лақиллатяпти? Собиржон юришдан тўхтаб, жойига ўтирди. У креслога суянганича бошини орқага ташлаб, кўзларини юмиб, қимирламасдан уйга толди.

Собиржон фикрларини жамлаб олди, шекилли, ўрнидан туриб овозини чиқариб:

– Айёрликка қарши айёрлик... Ҳа, ўзининг усулини ўзига қарши қўллаймиз! – деди ва трубкани кўтарди.

– Мурод ака, бўшмисиз, кирсам бўладими?

– Майли.

Собиржон ўрнидан туриб Мурод аканинг хонасига чиқди.

Мурод ака Собиржоннинг фикрларини эшитиб:

– Ҳақиқатан ҳам фикрларингиз тўғрилигига, кўзлаётган операциянги муваффақиятли чиқишига ишончингиз комилми? – деб сўради.

– Ҳа, бунга ишонаман.

– Собиржон, сиз айтаётган операцияни амалга ошириш учун кўпчилик жалб қилинади. Шунинг учун ёшуллилар* билан маслаҳатлашишимиз лозим.

Ниҳоят, Собиржоннинг фикрини қўллаб-қувватлаганларидан кейин операция вақти белгиланди.

Ҳовлиқиб кирган Фарҳод:

– Тинчликми, Собиржон ака, нимага чақирдингиз? – деди.

– Насима опани ҳозироқ руҳий касалликлар шифохонасига ётқизишимиз лозим, – деди Собиржон кетиш учун тайёрланиб, папкасига керакли нарсаларни жойларкан.

– Сиз ўша руҳшуноснинг гапига кўпроқ ишонибсизда? Биласизми, мен, барибир, ўз фикримда қоламан.

– Айтмоқчи, Ҳанифа опани огоҳлантириб қўйишим керак, – деб Собиржон трубкани кўтарди.

* Ёшулли – мансабдор ёки ёши улур инсонларга нисбатан ҳурмат маъносида ишлатилади.

– Ҳа, Журъат шўрлик ёлғиз қолиб кетиши мумкин,
– деди Фарҳод ачиниш билан.

Собиржон бир қанча жойларга қўнғироқ қилганидан сўнг:

– Кетдикми, Фарҳод? – деди.

– Тушунолмаяман, битта аёлни руҳий касалликлар шифохонасига ётқизиш учун шунча одамни овора қилиш шартмиди? – деди Фарҳод Собиржоннинг телефони орқали гаплашганидан сўнг, унинг бу ишга бир талай одамни жалб этмоқчи эканига таажжубланиб.

– Менимча, камида учта енгил машина лиқ тўла одам бориши шарт.

– Учта машина?! Ўлай агар, бирор нимани тушунган бўлсам. Жумбоқсиз гапирсангиз нима қилади?

– Унда ўзингиз фикрлашни қачон ўрганасиз?

– Ҳа, бўпти, ўзим тушунишга ҳаракат қиламан, – деб Фарҳод Собиржоннинг ортидан машина томонга юрди.

Марҳума Бобоқулованинг уйи олдида тўхтаган машиналар ичидан бирданига бир неча киши тушиб, ҳаммаси ичкарига кира бошлади. Шифохона машинасидан ҳам оқ халатли кишилар тушиб, улар ҳам ичкарига кирдилар.

Уларга эшикни очган Ҳанифа опа шунча одамни кўриб:

– Собиржон ука, тинчликми? – деди хавотирланиб.

– Ҳаммаси жойида, уйга киргандан сўнг сизга ўзим тушунтираман, – деди бамайлихотир.

Унинг сўз оҳангидаги хотиржамликни сезган Ҳанифа опа бироз тинчланиб, улардан кейин ўзи ҳам ичкарига қараб юрди.

Журъатнинг хонасида уни овқатлантираётган Насима опа уйга бостириб келган милиция ходимлари, оқ халатли шифокорлар ва бошқа нотаниш кишиларни кўриб, анграйиб қолди. Унинг қўлидан қошиғи тушиб кетди.

Собиржон Насима опанинг олдига бориб:

– Насима опа, сизнинг терговда берган кўрсатмаларингизнинг асоссизлиги ва ғайритабиийлиги бизда шубҳа уйғотган эди. Руҳшуносларнинг берган маълумотларига қараганда, сиз руҳий касал билан оғриган бўлишингиз мумкин экан. Ҳаммаси аниқлангунча, сизнинг руҳий касалликлар шифохонасида даволаниб туришингизга тўғри келади, – деди.

– Мен... руҳий касал...

– Касалингизнинг ташхиси даволаниш жараёнида ойдинлашади, деган умиддаман.

– Айтганларим ҳаммаси рост эди, бунга ишонишингиз керак! Фақат нима бўлаётганини ўзим ҳам тушунмаяпман... Гапларимни тасдиқлайдиган ягона гувоҳим бор, бироқ гувоҳим гапиролмайди!

– Минг афсус...

– Мени олиб кетманглар, болам ёлғиз қолади! Пешонам бунчалар шўр бўлмаса! – деб йиғлади Насима опа қўллари билан бошига уриб.

Уни Собиржоннинг ишораси билан олиб чиқиб кетдилар. Насима опанинг йиғлаб-ёлворган овози у машинага чиқиб кетгунча уйга эшитилиб турди. Унинг ноалари ҳамманинг юрагини эзиб юборди.

Собиржон Журъатга қаради. Унинг кўзларидан ёш оқиб, бошини у ёқдан-бу ёққа қимирлатиб, безовта бўлиб ётарди. Собиржон Журъатга қараб:

– Сизни Насима опа ягона гувоҳим деди, аммо унинг гапларини тасдиқлай олмайсиз, тўғрими? – деди.

– У хола, дейди, – деди Ҳанифа опа йиғлаб.

Журъат лабларини бир нима демоқчидек жуфтлаб:

– «Мен...», «мен...», – деган сўзларни ифодаловчи товуш чиқарди.

Журъатнинг ёнида ўтириб йиғлаганича бошини силаётган Ҳанифа опа унга ҳайрат билан боқиб:

– Наҳотки, сен гапирмоқчи бўлсанг, ўғлим... – деди.

Журъат бошини силкитиб:

– Холам... гаплари т...тўғри...– деди бир амаллаб, қийналиб, оғзидан кўпик оқизиб.

– У Насимани «хола» дейди, – деди яна Ҳанифа опа Собиржонга қараб.

– Демак, сиз Насима опанинг гапларини тасдиқлайсиз, шундайми? – деди Собиржон Журъатнинг ёнига стулни яқинроқ суриб ўтираркан.

– Ҳа...а, ўш...ша киши менинг юзимни сил...лади...

– Сенинг гапира олишингга энди ишонмай қўйган эдим, жоним болам, – деб Ҳанифа опа Журъатнинг кўз ёшларини рўмолчаси билан артиб, унинг юзларини силади.

– Ўша одамнинг Насима опага доллар бергани тўғрими?

– У б...берди, – деб Журъат иккита бармоғини кўрсатди. – Кейин... олиб кетди.

– Сен қўлингни ҳам қимирлата бошлабсан-ку! Яратганга шукур...

– Икки пачка доллар демоқчимисиз? – деди Собиржон.

– Ҳа.

– Кейин бир пачка... уз...атди. Мен кўрдим... Холам сувга кетганида уни ҳам олди...

– Тушунарли, – деди Собиржон Фарҳодга қараб.

Фарҳод кутилмаган ҳолатдан бироз довдираб, нима дейишини билмай, Журъатдан кўзини узмай турарди.

– Ҳайратланарли ҳолат! – деди у.

Собиржон ўрнидан туриб, бошқа хонага ўтди ва Ҳанифа опани чақириб:

– Ҳанифа опа, Равшаной опа исмли ҳамширани, яъни бизнинг ходимамаизни бу ерга юборамиз, у Журъатга қараб туради. Бошқаларга Насима опанинг ўрнига уни қўйдик, дейсиз. Сиз бу ерга иложи борича камроқ келинг, тушундингизми? – деди.

– Ҳақиқатни айтиш учун бечора ўғлим тилга кириб, Насимага гувоҳлик берса ҳам унга ишонмайсизларми? – деди Ҳанифа опа.

– Мен Насима опанинг гаплари ростлигига алақачон ишонганман, биз қотилни қўлга туширишимиз

керак. Шунинг учун ортиқча гапсиз менинг айтганларимни бажариш лозим.

– Ҳа, энди ҳаммасини тушундим, Собиржон, – деди Ҳанифа опа бошини силкитиб.

– Мана бу одамлар тўғрисида эса ҳеч кимга лом-мим демайсиз. Улар бу ерда қолишади, – деб Собиржон иккита йигитни кўрсатди.

– Тушундим.

Собиржон ўрнидан туриб:

– Кетдик! – деди.

Улар қандай келган бўлсалар, худди шундай тезда чиқиб кетишди.

Йўлда кетаётиб Фарҳод:

– Энди ҳаммасига тушундим, – деди.

– Ҳанифа опа сиздан олдинроқ тушуниб етган эди, – деди Собиржон.

– Менинг англашимча, сиз ўша жиноятчи уйни кузатяпти, кузатувчилар қўйганимиздан хабардор, деб ўйлаяпсиз. У бизнинг ўша уйда қолдирган иккита кишимизни пайқамай қолиши учун шундай йўл тутдик, тўғрими?

– Ҳа.

– У машинадан тушаётганда, уйдан чиқиб кетаётганда одамларни санайди, деб ўйлайсизми?

– Бизни ҳар кўйга солиб, лақиллатган аблаҳдан ҳамма нарсани кутиш мумкин.

Собиржон ишхонага бориши билан марҳуманинг уйи атрофидаги кузатувни бекор қилишни эълон қилди. Кузатувчилар орқаларига қайтдилар.

* * *

Эрталаб ишга етиб борган Собиржонга Равшаной опа қўнғироқ қилиб қолди.

– Нима гап? – деди Собиржон ҳовлиқиб.

– Собиржон, ишонасизми, кеча мен қайтаётган пайтда Журъат ўрнидан туриб икки-учта қадам ташлади!

– Ростданми?

– Ҳа, ахир унинг икки йилдан бери шол бўлиб ётганини айтишувди-ку.

– Ақл бовар қилмайди. Ҳанифа опа қўнғироқ қилиб қолса, буни унга айтмай тулинг.

– Ҳўп.

Собиржон Равшаной опа билан гаплашганидан сўнг трубкани қўймасдан, фалажлик касаллиги билан қизиқиб, шифокорларга қўнғироқ қила бошлади. У ўзига керакли маълумотларни олиб, трубкани қўйган ҳам эдики, Фарҳод кириб келди.

У Собиржон билан саломлашиб:

– Бирор янгилик борми? – деди.

– Журъат ўрнидан турибди.

– Йўғ-э, ростданми? Бўлиши мумкин эмас!

– Агар эътибор берсангиз, у хонадонда нуқул ғайритабиий ишлар юз беряпти.

– Қандай қилиб, икки йилдан бери қимир этмай ётган шол киши ўрнидан туриши мумкин?

– Мен ҳозир ҳаммасини шифокорлар билан гаплашиб, унинг тузалишининг илмий жиҳатлари билан бироз танишдим.

– Бу қандай юз берган экан?

– Ундаги фалажланиш қандай юз берган бўлса, тузалиши ҳам худди шундай.

– Тушунмадим?

– Мутахассисларнинг айтишича, Журъатда кучли руҳий ҳаяжонланишдан қон айланишдаги ўзгаришлар натижасида фалажлик келиб чиққан. Беморнинг яна ўшандай ҳолатга тушиши ундаги қон айланишни ўзгартирган бўлиши мумкин ёки миянинг ингичка қон томирларидаги тромбнинг ўрнидан силжиб, юриб кетишига олиб келган, дейишди. Бунинг аниғини улар беморни яхшилаб махсус текширувдан ўтказганларидан сўнггина айтишларини билдиришди.

– Тушунарли, илмий асослашаркан-да, лекин Журъатнинг соғайиши ақлга сифмайдиган ҳолат.

– Насима опа унга ҳар хил муолажалар қилаётганини айтгани эсингиздами?

– Ҳа, айтувди.

– Балки шуларнинг натижасидир... – деди Собиржон.

ТУЗОҚ

Рамазон Журъатнинг отаси эканига ва қотилнинг яна келишига қаттиқ ишонган Собиржоннинг тоқати-тоқ бўла бошлади. Чунки марҳуманинг уйига жиноятчини қўлга олиш учун иккита киши қўйилганига ҳам бир ҳафтадан ошиб кетди, бироқ қотилдан ҳамон дарак йўқ эди. Бундан жабр кўраётганлар, руҳий касаллар шифохонасида ётган соппа-соғ Насима опа алоҳида хонага қўйилган бўлишига қарамасдан, ҳар куни уйга рухсат беришларини сўраб йиғларди. Ҳанифа опа эса Журъатнинг гапира бошлаганини билганидан сўнг уни врач кўригидан ўтказиб, керакли муолажаларни олиши зарурлигини ҳар куни қўнғироқ қилиб, Собиржонга айтишдан чарчамасди.

Мурод ака Собиржон билан суҳбатида:

– Ўша икки йигитимизнинг марҳуманинг уйида тура бошлаганига саккиз кун бўляпти. Бу уларнинг саккиз кундан бери кўчага чиқмасдан, уйда қамалиб ётибдилар, дегани-да. Уларни бундай аҳволда қўйишга ҳаққимиз йўқ, балки тахминингиз нотўғридир, – деди.

– Ўзим ҳам шуни ўйлаб, сиқилаётган эдим, – деди Собиржон ерга қараб.

– Эртагача буни ўйлаб кўриб, тактикангизни ўзгартиришингизга тўғри келади, шекилли.

– Ҳа, тўғри...

Мурод ака чиқиб кетганидан сўнг Собиржон ўйлаб қолди.

Наҳотки, ўша пихини ёрган ярамас қотил уйда бизнинг одамларимиз жойлашганини сезиб қолган бўлса ёки мен хатога йўл қўйдиммикан? У қўйган тузоғи-

мизни қандай пайқаб қолган экан? Унинг қайтиб келмаслиги аниққа ўхшаб қолди. Эртагаёқ ҳаммасини бошқатдан кўриб чиқаман...

Собиржон шундай хаёллар билан ишдан кейин уйига қайтди.

Эндигина кўзи илинган Собиржонни ярим тундаги телефон қўнғироғи уйғотиб юборди. У тезда трубкани кўтариб:

– Эшитаман, – деди.

– Собиржон ака, жиноятчи қўлга олинди, тезда келинг! – деди марҳуманинг уйига қўйилган пойлоқчилардан бири.

– Баракалла, ҳозир етиб бораман! – деди Собиржон кайфияти кўтарилиб.

Бемаҳалда чалинган қўнғироқдан кўзини очган Азиза эрини одатдагидек уйқусираган ҳолда эмас, яхши кайфиятда тез-тез кийинаётганини кўриб:

– Тинчликми, дадаси? Сизни кўрган одам алламаҳалда ширингина уйқудан уйғонган кишига эмас, байрамга кетаётган одамга ўхшатади, – деди таажжубланиб, устига халатини ташларкан.

– Мен учун бугун байрамдан ҳам яхшироқ тун бўлди.

– Тушунмадим?

– Ҳаммаси тугаганидан кейин ўзим сенга тушунтираман, ҳозир эса ҳеч нима айтолмайман.

– Майли, яхши боринг, – деди Азиза эснаб.

* * *

Собиржон марҳуманинг уйига етиб борганида жиноятчининг қўлларига кишан солинган ҳолда стулда ўтирарди. Унинг кўзлари ола-кула, атрофга аланглаб асабий боқарди. Собиржон кириб келиши билан тескари қараб «чирт» этиб тупурди.

Собиржон Журъатни махсус риқидиракли креслога ўтказишларини айтди, кейин уни олиб чиқиб, савол берди:

– Сизникига келиб, Насима опага доллар бериб, билдирмасдан яна олиб кетган киши шу бўладими?

– Ҳа, х...худди ўзи...

Жиноятчи Журъатнинг гапираётганига қараб кўзларини катта-катта очиб, бақадек қотиб қолди.

– У гапиролмайди, деб ўйлаганмидингиз? – деди Собиржон.

Рамазон индамади.

Собиржон уни прокуратурага олиб боришларини, ўша ерда сўроқ қилишини айтиб, ўзи ҳам йўлга чиқди.

Прокуратурага етиб келгач, Собиржон қаршисида ўтирган гавдали, елкадор жиноятчига савол берар, у эса истар-истамас йўгон овозда жуда қисқа жавоб берарди. Унинг гапириш оҳанги кўзанинг ичига кириб қолган қовоғарининг гўнғиллашига ўхшаб кетарди.

– Исм, фамилиянгиз?

– Рамазон Далеров.

Собиржон унинг шахсига оид саволларига жавоб олганидан кейин:

– Сиз Бобоқулова Дурдонани нима учун ўлдирдингиз? – деб сўради.

– У ўлимга лойиқ эди.

– Бундай ҳукм чиқаришга сизнинг ҳаққингиз йўқлигини билармидингиз?

– Ҳа.

– Уни нима учун ўлдирдингиз?

Рамазон Собиржонга нафрат билан қараб ўйга толди:

«Шунча йилдан бери жиноят оламида яшаб, чет элларда ҳам изимга тушганларга усталик билан чап бериб, ҳар доим қочиб қолишга эришиб келган эдим. Фақат бу сафар Журъат туфайлими ёки мана бу ўзига ишонган, уддабурон терговчининг маҳорати биланми, қўлга тушиб қолдим. Энди ҳаммаси тамом... Уни нима учун ўлдирганимни айтишим учун бутун умримни, шунча йиллар ичида қилган жиноятларимни гапириб

беришим керак-ку! Яхшиси, индамайман. Саволларига жавоб берсам ҳам, бермасам ҳам, фарқи йўқ, қилмишларимнинг бариси учун жазо берилиши аниқ.

Чамамда, манзилга етиб келдим. Анави, сизнинг қонуний ҳуқуқларингизни ҳимоя қиламан, деган адвокат йигитнинг қўлидан ҳеч нима келмаслиги аниқ, чунки менинг қилган ишларим... Қисқаси, энди ҳеч кимдан ёрдам кутмасам ҳам бўлади...»

Рамазон Собиржоннинг икки марта қайтариб берган саволига безътибор, жим ўтирарди. У энди терговчининг саволларига жавоб бермас, ўз хаёллари билан банд, уни олиб кетишаётганига ҳам бефарқ эди.

Рамазон беихтиёр шу пайтгача босиб ўтган ҳаётини хаёлидан ўтказа бошлади. У ўзида кечаётган ҳолатга ўзи ҳам тушунмасди. Нимага буларни ўйлаяпман, кўрқаяпманми? Демак, мендаги ҳеч нимадан ва ҳеч кимдан кўрқмаслик, бешафқатлик, фақат қўлга тушгунча экан-да! Йўқ, мен кўрқмаслигим керак, ўлимга тик қарашим керак! Рамазоннинг хаёлига келган бу фикр қатъий эмас эди. У ичидаги титровини босолмаётганди.

Унинг бутун ҳаёти кўз ўнгидан бирин-кетин ўта бошлади. Нима учундир отаси кўз олдига келди. Рамазон отаси билан боғлиқ хотираларни эслади.

ОТА «ВАСИЯТИ»

Рамазоннинг онаси у чақалоқлигида вафот этгани учун уни отаси тарбиялаган. У ҳамиша бошқа болаларни оналари билан кўрганида ўзининг ҳам онаси бўлишини орзу қиларди. Унинг ҳам қўлидан онаси ушлаб юришини истарди.

У олдин ҳам бу саволни берган эди, лекин эсида қолгани, чамаси, етти ёшларида отасидан:

– Дада, ҳамманинг онаси бор, менинг онам қани? – деб сўраган эди.

– Онанг ўлган! – деди ўшанда отаси жаҳд билан.

Отасининг бундай жавоби Рамазоннинг мурғак қалбини ларзага солди. У йиғлаб юборди.

– Нимага йиғлайсан, овозингни ўчир! – деди отаси уни силтаб юбориб.

– Нимага ўладилар? Ҳамманинг онаси тирик-ку! Овқатларини пишириб беради, Адҳамнинг онаси нуқул ширинликлар пиширади...

– Сенинг онанг эса манжалақи эди!

– У нима дегани? – деди Рамазон тушунмай.

– Бу дегани – у расво, шарманда, ярамас эди, дегани!

– Ёлғон айтяпсиз, менинг онам яхши эдилар!

Рамазон юзига тушган шапалоқдан кейин йиғидан тўхтаб қолди. Чунки у йиғидан тўхтамас, ундан ҳам баттарроқ зарба тушишини биларди. Рамазон онаси ҳақида ҳар сафар отасидан бир нима сўраганида охири калтак билан тугагини билиб, кейин-кейин отасидан бу ҳақда ҳеч нима сўрамай қўйди.

Малик ака ниҳоятда жаҳлдор киши бўлиб, Рамазон ундан бир нима сўрашга ҳам юраги дов бермасди. Жуда зарур гапини у касалманд бувисига айтарди, бувиси эса дадасига айтиб, барибир, эшитадиганини эшитарди. Бундай пайтларда у одатда:

– Сен ҳам эркакка ўхшаб ўзинг гапирмайсанми? Нимага хотинларнинг пинжигига тиқиласан? Менга ўхшамадинг, сенинг кимларга ўхшашингни ҳам билмайман! – дерди.

Рамазонга отасининг ана шу охириги сўзи умуман ёқмасди. У шу сўзни эшитганида бир неча кун юраги сиқилиб юрарди.

Ниҳоят, Рамазон номигагина борадиган мактабни тугатди. Унинг калласида ҳеч вақо йўқ эди. Рамазон отасига ўхшашни орзу қилар, тўғрироғи отаси унга ўзимга ўхшагансан дейиши учун ҳамма нарсага тайёр эди. У ҳам отаси каби шафқатсиз, бировнинг ҳақидан қўрқмасликка ҳаракат қилар ва бунинг удасидан чиққанида хурсанд бўларди.

Синфдошлари ўзларининг яхши кўрган касблари, қайси институтга кирмоқчи эканликларини гапираётганда Рамазон ҳам ўйлаб қолди. Мен нима қиламан, наҳотки, менинг умрим ҳам дадамникига ўхшаб, бировларга зарар бериш билан ўтиб кетса? Ўғирлик, тўғридан-тўғри кимнингдир экинини пайҳон қилиш, кейин яшириниб юриб, яна шунга ўхшаш бирор ёмон иш... Нима учун? Мен ҳам бошқа болалардек ўзим яхши кўрган касбимни танлашим мумкин-ку? Мен ўзи нимани яхши кўраман?

Рамазоннинг кўз олдига Робия опа келди. У адабиёт дарсини ёқтирар эди. Бунга сабаб, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Робия опанинг меҳрли гаплари эди.

Рамазон онам вафот этмаганларида Робия опага ўхшаб гапирган, худди у каби меҳрибон бўлардилар, деб тасаввур этарди.

– Мен адабиёт фанини ёқтираман...

Рамазон бу ҳақда отасига айтишни хаёлига ҳам келтириши мумкин эмаслигини биларди. Улар отаси билан бундай мавзуда суҳбатлашмас эдилар. Аслида, улар отаси билан кам гаплашар, одатда, фақат отаси гапириб, у «хўп» дейишдан нарига ўтмасди. Агар Рамазон ўз фикрини айтиб қолса, калтак ейишини биларди.

Бир куни отаси эрталабки нонушта пайтида:

– Энди сен ҳам катта бўлиб қолдинг, – деди.

Рамазон отам менга қандайдир касбни эгаллашни айтмоқчи, шекилли, деб ўйлаб юраги ҳаприқиб кетди. Малик ака ўғлининг афтига қарамасдан гапини давом эттирди:

– Мен ўзимизнинг районда тирикчилик қиляяман... Сенинг ҳам бу ерда юришинг тўғри келмайди. Яхшиси, сен шаҳарга бор, ўша ерда ишла, тушундингми? – деб оғзига катта нон бўлагини солиб кавшанди.

– Менинг қайси ишга киришимни маъқул кўрасиз? – деди отасининг гапига диққат билан қулоқ солиб ўтирган Рамазон.

– «Иш» деганинг нимаси, мен нима билан шуғулла-наётган бўлсам, сен ҳам шуни қиласан-да! Ярамасларга фойда беришни ўйлаб ҳам кўрма!

– Кимларни ярамас деяпсиз?

– Одамларни айтяпман, уларни шилишдан бошқа нарсани кўзлама!

– Дада, биз ҳам бошқалар каби яшасак-чи... – деб Рамазон фикрини айтишга оғиз жуфтлаган эди, елкасига тушган тепкидан нафас ололмай «ҳиқ» этиб қолди. У отасининг бунча тез ўрnidан туриб тепишини кутмагани учун кўрқиб кетиб, букчайиб қолди.

– Сен менга қарши сўзлашга қандай журъат этдинг?!

Рамазон отасининг даҳшатли тикилишидан юраги орқасига тортиб кетди ва дарров кўзларини олиб қочди.

– Хўш, нима дейсан? – деди отаси ҳамон унинг тепасида қўлларини белига қўйганича туриб.

– Дада, сиз нима десангиз шу...

– Бу бошқа гап, айрим пайтлари сен менинг зурриётим эканлигингга ишонмай қоламан. Ана шундай пайтларда ўлдириб қўйишим ҳам ҳеч гап эмас! Шунинг учун гапларимни иккита қила кўрма!

– Хўп, дада... – деди отасидан шу гапни эшитмаслик учун ҳамма нарсага тайёр Рамазон.

Рамазон шундан сўнг шаҳарга жўнади. У дадасининг маслаҳати билан ҳеч ким билан шерик бўлмасдан ёлғиз ўзи чўнтаккесарлик билан шуғулланарди.

У ҳар ҳафтада уйига келиб отасига нима қилаётганининг ҳисоботини берар, отаси унга бу борада маслаҳатлар бериб, қўлга тушиб қолмаслик йўл-йўриқларини ўргатарди.

Рамазоннинг қайси ой эканлиги эсида йўқ, лекин баҳор фасли эканлиги аниқ эсида. У бир куни одатдагидек одам билан лиқ тўла, тирбанд автобуснинг охириги ўриндиғига ўтириб, йўловчиларни зимдан кузатаётиб, пушти жемфер чўнтагидан ярми кўриниб

турган кармонга кўзи тушди. Ўмаришга бунча қулай, деб ўйлади у ва секин ўрнидан турди. Рамазон ўша чўнтакка яқин келганида ўзидан олдин турган паст бўйли, тепакал кишидан:

– Кейинги бекатда тушмайсизми? – деб сўради.

– Йўқ, сиз ўта қолинг, – деб у киши Рамазонни ўтказиб юборишга ҳаракат қилди.

Шунда бояги чўнтак эгаси ҳам:

– Мен ҳам тушишим керак, амаки, илтимос, мени ҳам ўтказиб юборинг, – деб қолди.

Автобусдан тушиб кета бошлаган Рамазоннинг қулоғига:

– Вой ўлай, кармонимни тушириб қўйибман-ку! – деган қиз боланинг овози эшитилди.

Рамазон орқасига қайрилиб қаради. Пушти жемферли қиз эгилиб, бекатдаги йўловчиларнинг оёқлари остидан кармонини қидириб, йиғларди. У йиғи аралаш:

– Энди нима қиламан, ҳамма пулим шу кармонда эди-я, стипендияга яна бир ҳафта бор... Шўрим қуриб қолди... – дерди.

Рамазон беихтиёр орқасига қайтди. У ҳозиргина ўмарган кармонни секин чўнтагидан чиқариб:

– Мана бу сиз қидираётган кармон эмасми? – деди турган жойида қизга кармонни кўрсатиб.

– Вой, худди ўзи! – деб қиз унинг ёнига югуриб келди.

– Автобусдан тушаётганда тиқилинчда туширибсиз, шекилли. Эҳтиёт бўлиш керак, – деди Рамазон кармонни узатаркан.

– Жуда яхши йигитга ўхшайди, – деди бекатда турган кампир ёнидаги аёлга қараб.

– Ҳа, ҳамма ҳам топган пулини эгасига қайтаравермайди, – деди аёл унинг гапини маъқуллаб.

Қиз эса оппоқ юзлари севинчдан яшнаб, тер билан пешонасига ёпишган жингалак сочларини тепага қараб силаб, шаҳло кўзлари порлаб, Рамазонга қандай миннатдорчилик билдиришини билмай турарди.

– Сизга катта раҳмат! – деди қиз қўлини Рамазонга узатиб.

– Мен фақат кармонингизни ердан топиб, сизга бердим, холос, – деди Рамазон қизнинг қўлини сиқиб.

Рамазонга қизнинг кулиб турган чеҳраси жуда таниш туюлди, у худди шу чеҳрани илгари ҳам кўргандек, ҳатто силагандек эди. У қўлини қўйиб юборса қиз кетиб қолиб, кейин умрбод кўролмаслигидан кўрққандек, унинг кичкина қўлларини маҳкам сиққанича турарди.

Қиз қўлларини секингина тортаркан:

– Исмингиз нима? – деди.

– Рамазон, сизники-чи?

– Насима...

– Қаерда ўқийсиз?

– Талабалигимни қаердан билдингиз? – деди Насима ажабланиб.

– Кўзларингиздан, – деди Рамазон кулиб, ҳозиргина «стипендияга ҳали бир ҳафта бор» деётганини мутлақо эсидан чиқарган қизга қараб.

– Кўзларимдан?

Рамазон ўзини бир чеккага олди, Насима ҳам унга эргашди.

– Қаерда ўқишингизни менга айтишни истамайсизми? – деди Рамазон.

– Тиббиёт билим юртида, охирги курсман. Вой, эсим курсин, дарсдан кеч қоляпман-ку! Хайр... – деб қиз югуриб кетди.

Рамазон унинг орқасидан қараб қолди. Насима енгил қадамлар билан оҳудек оҳиста югурарди. Унинг жингалак сочлари елкаси билан бир бўлиб, шамолда ўйнардди.

«Бунча чиройли... жуда гўзал», деган эътироф Рамазоннинг хаёлидан ўтди. Насима кўринмай кетган бўлса ҳам, Рамазон ҳамон шу тарафга қараб турарди. Унга қиз қўлининг тафти ҳамон кафтини қиздираётгандек туюлиб, ўнг қўли кафтини силаб қўйди.

Рамазон анчадан кейин ўзига келиб, мен бу ерда нима қиялман, ахир дадамнинг айтишича, соат эрталабки саккиздан тўққизгача ишнинг айна қизиган пайти бўлади-ку, деган фикр билан бекатда тўхтаган дуч келган автобусга чиқиб кетди.

Шу кундан бошлаб Насиманинг гўзал чеҳраси Рамазоннинг хаёлига ўрнашиб қолди. У энди бир неча кун ўтса ҳам ўша қизни унутмаётганига, эсласа юраги ҳаприқиб кетишидан асабийлаша бошлади.

«Мен бир киссавур ўғриман, талаба қизлар тўғри-сида хаёл суришни ким қўйибди, у қизни миямдан чиқариб ташлашим керак», деб ўйларди. Бироқ қанча уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмади. Охири у «бугун киссавурлик қилмасдан, ўша – биз Насима билан биринчи марта учрашган 3-автобусга ўтириб, унинг ўқийдиган жойига бораман», деган тўхтама келди. «Насима билан яқиндан танишаман. Нима қипти, балки бундан кейин киссавурликни ташларман? Ахир мен ҳам одамман, ўзим хоҳлаган юмушни қилишим мумкин-ку!

Бироқ дадамга нима дейман?» Рамазон ўйлаб қолди, кейин қўлини силтаб, э, нима бўлса бўлар, деб 3-автобусга чиқди. У биринчи марта автобусда ҳеч кимнинг чўнтагига эътибор бермади, чунки фикр-ёди Насимада эди...

Рамазон Насимани дарсдан чақириб юборишни бир қиздан илтимос қилиб, у чиққунча ҳаяжондан дукиллаётган юрагини ҳовучлаб, айтмоқчи бўлган гапларини йўқотиб қўймаслик учун ичида такрорларди.

Уялиб, қимтиниб, юзлари ҳаяжондан ловиллаб чиққан Насимани кўриб, у қувониб кетди.

– Ассалому алайкум, Рамазон ака, – деди Насима қизариб.

– Яхшимисиз, Насима, – деди Рамазон ундан кўз узмай.

– Йўқлаб келибсиз?

– Ҳа, йўлим шу томонларга тушувди, эслаб қолиб, шунга...

– Раҳмат.

– Нима учун?

– Эсингиздан ҳалигача чиқмаганим учун.

– Сизга ҳам раҳмат.

– Менга?

– Ҳа, гапимни ерда қолдирмай чиққанингиз учун. Ростини айтсам, чиқмасангиз керак, деб ўйлагандим. Демак, сизни учрашувга таклиф қилсам бўлади, – деди Рамазон энди ўзини анча эркин тутиб.

– Учрашув? Мен умримда йигитлар билан учрашувга чиқиб кўрмаганман...

Рамазон хахолаб кулиб юборди. Насима унинг нимага кулганини тушунмай, ажабланиб қаради.

– Нима, бошқалар ҳар куни учрашувга чиқишади-ми? – деди у Насиманинг соддалигига қойил қолиб.

– Йўқ, мен...

– Биласизми, мен сиз билан яқинроқдан танишишни истайман. Агар рад этмасангиз, бугун дарсдан кейин соат учларда «Орзу» кафесининг олдида учрашасак, нима дейсиз?

– Майли...– деб Насима орқасига бурилиб, ўқиш биносига қараб югуриб кетди.

Рамазон буни уялганидан, деб ўйлади.

Аслида Насима кармонини топиб берган йигит – Рамазонни ўша кундан бери бир зумга бўлса ҳам унутгани йўқ эди. У баланд бўйли, сариқдан келган, келишган бу йигитни энди учратмасам керак, деб ўйлагани сайин юраги сиқиларди. Уни «Рамазон» исмли йигит чақираётганини айтишганда севинчдан ҳушидан кетиб қолишига озгина қолган эди. У учрашувга таклиф қилганида эса тамоман ўзини йўқотиб қўйди. У буни билдириб қўймаслик учун ҳам тезда кетиб қолди.

Рамазон Насимага институтнинг тил ва адабиёт факультетида сиртдан ўқишини айтди. У ёлгон гапи-

раётганида бироз қизарди, лекин мен бу йил, албатта, шу факультетга ўқишга кираман, деган фикрга келиб ўзига далда берди.

Рамазонга Насиманинг ўртамиёнагина чиройи жуда гўзал бўлиб кўринар, унинг соддадиллиги, ишонувчанлиги ёқиб қолган эди.

У деярли ҳар куни Насимани дарсдан кейин унинг яшайдиган жойигача кузатиб қўярди. Рамазон отасига Насима ҳақида айтишни ўйларди. Агар отаси бунга ижобий қараса, киссавурликни ташлашни яна бир марта айтиб кўришни мўлжалларди. Шу орада Насима билим юртини тамомлаб, болалар шифохонасига ишга жойлашди.

Рамазоннинг тарбиясизлиги, Насиманинг ўта соддалиги оқибатида у ҳомиладор бўлиб қолди. У Рамазонга бу ҳақда уч ойгача гапиролмай юрди, ниҳоят, юрак ютиб, буни айтди.

– Қандай қилиб, нима учун? – деди Рамазон кутилмаган хабардан эсанкираб.

– Энди нима қиламан? – деб йиғлади Насима.

– Йиғлама, ҳаммаси яхши бўлади.

– Агар, буни акам билиб қолса, мени ўлдиради...

– Мен сенга уйланаман! – деди Рамазон ишонч билан.

Насима унинг бу гапини эшитиб, йиғидан тўхтаб:

– Қачон? – деди.

– Мен эртагаёқ уйга бориб, отам билан гаплашаман, унинг розилигини олганимдан кейин дарров уйингга совчиларни жўнатаман.

– Ишқилиб, айтганларингизни тезроқ амалга оширинг-да, ахир, ҳадемай тўрт ойлик бўлади.

– Сен кўпам хавотирланма, мен тезда қайтаман!

У шу кетганича қайтмади, чунки отаси ...

* * *

Рамазон отасига Насима ҳақида сўзлаб берди. Ўғлининг гапларини бир нуқтага тикилганича эшитиб ўтир-

ган Малик ака Рамазон гапани тутатганидан сўнг ўрнидан турди. Рамазон отасига буларни гапиришдан олдин ҳамма нарсага, унинг аямай ҳақоратлаши-ю, ўласи қилиб калтаклашига рози бўлиб, кейин сўзлашга жазм қилган эди. Шунинг учун ҳам у ҳаммасига тайёр ҳолда ерга қараб ўтираверди. Отаси эса шу турганича анча жим эди. Бироздан сўнг у:

– Ўрнингдан тур! – деди.

Демак, юз-кўзимга қулочкашлаб туширмоқчи, ундан кўра тепкилаб ургани маъқул эди. Ҳар қалай, кўчада юзимни моматалоқ қилиб юрмасдим, деб ўйлаб, Рамазон секин ўрнидан турди.

– Бу ёққа юр!

Рамазон отасининг амрига бўйсуниб, унинг орқасидан эргашди.

Нима бало, мени ичкарига киритиб, биратўла ўлдирмоқчимиз? Йўғ-э, нари борса, бунга розимасман, дер. Уйланаман деган ўғлини ким ўлдиради, ўлдирмас, деган ўйлар билан Рамазон судралиб, оёқлари чалишиб аранг қадам ташларди.

Отаси деярли ҳеч қачон очилмайдиган, ҳамиша қулфлоғлик турадиган хона эшигини очди. Рамазон ваҳима ва кўрқувдан титрарди. У ҳатто қочиб кетишни ҳам ўйлади, аммо отасидан қочиб қутулиб бўлмаслигини билиб, бу фикридан тезда қайтди. Кейин тақдирга тан бериб, бошга тушганини кўз кўрар, деб отасининг нимани режалаштирганини кута бошлади.

Малик ака хонани очиб, ичкарига кирди, унинг ортидан Рамазон ҳам кирди. Кўпдан бери тозаланмаган, ис босиб кетган хонага киргани учун отаси акса урди.

– Соғ бўлинг, – деди Рамазон секингина.

У яна акса урди.

– Соғ бўлинг...

Малик ака бурчақда турган эски сандиқни очди. Рамазон отасининг мақсадини англамай, унинг ҳар

бир ҳаракатини диққат билан кузатарди. Агар бирор қалтисроқ иш қилмоқчи бўлса, қочиб кетиш йўллари-ни излаб, ортига қараб-қараб қўярди.

Отаси сандиқдан латтага ўралган бир нимани олиб, Рамазон тарафга юрди. У латтани очиб, ичидаги расми-ни Рамазонга узатди.

Рамазон сарғайиб кетган оқ-қора тасвирдаги сурат-га қаради. Унда ўн саккиз-йигирма ёшлардаги йигит ва чиройли қиз жилмайиб турардилар. Гарчи сурат хиралашган бўлса-да, уларнинг чеҳраларидан бахтли эканликларини сезиш қийин эмасди.

– Булар ким? – деди Рамазон.

– Сени туққан аёл ва мен, – деди отаси унга тескари қараб турганича.

Рамазон отасининг кўриниши шу қадар ўзгариб кетганига ишонмай, гоҳ расмдаги йигитга, гоҳ отаси-га қараб ҳайратланарди.

– Шу менинг онамми? – деди у мулоим боқиб тур-ган қизга қараб.

– Уни она дейиш гуноҳ, ўғлим, – деди отаси овози титраб.

Рамазон отасига қаради, унинг кўзларида йилтил-лаган ёшни кўриб, ҳайрати янада ортди.

– Нимага, дада?

– Мен сенга ҳаммасини сўзлаб бераман, ваҳоланки, бу менинг шу пайтгача ҳеч кимга очмаган сирим эди.

– Онам ҳақидами?

– Ҳа, онанг мени қандай қилиб шу кўйга солиб қўйгани ҳақида. Сен уйланишга қарор қилибсан, ле-кин менинг фикримча, уйланмаслигинг керак. Токи сенинг бошингга ҳам менинг бошимга тушган кунлар тушмаслиги учун.

Рамазон ҳамиша жаҳлдор, нимадандир дарғазаб бўлиб юрадиган отасининг бундай оҳангда гапириши-ни биринчи марта кўриши эди. У отасига қараб:

– Дада, сиз онам ҳақидаги гапларни менга аллақач-он айтиб беришингиз лозим эди, – деди.

– Йўқ, гапиришнинг ҳозир мавриди келди, деб ўйлайман. Ўтириб ол-да, эшит! – деб отасининг ўзи остонада турган эски, чанг босган стулга ўтирди.

Рамазон ис босган хонада ўша эски стул ва эски сандиқдан бошқа яна рангини ердан ажратиб бўлмай қолган наमत ҳам борлигини кўриб, унинг устида чордона қуриб ўтириб, отасига қаради.

– Мен онангни жонимдан ҳам ортиқ яхши кўрадим. Сен туғилганингдан кейин мен сизларнинг ҳаммадан яхши, бекаму кўст яшашларинг учун бор кучим билан ишлардим. Кўп пул топиш учун ўғирликдан бошқа ҳамма ишни бажараверардим.

Шанба, якшанба кунлари шаҳарга кетиб мардикорлик ҳам қилиб келардим.

– Ўзи ўша пайтлари сиз қаерда ишлардингиз? – деб Рамазон отасининг одатига хилоф равишда мулоийм гаплашаётганидан фойдаланиб, ҳамиша қизиққан саволини берди.

– Мен совғалар дўконида совғаларнинг чеккасига табриклар ёзардим. Ишим ҳафтада беш кунлик эди.

Ўша мардикорликка шаҳарга кетган куним – шанба куни бировнинг боғида ишлаб ҳақини олдим, сўнг тобим қочгани учун якшанбага қолмай уйга қайтдим. Сен эндигина бир ёшга тўлган эдинг. Ҳаво иссиқлиги сабабли ланг очиқ турган эшикдан уйга кирдим. Ётоқхонага кириб қарасам, менинг ўрнимда бегона эркак ётибди! Манжалақи онанг унинг пинжига тиқилиб ухляяпти!

Сен эса улардан сал нарида, кўрпачада ётибсан. Ўша имонсиз онанг норасида гўдакнинг олдида фаҳш иш қиларкан. Мен бўлсам, ҳатто дам олиш кунлари ҳам уйда ўтирмай унинг учун жонимни жабборга бериб, итдай ишлардим! Ҳаммасидан ҳам ёмони у эркак менинг энг яқин дўстим Ҳамид эди!

Ўзинг айт, ўғлим, сен бундай шармандали манзарани кўрсанг нима қилардинг?! – деб Малик ака Рамазонга қаради.

– Менми, мен... – деб Рамазон гапиролмай чайналди.

– Ҳар қандай эркак бунга чидолмаслиги аниқ. Мен онангнинг куксига пичоқ урдим, у ҳеч нима демай жон берди.

– Ўша эркакни-чи?

– Ҳамидни ҳам ўлдирмоқчи бўлиб қарасам, у ҳеч қаерда йўқ! У кўрқоқ, номард, аблаҳ қочиб кетибди. У ҳатто бирон марта товуш ҳам чиқармади. Унинг сас-сиз қочиб кетганини ҳозиргача тушунолмайман.

– Ҳамид ҳозир қаерда?

– Ўша воқеадан кейин кўринмади.

– Сиз унинг қаердалигини суриштирмадингизми?

– Йўқ, унинг номини ҳам тилга олмадим, фақат ўзи кўриниш берса ўлдираман, деб ўйлаб юрдим.

Малик ака жимиб қолди. Оғир сукунат чўкди. Бироздан сўнг Рамазон:

– Дада, бир нарса сўрасам майлими? – деди.

– Нима?

– Онамни ўлдирганингиз учун сизни қамашмади-ми?

– Мен битта бузуқ хотинни деб қамоққа тушишим керакмиди?

– Лекин...

– Мен уни ўлдириб, шу заҳотиёқ молхонага кўмиб ташлаганман. Эртаси куни хотиним йўқолиб қолди, деб милицияга ариза топширдим.

– Текширишмадими?

– Қидирдилар, бироқ тополмадилар. Бу сирни сенга айтишдан мақсадим, менинг битта аёл дастидан кўрган кўргуликларимни билишингни, бундан хулоса чиқаришингни истадим. Мен битта ифлос аёлни деб, қотиллик қилдим, кейин эса қолган умримда ҳеч кимга ишонмай, ҳамма одамдан нафратланиб яшаяпман. Чунки ҳеч ким ҳеч кимга дўст эмаслигини билганман. Яна шу нарсани яхши англаб етдимки, аёл киши ҳеч қачон эрига содиқ бўлмас экан! Сенга айтсам, хотин

зотини кўрганда юзингни тескари қилиб ўтсанг, шу куни ишинг бароридан келади.

Рамазон қўлидаги суратга тикилганча ўтирарди.

– Биласизми, ота, онамнинг бузуқ аёл эканлигига ҳечам ишонмаяпман... – деди.

– Сени тушунаман, суратдаги унинг маъсума чеҳрасига қараб шундай деяпсан. Билиб қўй, аёлларнинг юз кўринишлари алдамчи, ичлари эса макр-ҳийла билан лиқ тула. Тушундингми?

Рамазон, барибир, отасининг онаси ҳақидаги гапларининг тўғрилигига шубҳа билан қаради, лекин буни унга билдирмай:

– Ҳа, – деб бошини қимирлатиб қўйди.

– Хўш, менинг гапларимдан сўнг уйланиш фикридан қайтдингми? – деди отаси.

– Мен уйланмаслигим мумкин эди, аммо у ҳомиладор-да...

– Айнан шунинг учун ҳам уйланмаслигинг керак! – деди Малик ака Рамазонга қараб бармоғини бигиз қилиб.

– Нимага? – деди Рамазон ажабланиб.

– Жуда гўлсан, ахир у айёр хотин сени тузофига илинтириш учун ҳам ҳомиладор бўлган. Ким билади, унинг қай йўл билан бола орттирганини?

– Наҳотки...

– Ҳа, ўғлим, сен хотинларнинг макрини билмайсан, улар сенга ўхшаган овсарлардан фойдаланадилар.

Рамазон илгарилари отаси билан ҳозиргидек яқиндан суҳбатлашганини ҳеч эслай олмади. Бугун биринчи марта ота-бола дилдан гаплашаётганини ҳис қилиб, отасига раҳми келди. «Отам менга ёмонлик истамайди-ку, ҳатто унинг кўзларидан ёш ҳам чиқди. Мен унинг гапларига қулоқ солишим керак. Балки ҳақиқатан ҳам Насима болани баҳона қилиб, мени қармоғига илинтирмоқчидир. Хотин, бола-чақа деган ортиқча ташвишнинг нима кераги бор. Дадамнинг гаплари фақат туртки бўлди, холос. Аслида, бўйнимга

бўйинтуруқ илишни ўзим ҳам истамаётган эдим», деб ўйлади Рамазон.

– Нима қилсам экан? – деди у отасига қараб.

– Ҳозирча у қизнинг кўзидан нарироқ юргин, яхшиси, шаҳарга борма. Кейин яна ўйлаб кўрармиз, – деди Малик ака. У Рамазондан суратни олиб, латтага ўраб сандиққа солиб қўйди.

Рамазон отасидан бу расмни нима учун асраб юрибсиз, деб сўрашни истади. Бироқ у ўзининг аччиқ қисматидан барвақт қариб қолган, севган кишисини ўлдириб, ҳаётининг мазмунини йўқотган, дилида бутун дунёга нисбатан нафрати тўлиб-тошгани кўри-ниб турган отасининг куйган юрагига яна жароҳат етказишдан қўрқиб, индамади. У бермоқчи бўлган саволининг жавобини ўзи топишга ҳаракат қилди. Демак, дадам шўрлик онамни жуда яхши кўрган экан, ҳатто уни ҳозир ҳам севади. Унинг суратига қараб юрса керак, деб ўйлаб, отасига янада раҳми келиб кетди.

Рамазон отасининг унга бир гапни айтмаганидан беҳабар эди. Балки Малик ака ўғлига буни айтганида Рамазон отасининг соғлиги билан боғлиқ бўлган воқеанинг тагига етиб, ҳаёти бошқача бўлармиди...

* * *

Отаси урушда вафот этиб, етим қолган, кўнгли ўксик Малик йигирма ёшида қишлоқнинг сулув қизи Ойсулувни яхши кўриб қолди. У совчиларнинг «Йўқ» жавобини айтиб келишларидан қўрққан эди, лекин қизнинг ота-онаси ўз розилигини билдиришди. Севинчи ичига сифмаган Маликдан бахтли одам йўқ эди.

Раис тўйни колхозда дала ишлари анча камайган пайт – қаҳратон қишда ўтказишга рухсат берди. Ту-нука печ қурилган икки хонага жойлашган йигирма, ўттизтача одам иштирокида ўтган маросимни тўй деб аташ жоиз бўлса, шу тўйдан кейин у бир ҳафта ишга чиқмай, келиннинг атрофида парвона бўлди. Улар ўша

бахтли онларида район марказига бориб расмга тушиб келдилар.

Саккизинчи куни Малик хонадон молхоналаридан пахта даласи учун замбилда гўнг ташиётган колхозчилар сафига яна қўшилиб, белкуракни қўлига олди. Қўлини белига қўйганича ишлаётганларни кузатиб турган бригада бошлиғи Нурмат унга ўқрайиб қараб:

– Нега етти кун ишга чиқмадинг? – деди.

Малик унга наҳотки тўйим бўлганини эсидан чиқарган бўлса, дегандек ажабланиб қаради.

– Менга кўзингни лўқ қилиб қараяпсанми, ҳароми!

Нурматнинг кутилмаганда ҳақоратлашидан жаҳди чиққан Малик:

– Нимага сўкасиз, тўйим бўлганини унутдингизми? – деди.

– Тўйдан кейин етти кун ишга чиқмасликка ким рухсат берди? Хотининг билан ялпайиб ётаверсанг, гўнгни вақтида ташимасанг, ҳосилни йиғиш вақтида ўзларингнинг тезакларингни ейсанларми, аҳмоқлар?! –

– Ҳақорат қилманг!

– Нима, сен ҳали шуни ҳақорат деяпсанми? Э-э сени энангни!..

Нурмат тап тортмасдан онасини ҳақоратлаши Маликнинг иззат-нафсига тегиб, белкуракни отиб юборди.

– Мен умуман ишламасам нима қиласан?! – деб кета бошлади.

Нурмат бригадир белкуракни ердан олиб, унинг ортидан югурди. У зил-замбил темир белкурак билан Маликнинг бошига туширди. Малик қаттиқ зарбадан йўл четига йиғиб қўйилган гўнг устига юзтубан йиқилди. Колхозчилар «Вой» деб юборишди. Ёши каттароқ биттаси бориб, унинг ўрнидан туришига ёрдамлашмоқчи бўлди, аммо Малик ҳушсиз эди.

– Ўлиб қолибди-ку! – деди ҳалиги одам Маликнинг шалвираб қолган гавдасини қайта гўнг устига ташлаб юбориб, қўрқиб кетганидан бақириб.

– Самандар ака, нимага ваҳима қиласиз? Ҳамманглар кўрдинглар, мен уни ҳеч нима қилмадим, фақат белкуракни қўлига бермоқчи эдим. У қоқилиб йиқилди, холос! Тўғрими? Ёки мен нотўғри гапираяпманми?

Нурмат одамларга, агар гапимни маъқулламасанглар, сенлар ҳам шу аҳволга тушасанлар, дегандек еб кўйгудек қаради.

Колхозчилар ерга қараб жим туришарди.

– Мен колхоз идорасига бориб «тез ёрдам»га қўнғироқ қилиб келаман, сизлар ишларингни давом эттиринглар! – деб Нурмат қутичали мотоциклига ўтирди.

Анчадан кейин етиб келган «тез ёрдам» машинасидаги врач ҳамон ҳушсиз ётган Маликнинг томирини ушлаб кўриб:

– Тирик экан, – деди.

Улар юз-кўзи гўннга беланган Маликни замбилга солиб машинага чиқаришди.

«Тез ёрдам» машинаси билан барабар келган икита милиция ходими Маликнинг қоқилиб йиқилгани ҳақида ёзиб, учта колхозчига имзо чектириб кетди.

Малик касалхонадан чиққанида бутунлай бошқа одамга айланган эди... Уни колхозда ишлашга бошқа қисташмади. У район марказига қатнаб ишлай бошлади.

* * *

Рамазон шу юришида ҳаммадан нафратланувчи отасининг раъйига қараб, на бирор касбни эгаллади, на бирор жойда ўқиди. У майда ўғирлик билан шуғулланарди. Насима билан ҳам учрашмади. Малик ака эса ўғлининг унга итоат қилиб, ўша қиз туғрисида бошқа гапирмагани учун муносабати ўзгариб қолди. У анча мулойим, гаплари илгаригидек қўпол эмас эди. Шу воқеадан сўнг Рамазонни бирор марта ҳам калтакламади.

Бир куни Малик ака кечки овқат устида:

– Ўғлим, бу юришингда ҳеч нимага эришолмайсан,
– деди.

– Мен нимага эришим мумкин? – деди Рамазон қўлидаги қошиғини косага қўйиб.

– Ёшинг ўттиздан ошяпти, мен қарияпман. Ота-боланинг шу кулбамиздан бошқа ҳеч вақоимиз йўқ. Кўряпсан, одамлар қандай машиналар минаяпти-ю, қандай уйларда яшаяптилар. Қоп-қоп пуллари бор.

– Улар олий маълумотли...

– Аҳмоқона гапларни гапирма, нима диплом пул топадими? – деди Малик ака ўғлининг гапини бўлиб.

– Нима демоқчисиз, ота, каттароқ жойни ўмарамизми?

– Йўқ, унда умринг қамоқда чирийд.

– Унда нимани мўлжаллаясиз?

– Жуда кўп пул топишнинг бошқа йўлини таклиф қилишяпти, лекин бунинг учун сен ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ниҳоятда шафқатсиз бўлишинг керак.

– Тушунмаяпман, нимани назарда тутяписиз?

– Афғонистонга кетасан.

– У ерда ҳеч кимни танимасам...

– Бориб танишасан, у ерлар нарқобизнеснинг макони. Арзон-гаровга героин олиб, бу ерга юборасан.

– Қандай қилиб?

– Борганиндан кейин ўзлари ўргатишади.

Рамазон отаси аллақерда кимларгадир тайёрлатган ҳужжатлар билан Афғонистонга кетиш учун ҳозирлик кўра бошлади. Шу куни кечки овқатни Малик аканинг ўзи пиширди. У Рамазон яхши кўрадиган қўй гуштини қовурган эди. Ота-бола кечки овқат устида лом-мим демай овқатланишди. Дастурхонни йиғиштирганларидан сўнг Малик ака:

– Ўғлим, у ёққа борганиндан кейин ниҳоятда эҳтиёт бўл, – деди.

– Ҳўп.

– Мана бунга ўқи, ундаги ёзганларимни бир умрга яхшилаб уқиб олгин, – деб кичкина, ялтироқ темир бўлакчасини узатди.

– Бу нима, ўқий олмаяпман-ку, – деди Рамазон бармоғининг учида юпқа, майда темир бўлакчасини тушиб кетмаслиги учун эҳтиёткорлик билан ушлаб, уни ёриққа тутди.

– Мен уни лупа ёрдамида ёзганман, дераза токчасида лупа турибди.

Рамазон лупани олиб, овозини чиқариб ўқиди:

– «Ўғлим Рамазон, шафқатсиз бўл, айниқса, аёлларга!»

– Баракалла, сен уни буинингга тумор қилиб тақиб қўй! Мен ана шунда сендан рози бўламан, тушундингми?

– Хўп, ота.

– Сен узоқ сафарга кетяпсан, балки умуман қайтиб келмассан, балки катта бойлик билан қайтарсан. Қаерда юрсанг ҳам, шафқат нималигини билмаслигинг керак. Оила, бола-чақа қилиб ўралашиб қолма, аёллардан фақат қўғирчоқ сифатида фойдаланиб, тезда уларни йўқ қилиб ташла! Рамазон, сен менинг бу гапларимни охирги васиятим, деб қабул қил, чунки сен билан қайта учрашишимизга кўзим етмайди...

– Ота, ундай деманг.

– Сен менга шу айтганларимни бажаришга ваъда бер!

– Ваъда бераман, айтганларингизни сиз ўйлагандан ҳам ортиғи билан бажараман.

– Раҳмат, ўғлим.

Рамазон нотаниш юртга кетаётганига ташвишланибми ёки олдида турган хавф-хатарни сезганиданми, туни билан ухламай, у ёғидан бу ёғига ағдарилиб чиқди. У эрта тонгда кўзлари қизариб ўрnidан турди. Анчадан бери отасининг нонушта тайёрлаганини кўрмагани учун столда қуюққина қилиб тайёрланган эрталабки нонуштага қараб ҳайрон қолди.

Отаси бир чеккада ўтириб, Рамазонни кутарди. У чиқиши билан:

– Кел ўғлим, овқатланамиз, – деди.

Рамазон ўтириб, чой қўйиб отасига узатди. Отаси унинг олдига гоҳ қаймоқни, гоҳ яхна гўштни суриб:

– Ол, ўғлим, катта-катта егин, – дерди.

Отаси олдинлари бундай мулозамат кўрсатмагани учун унинг гаплари Рамазонга ғайритабий туюларди. Улар овқатланганларидан сўнг Малик ака чўнтагини кавлаб қора духобадан тикилган тумор чиқариб:

– Буни ўзим тикдим, ичидаги гапларни кеча ўқиган эдинг, бўйнингга тақиб ол, – деб уни Рамазонга узатди.

Рамазон туморни бўйнига тақиб, кўйлагининг ичига яшириб қўйди.

– Куз охирлаб қолди, ҳадемай қиш келади. Ўғлим, иссиқроқ кийинсанг зарар қилмайди, мана бу шарфни ҳам бўйнингга ўрагин, – деб ўзининг шарфини Рамазонга узатди.

Кутилмаганда у бирдан тескари ўгирилиб, стулга ўтириб қолди. Сўнгра чўнтагидан кичкина шиша идишга солинган доридан икки таблеткани оғзига солиб, сув ичди.

– Ота, сиздан ҳамиша шу дорини нимага ичишингизни сўрамоқчи бўлардим, лекин сўрамасдим. Мен билмайдиган бирор касалингиз борми?

– Ҳа, ўғлим, онанг мени бир умрлик дардга йўлиқтирган.

– Қандай дард?

– Буни билишинг шарт эмас, кел, шу ерда хайрлашайлик... – деб ота-бола остонада қучоқлашиб туриб қолдилар.

У ўша пайтда отасини охирги марта кўраётганини хаёлига ҳам келтирмаганди.

* * *

Рамазон Афғонистонда отаси ўйлаганидан ҳам кўпроқ қабиҳ ишлар қилди. Нафақат Ўзбекистонга, балки бошқа мамлакатларга ҳам гиёҳванд моддалар юбориб, улкан бойлик эгасига айланди.

У ўн йилдан кейин катта миқдордаги наркотик моддаларни Ўзбекистонга юбориб, пул масаласидаги чалкашликлар туфайли ўзи ҳам яширин йўллар билан юртимизга келди. У отасига пулларини бериб «Мана ота, сиз хоҳлаган пуллар, мен уларга қандай йўл билан бўлса ҳам эришдим», деб отасининг мақтовини эшитмоқчи эди. Бироқ унинг отаси вафот этганди.

«Отам ҳаммани ёмон кўрарди-ку, у ҳатто маҳалланинг бирор маъракасига ҳам қатнашмасди, отамни кимлар кўмган экан», деб ўйлаб суриштирди. У қўни-қўшнилар отасини иззат-икром билан қабрга қўйганларини эшитиб, бироз тинчланди. Отасининг қабри қаердалигини излаб бормоқчи бўлди. Лекин уйда бир кечагина тунаган Рамазоннинг истаги амалга ошмади.

У шерикларининг хавфсизлик хизмати ходимлари изимизга тушмасдан тезда кетишимиз керак, деган қистовларига кўра, қандай келган бўлса, шундай орқасига қайтди.

Рамазон шундан кейин Ўзбекистонга келмади, фақат оғу юбориш билан шуғулланди. Унинг пуллари жуда кўп эди. У Афғонистондаги алғов-далғовлардан, кутилмаган портлашлардан безор бўлиб, Ўзбекистондаги осуда ҳаётни орзу қила бошлади. Ниҳоят, бир амаллаб ҳужжат тўғрилаб, ўттиз йилдан кейин Ўзбекистонга қайтиб келди. Бу пайтда у таниқли наркобаронга айланган эди.

Рамазон Ўзбекистонда ҳам қабиҳ фаолиятини давом эттириб, катта миқдордаги наркотик моддаларни Афғонистондаги ҳамтовоқларидан олиб, сотиш учун тарқатишга раҳбарлик қиларди.

Рамазон шериги Толибнинг катта пулни ўмариб, фирромлик қилганини кечиролмай, уни ўлдириш учун изига одам қўйди. Бироқ у тутқич бермай, Рамазонни бир неча кун хуноб қилиб юрди. Кейин Рамазон Толибнинг изига хавфсизлик хизмати ходимлари тушганини пайқади. Унинг биринчи сўроқдаёқ сотишини

билиб, ўзининг яшаш жойини инсон билмас ерларга ўзгартирди. У Толибнинг вақти-вақти билан кечалари борадиган манзилни топди, бу Дурдонанинг уйи эди. Уни шахсан ўзи бирёқлик қилиш мақсадида, тунда у ерга бориб, кутилмаган воқеанинг устидан чиқди.

Рамазонга дастлаб эшикни очган аёлнинг юзи жуда таниш туюлган эди. Кейин эса уни ичкаридан кимдир «Насима опа» деб чақирди, унинг кимлигини ана шундагина эслаб, яна бир марта қаради. Худди ўша Насиманинг ўзи эди! У отасининг васиятига амал қилиб, Насимага тескари қараб кетиб қолса, бу кунлар бошига тушмаслиги аниқ эди. Лекин у ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда ички туйғуларига қулоқ солди. У хонанинг очиқ эшигидан кўриниб турган, ичкарида ётган одам Насиманинг эри бўлса керак, деб ўйлади. Рамазон уни кўриш учун яқинроқ борди. Ухлаб ётган ёш йигит эди...

Кимлигини сўраганида Насима унга «Ўғлим» деди. Рамазон Насимадан турмушга чиққанмисан, деб сўрашига оз қолди, лекин у ўйлаб кўриб «Ёши нечада?» деб сўради. У Насиманинг «Ёши ўттиз еттида» деган жавобини эшитиб, йигитнинг ўз ўғли эканига шубҳаси қолмади. Чунки у Насиманинг ҳомиладорлигини эшитиб, фарзандли бўлишига қувонгани ва эртаси куниёқ бу туйғу уни тарк этиб, ўрнини барча аёлларга нисбатан нафрат туйғуси эгаллаган кунни эсидан чиқармаган эди. Рамазон бутун умри давомида шу санани унутишнинг иложини топмай қийналган.

Толибнинг юрадиган аёли ўғлининг хотини, яъни келини эканини билиб, у ўғлининг бундай хўрликка маҳкум этилганига чидамади. Рамазон бирор фурсат ўйлаб ҳам утирмасдан Дурдонани ўлдирди. Кейин эса шу пичоқ билан ўғлининг хўрланишига йўл қўйган ҳамда қотилликнинг гувоҳига айланган Насимани ўлдириш мақсадида у томонга кела бошлади, бироқ бундай қила олмади... Рамазон ичида шафқат қилмаслигим керак, уни ўлдиришим шарт, деб қанча такрор-

ламасин, қўли ўзига бўйсунмай қалтирарди, у ҳатто Насиманинг юзига қарамасдан уйдан чиқиб кетди.

Рамазон кетаётганида Насима мени танидимикан, деб ўйлади. Мен юзимга қора соқол ёпиштирганман-ку, мен эканим унинг хаёлига ҳам келмади, агар таниса сезардим, деган ўйлар билан кўнглини хотиржам қилишга уринди.

Журъатнинг фалаж ҳолда ҳимоясиз ётиши, Насиманинг ачинарли аҳволи унинг кўз олдидан кетмай қолди. Рамазон шу пайтгача ҳис этмаган айбдорлик туйғусини биринчи марта ўзида сезган эди. У «агар биз учаламиз бирга яшаганимизда мен уларни ҳимоя қилардим, ўғлимиз касал бўлмасди, уни битта бузуқ хотин оёқости ҳам қилмасди. Ҳаммасига мен айбдорман, Насимани айбламаслигим керак! Нима қилсам уларга ёрдам бераман? Ўғлимни оёққа турғизишим лозим», деган ўйлар Рамазонни тинч қўймади.

Кейин эса кўп ўйлаб ўтирмай, шартта бориб, тунда Насимага йигирма минг доллар ташлаб келди. Келганидан сўнг нотўғри иш қилиб қўйганини билиб, бошини чангаллаб қолди. Ахир Насима уни терговчига айтиши аниқ-ку! Нима қилиб қўйдим, дадамнинг васиятига амал қилмай кетма-кет хатога йўл қўйяпман, шундай давом этаверса, ўз бошимга ўзим етишим тайин. Тезда хатоимни тўғрилашим керак, аммо қандай қилиб...

Ҳар эҳтимолга қарши деб, пулларни ташлаб чиқаётганида кийим илгичда осилиб турган калитни олиб чиққани унинг эсига тушди. У эрталаб машинада ўтириб, Насиманинг уйдан чиқишини кутди, сумка кўтариб дўконга чиққан Насиманинг кетганига ишонч ҳосил қилгач, машинадан тушиб, калитни қулфга тикди, ўзи ўйлаганидек, шу калит эди. У Журъат ётган хонага кириб, унга бирпас тикилиб турди.

Журъат унга қараб, кўзларини мўлтилатганича ётарди, у менинг пулларни олиб кетганимни ҳеч қачон айтолмайди, деб ўйлади.

Рамазон қимирламай ётган Журъатнинг бошини силади ва ўзи ташлаб кетган икки пачка долларни ёстиқ тагидан осонгина топиб, эшикни қулфлаб чиқиб кетди.

Эртаси қуни Рамазон Насиманинг ҳақиқатан ҳам ўзи ўйлаганидек, унинг доллар ташлаб кетганини сотганми, йўқми эканини аниқлаш учун уйи атрофини узоқдан кузатди. Насиманинг сотганини аниқ билди, чунки унинг уйини кузатишаётганини пайқаб қолди. У пулларни олиб кетиб тўғри иш қилганига амин бўлди.

«Насима, сен мени сотмаслигинг керак эди! Яхшиликка ёмонлик қилганинг учун сени ғирт жиннига чиқармасамми! Ўзи сен аҳмоқ эдинг, аҳмоқлигингча қолган экансан», деб ўйлади Рамазон.

У сутчи кампир қиёфасини ўйлаб топди ва одамларига гавдалироқ бир кампир топиб, иккита бир хил сут идиши, унга кийиш учун иккита бир хил кийим тайёрлашни буюрди.

Сутчи кампир қиёфасида кузатувчилар олдидан ўтиб кетган Рамазонга Журъатнинг дарвозаси олдида ўсган наъматак ёрдам берди. Унинг Насима дарвозани очгунча устидаги узун плаши ва рўмолини ечиб, ўзининг кийимини кийиб олиши кузатувчиларнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Улар сутчи кампирга эътибор бермай, диққатларини сал наридаги шубҳалироқ туюлган иккита кишига қаратган эдилар.

У эрталаб Насима опага яна ун минг доллар бериб чиқиб кетаётганида кўзини шамғалат қилиб, уни қўйган жойидан олиб кетди. У ҳатто ошхонага «сув ичиш» учун ўтиб, қозонга сут солиб қўйишга ҳам улгурди. Соддадил Насима опа буларни пайқаши мумкин ҳам эмас эди. Кейин эса эшикнинг олдида қолдирган кийимларини осонгина кийиб, кампир қиёфасида кузатувчиларни чув тушириб, бекатга қараб юрди. Бекатдан сал берида уни кутиб турган машинага чиқиб, машинадаги унга қиёфадош кампирни бекатда қолдириб, ўзи жўнаб кетди.

Ички ишлар ходимлари эса бекатда ўтирган иккинчи кампирни келтиришганди. Шундай қилиб, Рамазон Насимани «жинни»га чиқаришга мушарраф бўлдим, деб уилади.

У бу операциясининг муваффақиятли чиққанига ишонди, чунки Журъатнинг уйи атрофига қўйилган кузатувчилар кўринмай қолишди ва кўп ўтмай Насимани руҳий касалликлар шифохонасига олиб кетишганини ўз кўзлари билан кўрди. Унинг додлаб йиғлашини эшитиб, ҳатто қилган ишига пушаймон бўлишига ҳам оз қолди. Агар шундай йўл тутмасам, мени қўлга туширишлари муқаррар эди деб, кўнглига таскин берди.

Рамазон Журъатнинг уйини кузатишни одамларига қаттиқ тайинлади. Уй атрофидаги ҳар бир гапни унга етказишарди. Ҳанифа опа бегона аёл билан Журъатнинг олдига келгани ва уни шу ерда қолдириб, ўзи кетиб қолгани дарров Рамазоннинг қулоғига етганди. Демак, Насиманинг ўрнига Журъатга қарашга ҳамшира ёллашган, деб ўйлади у.

Рамазонда ўғлини яна бориб кўриш истаги туғилди. Бунинг учун у ўғлим терговчилар назаридан четда, деган қатъий хулосага келиши зарур эди. Шунинг учун ҳам уйни кузатаётган одамларига шу ердан учиб ўтган пашшани ҳам ҳисобга олишларини топширди. Унинг одамлари етти кун ичида икки марта Ҳанифа опа келиб кетганини ва ҳамширанинг эрталаб соат еттида келиб, кечаси тўққизда уйига кетишини, бошқа бирор киши келмагани ва кетмаганини айтишди.

Рамазон уларнинг гапини тўғрилигини текшириш учун ўзи ҳам уйни кузатиб кўрди. «Демак, менинг ўғлим билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Фақат мажбурият юзасидангина Ҳанифа унга қараш учун ҳамшира қўйган. У ўн соат ўзи ёлғиз ётади, сув ичгиси келиб чанқаса, ҳеч ким унинг оғзига сув тутмайди, ҳожатга чиққиси келса... Шўрлик болам», деб Рамазоннинг

кўзларидан ёш чиқиб кетди. «Мен Насимани жиннига чиқариб, Журъатга жабр қилдим. Аммо шундай йўл тутмасам, изимга тушишлари аниқ эди. Мен ўғлимни олиб кетиб, ўзим парвариш қилсам-чи, ахир унга қарашга ўнта одам қўйишим мумкин, ҳатто ўғлим тузалиб кетиши ҳам мумкин». Рамазон миясига келган бу фикрдан ўзи руҳланиб кетди.

«Мен билан ҳозир ҳеч кимнинг иши йўқ, тунда бориб ўғлимни ўғирлаб келаман, одамларим уни бирпасда кўтариб чиқишади. Ҳар эҳтимолга қарши, бугун тунда ўзим у ерни кузатаман, бирор хавфни сезмасам, эртага тунда ўғлимни олиб қайтаман. Уни тоғли жойларга олиб бориб, тоза ҳавода, ҳар хил гиёҳлар билан даволовчи табиб топаман, у тузалиб кетади. Агар соғаймаса, бу мен учун қанчалик хавфли бўлмасин, уни чет элга олиб кетиб, яхши шифокорларга кўрса-таман».

Шу куни Рамазон Журъатнинг уйини туни билан кузатди. Ҳеч нимани сезмаганидан сўнг эртаси куни тун яримдан ошганда иккита машинада ўз одамлари билан Журъатнинг уйига қараб йўл олди. У машиналарни одамлари билан катта йўлда қолдириб, ўзи ўғлининг ёнига ёлғиз кирди. Журъат билан гаплашиб, тўғрироғи, унга ўзининг кимлигини таништириб, кейин эса уни бу ердан нима учун олиб кетмоқчи эканини тушунтирмоқчи эди. Чунки у Журъатнинг гапга тушунишини сезган эди.

Рамазон одамларига «Ҳаммаси ҳал бўлганидан сўнг сизларга қўнғироқ қиламан. Мен пича ҳаяллашим мумкин, чунки ўғлимга айтадиган гапларим кўп», деб уқтириб уйга кириб кетди.

Бироқ пихини ёрган, каззоб, қотил, жиноятчи Рамазон Собиржоннинг ҳийласига чув тушган эди. У энди бу ердан чиқиб кетиши мумкин эмаслигини хаёлига ҳам келтирмай, бамайлихотир қўлидаги калити билан эшикни очиб ичкарига кирди. Кириши билан кутилмаганда хонанинг чироғи ёниб, пешонасига тиралган

тўппончадан довдираб қолди. Иккинчи йигит эса чаққонлик билан унинг қўлларига кишан солди.

Бу пайтда унинг иккала машинадаги ҳамтовоқлари ҳам қўлга тушганди.

ҚАЛТИС ОПЕРАЦИЯ

МХХ ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликдаги ниҳоятда қалтис операциянинг муваффақиятли тугашига унчалик кўзи етмаган Собиржоннинг кайфияти жуда яхши эди.

У эрта тонгда жиноятчини олиб кетишлари билан руҳий касалликлар шифохонасига қўнғироқ қилиб, Насима опанинг кетишига рухсат беришларини сўради.

– Наркобизнесчиларнинг катта гуруҳи қўлга олинди-я. Ростини айтсам, мен тутган йўлимиз бунчалик тўғри бўлиб чиқишига ишонмаган эдим, – деди Фарҳод тўлқинланиб.

– Мен бошқа нарсага ишонмаган эдим, – деди Собиржон кулиб.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Сизнинг қачонлардир эрта тонгда ишга келишингизга ҳечам кўзим етмаганди.

– Э, нима, мени шунчалик ношуд деб ўйлармидингиз?

– Йўқ, унчалик эмас, лекин уйқуни ҳамма ишдан устун қўйишингизни билардим.

– Бўлиши мумкин, бироқ тўққиз кундан бери устозимнинг ичини ит тирнаб, сиқилаётганини сезиб ҳам уйқуни сал қисқартирмасам, мени инсон деб аташ мумкинми? – деди Фарҳод Собиржонга синовчан назар ташлаб.

Одати бўйича ички кечинмаларини юзидан бировга билдиришни ёмон кўрадиган Собиржон Фарҳоднинг бу гапини эшитиб:

– Наҳотки мен ичимда кечаётганларни ҳаммага билдириб қўйган бўлсам? – деди хавотирланиб.

– Қўрқманг, буни Мурод ака иккимиздан бошқа ҳеч ким сезмади, – деди Фарҳод кулиб.

– Шунақами? – деди Собиржон бироз тинчланиб. У столининг устини тартибга келтириб: – Далеровни сўроқ қилгани қамоқхонага борамиз, – деди Фарҳодга қараб.

– Ўзим ҳам шуни кутиб турувдим, у мараз қилмишларини сўзлаб беришга қандай сўз топаркин?

* * *

Терговчилар жиноятчининг ҳимоячиси билан қамоқхонанинг махсус хонасида маҳбусни олиб келишгунча кутиб ўтирдилар. Кўп ўтмай иккита соқчи назоратида қўлини орқасига қилиб Далеровни келтиришди.

– Ўтиринг, – деди Собиржон.

Рамазон унга ёв қараш қилиб, соқчилар кўрсатган стулга ўтирди. Собиржон соқчиларга рухсат бериб, Рамазонга қаради. У бесўнақай гавдасини оддинга энгаштириб, икки қўлини тиззалари орасига қўйиб бир чеккага қараганича ўтирарди. Рамазон кечагидан анча босилиб қолганга ўхшарди. Кўзларининг ваҳшийларча олазарақ боқишлари, саволларингга битта ҳам жавоб ололмайсанлар дегандек беписанд қарашлари бугун кўринмасди.

Рамазон Афғонистондан келганига пушаймон эди. «У ерда портлаган бомбалар орасида қолиб ўлиб кетганим бу ўтиришимдан яхшироқ эмасмиди, деб ўйларди. Қаршимда ўтириб зимдан кузатаётган, мени бошлаб лақиллатиб қўлга туширган, бир қараган одамни салобати босадиган, ҳар бир сўзидан қатъияти сезилиб турган бу йигитни кўрмай, унинг ҳали бермаган, лекин энди берадиган зил-замбил саволларига жавоб бермай, жасадим тилка-пора бўлиб кетса ҳам майли эди. Бу ерда ҳатто жонингга қасд қилишнинг ҳам иложи йўқ.

Ҳаммасига ўзим айбдорман, отамнинг васиятига амал қилмаган куним бошимга балони орттирган эканман...»

Рамазон шуларни хаёлидан ўтказаркан, оғир қўзғалиб, стулни сал сурмоқчи бўлиб секин тортди. Уни кузатиб ўтирган Собиржон:

– Стуллар полга маҳкамланган, ўрнидан жилмайди, – деди.

Рамазон индамай, яна илгаригидек вазиятда ўтирди.

– Сиз Бобоқулова Дурдонани нима учун ўлдирдингиз? – деди Собиржон.

– Мен бу саволингизга жавоб берганман, яна бир марта қайтараман, у шунга лойиқ эди, – деди у Собиржонга қарамасдан юзини дераза томонга буриб.

– Мен сиздан маржуманинг нималарга лойиқлигини эмас, у аёлни нима сабабдан ўлдирганингизни сўраяман, марҳамат қилиб, саволимга жавоб беринг! – деди Собиржон сўзларни чертиб-чертиб.

Рамазон ерга қараганча жим бўлди. У афтидан жавоб изларди. Кейин ҳимоячи йигитга қаради. Йигит ҳам жавоб беринг, дегандек бошини қимирлатиб қўйди.

– Ўзи у ерга нима мақсадда борган эдингиз? – деди Собиржон саволни бошқачароқ бериб.

– Толибни излаб.

– Толибни қаердан танийсиз?

– Танийман-да.

– Очиқроқ гапиринг, у сиздан наркотик моддалар олиб, бошқаларга сотардими?

– Менга ўзингиз исботлай оладиган саволлар беринг, акс ҳолда жавоб бермайман.

– Айтмоқчи, сизга айтиб қўйишни эсимдан чиқарай дебман, кечаги икки машинадаги олтига одамингиз сизга наркобизнесда ёрдам берганлари ва бундан улуш олганларига иқрор бўлишди. Сизга тегишли катта миқдордаги наркотик модда улардан бири – Ҳабибулло исми йигитнинг ҳовлисидан топилди. Хўш, энди ҳам наркобизнесга раҳбарлик қилишингизни инкор этасизми?

– Нима? Лаънатилар! – деди Рамазон пешонасини ушлаб.

– Мен саволимга жавоб кутяпман, – деди Собиржон ҳамон маҳбусдан кўзини узмай.

– Ҳа, шунга ўхшашроқ... – деди Рамазон. У ўзини йўқотиб қўйгани сезилиб турарди.

– Уни нега излаётган эдингиз?

– Толиб билан гаплашмоқчи эдим...

– Насима опанинг гапига қараганда, уни ўлдиришингизни айтгансиз, шу тўғрими?

– Ҳа...

– Нима учун?

– У фирромлик қилди...

– Дурдонани нима сабабдан ўлдирдингиз?

Рамазон яна индамай қолди. Кейин ундан жавоб кутиб, кўзини узмай қараб ўтирган Собиржонга қараб:

– Ўша шол йигитга раҳмим келди... – деди.

– Марҳума касал эрининг кўз олдида жазмани билан бўлгани учун уни ўлдирдим, демоқчимисиз?

– Ҳа, худди шундай!

– Сиз ҳамиша ҳақиқат излаб, хўрланганларга ёрдам берасизми?

– ...

– Жавоб беринг!

– Шундай бўлиб қолди...

– Балки Журъат сизнинг ўғлингиз эканини билиб қолганингиздан кейин Бобоқуловани ўлдиргандирсиз?

– Буни сизга ким айтди?

– Бу ерда мен савол бераман, сизнинг эса ҳаққингиз йўқ, жавоб беринг! – деди Собиржон.

– Ҳа...

– Ахир сиз ҳам Насима опа билан туғилажак ўғлингизни хўрлаб, ташлаб кетгансиз-ку? Бироқ бу қилмишингиз учун сизни ҳеч ким ўлдирмаган.

– Булар бошқа-бошқа нарсалар...

– Дурдонанинг нарқобизнесга аралашиб, мўмай пул топиб, ҳамтовоғингиз Толиб билан бўлишига ўзингиз сабабчи эмасмисиз?

– Мен унинг кимлигидан беҳабар эдим.

– Булар ҳаммаси сизнинг дунёдаги энг жирканч жинойтга қўл уришингиз оқибати эканини, наҳотки, сезмаётган бўлсангиз? Сиз наркотик моддаларни қандайдир йўллар билан четдан юртимизга олиб кирмаганингизда фақат ўғлингизнинг оиласи эмас, балки қанчадан-қанча оилалар қон қақшамаган, бегуноҳ гўдаклар ногирон туғилмаган, навқирон йигитлар гиёҳвандлик дардига чалиниб, тирик мурдага айланиб қолмаган ва бошқа кўнгилсизликлар юз бермаган бўларди. Сиз ўзингизнинг бутун инсониятга қарши жинойт қилганингизга иқрормисиз?

– Мен фақат ўша бузуқ аёлни ўлдирганимга иқрорман.

– Сиз ўзингизга мана бу тумордаги сўзларни шиор қилиб яшаганингизни тан оласизми? – деб Собиржон унга туморни кўрсатди.

– Тумор меники, менинг шахсий нарсам, менга беринг! – деб Рамазон қўлини чўзди.

– Ҳа, бу ёвузлик тумори сизники, сизнинг бир умр қандай яшаганингизни кўрсатувчи буюм, бироқ тумор марҳуманинг қўлидан топилган, у сизнинг қотил эканингизни исботловчи далилий ашё ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у бизда сақланади, – деди Собиржон.

– Унда дадамнинг васияти ёзилган...

– Буни биламан, дарвоқе, сиз дадангиз Далеров Маликнинг қандай касалга чалинганлигини билармингиз?

– Менинг отам соппа-соғ эдилар.

– Демак, сиз тумордаги сўзларни ақлан соғлом одамнинг гаплари деб қабул қилгансиз, тўғрими?

– Албатта...

– Отангизнинг қайси касалхонада вафот этгани билан қизиққанмисиз?

– Мен буни...

– Сиз бу вақтда Афғонистонда наркотик моддалар савдоси билан банд эдингиз, отангизнинг касали ёки соғлиги эсингизга тушмаган.

Рамазон терговчига қараб қолди. «Мен отамнинг қандай вафот этганини билолмаган эдим, бу йигит шуни ҳам аниқлаганмикин», деб ўйлади у.

– Отам қандай касалга чалинган экан? – деди Рамазон қизиқиши устун келиб.

– Агар сиз отангизнинг касалидан беҳабар бўлсангиз, у онангиз Далерова Ойсулунни нима учун ўлдирганини ҳам билмас экансиз-да?

– А! Сиз буни қаердан биласиз? – деди Рамазон Собиржонга ҳайрат билан қараб. – Ахир бу отам иккимизнинг сиримиз эди-ку! Сиз мен ҳақимда шунча маълумотни қаердан топгансиз? Ҳатто мен билмаганларимни ҳам, – деди у.

– Мен-ку биламан-а, аммо сиз билиш-билмаслигингизни айтмадингиз-ку?

– Отам ҳаммасини айтиб бергандилар, онамни хиёнат устида ушлаб, ўша заҳотиёқ ўлдирган эканлар...

– Ўзининг ўртоғи Ҳамид исмли киши билан деганми?

– Ҳа, лекин сиз...

– Шунинг учун ҳам ҳеч кимга шафқат қилмасликни, айниқса, аёлларга нисбатан бераҳм бўлишни васият қилганмиди?

– Шундай, лекин бу бизнинг оилавий ишимиз, сизнинг аралашишга ҳаққингиз йўқ, шунинг учун сиз бу гапларни йиғиштириб, терговингиз билан шуғулланишингизни маслаҳат берардим. Акс ҳолда, мен сизнинг ишга таалуқли бўлмаган саволларингизга жавоб беришга мажбур эмасман! – деди Рамазон терговчининг ҳамма гапни миридан-сиригача билишини пайқаганидан сўнг, отасининг сирларини ортиқ ошқора қилишни истамай.

– Гап шундаки, жиний фаолиятингизнинг бошлалиши отангизнинг касали билан боғлиқ бўлган. Шу-

нинг учун ҳам мен сиз отангизнинг касалини билган-билмаганингизни аниқлашим зарур эди. Гапларингиздан аниқланишича, афсуски, сиз отангизнинг касалидан мутлақо беҳабар экансиз.

– Ҳа, мен унинг касалидан беҳабар эдим, агар сиз билсангиз, айта қолинг, одамни хит қилиб юбордингиз-ку! – деди у ўрнидан туриб.

– Ўтиринг жойингизга, энди буни билганингизнинг нима фойдаси бор? Жуда билишни истасангиз, айтишим мумкин. Отангиз орқа миясининг жароҳатланиши оқибатида руҳий касаллик билан оғриган. У шифохонада даволанмай, ўзи хоҳлаган пайтда дориларини ичган, истамаса, ичмаган. Онангизни ҳам у касаллик хуруж қилганида ўлдирган.

– Йўқ, ахир уни бегона одам билан ётоқхонада...

– Ўша Ҳамид исмли киши воқеа содир бўлишидан икки йил олдин оламдан ўтган, ахир онангиз ўлиб кетган киши билан қандай қилиб бирга ётиши мумкин? Унинг кўзига шарпалар кўринган, холос...

– Бу мумкин эмас, сиз ёлгон гапиряпсиз!

– Мен бу маълумотларнинг ҳаммасини отангиз умрининг охирида даволанган руҳий касалликлар шифохонаси архивидан олганман. У ўша ерда анча йил олдин хотинини ўлдирганини айтган. Гапларининг тўғрилиги аниқланганидан сўнг у нима сабабдан қотиллик қилганини сўзлаб берган. Маълум бўлишича, у айблаётган ўртоғи Ҳамид автоҳалокат натижасида отангиз қотиллик қилган вақтидан икки йил илгари ҳалок бўлган экан.

– Йўқ... мумкин эмас... Бундан чиқди... У дори ичарди, мен аҳмоқ...

– Ҳа, сиз унинг руҳий касалга чалинганини ҳаракатларидан ҳам пайқамагансиз. У сизга ҳаётингизни ағдар-тўнтар қилиб юборувчи шиор белгилаб берганида ҳам бундай фикр ақли расо кишидан чиқиши мумкинми, деб ўйлаб ҳам кўрмагансиз. Мен одамман-ку, ахир, инсон дунёга келиб, нима учун фақат бош-

қаларга ёмонлик қилиб яшаши керак? Унда яшашнинг нима маъноси қолади? Ҳалол меҳнат қилиб лаззатланиш, кишиларга яхшилик қилиб, ўз ишингдан мамнун бўлиш, кимгадир фойданг текканидан руҳланиш туйғуларини сезмасанг, ўзингни инсон деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини хаёлингизга ҳам келтирмагансиз!

Собиржоннинг гапларини эшитмас, Рамазон энди ҳайкалга ўхшаб қотиб қолган эди. У кўзларини юмиб очмас, оғзи бир томонга қараб очилиб қолганича, сал қийшайиб, бурун катаклари кенгайиб, анқайганича ўтирарди.

Бироздан сунг Рамазон бирдан ўзига келиб, кескин ҳаракат қилиб пешонасига бир мушт туширди.

– Мен... мен... наҳотки! У қандайдир дори ичишини билардим... Гоҳида унинг ғайритабиий ҳаракатларига ҳайрон қолардим, лекин отамнинг қандай касали борлиги билан астойдил қизиқиб кўрмаганман. Бутун умр отамнинг васиятига амал қилиб яшаяпман, деб ўйлабман! Аслида эса... Мен... – деб Рамазон хўнграб йиғлай бошлади.

У овозининг борича бўкириб йиғларди. Рамазон ҳаётида биринчи марта қилган қабиҳликларига, жиноятлардан иборат ўтган умрига афсусланаётган эди. У бегуноҳ онасининг отаси томонидан шафқатсизларча ўлдирилиши етмаганидек, бутун умр уни бузуқликда айблаб, пок руҳини чирқиратгани, жингалак соч, соддадил Насиманинг қалбига солган битмас ярани, етказган жабрини, унинг беғубор севгисини ваҳшийларча поймол этганини, ўғли Журъатнинг чорасиз ётишини, бесамар ўтган умрини, у пуллаган гиёҳванд моддалар туфайли ҳаётдан кўз юмган қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларни кўз олдидан ўтказиб, ўзига тасалли беришга бирор важ тополмасди. Собиржон уни ўз ҳолига қўйди ва тинчланишини сабр билан кутиб ўтирди.

Хонадан баралла эшитилаётган йўғон овоздаги йиғи сасини эшитиб, соқчи йигит секин эшикни очиб, тинч-

ликми дегандек аввал Рамазонга, кейин Собиржонга қаради.

– Ҳаммаси жойида, – деди Собиржон.

Йигит эшикни аста бекитди.

Ниҳоят, Рамазон тинчланди. У юз-кўзларини қўллари билан тозалаб, Собиржонга қаради.

– Тузукмисиз? – деди Собиржон.

– Бўлади...

Энди Рамазонда илгариги кибр-ҳаводан, кўзларидаги совуқ нигоҳларидан сезилиб турган ёвузликдан асар ҳам қолмаганди. Унга диққат билан назар ташлаган одам ниҳоятда аянчли аҳволга тушган, даҳшатли хатоларини тузатишнинг иложи йўқлигидан қаттиқ пушаймонда ўтирган иложсиз ва ожиз кимсани кўрарди.

Уни кузатиб ўтирган Собиржон:

– Далеров, сиз бир бошидан қилган жиноятларингизнинг ҳаммасини айтиб беришингиз керак. Ундан ташқари, наркотик моддаларни ватанимизга олиб киришда кимлар билан ҳамкорлик қилгансиз? Уларнинг аниқ исм, фамилиялари ва манзиллари... Шу каби мен сўраган саволларга батафсил жавоб беришга тайёрмисиз? – деди.

– Ҳа, ҳаммасини айтаман...

Собиржон терговни давом эттирди.

* * *

Собиржон навбатдаги жиноят ишининг терговини муваффақиятли тамомлаб, кўтаринки руҳда хонасига кираётганида:

– Собиржон ака, бир дақиқага, – деган овоздан тўхтаб, орқасига ўгирилиб қаради.

У тез-тез юриб келаётган Иброҳимни кўриб:

– Тинчликми, Иброҳим? – деди саломлашиш учун қўлини узатиб.

– Ассалому алайкум, тинчлик, анави «иш»нинг натижасини сўрамоқчи эдим.

– Қайси «иш» ни айтяпсиз?

– Бобоқуловани ўлдирган ким экан, охир-оқибат, мен айтганимдек бўлиб чиқдимми? – деди Собиржонга сал энгашиб, кўзларини катта-катта очиб қараб.

– Сал бошқачароқ, – деди жилмайиб Собиржон.

– Йўғ-э, адашишим мумкин эмас. Ўзи қотил ким экан, уни нима учун ўлдирибди?

– Биласизми, Иброҳим, қотиллик ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бу ҳаракат замирида қанчадан-қанча кишиларнинг хатолари, кимларнингдир ўзига ва бошқаларга нисбатан бефарқлиги, асосийси, нотўғри тарбия, ота-онанинг ёмон ўрнаги ва ҳоказолар... Наҳотки, шуларни бир оғиз сўз билан ифодадай олсам? Яхшиси, юринг хонага кирайлик, нима бўлганини батафсил сўзлаб бераман, – деб Собиржон хонаси томон юрди. Иброҳим унга эргашиб ичкарига кираркан:

– Собиржон ака, сизга қойилман-да, қўлингизга тушган бирорта «иш» очилмай қолмайди-я... – деди.

Собиржон жиноят қандай содир қилинганлигини Иброҳимга сўзлаб бераётганида телефони жиринглаб қолди.

– Эшитаман, тинчликми Ҳанифа опа? – деди у трубкани кўтариб.

Трубкадан Ҳанифа опанинг овози эшитилди:

– Тинчлик, Собиржон, мен сизга ҳаммаси учун раҳмат айтиб қўймоқчи эдим. Фарзанд – жонга пайванд, дейишади-ку, вақтингизни олаётганимни билсам ҳам, ўғлим билан боғлиқ қувончли янгиликдан сизни хабардор қилишни жуда хоҳладим.

– Қандай янгилик? – деди Собиржон Ҳанифа опанинг гапни узоқдан айлантариб келишига қизиқиб.

– Бир қишнинг бир ёзи бўлади, деганлари тўппатўғри экан. Журъат тузалиб кетди, у бемалол юраяпти, гапираяпти ҳам, мана, сиз билан гаплашаман, деяпти!

– Табриклайман, Ҳанифа опа, трубкани беринг-чи.

– Собиржон ака, сизга ўзимнинг миннатдорлигимни қандай билдиришни билмаяпман...

Трубкадан эшитилган овоз Журъатники эди. Собиржон тўлқинланиб кетди.

– Мен сизнинг тузалишингиз учун ҳеч нима қилмадим-ку, фақат ўзимнинг вазифамни бажардим, холос.

– Менинг ўрнимдан туриб кетишимга, балки сизнинг вазифангизни қай даражада бажарганингиз сабаб бўлгандир...

Журъатнинг овози титраб кетди. У бошқа гапиролмай трубкани Ҳанифа опага берди.

– Собиржон, сизнинг бир нарсани билиб қўйишингизни жуда истардим, мен Дурдонанинг ёш умри ха-зон бўлганига ачинаман, уни ёмон йўлдан қайтариш учун озмунча ҳаракат қилмаганман, афсус, у ўз билганидан қолмади, сут билан кирган – жон билан чиқаркан. Айтишади-ку, яхшилик тўрға элтар, ёмонлик – гўрға, деб. Шўрлик ўз бошига ўзи етди...

Собиржон Ҳанифа опа билан хайрлашиб, трубкани қўйди. Унинг телефонда гаплашишини диққат билан кузатиб ўтирган Иброҳим:

– Хўш, Собиржон ака, давом эттирасизми, қисқа қилиб айтганда, «иш» бўйича гумондорлар ҳисобланган – ўша аёлнинг эри, жазмани, иккита қайнонасию, битта қайнотаси ўлдирмаган бўлса, ўзи уни ким ўлдирган экан? – деди у бўйинини сал олдинга чўзиб.

ИККИНЧИ ҚИСМ

СОҶИЛДАГИ ҲАЛОКАТ

Март ойининг охирлари. Наврӯз байрами тантаналаридан кейин ҳам одамларни байрам кайфияти тарк этмаган.

Ўта оғир жиноятларда айбланган Далеров Рамазон ва унинг шерикларининг жинойи иши терговини кечагина тамомлаб, судга оширган Собиржон одатига кўра барвақт ишга келди. У хонасининг деразасини очиб қўйиб, прокуратура ҳовлисига чиқди. Кўклам ҳавосидан тўйиб нафас оларкан, йўлак четига экилган, ҳаво илиши билан яна илгариги ўрнидан кўкариб чиққан мойчечакларга кўзи тушди. У эндигина нимжон танасидан барг ёза бошлаган гул новдасига ўралиб олишга улгурган сариқ чирмовиққа қараб ҳайрон қолди. Ия, бу зараркунанда дарров қаердан пайдо бўлибди, деб ўйлаб, сариқ ўтни мойчечак танасидан эҳтиёткорлик билан юлиб ташлади.

Прокуратура ходимларидан айримлари тез-тез юриб, бошқа бирлари бамайлихотир қадам ташлаб ишга келишарди. Собиржон улар билан саломлашиб, бир чеккада қараб турди.

– Собиржон ака, сизга қойилман, ҳар куни иш кўплигидан эрта келишингизни тушуниш мумкин эди. Лекин қўлингиздаги «иш»ни кеча судга ошириб юбордингиз-ку, бугун ҳам эрта тонгдан шу ерда эканингизни қандай изоҳлайсиз? – деди Фарҳод саломлашиш учун қўл узатаркан кулиб.

– Билиб қўйинг, фақат ишга кечикишнинг сабаби сўралади, – деди Собиржон ва эгилиб, боя четга ташлаган кичкинагина, зўрға қўлга илинадиган сариқ ўтни олиб Фарҳодга кўрсатди. – Бунни қаранг.

– Бу нима, боғбонимиз Рўзи отага ёрдамлашаяпсизми дейман?

– Мана шу ингичка, ҳеч нимага ўхшамаган, ҳатто тупроққа томир ташламаган сариқ чирмовиқ бирор ўсимликка чирмашиб қолса борми, унинг танасидаги озуқани тортиб, нобуд қилади. Ўзи эса унинг ҳисобидан озиқланиб шу даражада тез ўсадики, уни вақтида юлиб ташланмаса, бошқа ўсимликларга ҳам ўтиб зарар етказиши муқаррар, – деди.

– Бир қарашда нимжонгина кўрингани билан қилимиши ёмон экан-да, – деди Фарҳод.

– Ҳа, яхши боғбон бу зарарли ўтларни эрта баҳорданоқ йўқотади, чунки у жуда тез фурсат ичида фойдали ўсимликларнинг умрига зомин бўлиши ҳеч гапмас.

– Устоз-шогирд нималарни гаплашяпсизлар, – деди прокурор криминалист Аҳмад улар билан саломлашиб. У ҳеч қайси футбол ўйинини ўтказиб юбормай кўрар, эртаси куни эса дуч келганга ўйин таассуротларини гапирарди. Бошқа яна бировнинг ҳам шу ўйинни томоша қилганини эшитса, уни ўзига яқин тутиб ҳурматини жойига қўяр, кейинги ўйиннинг қандай тугаши тўғрисида баҳслашарди. Аҳмаднинг сочлари тикка ўсган, юзи кафтдеккина, кўзи, қоши, бурни, оғзи бир-бирига яқин жойлашганигами, у бир қарашда типратиканни эслатарди. Шунинг учун тенгдошлари унга «Кирпи копток» деб лақаб қўйишган эди.

Фарҳод унинг кечаги футбол ўйинини, албатта, томоша қилганига ишонгани учун:

– Кечаги футбол тўғрисида гаплашаётгандик, – деди.

– Футбол спектаклини ҳазатиб* кўрдингизми, Фарҳод? «Барселона»га қойилман, «Қиролик клуби»ни роса болади-да!

– Ҳа, Мессининг хетрикига нима дейсиз?

– Жуда чиройли, ажойиб голлар, яшавор Месси! Хавининг ўйинига ҳам гап йўқ! – деди Аҳмад ва суҳбатга

* Ҳазатиб – маза қилиб.

аралашмай турган Собиржонга қараб: – Собиржон ака, сиз ҳам ўйинни томоша қилдингизми? – деди.

– Йўқ.

– Э, шу ўйинни кўрмай ўтказиб юбориш мумкинми, сизга қойил қолмадим.

– Шунинг учун ҳам мендан ўйиннинг натижасини сўраётган эдилар, – деди Фарҳод Собиржонга кузини қисиб.

– Шунақами, Собиржон ака, буни мендан сурамай-сизми, мен бир бошидан гапириб бермайманми? Вақт топиб хонамга чиқсангиз, бир пиёла чойимиз бор, – деди Аҳмад Собиржоннинг ичкарига қараб юргани учун гапини тугатиб.

Улар иккинчи қаватга кўтарилганларида пастдан Аҳмаднинг:

– Фарҳод, бугун «Бунёдкор» уз стадионида Араб Амирлигининг «Ал-Шабаб» жамоаси билан ўйнаши эсингиздан чиқмадимми? Чипталар сотилиб тугаган, дейишяпти, уттиз беш мингта-я! Ўйин зўр бўлиши кўриниб турибди! – деган овози эшитилди.

– Буни эсдан чиқариб аҳмоқманми? – деди Фарҳод.

Собиржон Фарҳоднинг хонасида қолмасдан бирга келаётганидан унинг бир нима демоқчилигини билиб:

– Менда гапингиз борми ёки футбол ўйинининг давомини гапирмоқчимисиз? – деди.

– Ичкарига кирсак, ундан ҳам муҳимроқ маслаҳатли гап бор эди.

– Нима гап? – деди Собиржон жойига ўтираркан.

– Бугун шанба, тўғрими?

– Ҳа, одатдагидек, – деди Собиржон елкасини қисиб.

– Ҳечам, одатдагидек эмас-да. Қўлимизда тергов қилинаётган бирорта жиноят иши йўқлигини наҳотки сезмадингиз?

– Буни биламан, лекин сиз нима демоқчилигингизни билолмаяпман.

– Эртага якшанба, шаҳар ташқарисига чиқиб ўзимизни ҳам, болаларни ҳам бир хурсанд қилмаймизми, демоқчи эдим.

– Назаримда, жуда яхши таклиф, – деди Собиржон жилмайиб.

– Ростини айтсам, рози бўлишингизга кўзим етмаганди. Мен келинингизга соҳил бўйига чиқишга тайёргарлик кўраверишини айтиб қўяй, – деб Фарҳод трубкани кўтарди.

– Лекин битта шарт билан.

– Қандай шарт? – Фарҳод трубкани жойига қўйиб, Собиржонга қаради.

– Мен биладиган бир ажойиб жой бор, фақат ўша ерга борамиз, – деди Собиржон.

– Майли, мен рози, – деб Фарҳод яна трубкани кўтарди.

Собиржон ҳам анчадан бери шаҳардан ташқарига чиқиб соф ҳавода ҳордиқ чиқармагани учун Фарҳоднинг фикрига қўшилган эди.

* * *

Якшанба куни эрта тонгда икки оила шаҳар ташқарисига очиқ ҳавода, дарё бўйида дам олиш мақсадида йўлга чиқди. Улар соҳил бўйлаб чўзилган эгрибугри йўлдан борардилар. Йўл дарёдан анча баландда бўлиб, пастроқларда эса эндигина кўкка бўй чўзишга тайёрланиб, сарғиш-яшил рангли барг ёзаётган турли-туман ўсимликлар кишини ўзига мафтун этувчи ажабтовур гўзал манзара кашф этган эди.

Собиржон атрофдаги гўзалликдан завқлангани учунми юзида аллақандай мамнуният, хурсандчилик акс этган ҳолда машинани бошқарарди.

Фарҳод эса йўлга чиққанларидан бери тўхтамай гапирар, унинг чеҳрасидан табассум аримасди.

Фарҳод навбатдаги латифасини айта бошлади:

– Мезбон келган меҳмонга ўзининг даҳшатли воқеаларни суратга туширган фотоальбомини кўрсатаркан,

бу – зилзила пайти, мана бу – бўрон тасвири, бу – сув тошқини, бу – ёнғин, мана бу эса бизнинг никоҳ туйимиз... – дебди.

Ҳамма қулди, бироқ Собиржон бу латифани эшитиб, сал жиламайди ва бирдан жиддий тортиб:

– Шўрлик мезбон, агар у никоҳини даҳшатли табиий офатлар билан тенглаштирган бўлса, унга ачиниш керак... – деди.

– Собиржон ака, қўйсангиз-чи, бу бор-йўғи анекдот-ку, менимча, буни худди жиноят ишининг таҳлиликдек чуқур ўрганиш шарт эмас, – деди Фарҳод латифа айтишни давом эттириш мақсадида.

– Балки...

Улар бораётган йўл янада торајди. Бу ерда машинани жуда эҳтиёткорлик билан секин ҳайдашга тўғри келарди, чунки паст қиялик бўлиб, давоми худди жарликка ўхшаб кетадиган тикка тушган чуқурлик эди. Машинада ўтирган аёллар пастга қараб қўрққанларидан «Вой!», деб қичқириб юборишди.

– Собиржон акамнинг ҳеч қачон равон йўлдан юрмаслигини сизларга айтиб қўйишни эсимдан чиқарибман, кечирасизлар, – деди Фарҳод ҳазил-мутойибасини давом этиб.

– Балки бу ерлар қачонлардир, сув қирғоғини тарк этмасидан илгари дарёнинг энг чуқур жойи ҳисоблангандир, – деди Собиржон.

– Эшитинглар, яна битта анекдот. Йўлда кетаётиб йигит севгилисига:

– Азизам, ўзи кенг, кучли двигателга эга ажойиб бир машинада сайр қилишни хоҳлайсанми? – дебди.

– Албатта, азизим!

– Ундай бўлса, тезроқ югур, анави автобусга чиқиб олишга улгурайлик, – деган экан.

Сал юриб Собиржон машинани чапга буриб тўхтатди.

– Етиб келдик, – деди у машинанинг эшигини очиб.

Ҳамма машинадан тушиб атрофга аланглаб, бирпас жим қолишди. Бу ердаги гўзалликни таърифлаш-

га тил ожиз эди. Улар турган унча катта бўлмаган текисликнинг чор-атрофини бўйи пастроқ, эндигина куртак чиқара бошлаган бутасимон ўсимликлар ўраганди. Оёқлари остида эса яқиндагина ўзларини кўрсатган кўм-кўк майса ўтлар худди гилам ёйилгандек бир текисда кўкариб чиққан эди. Сал наридаги кичкина ариқчадан шилдираб оқаётган сув пастроқда яна бир ариқчага қўшилиб, шарқираб дарёга тушиши кичиккина шаршарага ўхшарди.

– Менимча, бундай гўзаллик дунёнинг ҳеч бир жойида топилмаса керак! Ҳаммасини қўйинг, фақат мана шу салмадаги* лойқа сувнинг шилдираган овозига Ниагара шаршараси гўзаллигини алмаштирармидингиз? – деди Фарҳод Собиржонга завқланиб табиат манзарасига боқаркан.

– Ҳеч қачон! – деди Собиржон янги кўкариб чиққан майсалар ва куртаклардан таралаётган майин ифдордан тўйиб-тўйиб ҳидларкан.

– Қанийди, менда ҳам Леонардо да Винчи ёки Чингиз Аҳмаровларникидек истеъдод бўлса, мана шу гўзалликни чизиб бутун дунёга кўрсатардим! Мен барибир, буларни чизишга ҳаракат қилиб кўраман! Ана шунда бунақа латиф манзарани қаердан топиб чизди экан, деб бутун инсоният менга қойил қолади!

Фарҳод қўлларини икки томонга ёйганича, айланиб овозининг борича бақирарди.

– Секин, секин Фарҳод, барака топкур, бутун инсониятни қўя туринг, сиз ишхонамиздагиларни қойил қолдириб ишласангиз, шунинг ўзи катта муваффақиятингиз бўларди... – деди Собиржон кулиб.

– Э-э, Собиржон ака, шу ерда ишдан гапирманг, менинг ҳазатиб табиат манзарасидан завқланишимга қўйиб беринг!

* Салма – ариқча.

– Майли, фақат завқланаётганингизда қўлингиздан келадиган нарсалар ҳақида гапиринг, хўпми?

Фарҳод Собиржоннинг ёнига келиб:

– Ўзингиз айтинг, шунақа мавжланиб оқадиган лойқа дарё яна қаерда бор? Жуда яхши кўраман...– деди Фарҳод эндигина қизариб чиққан қуёш нурларидан қизғиш тусда товланиб оқаётган дарёга қараб қўлларини ёзиб.

– Нимани, дарёними?

– Ҳамма-ҳаммасини жон-дилимдан севаман, ҳатто анави қумурсқани ҳам, – деди Фарҳод инига бир нимани кўтариб кетаётган чумолини кўрсатиб.

Собиржон Фарҳоднинг ёш боладек қувонишига жилмайиб қўйди.

Аёллар ўтириш учун қулай ерга кўрпачаларни сола бошладилар. Собиржон билан Фарҳод эса атроф гузаллигига аланглаб, дам олишга яхши жой танлаганликларидан мамнун эдилар.

– Собиржон ака, ростини айтсам, агар бу ерга келмаганимизда шундайгина бурнимизнинг тагида мислсиз гўзаллик яшириниб ётганини билмасдим, – деди Фарҳод.

– Мен бу ерга беш йил аввал келганман, яхшиямки ҳозиргача ўзгармаган экан.

– Дам олганими?

– Йўқ, иш билан келганман.

– Қанақа иш? – деди Фарҳод.

– Ҳув, анави йўл чеккасидаги кичик тепаликни кўряпсизми? – Собиржон қўлини узатиб ўзлари келган тарафни кўрсатди. – Ўша ердан бир машина пастга қулаган. Машинадаги одам кузатувдаги жиноятчи эди. Шу жиноят иши бўйича воқеа жойини кўздан кечиришга келган эдик. Ишимизни тугатганимиздан кейин худди мана шу ерда ўтириб пича ҳордиқ чиқарганмиз.

– Кичик тепалик ёнидаги тор, кескин бурилишдан қулаган экан-да. У тирик қолганмиди?

– Ўша ердан пастгача думалаб тушган машинадаги киши омон қолиши мумкинми?

– Тушунарли...

– Кеча сиз менга шаҳардан четга чиқиб дам олиш ҳақида гапирганингизда дарров шу ерни эсладим, чунки бу ернинг чиройи ҳали-ҳануз эсимдан чиқмаган эди.

Улар суҳбатлашаётганларида худди шу йўлдан бир машина катта тезликда елиб кела бошлади.

– Бу сўлим гушани сиздан бошқа яна кимдир элаган кўринади, у ҳам шиддат билан шу ерга келяпти, чоғи, – деди Фарҳод машинани кўрсатиб.

– Ҳа, лекин нима учундир хавфли жойда тезликни пасайтирмапти, – деди Собиржон хавотирланиб.

Кўк рангли бу машина кескин бурилишга келганида тезлигини ўзгартиролмай, бирдан тепаликка урилиб тўхтади. Машинанинг кейинги гилдираги йўлдан чиқиб, пастликка осилиб қолди.

Улар кўз олдида тўсатдан содир бўлган бу ҳалокатдан қотиб қолишди. Собиржон дарров ўзини ўнглаб олиб, Фавқулудда вазиятлар бошқармаси ходимларига кўнғироқ қила бошлади. У аҳволни тушунтириб, ўзи машина томон югурди.

Улар ҳалокатга учраган машинанинг яқинига бориб, ҳайдовчининг рулни қучоқлаганича пешонасидан қон оқаётганини кўришди.

– Ҳайдовчи ҳушидан кетган кўринади, нима қиламиз? – деди Фарҳод Собиржонга қараб.

– Менимча, бу вазиятда қўлимиздан ҳеч иш келмайди. Ҳатто машинанинг эшигини ҳам очолмаймиз, чунки кўриб турганингиздек, машинанинг сал қимирлаши унинг пастга қулаши учун кифоя.

– Лекин ҳайдовчига тезда ёрдам бериш керак, агар у тирик бўлса...

– Афсус, иложимиз йўқ, яна кўнғироқ қилдим, улар йўлда экан, – деди.

– Ярим соатларда зўрға келишса керак, ишқилиб шунгача дош берсин-да, – деди Фарҳод.

Собиржон тегишли жойларга қўнғироқ қилиш билан банд эди.

Худди кўзини олса, машина қулаб кетадигандек Фарҳод машинадан кўзини узмай қараб турарди. Машина пастга томон янада қийшайди.

– Собиржон ака, наҳотки томошабин бўлиб тураверсак? – деди Фарҳод асабийлашиб.

– Ўзингизда қандайдир таклиф борми?

– Йўқ, шунинг учун сиздан сўраяпман-да!

– Ҳар доимгидек...

– Сиз ҳатто пинагингизни бузмайсиз! – деди Фарҳод ҳамон кўзини машинадан узмай.

– Эсингиздан чиқарманг, мен ҳам сизга ўхшаган, чорасиз қолиши мумкин бўлган инсонман. Лекин шўрлик ҳайдовчига қайғураётганимни билдиришимдан нима наф?

– Бир сониянинг ўтиши бир йилга тенгдек туюлапти. Филдираклар яна озгина сурилса, тамом, деяверинг!

Фарҳод ўйлаганидан анча олдин етиб келган Фавқулудда вазиятлар бошқармаси ходимлари ҳайдовчини қутқаришга киришдилар.

Ҳаммаси муваффақиятли тугаганидан кейин:

– Хайрият, ҳайдовчи тирик экан, – деди Фарҳод энгил тортиб.

– Лекин ҳушсиз, бунинг устига анча қон йўқотган кўринади.

– Ўз вақтида қутқаришгани таҳсинга лойиқ.

– Ҳайдовчи нима учун шундай хавфли йўлда катта тезликда келиб, машинани тўхтатолмай қолди экан-а? Менинг назаримда, унинг ҳаракати қандайдир шубҳали кўринди... – деди Собиржон.

СУИҚАСД

Автохалокатга учраган кишини шифохонага келтиришди. Докторлар беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кураша бошладилар. Аниқланишича, унинг ўпкасининг бир қисми эзилиб жиддий жароҳатланган, бу унинг нафас олишини қийинлаштирарди. Унга дарров кислород ёрдамида нафас олишга мўлжалланган махсус мослама қўйилди. Қон кўп йўқотиши эса беморни ўлим ёқасига келтирганди. Беморнинг қон гуруҳи биринчи, лекин манфий эканлиги унга мос қонни топишда қийинчилик туғдирди.

Ниҳоят, беморнинг қон гуруҳига мос қон топилиб, томчилатиб қуя бошлашди. Жарроҳ Назаров ҳаммасини тўғри бажарганлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин яна бир марта унинг юрак уришини текшириб кўрди.

– Яшаб кетармикин, нима деб ўйлайсиз? – деди ёрдамчи врач умидсизлик билан беморга қараб.

– Ким билади, ноумид шайтон, дейишади-ку, – деди Назаров ҳорғин овозда хонадан чиқаркан.

Беморни жонлантириш хонасига ўтказишди. У ҳалигача кўзини очмаган эди.

– Аҳволи қалай? – деди даволовчи врач унга томчилатиб қон юбораётган ҳамширадан.

– Ўша-ўша, ўзгариш йўқ.

– Уни назоратсиз қолдирманг, комадан эсон-омон чиқса, марра бизники. Лекин ҳозир у икки йўл орасида турганини ўзингиз ҳам биласиз, – деди доктор.

– Тушундим.

– Беморнинг яқинларидан бирортаси келдими?

– Ҳа, боя хотини келган эди, унга раҳмим келиб бир-ровга кўришга рухсат бердим, – деди ҳамшира гуноҳ-корона ерга қараб.

– Сизга неча марта айтишим керак, жонлантириш бўлимига ҳеч кимни йўлатманг, деб! У аёл менинг хонамга кириб, йиғлаб роса бошимни қотирганди. Мен

унга керакли дори-дармонларни ёзиб бериб, ҳозир беморнинг олдига кириш мумкин эмаслигини тушунтирган эдим, сиз эса уни киритибсиз.

– Кечирасиз, бошқа такрорланмайди.

Назаров қовоғини уйганича чиқиб кетди.

– Иложим қанча, мен ҳам тошдан ясалмаганманку, балки у бечора хотин эрини охирги марта кўраётгандир. Унинг йиғлаб, ёлборишига қандай дош бериш мумкин? Ҳеч кимни йўлатма дейиш осон, албатта... – деб ўзича тўнғиллаб қўйди ҳамшира.

Ҳамшира бирпас ўтириб, чанқаётганини сезди ва сув ичиб келиш учун хонадан чиқди.

У сал нарироқда, йўлакда ўтирган ҳамширага:

– Нилу, чойинг борми? – деди.

– Ҳа, сал совиган, – деб Нилуфар пиёлага чой қуйиб узатди.

– Раҳмат, ўртоқжон.

– Моҳира, манави шоколаддан еб кўр, зўр экан, – деди Нилуфар столга бир қанча чиройли қоғозга ўралган конфетлар қўйиб. – Кеча синглимни сураб келган совчиларга оқ қийиқ* бергандик, қуда томоннинг ширинликларидан.

– Вой, Барнони узатяпсизларми, ҳали ёш эмасми?

– Коллежни бултур тугатган, институтга киролмади.

– Вақтнинг ўтишини қара, дарров катта бўлиб қолибди-я.

– Дугонажон қарияпмиз, эртадан кейин қизим Шаҳлонинг туғилган куни, бирпасда беш ёшга киради.

– Қарияпмиз деб одамнинг юрагига ваҳима солмасанг-чи. Майли ўртоқжон, ёшимиз улғаймоқда, фарзандларимиз омон бўлишсин. Конфет ширин экан, Барножон ҳам турмуш қуриб, ширингина фарзандлар кўрсин, – деб Моҳира дуо қилиб қўйди.

* Оқ қийиқ – оқ рўмол, унаштириш маросими. Шевада.

Уларнинг ёнидан ўтиб кетаётган ҳамшира қиз Шарифа салом бериб:

– Мен таътилга кетяпман, яхши қолинглар, – деди.

– Вой шунақами, майли таътилни яхши ўтказ. Тўхта, тўхта, Шарифа конфетдан олиб кет, – деб Нилуфар унга иккита конфет узатди. – Чой ичасанми?

– Раҳмат, шошаётгандим, хайр.

– Ол, яна битта егин, – деб Нилуфар Моҳирага бир пиёла чой берди.

Улар гапга берилиб кетганларида Моҳира бирдан:

– Вой, анча туриб қолдим, шекилли, мен борай, беморнинг аҳволи жуда оғир эди, – деди.

– Автоҳалокатга учраган беморми?

– Ҳа, – деб Моҳира жонлантириш бўлимига шошилганча кириб кетди.

Моҳира бемор ётган хонага кириб қичқириб юборди. Чунки беморнинг оғзидан кислород ниқобчаси олинган, томчилатиб юборилаётган дори венадан чиқиб кетган, игна пастда осилиб ётарди. У воқеани айтиш учун Назаровнинг хонасига югурди.

Тезда етиб келган Назаров беморнинг юрак уриши кўрсатилаётган экранда бир текис чизиқни кўриб, унинг кўкрак қафасини босиб, стимуляция қила бошлади.

– Ўпкасидаги жароҳати очилиб кетади-ку! – деди ёш врач хавотирланиб.

– Ҳар қалай, бу ўлиб қолганидан хавфсизроқ! – деб Назаров ишини давом эттирди. У кардиограммадан кўзини узмасди. Беморнинг юраги секин бўлса ҳам ура бошлади. Назаров пешонасидаги терларни сидириб ташларкан,

– Хайрият... – деди.

– Худога шукур, – деди остонада шу турганича қотиб қолган Моҳира енгил тортиб.

Ҳаммаси изига тушиб кетганидан кейин Назаров:

– Ўзи кимнинг иши бу? – деди у Моҳирага қараб.

– Мен ҳеч нимани билмайман, ҳайронман... – деди Моҳира каловланиб.

- Сиз қаерда эдингиз?!
- Мен сув ичиш учун бир зумга чиққан эдим, қайтиб келсам, шу аҳвол.
- Қанча пайтдан кейин қайтгандингиз?
- Аниқ айтолмайман...– деб Моҳира ерга қаради.
- Ҳа, аёлларнинг «бир зум»и қанча бўлиши маълум, энди бунинг аҳамияти ҳам йўқ. Лекин беморни кимдир ўлдиришга урингани аниқ. Шунинг учун бу вазият ҳақида тезда тегишли жойларга хабар беришимиз лозим, – деб Назаров хонасига кириб кетди.

* * *

Собиржон тергов олиб бориш учун ҳозиргина берилган жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқаркан:

– Тасодифни қаранг, бу соҳил бўйидаги автоҳалокат-ку, – деди овозини чиқариб. – Ҳа, ўйлаганим тўғри чиқибди-да, – деди ва Фарҳодга қўнғироқ қилди.

– Нима гап, тинчликми? – деди Фарҳод эшикдан кириши билан.

– Дарё бўйидаги автоҳалокатнинг терговини бизга беришибди, – деб Собиржон қўлидаги папкани кўрсатди.

– Бундан чиқди, шубҳангиз тўғри экан-да.

– Ҳа, ўзингиз ҳам танишиб чиқинг, машинанинг техник экспертизасининг хулосаларига қараганда, тормоз ишламас экан.

– Бироқ ҳайдовчи машинасининг тормози ишламаслигини билса йўлга чиқиши мумкинми?

– Бунинг устига, соҳил бўйидаги йўлга, деяверинг.

– Тиббий хулосасига қараганда, ҳайдовчининг жароҳати оғир, куп қон йўқотган, ундан ташқари, упкасини руль қисиб қолиши натижасида нафас йўллари жиддий жароҳатланган.

– Унинг ҳушини йўқотишининг сабаби миясининг қаттиқ силкинишидан бўлса керак?

– Ҳа, у кўп қон йўқотган. Операциядан кейин Сай-фиддин Жабборов ҳалигача ўзига келмаган. Машина тормозининг ишламаслиги менга қандайдир ғайритабиий ҳолга ўхшаб қуриняпти.

– Бундан чиқди, сиз кимдир унга суиқасд қилган, деб шубҳаланяпсиз?

– Йўқ, шубҳаланмаяпман, бунга аниқ ишоняпман.

– Наҳотки, фақат машина тормозининг ишламай қолиши сизнинг шундай қарорга келишингизга асос бўлса? – деди Фарҳод таажжубланиб.

– Йўқ, албатта.

– Унда нимага асосланиб суиқасд тўғрисида гапираяпсиз?

– Ўша куни операциядан кейин ҳамширанинг бемор ёнидан бирпасга чиқиши билан кимдир хонага кириб, унинг оғзидан кислород ниқобчасини ва вена-сига томчилатиб юборилаётган дори игнасини юлиб ташлаган. Агар буни шифокорлар вақтида билиб, ёрдам кўрсатмаганларида Жабборовнинг ўлиб қолиши муқаррарлигини айтиб, гувоҳлар кўрсатма беришган.

– Жиноятчи ким экан?

– Ҳозир шифохонага бориб, суриштириб кўрайликчи, балки бирор нимани билишар? – деб Собиржон ўрнидан турди.

Терговчилар бемор ётган хонага кириб даволовчи врачдан воқеани сўраб-суриштирганларидан кейин Собиржон хонани кўздан кечирди. Жабборов ётган кароватга яқин жойдаги тиббий ускуналар турган столчанинг пастига тушиб ётган оппоқ рўмолчага унинг кўзи тушиб:

– Бу кимники? – деди рўмолчани кўрсатиб.

– Билмайман, ҳамширалардан бирортаси тушириб қолдирдимикин? – деди врач.

Фарҳод рўмолчани олиб ҳидлаб:

– «Шанел 5» атрининг ҳиди келаяпти, рўмолча табиий ипак матосидан экан, – деди.

Рўмолчанинг эгаси аниқланмагач, Собиржон уни целлофан пакетга солди.

Улар ҳамшира қизга ўзларини таништириб, воқеа тафсилотини сўрадилар.

– Наҳотки, иккита ҳамшира атиги ўн метрча нарида туриб бемор ётган хонага ким кириб кетганини сезмагансизлар? – деди Собиржон.

– Ўзим ҳам шунга ҳайронман-да, наҳотки иккала-миздан биримиз у аблаҳни кўрмай қолган бўлсак? – деди Моҳира елкасини қисиб.

– Ўша пайтда қандай вазиятда туриб гаплашаётганингизни кўрсатиб бероласизми? – деди Собиржон Моҳирага.

– Ҳа, албатта, мен мана шундай туриб чой ичдим, – деб Моҳира қаерда турганини кўрсатди.

– Тушунарли, ўзингиз бемор ётган хона эшигига тескари қараб тургансиз, дугонангизни ҳам тўсиб қўйгансиз, шунинг учун хонага кимдир кириб, кейин чиқиб кетганини кўрмай қолгансиз.

– Мен ҳам шундай деб ўйлагандим...

– Ростини айтинг, бирор нимани яширмаяпсизми?

– Нимани яширишим мумкин? – деди ажабланиб Моҳира.

– Масалан, биров беморнинг хонасига кириб, сиздан буни ҳеч кимга айтмасликни илтимос қилганини ёки сиз кимнидир раҳмингиз келиб, беморнинг хонасига қўйганингизни?

– Нималар деяпсиз, мени шунчалик гўл деб ўйлаяпсизми?

– Бу ерда гап мен сизни нима деб ўйлашимда эмас, гап қотиллик қилмоқчи бўлган жиноятчини топишда, шуни тушунаяпсизми?

– Албатта, лекин мен шу воқеадан сал аввал беморнинг хотинини бир дақиқага унинг ёнига қўйганим учун даволовчи врачдан дакки эшитгандим. Шундан сўнг ҳеч кимни қўймаганман.

– Жабборовнинг хотинидан ташқари бошқа яна кимдир унинг олдига киришни сўрадимиз?

– Йўқ, ҳеч ким...

Собиржон шу ерда ишлайдиган ходимларни сўроқ қилиб, Жабборовнинг хотини ҳалиям шу ерда эканини эшитганидан кейин уни шифокорнинг хонасига чақириб келишни сўради. Хонага ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги жуда оддий кийинган, лекин истараси иссиқ, қадди-қомати келишган аёл кирди.

Собиржон уни ўтиришга таклиф қилиб:

– Исми, фамилиянгиз? – деб сўради.

– Жабборова Марғуба.

– Эрингизни кимдир ўлдириш ниятида юрибди. У бир эмас, икки марта унинг ҳаётига суиқасд қилди, бундан хабардормисиз?

– Вой ўлай, нимага? – деди Марғуба кўзларини катта-катта очиб.

– Биз ҳам шу саволга жавоб топмоқчимиз. Унинг душманлари бормиди?

– Мен билмайман, турмуш қурганимизга атиги ўн икки кун бўлаяпти.

– Жабборовни қачондан бери билардингиз?

– Танишганимизга... Яқинда танишганмиз...

– Унинг қандайдир шубҳали кишилар билан гап-лашганини ёки шубҳали ҳаракатини сезганмисиз?

– Йўқ.

– Жабборов сизга қандайдир кўнгилсизликлар ҳақида гапирганми?

– Йўқ... ҳа, дарвоқе, автоҳалокатдан бир кун олдин қўл телефонини йўқотиб қўйганини, тўғрироғи, ўғирлатганини айтганди.

– Сиз унинг қўл телефонини кўрганмидингиз?

– Ҳа, «Нокиа» русумли қора телефон эди. Унинг орқа томонига «Ф» ҳарфи ўйиб ёзилганди. Ўралимнинг исми-ни бош ҳарфи, деган эдилар.

– Эрингиз душманлари ҳақида-чи, сизга ҳеч нима демаганми?

– Йўқ, у киши ҳаётда анча қийналган, қисматлари оғир кечганлигини айтиб берганлар. Лекин душманлари тўғрисида гапирмаганлар, энди ҳаётларини бошқатдан бошлайман деганда... – деб Марғуба йиғлаб юборди.

– Хафа бўлманг, докторлар Жабборовни тузалиб кетади дейишяпти? – деди Собиржон Марғубага тасалли бериб.

– Ростданми? Ишқилиб, тузалиб кетсинлар-да.

Собиржон Марғубага бирор нима эсига тушса, кўнғироқ қилишини айтиб, телефон рақамини берди.

ЯНГЛИШ ТАХМИНЛАР

Собиржон навбатдаги гувоҳни сўроқ қилиб, кетишига рухсат берди. У эшикдан чиқиб кетаётганида:

– Эшикни бекитмасдан очиқ қолдилинг, – деди.

Бироздан кейин очиқ турган эшикдан:

– Ишлар қалай, Собиржон, – деб Мурод ака кирди.

Собиржон Мурод акага стулни тортиб, ўтириш учун жой кўрсатди.

– Раҳмат, биласиз-ку кўп ўтиришни ёқтирмайман. Сизлар бемалол ўтираверинглар, терговнинг бориши ҳақида билмоқчи эдим, – деди.

Собиржон ҳам ўрnidан туриб устозининг ёнига бориб турди. У ҳамиша топ-тоза ялтиллаб турадиган туфлисининг учини полга тираган ҳолда, оёқларини чатиштириб, дераза тоқчасига суяниб турарди.

– Хўш, тергов қандай кетаяпти, жиноят иши бўйича тахминларингиз тўғри чиқаяптими? – деди Мурод ака

– Ҳозирча бирор нима дейиш қийин, ростини айтсам, тахминларимиз ўз исботини топмаяпти.

– Наҳотки, автотеххизмат ходимларини сўроқ қилиш ҳеч қандай натижа бермади?

– Менимча, уларнинг айби йўқ.

Компьютерда бир нималарни ёзаётган Фарҳод ишини тугатди, шекилли, у ҳам суҳбатга аралашди.

– Балки сиз нотўғри деб ҳисоблаган биринчи тахминимизни яна бир марта текшириб кўриш учун терговни давом эттирсак, бирор нима аниқланиб қолармиди?

Мурод ака одати бўйича тўлқинсимон оппоқ сочларини бармоқлари билан орқага тараб қўйди.

Собиржоннинг қошларини сал чимириб туришидан, кўз қарашларидан ишидан кўнгли тўлмаётганини пайқаб олиш қийин эмас эди.

– Ўзи биринчи тахминларингиз қандай эди? – деди Мурод ака Фарҳодга қараб.

Фарҳод ўрnidан туриб уларнинг ёнига келди. У одатдагидек ўзининг фикрини атрофдагиларга тунунтиришда қўл ҳаракатлари ва овоз оҳангидан фойдаланган ҳолда гапира бошлади:

– Биз Жабборов ўзи билмаган ҳолда қандайдир бир хавфли жиноятга гувоҳ бўлиб қолган, буни пайқаб қолган жиноятчи ёки жиноятчилар унинг оғзидан гуллаб қўймаслиги учун ўлдиришга ҳаракат қиляптилар, деб ўйлаган эдик. Аммо бу борада олиб борилаётган суриштирувни тўхтатиб қўйдик.

Фарҳоднинг бу гапларидан кейин Собиржоннинг юзида норозилик ифодаси пайдо бўлди ва:

– Ахир бу тахминимиз тергов давомида ўз исботини топмади-ку, яна нима учун уни тикиштиряпсиз? – деди

– Лекин ҳалокат юз беришидан бир кун аввал жабрланувчининг телефони йўқолиб қолганини эшитганимдан кейин менинг фикрим ўзгарди. Ёки сиз буни тасодиф деб ўйлайсизми?

– Билмадим.

– Менимча, ўша номаълум шахслар Жабборовнинг ортидан кузатиб юрганлар, унинг телефон орқали қаергадир хабар берган-бермаганини аниқ билиш учун унинг телефони текшириб кўрмоқчи бўлганлар!

Мурод ака қизишиб гапираётган Фарҳоднинг гапларини тингларкан:

– Балки Фарҳоднинг гапида ҳам жон бордир, Собиржон. Йўқолган телефон аппарати ҳақида тегишли жойларга хабар бердингларми? – деди.

– Ҳа, хабар бердик, – деди Собиржон.

– Мен сизларга яна бир тахминимни айтайми? – деди Фарҳод.

– Қандай тахмин экан? – сўради қизиқиб Мурод ака.

– Ўша Жабборов катта миқдордаги наркотик модданинг олди-бердисига аралашган бўлиши ҳам мумкин.

– Фарҳод, сиз айтаётган бу ҳолатлар текшириб кўрилади, менимча, буни яна кавлаштиришнинг ҳожати йўқ, – деди Собиржон совуққонлик билан ўзининг фикрини такрорлаб.

– Ҳарқалай, жим ўтирмай, бошқатдан текширсак, муаммонинг ечими топилиб қоладими, деган эдим-да, – деди Фарҳод ҳам фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилиб.

– Жабрланувчи ўзига келмагунча чигални ечиш қийин...– деди Собиржон ўйга толиб.

Улар жиноят иши бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, баҳслашиб анча туриб қолдилар.

* * *

Эрталаб келган Собиржон ишга шўнғиб кетди. У жиринглаётган телефон трубкасини кўтариб:

– Эшитаман, – деди ва гаплашиб: – Раҳмат, – деб трубкани қўйди.

– Ассалому алайкум, Собиржон ака, – деб эшикдан Фарҳод кўринди.

– Ваалайкум ассалом, янгилик бор, – деди Собиржон.

– Наҳотки, жиноят очилди, десангиз?

– Аксинча, ўша телефоннинг йўқолиши биз ўйлагандек бўлиб чиқмади. Бунинг жиноятга мутлақо ало-

қаси йўқ экан, иш илгаригидек жумбоқлигича қолиб кетди.

– Йўғ-э?

– Ҳа, ҳозиргина ички ишлар бўлиmidан маълум қилишди, биз тасвирлаган қўл телефони алақачон топилган экан. Уни битта мактаб ўқувчиси топиб, ўқитувчисига топширган, ўқитувчиси ҳудуд нозирига берган экан. Аниқланишича, телефон Жабборов ҳалокатга учраган куннинг эртаси куни топилган.

– У ўша телефонмикин?

– Ҳа, ҳозир келтиришса керак.

ЖАБРАНГАН КИШИ ДАРДЛАРИ

Жабборов Сайфиддинни ўлдириш мақсадида қилинган сирли суиқасд жиноятини очиш учун тергов ҳаракатлари давом этарди.

Нихоят, врачлар салкам бир ойдан бери шифохонада ётган Жабборов билан гаплашишга рухсат беришди.

Терговчилар касалхонага борганларида боши бинт билан боғланган Жабборов кароватда деворга суяниб тиззаларини кучоқлаганича ўтирирди. У чуқур ўйга толган эди. Унинг қирра бурни, туртиб чиққан ёноқлари, ўткир нигоҳли, сал ичига ботган кўзлари, чимирилган қошлари бир қарашда бургутни, аниқроғи, шу ўтиришида ярадор бургутни эслатарди. Хона эшиги очиқ тургани учун у кириб келган терговчиларни сезмай қолди.

– Ассалому алайкум, Сайфиддин ака, тузукмисиз? – деди Собиржон. Сайфиддин ака чўчиб тушди. У даволоччи врач билан келган йигитларнинг саломига алик олиб, сизларни танимадим, дегандек қаради. Буни англаган Собиржон ўзларини таништирди. Кейин унинг шахсига ва ишга тааллуқли саволлар бера бошлади.

– Оилангиз борми?

- Ҳа, яқинда турмуш қурган эдик.
- Қирқ саккиз ёшгача уйланмаганмисиз?
- Бундан бир ярим йил илгари автоҳалокат туфайли ўғлим билан хотинимдан ажраб қолгандим. Кейин...
- Кечирасиз, дардингизни янгилаб қўйдим.
- Аслида қалбимдаги ярам ҳеч қачон эскирмаса керак.
- Сиз воқеадан хабардорсиз деб ўйлайман.
- Кимдир мени ўлдирмоқчи бўлганини назарда тутяпсизми?
- Ҳа, жиноятчи бунга икки марта уриниб кўрганини билсангиз керак?
- Ростини айтсам, эшитиб ҳайратга тушдим. Машинанинг тормозини бузиб қўйишганини айтмайсизми?
- Сизнинг машинангиз тормозини кимдир атайлаб бузиб қўйган, деб шубҳаланишингизнинг сабаби нимада?
- Чунки мен автоҳалокатдан бир кун бурун машинанинг техник ҳолатини текширтирганман. Улар ҳаммаси жойида дейишган, бу ҳақда маълумотнома ҳам ёзиб беришган. Эртасига эрталаб эса...
- Шубҳангиз ўринли, бироқ бунда кимдан гумон қиляпсиз?
- Ҳеч кимдан. Мен шу ёшга кириб бирорта кишига ёмонлик қилган эмасман. Ҳатто менга ёмонлик истаганларга ҳам.
- Балки сизни йўқ қилиш кимгадир наф келтирар?
- Қанча ўйласам ҳам, менинг ўлимим кимга фойда келтиришини тополмаяпман. Менда ҳатто яшаш учун бирорта бошпана ҳам йўқ. Хотиним билан ижарада тураман. Бору йўғим шу шалоғи чиққан машина, унинг эскилиги учун йўлда бузилиб қолмасин, деган хаёлда машинанинг техник ҳолатини текширтириб, у ёқ-бу ёғига қараб қўйинглар, дегандим.
- Шундан кейин сиз мабодо машинанинг калитини кимгадир бермаганмидингиз?

– Йўқ, кимга беришим мумкин? Фақат ўша куни Марғуба машинанинг тиббий сумкачасидан дори билан бинт олиб чиқди, холос.

– Нима учун?

– Мен ошхонада Марғубага сабзи тўғрашда ёрдамлашмоқчи эдим, бехосдан қўлимни кесиб юборгандим, шуни боғлаб қўйиш учун.

– Сиздан бир нарсани сўрамоқчиман.

– Бемалол, сўрайверинг.

– Фақат тўғрисини айтинг, мабодо сизнинг аёллардан жуда бой-бадавлат, ўзига бино қўйган танишингиз йўқми?

– Нималар деяпсиз, ука, менинг шу аҳволимда унақа хотинлар менга қайрилиб қарашармиди? – деди кулимсираб Сайфиддин ака.

– Тушунарли, ҳар эҳтимолга қарши сўрадим-да. Ўша куни сиз қаерга бораётган эдингиз?

– Мен ҳалокат юз берган жойдан сал наридаги сўлим гўшани билардим. Илгарилари у ерга дам олгани ўғлим, хотиним билан тез-тез бориб турардик, – деб Сайфиддин аканинг овози титраб кетди. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлган эди.

– У ерга битта ўзингиз бормоқчимидингиз? – деди Собиржон Сайфиддин аканинг гапини давом эттиришида ёрдамлашиб.

– Биласизми, биз Марғуба билан турмуш қурганимиздан кейин... Турмуш қурган аёлимнинг исми Марғуба, – деди Сайфиддин ака кўз ёшларини тескари қараб артаркан, – Мен унга совға қиладиган ҳеч нарсам йўқлигидан ўзимни ноқулай сеза бошладим. Шунда хаёлимга дам олиш учун соҳилга борсак-чи, деган фикр келди. Кейин уялиб қолмаслик учун олдин ўзим бориб ўша жойнинг ҳалиям илгаригидек турган- турмаганлигини кўрмоқчи эдим.

– Сиз машинанинг тормози ишламаётганини қачон сездингиз?

– Мен бунни катта йўлда билмадим, соҳил йўлларига кирганимдан кейин сезиб қолдим.

– Ҳа, жуда кеч пайқабсиз. Телефон орқали ёрдам сурамадингизми?

– Телефонимни излаб чўнтагимни кавладим, бироқ бир кун аввал уни йўқотиб қўйганим эсимга тушиб, чорасиз қолдим. Жон ширин эканлигини ана шунда ҳис этганман, – деб Сайфиддин ака индамай қолди, кейин дераза томонга қараб: – Балки бундан сал илгарироқ шу воқеа юз берганида, машина билан пастга қулаганимда айнан ўзим хоҳлаганимдек бўлармиди...

Уларнинг суҳбатини қовозга тушираётган Фарҳод ёзишдан тўхтаб, Собиржонга нимага ундай деяпти, дегандек қараб қўйди. Собиржон Сайфиддин аканинг гапини бўлмай, унинг сўзини давом эттиришини кутди. Бирпасдан кейин Сайфиддин ака бошлаган мавзуда гапиришни истамади чоғи, сўзни бошқа ёққа буриб юборди:

– Агар машинанинг пастга қулашига бир баҳя қолганини кўрганингизда эди, мени нақадар даҳшатли ўлим кутганлигини билардингиз.

– Биз бунни кўрганмиз, – деди Собиржон.

– Қандай қилиб?

– Ўша кунни биз ҳам сиз айтган жойга дам олиш учун бориб, эндигина жойлашаётганимизда сизнинг машинангиз автоҳалокатга учраганини кўрдик.

– Демак, сизлар мени ўлимдан сақлаб қолган экансиз-да?

– Биз фақат Фавқулудда вазиятлар бошқармаси ходимларига хабар қилдик, холос.

– Ана шуни айтяпман-да, сизлар кўриб қолмаганингизда ҳозир бу ерда ўтирмаган бўлардим, раҳмат сизларга.

Собиржон Сайфиддин ака билан хайрлашиб чиқиб кетаркан, тўхтаб орқасига ўгирилди:

– Айтмоқчи, сизга бир нарсани кўрсатмоқчи эдим,
– деди ва чўнтагидан қўл телефонини чиқариб, унга узатди.

Сайфиддин ака телефонни олиб:

– Қаердан топдинглар? – деди.

– «Юлдуз» кафесига яқин жойдаги кичик йўлакдан бир ўқувчи топган экан, сизникими? – деди.

– Ҳа, худди ўзи. Мен автоҳалокатга учрашимдан бир кун олдин биз у ерда Марғуба билан овқатланган эдик. Демак, телефонимни ўша ерда чўнтагимдан тушириб қолдирган эканман-да.

– Балки...

– Бир вақтлари менинг қадрдонларим билан гап-лашган телефоним...– деб Сайфиддин ака телефонни оҳиста силаб қўйди.

* * *

Тергов ҳануз давом этарди. Сайфиддин ака машинанинг техник ҳолатини текшириб, носоз жойларини тузатган автотеххизмат ходимларидан ҳар бир икир-чикиргача сўралиб, уста гумонланувчи сифатида сўроқ бераётган бўлса-да, унинг нима учун Жабборовнинг ҳаётига суиқасд қилиши мумкинлигига ҳеч қандай асос йўқ эди. Шу иш бўйича гувоҳларни сўроқ қилишар, лекин бирор кишидан шубҳага бориш учун сабаб тополмай Собиржоннинг боши қотарди.

Дўконда юк ташувчи вазифасида ишлайдиган, бунинг устига ичкиликка берилган, ҳатто яшаш учун шахсий уйи ҳам йўқ оддий ишчининг ўлими кимга керак? Жабборовни ўлдиришга икки марта уриниб кўрган жиноятчи ким? У бунга астойдил киришганига қараганда, унинг учинчи уриниши қотиллик билан тугамаслигига ким кафолат беради?

Жиноятчи ўша ипак рўмолчанинг эгасими? Бироқ у ким? Нима учун Сайфиддин акани ўлдирмоқчи? Қимматбаҳо рўмолча ва қимматбаҳо атирнинг эгаси оддий аёл эмаслиги аниқ. Шундай экан, ҳеч вақоси

бўлмаган Сайфиддин аканинг ўлими унга нима учун керак?

Собиржон ана шу саволларга жавоб топишга ури-
нарди.

БИТМАГАН ҚАЛБ ЯРАСИ

Сайфиддин ўзи ким, у қандай қилиб бошпанасиз кўчада қолган? У бундан бир ярим йилча аввал ўғли билан хотинидан ажраганини айтиб ўтди-ку? Буларни билиш учун унинг аввалги ҳаётига назар ташлаймиз.

1945 йили қонли жанглардан омон қолганига қувониб, урушдан қайтган Сайфиддин ака Саида, Саломат исмли қизлари ва хотини Сабоҳат билан дийдор кўришди. Кенжа қизлари Саломат дадаси урушга кетаётганида эндигина бир ёшга тўлган, апил-тапил қадам ташлашга интилаётган гўдак, Саида эса тўрт ёшда эди. Сайфиддин ака беш йил давомида жанг кечаётганида ҳам, қанчадан-қанча азоб-уқубатларда ҳам бир лаҳзага бўлса-да иккала қизчасини, оиласини, ота-онасини кўз олдидан нари кетказолмай, соғинарди.

У урушга кетган йили ўғиллари бедарак йўқолганлиги ҳақидаги хатни олганларидан кейин ёлғиз фарзандлари доғида аввал онаси, кўп ўтмай отаси вафот этди. Қамалда қолган Сайфиддин аканинг полки озод қилиниб, ундан яна хат кела бошлади, лекин буни ота-онаси кўролмай армонда кетди.

Эри урушда, суянган тоғлари – қайнота-қайнона-сидан ҳам айрилиб қолган Сабоҳат энди рўзғорни битта ўзи тебратиши лозим эди. У фарзандларига бир бурда нон топиш учун эртадан кечгача ишлар, лекин, барибир, уларнинг қорнини тўйғизолмай қийналарди. Сабоҳат ўзи емай, қизларига едирарди, айрим кунлари у ҳатто туз тотмасди. Очлик, қийинчилик ўз таъсирини ўтказмай қўймади, Сабоҳатнинг силласи қуриб ётиб қолди. У энди ишламасди...

Ўзлари аранг кунларини кўраётган кўни-кўшнлар, маҳалла-кўй уларга ёрдам берарди. Деярли ҳар кун кимнингдир очликдан шишиб ўлганини эшитиб ваҳимага тушаётган Сабоҳат уруш тугаб, эрининг қайтаётганидан севиниб бошини ёстиқдан кўтарди.

Бироқ у Сайфиддин ака келиши билан, худди шуни кутиб тургандек, қизчаларини отасининг қўлига топшириб, жон таслим қилди.

Шўрлик Сайфиддин аканинг аждаҳо комида тирик қолганидан қанчалар бахтиёрлигидан асар ҳам қолмаганди. Унинг лаънати урушда ҳалок бўлган беғуноҳ ўғлонларнинг қисматидан эзилгани етмагандек, уйга келиши билан ота-онасининг ўлими ҳақида эшитиши, хотинининг у келган куннинг эртасигаёқ вафот этиши Сайфиддин акани бутунлай гангитиб кўйди.

Лекин ҳаёт давом этарди. Энди у фарзандларини ўйлаб яшаш лозим эди. Сайфиддин ака худди шундай қилди. У иккала қизини келажакда илми, маърифатли инсонлар қилиб тарбиялаш учун астойдил ҳаракат қила бошлади.

Сайфиддин аканинг асли касби ўқитувчи эди. У мактабдаги дарсларини берганидан кейин урушдан кейинги йиллардаги очликдан оиласини эсон-омон чиқариб олиш учун кечаю кундуз ишлар, уларнинг шу пайтгача кўрган қийинчиликларини унутишларини хоҳларди.

Ниҳоят, Саида мактабни тугатиб, отасининг касбини яхши кўргани учун ўқитувчилик соҳаси бўйича институтга ўқишга кирди. Саломат эса мактабда ўқирди.

Сайфиддин акага қариндошлари, дўстлари уйланишни таклиф этишар, бир қанча аёлларни айтиб, уларни таърифлашарди. Сайфиддин ака ҳам уларнинг таклифига розилик бериш ҳақида ўйларди, лекин у кичик қизи Саломатнинг буни хоҳламаётганини сезиб, уни ранжитмаслик учун бошқа уйланмасликка аҳд қилган эди.

Сайфиддин ака Саидани туй-томоша билан маҳалласидаги яхшигина бир оилага узатди. Шу йили ёзда Саломат ҳам Украинага иқтисод институтига ўқишга кирди. У қизини табриклар, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Сайфиддин ака уйда ўзининг ёлғиз қолишини ўйлаб, юраги эзиларди. Саида ўз она шаҳрида ўқигани учун унинг ўқишни тугатганини сезмай қолган Сайфиддин ака кенжа қизининг узоқ шаҳарга ўқишга кетишига розилик берганига пушаймон бўла бошлади. Саломат фақат қишки ва ёзги таътилдагина уйга келарди.

* * *

Қишки таътилда уйига келган Саломат онасининг деворда осиб турган расмини олиб термулиб қолди. Нима учундир унинг кўзларига ёш келди. Синглизининг келганини эшитган Саида уни кўришга шошилди. Бир-бирини соғинган опа-сингил қучоқлашиб кўриша кетдилар. Саломат онасининг турмуши, поччаси ҳақида қизиқиб сўраса, Саида синглизининг ўқишларини, унинг қандай дўстлар орттирганини сўрарди.

– Онаминг расмларини бу ерга олибсанми? – деди Саида синглизининг ёнида турган расмга қараб.

– Ҳа, уларни элас-элас эсласам-да, йўқликлари билинпти, – деди Саломат кўзлари ёшланиб.

– Онам вафот этганларида сен олти ёшда эдинг, мен эса ўн ёшда.

– Ҳа.

– Саломат, биласанми, менинг дадамга жуда раҳим келади. Мен ўз оилам билан бўлиб, ҳафтада бир марта аранг улардан хабар оламан. Сен эса узоқдасан...

– Яна шу гапми, опа? Қўйинг, бегона аёлнинг уйга келиши ҳақида бошқа гапирманг, илтимос! – деди Саломат онасининг нима демоқчи эканини сезиб.

– Агар билсанг, биз дадамнинг меҳрларини суистеъмол қиляпмиз, улар ҳам ҳамма каби бахтли яшашга ҳақлари бор эди, бизни деб...

– Опа, сиз нима десангиз ҳам мен уйимизга ўғай она келишига йўл қўймайман. Дадам элик ёшга киргунча ёлғиз яшадилар, бу ёғига ҳам шундай яшайверадилар!

– Сен уларнинг аҳволларини оилали бўлганингдан кейин тушунасан. Нима, мен онамларни ёмон кўрганм учун шундай деяпти, деб ўйлайсанми?

– Ҳарқалай, менчалик яхши кўрганингизда дадамни уйлантириш ҳақида гапиришга тилингиз бормасди!

– Тентаксан, Саломат!

– Қанийди, улар ҳозир тирик бўлсалар, айтадиган гапларим жуда кўп эди, – деди Саломат қоп-қора жингалак сочларининг учини ўйнаб.

– Саломат, нимагадир сал бошқачароқсан, ишқилиб тинчликми, синглим? – деди Саида синглисининг катта-катта қора кўзларидаги қандайдир беҳаловатликни сезиб, унга синчковлик билан боқаркан.

– Ҳаммаси жойида, мен чой келтираман, – деб Саломат ўрнидан туриб кетди.

Саида унинг орқасидан раҳматли онасига ўхшаган баланд бўйли, келишган қадди-қоматига қараб, ҳаммаси жойидалиги рост бўлсин-да, деб ўйлаб кўнгли бироз хижил тортди.

Бирпасдан кейин чой келтирган Саломат ўтиргач, ичидаги гапларини тўкиб солади деган илинжда:

– Мен билан ҳам ҳар доимгидек сирлашишинг мумкин-ку. Нима, бу сафарги муаммоинг жуда жиддийми? – деди Саида синглисининг елкасидан кучиб.

– Ҳеч қандай жиддий гап йўқ, опагон, олинг, чойдан ичинг, – деди Саломат сир бой бермай.

Ана шунда Саида тушундики, синглиси қандайдир жуда муҳим гапни айтолмай қийналяпти...

Саломат қишки таътидан кейин яна ўқишига жўнаб кетди, лекин у ичида қандай сирни яшираётганини опаси билолмади.

* * *

Саломат ёзги таътилни курсдошлари билан талабалар бригадасида бошқа шаҳарда қурилишда утказди. Таътил тугашига ўн кун қолганда уйга келиб, отаси ва опасини кўриб, тезда яна ўқишига қайтди.

Қизидаги аллақандай ўзгаришни пайқаган Сайфиддин ака Саломат кетганидан кейин ҳам у ҳақда ўйларди. У қизига хат ёзиб соғлигини, қандайдир ташвишли кўринганлигининг сабабини сўради. Саломат соғлиги яхшилигини, ҳеч қандай ташвиши йўқлигини, отасига шундай туюлганини ёзиб Сайфиддин акани тинчлантирди. Улар онда-сонда телефонда гаплашардилар, Сайфиддин ака телефонда ҳам қизининг бошқача оҳангда гаплашганини сезиб, Саломатга нима бўлаётганини билолмай боши қотарди.

У охири бекордан-бекорга қизини ўйлаб тинчи йўқолганидан асабийлашиб, ўзини-ўзи ичида уришарди: «Нега ёмон хаёлларга боряпман? Ахир Саломат кичкина қизча эмас-ку. Яқинда иккинчи курсни тугатади, ақли-хуши жойида, балки ўқишлари қийиндир, барибир, рус группасида ўқиганидан кейин осон эмас. Буларни отам сиқилмасин, деб менга айтмайди-да!».

Сайфиддин ака тирикчилик гамида қизим бегона юртларда бировдан кам бўлмасин, бировга муҳтож бўлмасин деб, эртадан-кечгача тиним билмасдан ишларди. У қизининг таътилга келишини интизорлик билан кута бошлади. Ниҳоят, Саломат иккинчи босқични тугатиб, ёзги таътилга келди. Сайфиддин ака қизи билан кўришаркан, унинг ташқи кўринишидаги ўзгаришни кўриб, лабини тишлаб қолди. Саломат қоп-қора сочларини тилларанг қилиб бўяган, эгнидаги кўйлаги ҳам европа услубида тикилган, анча калта, очиқ-сочиқ эди.

Сайфиддин ака ҳамиша Саломатга қараганида раҳматли хотини Сабоҳатни эсларди, чунки у қўйиб қўйгандек онасининг ўзи эди. Ҳозир эса у аллақандай европаликдан бошқа ҳеч кимни эслатмасди. У эндигина келган қизимни хафа қилиб қўймаслигим керак деб, тишини-тишига қўйиб чидади, индамади. Эртаси куни эрталабки нонуштада гап очди. Сайфиддин ака қизидаги ўзгаришни ёқтирмаганини билдириб:

– Қизим, бу кўринишинг билан маҳаллага гап бўлма тагин, – деди у қизи узатган чойни оларкан.

– Кийинишимни айтаяпсизми, ҳозир ҳамма шундай кийинади-ку.

– Қизим, ташқи кўриниш кўп нарсани белгилайди. Айниқса, сенинг ёшингда.

– Ёшимга нима қилибди?

– Қизим, бўйинг етиб қолди, одамлар онаси йўқлиги учун қизи тарбиясиз бўлиб ўсаяпти, дейишади.

– Дейишса дейишавермайдими, менга нима?

– Сен жуда ўзгариб кетибсан, ҳатто менга гап қайтаряпсан!

– Нима дедим, дада?

– Саломат, сен нима деяётганингни ўйлаб, кейин гапиришинг лозим, чунки энди ёш бола эмассан!

– Оббо, жонга тегди-ку, яна ёшим...

– Биласанми, одамнинг гапирган ҳар бир гапи унинг ички дунёсини, ҳис-туйғуларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам тил инсон учун берилган бебаҳо неъмат ҳисобланади. Ёш бола гапира бошлаганида тили чиқибди, деб биз бежиз қувонмаймиз. Инсоннинг вафот этишини эса тилдан қолибди, деб атаймиз. Мен учун буни айтиш қанчалик оғир бўлмасин, сенинг гапларингдан жуда тарбиясиз бир қизга ўхшаб қолибсан, деган хулоса чиқаришга мажбурман.

– Дада...

– Мен сенинг хоҳиш-истагингга қарши бормай, Украинага ўқишга юборганман. Бу дегани – ҳамма урф-одатларимизни, ўзбек қизи эканлигингни оёқости

қилавер, дегани эмас! Онанг раҳматли соғ-саломат юрганида мен бу гапларни гапирмасдим, чунки буларни фақат онагина яхши тушунтиради. Сенга бу гапларни айтиш менга осон эмас.

– Гапираверинг, дада, сиз биз учун ҳам она, ҳам отасиз.

– Хайрият, шуни биларкансан, қизим. Айтмоқчи-манки, бу юришингда сени ким ҳам келин қилади?

– Менинг ҳам бу ерда ҳеч кимга келин бўлишга кўзим учиб тургани йўқ!

Саломатнинг бехосдан айтиб юборган бу гапидан Сайфиддин ака қотиб қолди. Кейин у секин ўрnidан туриб:

– Нима дединг, қайтар-чи? – деди Саломатга яқинроқ бориб.

Саломат тилини тишлаб, бироз довдираб турди. Кейин эса вазиятни юмшатишга уриниб, сўзларини силиқлашга тушди:

– Менинг турмушга чиқиш ниятим йўқ, демоқчи эдим, тўғри-да, эндигина учинчи курсга ўтдим...

– Мен ҳам сени ҳозир узатмоқчи эмасман.

– Унда жуда яхши.

* * *

Сайфиддин ака қизи кетганидан кейин паришон-ҳол бўлиб қолди. У Саломатнинг кейинги пайтлардаги ўзини тутиши, гап-сўзларидан кўнгли тўлмаётган эди. Саида дадасининг пиёлани ушлаганича қимир этмасдан ўтирганига ажабланиб:

– Дадажон, хаёлга берилиб ўтирибсиз, кайфиятингиз яхши эмасга ўхшайди? – деди.

– Кел, қизим, – деди Сайфиддин ака пиёлани столга қўйиб.

– Саломат кетганига сиқиялпсизми?

– Йўқ, кетганига эмас, синглинг ўзгариб қолганига хафаман.

– Йўғ-э?

– Ҳа, у илгариги Саломат эмас, наҳотки сен ҳеч нимани сезмадинг?

– Мен... мен, йўқ... – деди Саида бир нима десам дадам баттар ташвишланадилар, деган хаёлга бориб.

– Биламан, сен мени ўйлаб гапирмаяпсан, лекин синглинг тўррисида ниманидир билсанг, гапир, мен билолмай гаранг бўлиб ўтирибман.

– Ҳақиқатан ҳам ҳеч нимани билмайман, дадажон...

Саломат учинчи босқични тутатиб, ёзги таътилга келганида Сайфиддин ака ҳамма гапнинг тагига етди. Саломат украиналик бир йигит билан турмуш қуришга аҳдлашиб қўйибди!

Сайфиддин ака бу гапни эшитиб, қон босими кескин ошиб кетганидан ўнг томони ишламай қолди. Шифокорларнинг муолажаларидан кейин анча ўзига келган Сайфиддин ака Саидани ёнига чақириб:

– Синглингга айтиб қўй, мен бунга асло рози эмасман. У қачон украиналикка турмушга чиқиш фикридан қайтсагина менинг олдимга кирсин, бўлмаса, кўзимга кўринмасин! – деди.

– Ҳўп, дадажон.

Саломат дадасининг бу гапидан кейин ҳеч нима демай, унинг хонасига кирмай Украинага ўқишига кетиб қолди.

Сайфиддин ака шифохонадан тузалиб чиқса ҳам, унинг юраги оғир урар, у энди чарчаб, ишдан чиққан матоҳга ўхшаб қолгандек туюларди. Сайфиддин аканинг ўзи ҳам буни ҳис қилар, уйдан чиқмас, ҳатто ҳовлига чиқиш ҳам унга малол келарди.

Ноябр ойининг серёмғир кунлари бошланди. Аксига олгандек ҳар куни ёғаетган ёмғир Сайфиддин аканинг тушкун кайфиятини баттар ёмонлаштирарди. Шомга томон у деразадан ёмғирнинг шариллаб қўйишига қараб туриб, юраги сиқилиб кетди ва буни кўрмаслик учун пардани бекитиб қўйди. Кетма-кет чақаётган чақмоқнинг ёруғи қалин пардадан ўтиб, уйни ёритиб юборарди. Ана шунда Сайфиддин ака

кеч тушганини билиб, хонанинг чирогини ёқиб қўйди, лекин унинг зимистон қалби ёримасди. Оғир, рутубатли тунни у кўзини юммасдан ўтказди.

Эрталаб хат ташувчининг ташлаб кетган хати Саломатдан эди. У хатида:

«Дадажон, мен сизни яхши кўраман. Сиз айтган шартингизга кўнишга тайёр эдим, лекин энди бунинг иложи йўқ, деб ўйлайман. Чунки сиз шарт қўйишга, мен эса уни бажаришга анча кеч қолганмиз...»

Сайфиддин ака қизининг хатини ўқиб, ўкириб йирлаб юборди. Унинг шундан бошқа ҳеч нимага кучи етмаслигини биларди. Саида эса дадасига тасалли беришга сўз тополмай қийналарди. Сайфиддин ака Саида берган дорини ичиб, индамай қолди. Хонага жимлик чўқди.

Оғир жимликни Сайфиддин ака бузди:

– Қизим, синглингга хат ёз, – деди у ерга қараб, бир қўлини пешонасига тираб ўтирганича.

– Нима деб?

– Мен розиман...

– А? Наҳотки?..

– Ҳа, фақат ўша йигит бизнинг динимизни қабул қилсагина розиман!

– Ахир... – деб гапиришга оғиз жуфтлаган Саиданинг сўзини эшитмай:

– Агар у йигит бизнинг динимизга кирмаса, лекин синглинг, барибир, ўша ғайридинга турмушга чиқса, мен уни оқ қиламан!

Дадасининг гапидан Саида яшин ургандек титраб кетди, кейин эса:

– Йўқ, қарорингизни ўзгартиринг, ўтинаман, дадажон, – деб тиз чўкиб ўтирганича отасига ёлбора бошлади.

– Сен айтганларимни ёзиб юбор, менинг бошқа иложим қолмади! – деб Сайфиддин ака ўрнидан қийналиб туриб, ишламай қолган ўнг қўлини шалвиратиб осилтирганича хонадан чиқиб кетди.

Кўп ўтмай Саиданинг хатига жавоб келди. Хатда Саломат:

«Мени кечиринг, дада. Тарас ота-онасининг ёлғиз фарзанди бўлгани учун у бизнинг динимизни қабул қилолмайди. Никоҳимизни черковда ўқитишмоқчи...»

Саида хатни отасига қандай қилиб кўрсатишни билмай, бир неча кун ўйлаб юрди. Бу орада Сайфиддин ака қизидан хатига жавоб олган-олмаганлигини сўраб қолди. Саида индамади.

– Демак, синглинг аллақачон жавоб ёзган, тўғрими?
– деди Сайфиддин ака.

Саида яна индамади.

– Нега гапирмайсан?! – деб Сайфиддин ака бақриб юборди.

Саида чўчиб тушди ва кўзларидан оқаётган ёшларни артиб:

– Дада, яхшиси, сиз уни ўқиманг, – деди секингина.

– Менга хатни бер! – деди Сайфиддин ака Саидага кўлини чўзиб.

Саида ичкарига кириб кетди ва тоқчадаги хатни дадасига берди.

Сайфиддин ака хатни ўқиб, деворга суялиб қолди, хат эса унинг кўлидан тушиб кетди. Саида чақирган «тез ёрдам» машинаси Сайфиддин акани касалхонага олиб кетди.

Сайфиддин ака касалхонадан чиқди, энди у ўрнидан туролмай, тўшакка михланиб қолган эди.

Саиданинг қайнота-қайнонаси уларнинг дадасиникига кўчиб ўтишларига рухсат берди. Сайфиддин ака кизи билан куёвини ёнига чақириб:

– Менинг сизлардан бошқа ҳеч кимим йўқ, шунинг учун ҳам гапларимга яхшилаб қулоқ солинглар. Мен ўлимим олдидан сизлардан фақат иккита нарсани илтимос қилмоқчиман, – деди оғир нафас оларкан.

– Дадажон, сиз нима десангиз сўзсиз бажараман, фақат тинчланинг, – деди Саида унинг пешонасидан сизиб чиқаётган терларни артиб.

– Хўп, қизим, яқинда бутунлай тинчланаман.

– Дадажон...

– Қизим, ишқилиб, эсон-омон қутулиб олгин, – деб Сайфиддин ака Саиданинг ой-қуни яқинлашиб, тўлишиб ўтирган ҳолига хавотирли нигоҳ ташлади. Кейин куёвига қараб: – Биринчи айтмоқчи гапим шуки, агар бунга ҳеч ким қаршилиқ қилмаса, фарзандларингизнинг биттасига менинг исмимни қўйинглар. Мабодо, тўғри келмай қолса ҳам, мен хафа бўлмайман. Барибир, сизлардан, сендан, қизим, розиман. Иккинчи илтмосим, бу синглинг билан алоқадор, – деб Сайфиддин ака индамай қолди.

Саида ўша хатдан кейин отасининг Саломат ҳақида оғиз очганини эшитмаганди. Ҳозир эса бир нима демоқчи, лекин гапиролмай қийналяпти. Нима демоқчи экан? Уни кечирганини айтса, қандай яхши бўларди, ўйлади Саида.

Сайфиддин ака анчадан кейин:

– Иккинчи илтмосим, буни охирги васиятим деб тушунишларингизни истардим, унинг номини айтишни хоҳламайман, биласан, синглингни оқ қилганман. Мен ўлганимдан кейин ҳам унинг бу ерларга қадамини қўйишига йўл қўймаслигингни сўрайман. Агар у билан борди-келди қилсанг, сендан рози эмасман! Дадамнинг руҳи чирқилламасин десанг, синглинг билан на телефон, на хат орқали гаплашасан! Саида, сен менга шу васиятимни бажаришингга сўз берасанми? – деди Сайфиддин ака ҳансираб.

Саида дадасининг охирги сўзларини эшитаётганини сезарди, унга қарши бирор гап айтиши мумкин эмаслигини ҳам биларди. Бироқ унинг синглисидан воз кечиш ҳақида сўз бериши жуда оғир эди. Саида икки ўт орасида қолган одамдай қийналиб, нима дейишини билмай жим ўтирарди.

– Мен жавобингни кутяпман. Ёки сен бир умр қизларини деб яшаган отасини қандайдир бир гайридинга алмаштириб кетган синглинг тарафидамисан? Агар

мен истаган жавобни берсанг, кўнглим хотиржам бўлиб, тинчгина омонатини топшираман...

Саида йиғларди. У дадасини норози қилишни истамади.

– Дадажон, ҳаммаси сиз айтганингиздек бўлади, – деди кўз ёшларини артиб.

– Раҳмат, қизим, умрингдан барака топ.

Сайфиддин ака шу қуни вафот этди.

Қаҳратон қишда уни дафн қилишди. Паға-паға ёғаётган қор бирпасда ҳамма ёқни оппоқ либосга буркаб, Сайфиддин аканинг қабрини ҳам эски қабрлар билан бир хил тусга киритиб қўйди.

ОҚПАДАР ҚИЗ ҚИСМАТИ

Саида туғилган ўғилчасининг номини «Сайфиддин» деб атади. У отасининг биринчи васиятини бажарганидан кўнгли таскин топди. У синглиси ҳақида ўйларди. Шўрлик Саломат, бегона юртларда, бегона одамлар орасида қандай яшаётган экан? Ишқилиб, танжони соғ-омонмикин? Нима учун хат ёзмапти? Дадамнинг вафотидан хабари бўлмаса керак, агар у хат ёзса ҳам, мен унга жавоб беролмайман, аммо унинг аҳволидан бохабар бўлардим...

У шундай хаёллар билан бешик тебратиб ўтирарди. Эшик кўнғироғининг жиринглаган овози эшитилди. Дадаси ишдан келди, шекилли, деб Саида эшикни очди. У эшикни очдию қотиб қолди. Остонада сочларини калта қилиб қирқтирган Саломат турарди.

– Нега индамай турибсиз, мени танимадингизми, опажон? – деб Саломат опасини қучоқлаб ўпа бошлади.

Саида эса қимирламасди. У синглисини соғинган, унга термулиб, онасининг сиймосини эслагиси, тўйиб-тўйиб дардлашгиси келар, лекин отасига берган ваъдасини эслаб, булардан воз кечишга мажбур эканини биларди.

Ниҳоят, Саломат Саидани қучоғидан бўшатиб, остонада тошдай қотиб, миқ этмай турган опасини туртиб:

– Опа, мени соғинмаганмисиз? – деди.

Саида индамади.

Саломат очиқ турган эшикдан ҳовлига мўралаб:

– Баҳорда ҳовлимиз жуда чиройли бўларди, худди илгаригидек ўригимиз гуллабди, – деди.

Саида жим эди.

– Ичкарига кирсам майлими, остонадан нарироқ турасизми?

Саида бошини сарак-сарак қилиб:

– Йўқ, – деди.

– Нимага, дадам вафот этганлар-ку, наҳотки сиз ҳам мендан воз кечган бўлсангиз?! – деди Саломат кўлидаги сумкани ерга қўйиб.

– Мен дадамга сени остонадан ҳатлатмасликка сўз берганман...

– Демак, сиз ҳам...

– Ҳа.

Шу пайт бешикдаги чақалоқ биғиллаб йирғай бошлади. Саида бешикка қараб қўйди.

– Жиянимми? – деди Саломат секингина.

Саида бошини қимирлатди.

– Унинг исми нима?

Саида сингласига қаради, унинг кўз ёшлари юзини ювиб оқарди.

– Сайфиддин...

– Дадамнинг исми билан атадингизми?

– Ҳа.

– Поччам яхшими? – деди Саломат нима учундир Саиданинг эри билан қизиқиб.

– Ҳа.

Саломат сумкасини кўтариб орқасига кескин бурилганича қайтиб кетди. Сиданинг ичида бир нима «чирт» этиб узилгандек бўлди. У сингласининг орқасидан «Тўхта!» деб чақиргиси, уни бағрига босгиси, со-

финган сингласи билан тўйиб-тўйиб гаплашгиси келди. У ҳатто қўлини ўша томонга чўзди, лекин отасига берган сўзини эслаб, узатган қўли шалвираб пастга тушди ва юм-юм йиғлаб, остонада ўтириб қолди.

Саломат ўша тунни меҳмонхонада ўтказди. У кечаси билан мижжа қоқиш у ёқда турсин, ҳатто кароватда ётгани ҳам йўқ. У хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, аввал ўзини енгилтакликда айблади.

«Ўзимнинг енгилтак, ўзини бошқара олмайдиган, тарбиясиз эканлигимдан биринчи курсдаёқ ҳомиладор бўлиб қолдим. Агар буни вақтида билиб қолиб, болани аборт қилдирмаганимда... Тарасга тегишга мажбур эдим. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Аҳмоқман, энди ҳеч қандай пушаймонликнинг фойдаси йўқ!» – деб у юришдан тўхтаб хонанинг ўртасида туриб қолди.

«Нима учун фақат ўзимни айблаёпман, ахир тақдири азал, пешона, деган гаплар ҳам бор-ку? Балки менинг ҳам тақдиримга шу Тарасга тегиш ёзилгандир? Наҳотки, дадам буларга ишонмаса? Ундан ташқари, эътиқоди қандайлигидан қатъи назар ҳамма ҳам Худонинг бандаси эмасми? Нима учун дадам менинг ғайридинга турмушга чиқишимга норози эдилар? Хўш, бунинг гуноҳ эканлигини Худо қаерда кўрсатиб қўйган экан?! Ҳаммаси сафсатадан бошқа нарса эмас!» Саломат шуларни ўйларкан, хаёлига келган гаплардан ўзи енгил тортиб, дадасини айблашда давом этди.

«Тўғри-да, ҳамма ҳам бир куни ўлади, охир-оқибат, ҳамманинг борадиган жойи қабристон экан, унга тегиш мумкин, бунга тегиш мумкин эмас, у гуноҳ, бу гуноҳ эмас, деган тушунчаларнинг нима кераги бор? Ўзи ким ҳам дунёга устун бўлган?»

Саломат опасининг остонада туриб, уни уйга киритмагани кўз олдига келиб, энди Саидани айблашга тушди:

«Опамнинг қилиғини-чи! Тавба, шунча йўлдан уларни соғиниб келсаму, у киши дадамга сўз берганман деб, мени уйга киритмаса?! Бу нима деган гап, ахир

уйга кириб бир пиёла чой ичганимда, дадам гўрдан чиқиб келиб, унга бир шапалоқ тортиб юбормасди-ку! Опамни шу пайтгача билмас эканман, унинг шунчаликка боришини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Ҳатто унинг кимга ўхшашига ҳам эътибор бермаган эканман, у дадамнинг ўзгинаси экан-ку. Қирра бурни-ю ичкаридан ўткир боқувчи кўзлари, тикка ўсган бўйсунмас сочлари...

Опам мени ёмон кўрадимми? Дадам-чи мени ёмон кўрармидилар?».

Саломат яна юришдан тўхтаб қолди. У анча турди, кейин бирдан овозининг борича бақириб юборди:

– Йўқ, йўқ, йўқ!! Улар мени ҳеч қачон ёмон кўришмаган! Дадам мени жонидан ортиқ кўрардилар! Дадам ҳаётларини бизга бағишлаган эдилар! Мен ёмонман, мен удумларимизни оёқости қилдим, мен хато қилдим, мен гуноҳқорман!!! – деб Саломат стулга ўтириб қолди ва ҳўнграб юборди.

Йўлақдан ўтиб кетаётган меҳмонхона хизматчиси хонадан эшитилган бақирикни эшитиб, эшикни тақиллатди. У жавоб бўлмагач, қулфланмаган эшикни очиб, ичкарига кирди.

– Тинчликми, синглим, ёрдам керак эмасми?

– Раҳмат, ҳаммаси жойида, – деди Саломат.

Кирган киши бу чиройли қиз хонада битта ўзи ўтириб, нимадан жаҳли чиқиб бақирганинига тушунолмай, унинг кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетган юзига, стулда столга иягини тираганича ўтиришига қараб бирпас туриб, чиқиб кетди.

– Энди менга ҳеч ким ёрдам беролмайди, лаънатланган оқпадар қизга ким ҳам ёрдам бериши мумкин? Мен ўзимни оқлашга ҳаққим йўқ, бошимдан оёғимгача гуноҳга ботганман. Кўчага чиқсам ҳамма мени бармоғини бигиз килиб, ана оқпадар, деб кўрсатади. Мен эрталаб самолётга ўтириб кетишим, кейин эса ҳеч қачон бу ерларда қорамни кўрсатмаслигим лозим! – деди пичирлаб Саломат.

ЁЛҒИЗЛИК

Орадан 35 йил ўтди. Бу йиллар ичида Саломат фарзанд кўрмаганлигини ҳисобга олмаганда, қийинчилик нималигини билмай яшади. Тараснинг ота-онаси ўтиб кетган эди, лекин у ўзига тўқ оиланинг фарзанди бўлгани учун яхши яшардилар.

1990 йиллардан кейин иттифоқчи республикалар сиёсий тузумининг ўзгариши уларнинг оиласига ҳам таъсир этмай қолмади.

Кўп ўтмай Тарас каттагина хусусий корхона эгасига айланди. Эр-хотин биргаликда корхонани янада кенгайтириш учун тинмай меҳнат қилишарди.

Докторлар Саломатнинг бошқа фарзанд кўролмаслигини айтишганидан кейин улар бола асраб олган эдилар.

Саломат аҳён-аҳёнда ўзининг ўтмишини эслаб кўярди. У бугун ҳам креслода ўтириб, деразадан ташқарига қараб олча гуллай бошлаганини кўриб беихтиёр ҳовлиларидаги катта ўрик дарахтини эслади. «Ўригимиз оппоқ гуллаган бўлса керак, жуда чиройли эди...» дея хаёл сурарди.

«Ўшанда бекорга сиқилган эканман, мана, ҳаммаси изига тушиб кетди. Ҳаммадан яхши яшаяпман, ҳеч кимдан кам жойим йўқ. Ҳаётим худди маликаларникидай. Биринчи болани олдирганим учун фарзанд кўрмадим, лекин Борис бор-ку. Тўғри, у асранди, лекин бунинг нима фарқи бор, биз уни яхши кўрамиз, у эса бизни...»

Тарас келиб уни анча кузатиб турди, Саломат хаёлга гарқ бўлиб ўтиргани учун сезмади.

– Шунчалик хаёлга берилиб кетибсанки, ярим соатдан бери шу ерда турганимни пайқамадинг ҳам. Нималарни ўйлаётганингни айтасанми, Сало? – деди у хотинининг елкасига қўлини қўйиб.

Саломат чўчиб тушди ва:

– Нимани... ўзим, шунчаки...

– Сени қувонтирадиган бир хабарни тезроқ етказай деб, ишдан вақтли қайтдим, – деди Тарас унинг қаршисидаги креслога чўқаркан.

– Нима экан?

– Мен корхонамизни дунё миқёсига чиқармоқчиман.

– Жуда яхши, хурсандман!

– Бундан ҳам кўпроқ севишни истайсанми?

– Албатта, хурсандчилик қанча кўп бўлса, шунча яхши, – деди жилмайиб Саломат.

– Мен Ўзбекистонда у ердаги ҳамкорлар билан бирга қўшма корхона ташкил қилмоқчиман. Биласанми, ҳисоблаб чиқдим, агар режаларим амалга ошса, ҳозирги тушаётган фойда деярли тўрт баробар кўпаяр экан.

– А, шунақами?! – деди Саломат Тараснинг кутилмаганда Ўзбекистонни тилга олганидан ўзини йўқотаёзиб.

– Мен бир нарсани ўйладим, агар Ўзбекистонда шу маҳсулотларни ишлаб чиқариб, фойдани, боя айтганимдек, тўрт баробар кўп оладиган бўлсак, қаерда яшашнинг нима фарқи бор. Ўша ерга кўчамиз. Бунга асослигина сабабимиз ҳам бор, чунки сен, яъни менинг хотиним ўзбексан!

– Гапларинг ростми, азизим! – деди Саломат қулоқларига ишонмай.

– Ҳа, яқинда сенинг она юртингга кўчиб кетамиз!

– Наҳотки? – деди Саломат энтикиб. У ана шундагина она юртини жуда соғинганини ич-ичидан ҳис этди. Чунки унинг кўз ёшлари ўзига бўйсунмаган ҳолда оқаётган эди. У шу пайтгача фақат ўзини-ўзи алдаб яшаганини сизди. Гўёки унинг вужуди шу пайтгача қалбсиз ҳаёт кечирган, юраги эса ватанида қолиб кетган экан... Саломат тезроқ танаси билан юрагини бир бутун ҳолга келтириш учун она юртига кетадиган кунларни муштоқлик билан кута бошлади.

Ниҳоят, Саломатнинг бетоқатлик билан кутган онлари ҳам етиб келди. Улар самолётда Тошкентга учиш-

ди. Саломат парвоз давомида фақат ўзининг ёшлигини, онаси, отаси, опасини ўйлар, улар билан кечган кунларини эслаб, кўзларига ёш келарди.

– Она, қулоғим битиб қолди, ҳеч нимани эшитма-
япман! – деди Борис.

– Чуқур нафас ол, кейин ютингин, ўтиб кетади, –
деди Саломат ўғлининг гапига унча эътибор бермай.

Тарас нимадир деди, унинг гаплари Саломатнинг қулоғига кирмасди, шунинг учун бошини қимирлатиб кўя қолди.

«Охирги марта Ўзбекистонда йигирма ёшимда бўлганман. Ўз она юртимга роса 35 йилдан кейин элик беш ёшимда, сочим оқарганида қайтиш насиб этган экан. Шунисига ҳам шуқур. Украинага келганимдан бери бирор кимса билан ўзбек тилида эмас, фақат бегона тилда гаплашдим. У тилни ҳечам ўзимникидай қабул қилолмай қийналардим. Нуқул тилим оғзимнинг ичида оғриётгандек бўлаверарди. Ўзим билан ўзим ўз тилимда гаплашганман, холос. Энди эса маза қилиб ўзбекча гаплашаман, мен билан гаплашган ҳар бир ўзбекни қадрлайман», деб ўйларди Саломат. У ҳеч кимга билдирмасдан кўз ёшларини артиб қўйди.

Самолёт Тошкент халқаро аэропортига қўниши билан Саломат самолёт иллюминаторидан атрофга қарай бошлади. «Охирги марта юртимдан кетаётганимда ҳам баҳор эди, қайтиб келганимда ҳам баҳор, тасодифни қаранг», хаёлидан ўтказди у.

Улар машинада меҳмонхона томон кетишаркан, Саломат Тошкентнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини кўрди. Биз томонлар ҳам гуллаб-яшнаб кетгандир, ҳовлимиз ҳам... Баҳорда чиройли гуллашини кўриб, ёзнинг бошида эса мевасини еб қувонадиган эртапишар каттакон ўригимиз ҳозир ҳам бормикин?

Улар меҳмонхонага жойлашдилар. Саломат биринчи учраган кишига салом берди. У ёшидан қатъи на-

зар, ҳаммага «Ассалому алайкум» деб ўтарди ва бундан ўзи завқланарди. Борис ҳам онасининг гапини такрорлашга ҳаракат қиларди.

Кўп ўтмай Тарас қўшма корхонани ишга тушириб юборди. У энди оиласининг яшаши учун турар жой ҳаракатига тушди. Саломат эридан кичикроқ ҳовли сотиб олишни илтимос қилди.

Тарас Саломатга:

– Менга бир-иккита уйни кўришни таклиф қилиш-япти. Вақтим жуда кам, ўзинг биласан, ҳамма маблағимизни шу корхонага тикканман, янги иш бошлаганимиз сабабли корхонадан бир қадам ҳам жилолмайман. Уйни ўзинг бориб кўр, агар сенга ёқса, сотиб оламиз, – деди.

– Хўп, лекин бунга пулимиз етадимиз? – деди Саломат.

– Албатта, ҳовли билан машина учун пулни алоҳида ажратиб қўйганман.

– Жуда яхши, – деди Саломат қувониб.

Кўрган ҳовлиларнинг ҳаммаси унга бирдай ёқарди, чунки унга Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич жойи азиз туюлар, бу менга ёқмади, дейишга тили бормасди.

Улар шаҳар четроғида жойлашган маҳалладаги ҳовлилардан уй олишди. Саломат уйларига яқин жойдаги бозорга ўғлини етаклаб борди. У айна гилос пишган пайт бўлгани учун бозордаги гилосларнинг ҳар хил турини кўриб, ҳаммасидан сотиб олгиси келарди. Бозор расталарига назар ташларкан, дунёнинг ҳеч қаерида учрамайдиган ноз-неъматлардан кўзи яшнаб кетди ва алақандай фахр туйғусини ҳис қилди.

Гилос ўлчаётган киши Саломатнинг сариққа бўялган калта сочларига, эгнидаги ёшига унча мос тушмаган сўнгги русумдаги кийимига қараб, унинг яхши парваришда сақланган қадди-бастини бошдан-оёқ кузатиб:

– Опа, бу ерлик эмасмисиз? – деди.

– Шу ерликман, ўзбекман, – деди Саломат ўзбек тилида ғурур билан.

– Йўғ-э, кийинишингиз, гапингиз ҳам унча ўхшамаяпти-ку.

– Ундай десангиз хафа бўламан-а, – деди Саломат.

– Кечирасиз-у, опа, ахир ўғлингиз ҳам...

Саломат бу ҳақда бошқа гапиришни истамай гилос учун сотувчига раҳмат айтиб, ундан нари кетаркан, аламли кулиб қўйди. У Украинада яшаётганида дўкондаги сотувчи билан худди шу мавзудаги суҳбатни эслаган эди. Ўшанда сотувчи йигит унга:

– Қаерликсиз, опа? – деган эди.

– Шу ерлик, – деганди Саломат.

– Чиройли экансиз, шарқликка ўхшайсиз, нимага асли туғилган ватанингизни айтгингиз келмаяпти?

– Мен украиналикман, тушундингизми? – деганди Саломат. Чунки унга йигитнинг гаплари худди камситгандек туюлганди.

– Одам ҳам ўз ватанини айтишга ор қиладими? – деб қолган эди сотувчи йигит унинг ортидан. Саломат сотувчининг гапларини эшитмагандек чиқиб кетганди ўшанда.

Ҳозир эса уни ўз ватанида тан олишмаяпти... «Бу қандай кўргулик. Майли, нима дейишса ҳам энди менга барибир, чунки ўз ватанимдаман», деб Саломат ўзига таскин берди.

Борис мактабга қатнай бошлади.

* * *

Саломатларнинг Тошкентга кўчиб келганига ҳам икки йилдан ошди. Бу вақт мобайнида Саломат опасини хаёлидан ўтказмаган кун йўқ эди. У ҳар куни эрталаб бугун шаҳримизга борсаммикан, деб ўйлар, ҳар куни опасини кўргиси келар, лекин Саиданинг уни остонадан ҳайдаганини эслаб, фикридан қайтар эди.

Тарас корхонани кенгайтириб, унинг даромадини янада оширди. Саломат эрида яхши иш юритишга туғма қобилият борлигини биларди. Уларнинг жамғар-

малари Тарас ўйлаганидан ҳам кўпайиб кетганди. У Саломатга:

– Сенинг ватанинг менинг бизнесим учун омадли жой бўлди, – деди.

– Чунки бу – менинг ватаним! – деди Саломат фахрланиб.

– Ҳа, одамлари жуда меҳнатсевар экан.

– Биласанми, Тарас, эрталаб Бориснинг сал тоби қочгани учун уни мактабга юбормадим, – деди Саломат унинг гапини бўлиб.

– Унга нима қилди?

– Бошим оғрияпти, деган эди.

– Мен ўзим кўрай-чи, – деб Тарас ўғли ётган хонага кирди.

Борис ухлаётган эди. У дадасининг пешонасига қўлини қўйиб туришидан уйғониб кетди.

– Қалайсан? Ваҳима қиладиган ҳеч қандай иссиғи йўқ-ку, – деди Тарас Саломатга қараб.

– Айлантириб келинг, зерикдим, дада, – деди Борис.

Тарас соатга қаради, кейин Саломатга:

– Юр сен ҳам, ҳали вақтли экан, айланиб келамиз, – деди.

– Мен боролмайман, ён қўшнимиз Шаҳриёрнинг хотини яқинда укасини уйлантиргани эсингиздами?

– Ҳа.

– Бугун шунинг чарлари экан, боя у чиққан эди, албатта боришимни тайинлаб кетди.

– У нима дегани, тўйми?

– Йўқ, тўйдан кейин бўладиган асосан аёллар қатнашадиган махсус маросим.

– Нима учун фақат аёллар, эркаклар-чи?

– Шунақа-да, – деди Саломат тушунтириб ўтиргиси келмай.

– Сен менга тушунтириб бероласанми, ўзи сизларда ўғил уйлантириш тўйи неча кун давом этади? Бир неча кундан бери келиннинг укасиникига тўйга чиқа-

сан. Мен эса фақат бир марта уларникига катта тўйга бордим, – деди Тарас елкасини қисиб.

– Икки йилдан бери шу ерда яшаб, ҳалиям тушунмадингми? Ўзбеклар топганини фақат фарзандларига, уларнинг тўйларига сарфлашни яхши кўришади, – деди Саломат.

– Тушундим, – деди Тарас кулиб ва Борисни охири русумдаги «Мерседес» маркали машинасининг орқа ўриндиғига ўтқазиб олиб кетди.

Куз фасли Саломатга азалдан ёқмагани учунми ёки айниқса, бугун эрталабдан бери осмон қоп-қора булут билан қопланиб, кимдандир қаттиқ хафа бўлган одамдек қовоғини солиб олганигами унинг юраги сиқила бошлади. Эри билан ўғлини кузатиб қўйганидан кейин Саломат ҳовлининг ўртасида жойлашган супага бориб ўтирди. У нима сабабдандир дадасини эслади. Дадам ҳам опам иккимизни катта қилиб, тўйимизни кўришни орзу қилардилар. Бир марта уларнинг кийимлик матоларни сандиққа ташлаётганларини кўриб қолгандим.

– Дада, улар кимга? – деб сўрагандим ўшанда.

– Сизларга-да қизим, – деганлар маъюс жилмайиб.

Саломатнинг кўзларига беихтиёр ёш келди. У юзига тушган совуқ ёмғир томчиларидан ўзига келиб, «ёмғир ёра бошлади, супада анча ўтириб қолибман», деб ўйлади. Саломат ёмғир томчиларига қўшилиб оқаётган кўз ёшларини артаркан, ичида ўзини қийин бошлади: «Нима учун ҳадеб ўтмишимни ўйлаб кўз ёши тўкавераман, бундоқ қараганда менинг бошқалардан нима кам? Ҳаммаси ортда қолди-ку. Муҳими, ҳозирги ҳаётим эмасми? Бутун маҳалланинг менга ҳаваси келади. Оилам, ўғлим бор, шоҳона яшаймиз. Хизматимизга қанчаси шай туришибди. Пулимиз, бойлигимиз ҳаддан зиёд.

Етар шунча кўз ёши қилганим, бундан кейин кузимга ёш олмайман! Энди фақат ҳаётдан завқланиб яшайман!» деб, Саломат ўзига-ўзи сўз берди. Кейин эса

шоша-пиша ўрнидан туриб, «кеч қолдим, шекилли, ишқилиб хафа бўлишмасин-да, Шаҳриёрнинг хотинини қизимдай кўраман. Янги келинчаклик пайтидан бери эртадан кечгача қийналмасдан хизматимизни қилади», деб ўйлаб, хонасига кирди ва тез-тез кийина бошлади. У кийиниб ўзини яна бир бор кўзгуга солиб қаради. Кўриниши ўзига ёқди чоғи, қимматбаҳо кийимлар одамни ўзгартириб юборади-да, деб хаёлидан ўтказиб, жилмайиб қўйди ва шошиб чиқиб кетди.

Саломат чарларга бориб ўтирганидан ярим соат ўтар-ўтмас орқасидан келган шумхабар унинг ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборди.

Истироҳат боғи олдида тўхташ мумкин бўлмаган жойда машинани беҳосдан тўхтатган Тарас машина тормоз бериши билан ўғлининг машинадан тушишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Боғда махсус ташкил қилинган қишки ўйингоҳга тезроқ бориш учун машинадан шошиб тушиб, бирдан йўлга отилиб чиққан Борисни катта тезликда келаётган машина уриб юборди. У шу заҳотиёқ жон берди.

Ўғиллари Бориснинг вафоти Тарас билан Саломатни чуқур қайғуга ботирди. Улар Борисни бир яшарлигида асраб олишган бўлиб, тўққиз йилдан бери унга қаттиқ боғланиб қолган эдилар. Саломат ҳатто унинг асранди эканини ҳам эсидан чиқараёзганди, у бола-ни худди ўзи туққандек парвариш қилар, ҳар сафар «она» деганида энтикиб кетар, мактабдан келишини интизорлик билан кутарди.

Саломат эндигина бошқа йиғламасликка аҳд қилган бир вақтда кутилмаганда бошига тушган мусибатдан – фарзанд доғида қон қақшаб қолди.

Тарас Саломатга яна бола асраб олишни таклиф қилди. Саломат:

– Йўқ, мен бунга асло розимасман, чунки ҳадемай иккаламизнинг ҳам ёшимиз олтмишга тўлади. Мен энди бола тарбиялай олмайман, – деди эрининг гапини қатъиян рад этиб.

Улар секин-аста Бориссиз яшашга кўника бошладилар. Тарас ҳамма аламини ишдан олишга шайланган одамга ўхшаб, бор куч-ғайратини ишга сарфлай бошлади.

Саломатга эса ҳеч ниманинг қизиғи қолмаган эди. У деярли кўчага чиқмас, қўли ишга бормас, ҳатто уйда хизмат қилувчи қўшниси Шаҳриёрнинг хотинининг:

– Нима овқат қилай? – деган саволига ҳам:

– Ўзинг билганингни пиширавер, мендан сўрама, – деб жавоб берарди.

Тарас хотинининг бу ҳолатидан хавотирлана бошлади. У Саломатни чет элларга, дам олишларга олиб чиқар, лекин унга қаерга бормасин, ҳеч нима татимасди. Саломатнинг шу тариқа яшашга интилиши йўқола бошлади.

Бир куни эрталаб Тарас ишга кетаркан:

– Сало, мен эртага Украинага кетяпман, – деди.

– Нимага?

– Корхонага янги ускуналар харид қилиб қайтаман.

Биласанми, ўша ускуналарни ўрнатганимиздан кейин мен ўйлаганимдек, маҳсулотимизнинг сифати ва ҳажми ошса, келаётган даромаднинг кўплигидан уни ҳисоблаб чиқишга ҳам қийналсак керак! – деди Тарас.

– Тарас, нима қиласан ўзингни қийнаб, даромадни кўпайтириб. Булар ҳаммаси иккимиз учунми? – деди Саломат тушкун қиёфада.

– Тўғри, фарзандимиз йўқ, айнан шунинг учун ҳам пулимизни кўпайтиришимиз керак-да.

– Тушунмадим, болаларимиз бўлмаганидан кейин бизга бунча бойликнинг нима кераги бор? – деди Саломат эрига ғамгин тикилиб.

– Сало, айт-чи, биз неча ёшга кирдик? – деди Тарас кўлидаги қаҳвадан бўшаган идишни столга қўяркан.

– Олтмиш иккидамиз...

– Яна қанча яшашимизни биласанми?

– Буни ҳеч ким билмайди-ку? – деди Саломат эрининг ғалати саволларидан таажжубланиб.

– Ҳар қалай мен 100 ёшга киришни мўлжаллаяпман, сен ҳам, албатта, мен билан тенг яшайсан.

– Қуйсанг-чи, бунақа кўп яшашнинг нима кераги бор?

– Лекин мабодо 100 ёшга кирсак, ўша пайтда бизга ким ғамхўрлик қилади, касалимизни даволатишга ким пул беради. Пулимиз қанча кўп бўлса ҳам иккаламиз жуда борса, тўрт-беш йилдан кейин бу куч-қувватимизни тополмай қоламиз. Фикримга қўшиласанми? – деди Тарас.

– Гапларинг балки тўғридир, аммо бир нарсани эздан чиқаряпсан.

– Нимани?

– Қанд касалинг борлигини, сен кўпроқ дам олишинг лозим. Бунақа тинмай югуриб-елишингда... касалинг зўрайиб кетмасин тагин, – деди Саломат кўзлаган ёшинга етолмай қолишинг мумкин, дейишга тили бормай.

– Мен кўзлаган мақсадимга етсам, ютуқларимдан шунчалик роҳатланаман, аксинча, ишламасам касалим авж олади.

– Барибир соғлигингга эҳтиёт бўл, менинг сендан бошқа ҳеч кимим йўқлигини биласан... – деди Саломат унинг қўлларини ушлаб.

– Менинг ҳам, Сало. Буларнинг ҳаммасини, касалимни ҳам ўйлаб қўйганман. Шунинг учун пулимизни имкони борича кўпайтиришга ҳаракат қиляпман.

– Нималарни ўйладинг?

– Ҳозирча куч-қувватимиз борида ишлаб, кейинчалик ўзимизга ёққан Европа давлатларидан бирига кетиб яшаймиз. Албатта, у ерларда тиббиёт жуда тараққий этганлигини биласан. Кейин эса хотиржам, соғлигимиздан бошқа нарсани ўйламай, бемалол яшай-верамиз.

– Шунақа дегин, майли...

– Фақат, илтимос, сен руҳингни туширмагин, хўпми?
– Агар ускуна харид қилмоқчи бўлсанг, ўзинг билан анча-мунча доллар ҳам олиб кетсанг керак, – деди Саломат мавзуни ўзгартириб.

– Ҳа, албатта, ёрдамчим билан кетаман.

– Менимча, ҳаммага ҳам ишонавериш яхшимас.

– Нимани назарда тутяпсан?

– Очиги, ёрдамчингга унча ишонмайман, сен қўшнимиз Шаҳриёр билан кетганинг маъқул, деб ўйлайман. У йигит шунча йилдан бери уйимизда хизмат қилади, ўғлимиздай бўлиб қолган. Онаси ҳам яхши аёл, ширинсўз.

– Ҳа, майли, сен нима десанг, шу. Мен қайтгунимча сен бежавотир ўтиришингни истайман, – деб Тарас ишига отланди.

– Мен Шаҳриёрга йўл тараддудини кўраверишини айтаверайми?

– Ҳа, албатта, – деб Тарас чиқиб кетди.

Эртаси куни эрталаб Тарас Шаҳриёр ҳамроҳлигида Украинага жўнади.

Саломатнинг кўнгли барибир нотинч эди, лекин у нимага Тарасдан бунчалик хавотирланаётганини ўзи ҳам билмасди. У уйқу дори ичса ҳам кечаси билан мижжа қоқмади. Эрталаб иштаҳаси йўқлигидан туз тотмай, ҳовлига чиқиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

У ҳавонинг совуғидан титраётган бўлса-да, уйга киргиси келмас, ичкарида эса ўзини бўғилиб кетгандек ҳис этарди. Саломат ташқарига чиқса ҳам юрагининг сиқилаётгани сабабини қоп-қора булутли ҳаво унга ҳеч қачон ёқмаганидан, деб ўйлади.

Тарас кетганига уч кун бўлишига қарамай, Саломат ҳамон хавотирда эди. У кечаси қўнғироқ қилиб, ҳамма ишларини тугатганини, эртага самолётга ўтиришини айтди.

– Соғлигинг жойидами? – деди Саломат.

– Жойида, жойида азизам, хавотирланма!

– Майли, яхши дам олгин.

– Сен ҳам.

Саломат икки кечадан бери ухламагани учунми ёки Тарас билан гаплашганидан кейин кўнгли анча хотиржам тортганиданми, қотиб ухлаб қолди. Уни уй телефониинг узоқ жириглаши уйғотиб юборди. Саломат уйқусираб трубкини кўтарди:

– Алло, эшитаман.

– Саломат опа, мен Шаҳриёрман.

– Тинчликми, нимага саҳарлаб кўнғироқ қиляпсан, Тарас қани? – деди Саломат ҳовлиқиб.

– Тарас аканинг тоби қочиб қолди, у сизнинг бу ерга келишингизни сўраяпти.

– Трубкини унга бер-чи!

– Мен бошқа жойдаман, у врачнинг хонасида.

– Менга ростини айт, ўзи нима бўляпти, Шаҳриёр?

– Бирдан Тарас ака йиқилиб қолганидан кейин мен уни шифохонага олиб келдим, у аранг сизнинг келишингизни айтди. Саломат опа, сиз сиқилманг, врачлар ҳаммаси яхши бўлишини айтяпти.

– Унга нима қилганини айтишмаяптими?

– Қонида қанд миқдори кескин ошиб кетган экан.

– Вой, шўрим...

– Сиз эрталабки рейс билан бу ерга учиб келинг, кейин нима қилишни маслаҳатлашамиз.

– Сен менга хабар бер, хўпми?

– Албатта, хавотирланманг.

Саломат Украинага – Тарас ётган шифохонага етиб борганида унинг жони узилган эди.

Саломат Тарасни ўз ватанига дафн қилиб, яна Ўзбекистонга қайтди. У энди бутунлай ёлғиз қолди. Серҳашам иморату, хоналардаги қимматбаҳо мебеллар, ус-тида юрсанг оёғинг, қарасанг, кўзинг яшнайдиган гилламуру дунёда энг яхши деб тан олинган бренддаги идиш-товоқлар Саломат учун бир чақага арзимайдиган матоҳга ўхшаб кўринарди. Саломат опаси Саидани соғинар, у билан тўйиб-тўйиб дардлашгиси келар, юрагидаги гаму аламларини унга тўкиб солса, анча

енгил тортадиганга ўхшарди. Унинг хаёлига бирдан опажоним ҳам ҳаётдан кўз юмган бўлсалар керак, деган фикр келиб, кўзлари ёшланди.

Саломат ўзини нафаси сиқилгандай сезиб, кўйлагининг томоғига яқин жойлашган тугмасини ечиб қўйди. Бу дунёга келмасам нима қиларди? Мен ўзи яқинларимнинг кўнглига озор бериб, нимага эришиш учун югурдим. Кейин-чи, ҳаётим нима билан якунланди. Дарвоқе, ҳали тирикман... Бироқ, буни ҳис қилмаяпман. Саломат креслога суянганича бемажол ўтириб, ана шундай оғир хаёллар гирдобига ғарқ бўлди.

Уни ёлғизлик туйғуси илгарилари ҳам ҳеч қачон тарк этмаганди, энди эса бу туйғу унинг юрагини беаёв кемирарди. Саломат фақат ўтганлар хотираси билан яшар, отасини деярли ҳар куни эслар, у билан хаёлан гаплашар, кечирим сўрарди...

ГУМОНДОР

Душанба куни эрталаб ишга келган Собиржон жабрланган Сайфиддин ака ҳақида ўйлади. Қизиқ, биз жиноятчини топиш учун шунча жон куйдираётганимизни билса ҳам, парвойига келмайди. Икки марта ҳаётига суиқасд қилинган одам, наҳотки, бирор кишидан шубҳаланмаса? У кимдандир гумонланишини айтганида балки жиноят очилармиди? Назаримда, терговга ёрдам бергиси йўқдай...

Телефон жиринглаб Собиржоннинг хаёли бўлинди.

– Терговчи Мирзаев эшитади.

– Собиржон, мен Баҳром оғангизман, бош врач.

– Ассалому алайкум Баҳром оға, яхши юрибсизми?

– Ваалайкум ассалом, Собиржон пятиминуткага шошаётувдим, мақсадга ўта қолай. Биласизми, касалхонамизда ётган бемор бор-ку, автоаварияга учраганчи?

– Унга нима қилди? – деди Собиржон шошиб.

– Сизлар ҳалиям уни ўлдирмоқчи бўлган одамни топмадингларми?

– Ҳозирча йўқ...

– Бизда ишлайдиган ҳамшира қизнинг айтишича, уни кўрган эмиш.

– Кимни?

– Ўша жиноятчини-да.

– Ростданми, қанақасига? Нега шу пайтгача жим юрган экан?

– У таътилда эди, кеча ишга келди.

– Мен ўша ҳамшира билан гаплашишим керак, агар...

– Собиржон, мен уни прокуратурага юборганман, ҳозир бориб қолади. Исми Шарифа.

– Катта раҳмат, Баҳром оға!

Собиржон трубкани қўйди.

Хонага шошиб кирган Фарҳод салом бериб:

– Хайрият, улгурдим, – деди.

– Нимага улгурдингиз?

– Кираверишда ёшуллилар турган экан, сал бўлса, кечикардим, вақтида улгуриб келдим-да, шунга хурсандман.

– Ҳа, ҳар доимгидек ухлаб қолиш муаммоси денг, – деди кулиб Собиржон.

– Менимча, янгилик борга ўхшайди, Собиржон ака, сизнинг бекорга кайфиятингиз кўтарилмаслигини биламан, – деди Фарҳод компьютер қаршисига бориб ўтираркан.

– Шунақа деса ҳам бўлади, жинотчини кўрган ҳамширани кутаяпман.

– Э-э, зўр-ку. Ниҳоят, Жабборовнинг «иш»ига нуқта қўярканмиз-да. Назаримда, шу иш бир умр бизга ўралашиб юрадигандек туюлган эди. Хайрият, хайрият!

Кўп куттирмай етиб келган ҳамшира қиз Собиржоннинг саволарига жавоб берарди.

– ...Сиз қайси куни таътилга кетдингиз?

– 28 март эди. 27 март куни Нилуфар опанинг синг-лисига оқ қийиқ берилган экан.

– Бунинг нима алоқаси бор? Сиз фақат ишга алоқадор саволаримизга жавоб беринг, хўпми, – деди Собиржон.

– Хўп, лекин Моҳира опа билан Нилуфар опа ўша тўйнинг конфетларини еб, чой ичиб, беморни ёлғиз қолдирганлар-да.

– Сиз Жабборовни ўлдирмоқчи бўлган жиноятчини қачон кўргансиз?

– Мен кетаётганимда улар конфет билан чой ичиб, гаплашиб ўтирган эканлар. Нилуфар опа менга иккита шоколад бериб, чойга таклиф қилди. Мен раҳмат айтиб кетаётсам, 6-палатанинг эшиги олдида қўли синган бемор Мадаминов турган экан. У мени кўриб ўзининг палатаси томон кетди.

– Кўрсатмангизга аниқлик киритамиз, айтинг-чи, Мадаминов Жабборовнинг палатасидан чиқаётганми-ди ёки кираётганми-ди?

– Мен буни аниқ билмайман, унинг хона эшигини ушлаб, ичкарига қараб турганини кўрдим, менимча, у ичкаридан чиққан эди, ҳа...

Собиржон Шарифанинг кўрсатмасини эшитиб, ўйлаб қолди.

– Буни сизга бериб юборишган эди, – деб Шарифа қўлидаги қоғозларни узатди.

Собиржон уларни ўқиб кўриб:

– Мадаминовнинг касаллик тарихидан кўчирма экан, раҳмат синглим, кетаверишингиз мумкин, – деди.

Собиржон Мадаминов Кўпалнинг касаллик тарихи билан батафсил танишиб чиқиб:

– Нарвондан йиқилиб, қўли елкасидан синган... – деди.

Эрталаб участка нозири билан келган ўрта бўйли, кенг елкали, сочини тагидан олдирган, шалпанг қулоқ,

кўриниши соддага ўхшагани билан гавдасидан чайирлиги кўриниб турган йигит Собиржонга қараб:

– Ассаломалайкум оға, мен Мадаминов Кўпалман, – деди нима учундир жилмайганча мамнун оҳангда.

Собиржон унинг саломига алик олиб, кўтаринки кайфиятда турган Мадаминовга ажабланиб қаради. Унинг шахсини аниқловчи саволларига жавоб олганидан сўнг:

– Қаерда ишлайсиз? – деди.

– Мен гиламчилик хусусий фирмасида қоровулман, аниқроқ қилиб айтсам, тунги қоровулман. Мен тўғримда нотўғри фикрга бормаслигингиз учун буни сизга тушунтиришим керак, деб ўйлайман. Дадам раҳматли тириклигида боғимиз анча катталигидан иссиқхона қургандик. Унда помидор, бодринг, лимон дегандек... Ишқилиб яхшигина даромад қиламиз. У киши менга сен ишга чалғиб иссиқхонага қарамасанг, шунча меҳнатимни бир чақалик қилсанг, билиб қўй, жуда хафа бўламан, дегандилар. Отамнинг айтганлари ерда қолмасин деб ўзим атайлаб шу ишни танлаганман. Ўйлашингиз мумкин-да, ўттиз яшар йигит тунда қоровулхонада ухлаб, кундузи уйига келиб яна қорнини қашлаб ётади, деб. Мен аслида қўли гул устаман. Иссиқхонадан ортган вақтимда маҳалла-қўйда сувоқчилик ҳам қиламан. Шу десангиз, ростини айтсам бош қашлашга ҳам вақтим йўқ...

Собиржон бу йигитнинг жуда тез ва тўхтамай гапиришига ҳайрон қолиб, унинг гапини бўлишга мажбур бўлди.

– Сизни бу ерга чақиритимиз сабаби билан қизиқдингизми? – деди.

– Йўқ оға, сабабини билмайман, лекин чақиритиб жуда яхши қилдинглар. Биласизми, мелисага борганман, судда ҳам қатнашганман, бироқ прокуратурани кўриш орзум эди. Буни бекорчиликдан деб билманг. Ишим бошимдан ошиб ётибди. Укамни ҳам ўзим билан ишлашга кўндирганман, лекин бирибир иш кўп.

Сизга айтсам, укам сал кажроқ*. Россияга кетаман, машинага пул ишламоқчиман деб туриб олса бўлади-ми? Аҳмоқ, мен машина учун пулни бошқа жойга бориб ишлаб топганманми, дедим. Менинг ёнимда юриб иссиқхона ишларига ёрдам берсанг, сувоқда кумаклашсанг, бир йилга қолмай иккаламининг даромадимиз машинага етиб қолади, дедим.

Шу десангиз, у десам, бу деди, бу десам, у деди. Бир шاپалоқ тортиб юборганимни билмай қолибман. Онам орага тушдилар. «Купал, жуда тўғри қилдинг. У ёғига ҳам битта тушир!», деган эдилар, укам дарров гапимга рози бўлди. Машина харид қилганидан кейин, оғажон, деб ёнимдан жилмай қолди. Уни кўпинча бозорда иссиқхонада етиштирилган маҳсулотларни сотишга ўтқазиб қўяман. Сизга айтсам, отамнинг гапи билан айтганда, одам ҳамма нарсага меҳнати туфайли эришади. Жон куйдириб ишламасам, биров менга: «Ма, мана бу сенга Кўпалжон», деб бирор нима келтириб берадими? Укамга ҳам шуни тушунтираман, деб...

Собиржон бу йигитнинг ақли жойидами, дегандек Фарҳодга қаради, у эса елкасини қисиб қўйди. Унинг гапини бўлмаса, тўхтамаслигини сезиб:

– Судга, милицияга нима учун боргандингиз? – деди Собиржон.

– Ҳа, бу жуда қизиқ, бозорда иккитаси уришиб, роса муштлашдилар. Уларни олиб кетишаркан, ким гувоҳ бўлиб биз билан боради дейишса, ишонасизми, шунча томошабиндан бирортаси гувоҳлик беришни истамасдан тарқалиб кетди. Қарасам, битта ўзим қолибман. Мелисага бориб ҳаммасини айтиб бердим, ахир сариқ боланинг айби йўқ эди-да, ҳаммасига ғилайи сабабчи бўлган. Калтакни сариқ егани билан...

– Судга нега борган эдингиз?

* Каж – қайсар, ўзиникини маъқуллайдиган одам.

– Нега бўларди, ўша муштлашганларнинг судида гувоҳлик бериш учун. Мен судни олиб борувчи одамни ёши улуғ, салобатли киши деб ўйлардим. У ердаги судьяни кўриб, ҳафсалам пир бўлди. Муштдеккина қиз экан. У мендан нима деб сўради денг...

– Хўш, Мадаминов, прокуратурага келишни орзу қилганингиз сабабини ҳам айтиб берасизми?

– Сиз ҳам ўша судья қизга ўхшаб, нуқул гапимни бўласиз, нима сизлар ҳеч кимнинг гапини охиригача эшитмайсизми? У мен сўз бошлашим билан фақат битта гапни такрорлади, мавзудан четга чиқманг, мавзудан четга чиқманг...

– Мадаминов, марҳамат қилиб, саволимга жавоб беринг, нима учун прокуратурага келишни истаган эдингиз?

– Прокуратурага одам ўлдирган жиноятчиларни олиб келишади дейдилар, катта порахўрларни тергов қилишларини айтадилар. Хуллас, оға, идорангизни жуда обрўли идора деб биламан. Шу томонларга йўлим тушганида савлат тўкиб турган иморат – прокуратурага кириб, сизга ўхшаган оғалар билан гаплашишни истардим. Қаранг, Худодан каттароқ нарсани сўрасам ҳам бўларкан. Мен...

– Одам ўлдирган жиноятчилар, дедингиз... Айтингчи, Мадаминов, сиз Жабборов Сайфиддинни танийсизми?

Йигит ўйланиб қолди, кейин қошларини кериб Собиржонга қараб:

– Оға, мен учта Сайфиддинни биламан, Сайфи чўтир, бозорда майда-чуйда сотади. Сайфи сариқ ошхонада балиқ қовуриб сотади. Яна биттаси Сайфиддин ота, у кишининг ёшлари саксон саккизда, маҳалламиздаги табаррук отахон. Мен уларнинг ҳеч бирининг фамилияси билан қизиқмаганман. Тўғри-да, балиқ харид қилаётганда ундан фамилиясини сўрамайман-ку. Отахондан эса...

– Сиз шу йилнинг 1 апрелидан 7 апрелигача вилоят шифохонасида қўлингиз синиб даволанганингизни инкор этмайсизми?

– Ие, нега инкор этарканман. Сизга айтсам, қўлимнинг синишига ўзимнинг ҳамма нарсага қизиқаверганим ёки хотинимнинг гапи билан айтганда «ҳамма ишга бурнимни тикаверганим» сабаб бўлган. Эрталаб навбатчиликдан келганимдан кейин нонушта қилиб, ҳовлига чиқсам, қўшнимизнинг ҳовлиси-дан бақир-чақир овозлари эшитилаётган экан. Нурмат оға хотинини уряптими деб ўйлаб, деворга занггини* қўйиб, улар томонга қарадим. Зангги калтак қилиб, ҳеч нима кўринмади. Мен деворга қўлларим билан осилиб қарамоқчи эдим, бехосдан оёғим билан занггини итариб юборибман. Қўлим чиқиб кетиб, нарвон у томонга, мен эса бошқа томонга йиқилдик...

– Хўш, қўшнининг уйдаги кўнгилсизликнинг сабабини билдингизми? – деди Собиржон унинг гапини бўлиб.

– Э-э, оға, қўшниникида уруш-жанжал нима қилсин? Бекажон момонинг қулоғи карлиги учун кинонинг овозини баландлатиб эшитаётган экан. Ҳамма кўнгилсизлик бизнинг уйимизда бўлди. Занггидан тошга қулаб тушиб, қўлим синди, бошим жароҳатланди...

Собиржон асабийлаша бошлади. У шунчалик кўп гапирадиган, сўзини бўлмагунча тўхтамайдиган одамни биринчи кўриб туриши эди. У терговнинг бундай давом этишида кечгача ҳам кўзлаган саволига жавоб ололмаслигини билиб, гумондорни огоҳлантирди.

– Мадаминов, мен сизга бир нарсани айтиб қўяй, бизнинг вақтимиз чегараланган, шунинг учун фақат сўраган саволга жавоб беринг, тушундингизми?

* Зангги – нарвон.

– Тушундим, шунинг учун ҳам фақат сўраганларингизга жавоб беряпман. Сиз сўрамасангиз, мен гапирармидим.

– Шифохонада 6-палатада ётган Жабборов Сайфиддинни танирмидингиз?

– Аввалроқ айтмайсизми, 6-палата деб, қайси Сайфиддин деб ўйлабман. Мен у одамни автоаварияга учраб, оғир жароҳат олганини эшитгандим. Кейин эса...

– Кўпал ука, сиздан илтимос, фақат саволимга жавоб беринг! Келишиб олайлик, яхшиси, «ҳа» ёки «йўқ» деб қўя қолинг!

Фарҳод Собиржоннинг аҳволига қараб жилмайиб қўйди ва:

– Собиржон ака, Мадаминовнинг кўрсатмасини битта қолдирмай протоколга туширишим керакми? – деди.

Собиржон унга қараб «ҳа» деган маънода бошини силкиб қўйди ва Мадаминовга:

– Хўш, келишдикми? – деди.

– Ҳа.

– Жабборовни илгаридан танирмидингиз?

– Йўқ...

– Ундай бўлса, нима учун уни ўлдирмоқчи бўлдингиз?

– Йўқ...

– Тушунмадим.

– Ахир ўзингиз тушунтиришга қўймайсиз-ку, фақат «ҳа» ёки «йўқ» дегин деб. Нимага менга бунақа бемаъни савол беряпсиз?

– Бу нима деганингиз? Саволимга жавоб беринг, Жабборовнинг оғзидан кислород ниқобчасини, томиридан томчилатиб юборилаётган дори игнасини олиб ташлашингизни қандай тушуниш керак?

– Мен эсимни еганим йўқ-ку, сиз айтган ишларни қилгани! Тинчгина ўлим тўшагида ётган одамни нимага ўлдирарканман? Қизиқ экансиз, сал ўйлаб гапиринг, оға!

– Унинг хонасидан чиқаётганингизни кўрган ҳамшира бор. Сиз жонлантириш бўлимига нима учун борган эдингиз? Жабборовнинг хонасига-чи, ҳеч қандай мақсадсиз кирганмидингиз?

– Мен унинг хонасига оёғимни ҳам қўймаганман, ўша ҳамширангиз гирт ёлгончи экан! Мен фақат ўлим билан олишиб ётган кишини кўриш учун унинг хонасига мўралаган эдим, холос...

– Нимани кўрдингиз?

– Қимирламасдан, кўзларини юмганича тирик мурдага ўхшаб ётган кишини кўрдим. Ишонаверинг оға, мен у ерда бир дақақагина турдим, кейин дарров хонамга қайтдим. Ҳайронман, нимага мендан шубҳаланаёптисизлар?

– Чунки ўша кишининг хонаси олдида сиздан бошқа бегона одамни кўришмаган.

– Қизиқувчанлигим ҳамиша бошимга бало орттирса ҳам шу одатимни ташлай олмайман...

* * *

Собиржон хонасида у ёқдан-бу ёққа юриб ўйларди. Фарҳод хонага кира солиб, ўзининг фикрини айта бошлади.

– Менимча, Мадаминовни қўйиб юбориб нотўғри иш қилдик. Ўзи шу пайтгача топилгани биттагина гумондор – Мадаминов эди. Унга ҳам жавоб бериб юбормасдан қайта-қайта сўроқ қилсак, балки ниманидир аниқлашнинг имкони топилармиди?

Собиржон юришдан тўхтаб деди:

– Ҳўш, унинг курсатмаларини текширганимизда айтганларининг ҳаммаси тўппа-тўғри бўлиб чиққан-чи, бу сизнингча, ҳеч нимани билдирмайдими?

– Унинг судда, милицияда гувоҳлик бергани, иссиқхонаси борлиги, нарвондан йиқилиш – гаплари рост эканини тасдиқлайди. Бироқ бизнинг мақсадимиз унинг тўғри сўзлигини аниқлаш эмас эди-ку. Биз Кўпалнинг Жабборов ҳаётига суиқасд қилганлигини

исботлашимиз лозим. У ўта айёр одам бўлса-чи? Балки уни кимдир Жабборовни ўлдириш учун ёллагандир?

Собиржон жойига ўтириб:

– Биласизми, Фарҳод, мен ҳам сиз айтган гапларни ўйлаб кўрдим, лекин Мадаминов жиноят қилиши мумкин эмас, деган қарорга келдим.

– Нима учун?

– Чунки у жуда кўп гапирган бўлса-да, ҳеч қайси сўзидан зиғирча ёлғон тополмадим...

ОҚИБАТ

Саида хола ҳам синглиси Саломатни кўп эсларди. У ўғли Сайфиддиндан холасини излашни, уни топиб уйга олиб келишини илтимос қилишни истар, лекин у отасига берган сўзи туфайли, бу хоҳишидан воз кечишга мажбур эди. Саида хола ўғли Сайфиддин билан гаплашиб ўтиришни хуш кўрарди. У ўғли ёнидалигида ҳамма нарсани унутар, унинг ишдан келишини интиқлик билан кутарди.

Саида хола учун зерикарли қиш кунлари бошланди. У келини Нозима билан тушлик қилганидан кейин кираверишга қўйилган тебранма креслода ўтирганича ўйларди. Озгина мизғиб олсаммикан? Йўқ, унда туни билан мижжа қоқмай чиқишга тўғри келади. Ҳовлида ўтирсам, музлатиб ташлайдиган совуқ, ичкарида эса юрагим сиқилади. Нима қилсам экан?

Саида хола ниманингдир ташвишида у хонадан бу хонага кириб, куймаланиб юрган Нозиманинг келишган қадди-қоматига қараб ўтириб, келинимнинг ёши қирққа яқинлашган бўлса-да ҳалиям чиройли, деб ўйлади. Айрим аёлларга ўхшаб семириб кетмаган. Бунинг яхшигина сабаби ҳам бор-да, чунки у ўзига қарашни доимо биринчи ўринга қўйган. Спорт кийимларини олиб алақадерларга кетади. Ҳар икки куннинг бирида онажон, салонга кетаяпман, деб чиқади.

Албатта, у ерда юзига парвариш қилишади, шунинг учун ҳам оппоқ юзида ҳалигача ажин кўринмайди. Учишга шайланган қалдирғоч қанотлари мисол қошларини эса, албатта, ўзи ясатган. Хола мийиғида кулиб қўйди. Лабларининг, кўзларининг атрофини ҳам татуаж қилдирган. Энди, нима ҳам дейсиз, ҳозир ёшларга шу русум...

Хола беихтиёр ўз ёшлигини ўйлай бошлади: «Бизнинг давримизда табиий гўзаллик – ҳақиқий гўзаллик саналарди. Ёшлигимизда менинг кўринишим-ку ўрта миёнагина эди-я, лекин Саломат жуда чиройли эди. У шундай чиройнинг қадрига етмай, Украинага ўқишга кетиб, ҳамма ёғини европачасига тўғрилагани жуда бачкана кўринганди ўшанда. Дадам бунга қанча сиқилгандилар. Мен эса синглимнинг кўринишидан мактабдаги ҳамкасбларимдан уялгандим. У пайтлар ҳам бир зумда ўтиб кетди...

Ростини айтганда, келиним Нозима ёшлигида ҳам жуда чиройли эди. Шунинг учун ўғлим унга уйланмасам, бошқа ҳеч қачон ҳеч кимга уйланмайман, деб туриб олганди. Нозиманинг илгари бир йигит билан «ош-қатиқ» бўлиб юрганини эшитганимиздан кейин раҳматли дадаси икковимиз ҳам тўйга қарши эдик. Сайфиддин эса бу – унинг ўтмиши, ҳозир мени севади, деб гапидан қайтмаган.

Ўшанда ёлғизимизни хафа қилгимиз келмаганди...

Ўғлим ҳозир ҳам уни худди ёшлигидагидек яхши кўриши сезилиб турибди. Хотиним қийналмасин, деб уй ичкарасига битта хизматчи, ошхонага битта, ҳовлига қарашга яна битта хизматчи қўйган. Аслини олганда, шу ишларни келиним билан неварам бемалол эплашлари мумкин, мен ҳам бир чеккада қараб турмай ёрдамлашардим. Лекин бу борада Сайфиддин мени оғиз очишга ҳам қўймайди, майли, давлати бундан ҳам зиёда бўлсин, нима ҳам дердим. Бечора ўғлим, бизнинг шундай шоҳона ҳаёт кечиряшимиз учун кечаю кундуз югуриб елади».

Саида хола зерикиб кетди, шекилли, ўрнидан туриб ошхона томонга юрди. У идишларни юваётган хизматчи қизга ниманидир тушунтираётган келинига қараб:

– Нозима, ўша Фазлиддиннинг уйланмоқчи бўлиб юрган қизини яхшилаб суриштиряпсанми? – деди.

Қайнонасининг невараси туйига тайёргарликни маслаҳатлашиш мақсадида сўз бошлаши Нозимага унча ёқмай:

– Ҳа, она, – деб қўйди совуққина қилиб.

– Мендан сўрайдиган гапларинг йўқми, айланай? – деди хола келинига синовчан назар ташлаб.

– Ҳозирча йўқ, онажон, кириб дамингизни олсангиз бўларди, яна юрагингиз хуруж қилиб қолмасин.

Невараси Фазлиддиннинг туғилиши Саида хола-нинг эсига тушиб кетди. Келиним шўрлик ўшанда бир ўлимдан қолган эди. Шунча қон йўқотиб, унинг тирик қолишининг ўзи бир мўъжиза, деган эди шифокорлар. Унинг бошқа фарзанд кўриши мумкин эмаслигини айтишганида сиқилган эдик. Майли, ёлғиз неварамнинг умри узоқ, ўзи битта бўлса-да, шохи мингта бўлсин, деб хола қўлларини очиб дуо қилиб қўйди ва:

– Ётсам нима учундир нафасим қисади. Яхшиси, қизим, мен Бибижон опангникига чиқаман. У билан бир гийбатлашиб келай-чи, зора енгил тортсам, – деди келинига ва кўча эшигини очиб қолдириб, қўшнисиникига чиқиб кетди.

Қўшниси Бибижон опаникига бирпас гурунглашиб келаман, деб чиққан Саида хола унинг қизиникига кетганини эшитиб, орқасига қайтди. У хонасига кириб пешин намозини ўқиганидан кейин жойнамозни йиғиштириб, ўтириб қолди. У юрагининг нотекис ураётганини сезиб секин кароватга чўзилди ва ёнидаги шкафча тортмасидан дорисини олиб оғзига солди. Саида хола пича ётиб юраги одатдагидек ура бошлаганини сезиб анча тинчланди.

«Бугун дадамнинг вафот этган кунлари. Куз очиб юмгунча 45 йил ўтиб кетибди. Менга худди улар билан кечагина видолашгандек туюлади. Ҳаёт дегани шу экан-да, бугун борсан, эртага эса йўқ...

Ким ўйлаган эди, раҳматли эримнинг арзимаган кўричакдан вафот этишини. Ҳар қалай, Сайфиддиннинг тўйини қилиб, неvara кўриб кетдилар, шуниси-гаям шукур. Ҳеч ким Яратганнинг иродасига қарши боролмайди. Дадам раҳматли Саломатнинг тақдири-ни ўзгартириш учун қанча курашгандилар, лекин кўллари-дан ҳеч нима келмади.

Ҳозир синглим тирикмикан? Қизиқ, бугун нима учундир синглим, вафот этган яқинларим хаёлимдан кетмай қолди. Балки бугун дадамнинг оламдан ўтган кунлари бўлгани сабаблидир?»

Саида хола шундай хаёллар билан ётганида хонасидаги телефон жиринглади. У «кўнғироқ қилаётган Сайфиддинмикин, унга ишдан вақтга-роқ қайтишини тайинлашим лозим. Бугун бобосининг вафот этган куни эканлигини эсига солиб кўяй», деб ўрнидан туриб бориб инқилаб трубкани кўтарди.

У иккинчи трубкада келини Нозиманинг ким биландир гаплашаётганини эшитиб, Сайфиддин биланмикин, деб ўйлаб трубкани қўймай турди. Шунда у келинининг бегона эркак билан гаплашаётганини билиб, трубкани жойига қўймоқчи эди, лекин нотаниш одам билан келинининг суҳбати унга ғалати туюлиб, эшитишда давом этди.

– ...Нима учун уйга кўнғироқ қилипсан, аблаҳ, кўл телефонимнинг рақамини биласан-ку?! – деди Нозима саросимали оҳангда.

– Оғзингга қараб гапир, акс ҳолда бундан ҳам ёмон бўлади, – деди эркак киши хотиржам овозда.

– Яна нима истайсан?

– Нимани хоҳлашимни ўзинг яхши биласан, айтган пулимни ҳалигача келтирмадинг.

– Ноинсоф, ярамас, шунчалик ҳам кўп талаб қиласанми? Ахир мен шунча пулни қаердан топаман?

– Юз минг демадим-ку. Эллик минг доллар дегани сенинг бойвачча эрингга нима деган гап, келтирмасанг, мен ҳаммасини ўғлимга айтиб бераман. Унга ҳақиқий отаси билан яшаши кераклигини тушунтираман.

– Йўқ, ундай қилма, ифлос! Ахир шунча йилдан бери сени пул билан таъминлаб келяпман, яна озроқ бераман, лекин айтганингни эмас!

– Агар сенга бир нарсани айтсам, ҳозироқ айтган пулимни қўлингга олиб, учиб ёнимга келасан.

– Нимани?

– Ўғлимиз Фазлиддиннинг ўртоқлари билан ресторанда ўтирганини кўриб қолдим.

– Кўрган бўлсанг, нима бўпти, аҳмоқ!

– Гапларимни охиригача эшитмай трубкани қўйсанг, катта хато қиласан. Мен Фазлиддин иккаламизнинг ўғлимиз эканини исботловчи далил билан тўғри уйингга бораман. Ундан кейин сенинг қандай аҳволга тушишингни томоша қиламан.

– Қандай далилни назарда тутяпсан, ярамас? – деди Нозима овозини пасайтириб.

– Буни билиш учун гапимни бўлма, охиригача эшитиш лозим эди. Ўша ресторанда ўтирганида ўғлимизнинг соч толаларидан олишга муваффақ бўлдим. Кейин эса уларни ўзимники билан бирга ДНКдан ўтказдим...

– Етар, бас қил, аблаҳ! Шунчалар пасткашмисан?

– Ўз эридан эмас, бошқа эрақдан бола орттирган аёл пасткашми ёки вояга етган ўғли борлигини яқиндагина эшитиб, у билан кўришиб туриш ҳуқуқига эга бўлишни истаган шўрлик отами? Менимча, буни судда аниқлашса керак...

– Мен сенга оғзингни юмиб юришинг учун ўғлимиз туғилганидан бери қанча пул берганман?

– Лекин буни судда қандай исботлайсан, шунга ҳам ўйлаб кўрдингми, жонидан?

Саида хола телефондаги суҳбатнинг қолган қисмини эшитолмади, чунки қўлидан трубка тушиб кетган эди. У гиламга йиқилди.

Саида хола ётган жойидан туришга ҳаракат қиларди, у қўлларини чўзиб ўзидан анча нарида ётган телефон трубкасини ушламоқчи бўлар, лекин туришга мадори йўқ эди. Лаблари секин, аммо аламли пичирларди:

– Наҳотки, Нозима хиёнаткор! Фазлиддин менинг неварам эмасми? Бу нима деган гап? Мен... буни Сайфиддинга айтишим керак, лекин юрагим уришдан тўхтаётганини сезяпман. Энди нима қиламан? Агар мен ўғлимга бу сирни айтолмай ўлиб кетсам, у бир умрга алданиб яшайди-ку... Минг лаънат сенга, Нозима!

«Мен қандай бўлмасин куч тўплаб, хотинининг хиёнаткор эканини айтишим керак...» – деб Саида хола қўлини трубкага чўзди, бироқ унинг қўли трубкага етиб бормади. «Шўрлик ўғлим... Наҳотки...» – деганича Саида холанинг қўли шилқ этиб пастга тушди.

Нозима трубкани қўйиб, хизматчилардан бирортаси эшитиб қолмадимикин, деган хавотирда атрофга аланглади. У ичкарида ҳеч ким йўқлигини, ҳаммаси пастда хизматкорлар учун мўлжалланган хонада эканлигига ишонч ҳосил қилди. Қайнонасининг ётоқхонаси эшиги очиқ турганини кўриб, югуриб бориб ичкарига қаради. У Саида холанинг гиламда трубкага қўлини чўзганича йиқилиб ётганини кўриб қўрқиб кетди.

Қайнонасига яқинроқ бориб қаради. Унинг кўзлари очиқ, лекин ҳаракатсиз эди. Қўллари эса қотиб қолганга ўхшарди. Нозима унинг билагини ушлаб, томир уришини текширди, холанинг қўллари муздай, юраги эса уришдан тўхтаганди.

Нозима унинг ўлиб қолганини билганидан кейин сал энгил тортди.

– Хайрият, – деб қўйди. – Ҳаммасини эшитиб, юраги дош бермабди-да. Агар тирик қолганида, билма-

дим, нима бўларди? – деб ўйлади у ва яна қайнона-
га пича қараб туриб, кейин эрига қўнғироқ қилди.

– Сайфиддин ака, онажонимнинг мазалари қочиб
қолди.

– Нима бўлди? – деди Сайфиддин хавотирланиб.

– Билмадим, хоналарига кирсам, гиламда йиқилиб
ётибдилар. Қўллари муздай, тезроқ келинг, қўрқиб
кетяпман!

– «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилдингми?

– Ҳа, ҳозир етиб келишса керак, – деди Нозима ёлғон
гапираркан, бу хаёлига ҳам келмаганига ажабланиб.

– Қўрқма, ҳозир етиб бораман!

Нозима трубкани қўймасдан «тез ёрдам»га қўнғи-
роқ қилди.

* * *

Саида холанинг маъракаларини ўказганларидан
кейин Сайфиддин ўзини ниҳоятда ёлғиз ҳис эта бош-
лади. У ишдан келиб онаси билан бироз суҳбатлашма-
гунча хонасига кирмасди. Сайфиддин бунга ўрганиб
қолгани учун бугун ҳам ишдан келиб онаси билан бир-
га ўтирадиган юмшоқ мебеллар қўйилган дам олиш
хонасида битта ўзи анча ўтирди. Нозима ўз ишлари
билан юриб унинг ёнига келмади.

Сайфиддин хотинини чақирди.

– Нозима, бу ёққа келмайсанми?

Нозиманинг иккинчи қаватдан овози эшитилди.

– Юзимга кулупнайли ниқоб қўйганман, ҳозир ювиб
ташлай!

– Қишда-я, кулупнайларни маза қилиб емасдан?

– Айнан қишда юз терисига шу витаминлар етиш-
майди-да, дадаси. Агар иложи бўлса, мени гапиртир-
манг, ниқоб қўйганда юз мускуллари қимирламасли-
ги лозим.

– Ҳа, буни билмабман...

Анчадан кейин келиб ўтирган Нозима:

– Вой, ниқобдан кейин крем суришни унутибман-ку. Кел, деб шоширдингиз-да, шунга... – деб яна ўрнидан туриб кетди.

Сайфиддин телевизорга қараб ўтириб, ўйлади. Ишдан қайтганимдан кейин овқатни онам иккаламизга ҳар доим хизматчи қиз берарди. Онам раҳматли менинг келишимни кутиб овқатланмасдилар. Нозима билан Фазлиддин эса эртарақ овқатланишарди. Кейин биз онам билан чой ичиб, шу хонада гаплашиб ўтирардик. Уларнинг бирдан вафот этишларини ҳеч ўйламагандим... Мункиллаб, қариб қолмагандилар, анча тетик эдилар. Фақат аҳён-аҳёнда юраклари безовта қилиб турарди.

Дарвоқе, онам ҳам бобом вафот этган куни ҳаётдан кўз юмдилар. Бу тасодифмикин? Раҳматли онамнинг айтишларича, бобомнинг ўлимига холам сабабчи эканлар. Унинг ёзган охирги хатини ўқиб бобом аламига чидай олмай, қон босимлари ошиб кетиб ўлганлар. Балки онамнинг ўлимига ҳам... Эрталаб ишга кетганимда туппа-тузук ўтирган эдилар, дуо қилиб қолган эдилар...

– Нозима, нима қиялпсан, ўша кремингни кейинроқ сурсанг-чи? – деди Сайфиддин жаҳл билан.

– Ҳозир, боряпман, – деди Нозима бамайлихотир.

– Тинчликми, дадаси? – деди у юзида ҳеч қандай ўзгаришсиз гапириб.

– Чой ичгим келяпти.

– Хизматчи қиз ҳозиргина пастга тушувди-я, сал илгарироқ айтганингизда унга тайинлардим, – деб Нозима ўрнидан турди.

– Нима, бир кун давомида эрингга атиги бир чойнак чой дамлаш ҳам сенга малол келадими?

– Йўғ-э, унақа деманг, ҳозир келтираман, дадаси, – деди Нозима қовун тушириб қўйганини англаб.

– Бошқа нима дейишим мумкин?

– Азизим, мени кечиринг, бундан кейин ёнингиздан жилмайман, олинг, – деб Нозима эрига чой узатди.

Сайфиддин чой хўпларкан, Нозимага қараб:

– Мен сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим, – деди.

– Нимани? – деди Нозима Сайфиддинга хавотирли назар ташлаб.

– Онамнинг ўлими ҳақида.

– А-а, – деди Нозима. Ниманидир сезган бўлса-я, деб ўйлаб. Қўлидаги пиёла тушиб кетай деди.

– Онам соппа-соғ эдилар, уларнинг нима учун бирдан вафот этганларини ҳеч ҳазм қилолмаяпман.

Наҳотки сезган, лекин қанақасига? Нозиманинг юраги гупурлаб ура бошлади. У ўзидаги титроқни билдирмасликка уриниб секингина:

– Ахир билардингиз-ку, онажонимизнинг юраклари касал эди, – деди.

– Лекин ўша қуни яхши юрувдилар.

– Ҳа, сиз кетганингизда туппа-тузук эдилар, шундан кейин мен ҳам шейпингга кетдим, келиб бирга тушлик қилдик. Овқатланганларидан кейин юраклари сиқилаётганини айтиб, қўшнимиз Бибижон опаникига чиқаман, дедилар, лекин фикрларидан қайтиб хоналарига кириб кетдилар.

– Нимадандир хафамасмидилар?

– Сайфиддин ака, мен сизга ҳеч қачон ёлғон гапирганманми?

– Йўқ.

– Унда менга нима учун ишонмаяпсиз?

– Гап сенга ишонмасликда эмас, тўғри, онамнинг юрагининг мазаси йўқ эди, лекин унинг бу тарзда шунчалик тез вафот этишини ҳечам ўйламаган эдим, – деб Сайфиддиннинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

– Мен ҳаммасини тушунаман, онажонимни мен ҳам яхши кўрардим, мен ҳам сиздан кам куяётганим йўқ, етмиш ёш нима деган гап, ахир. Ўғлимизни ўйлаб сиз омон бўлинг, касал бўлманг, деб сизни дуо қилишдан бошқа чорам қолмади.

– Фазлиддин қани?

– Боя бошим огрияпти, деб хонасига кириб кетган эди. У шўрлик ҳам бувижонисини йўқотиб қўйганига кўниколмаяпти.

– Унга яхшилаб қара, сиқилавериб касалланиб қолмасин тагин.

– Хўп, дадаси, нима ҳам қилардик, бу шундай бешафқат дунё экан, омонатини қачон топширишини ҳеч ким билмайди.

– Ҳа, ўлимга ҳеч қандай чора йўқ...

* * *

Нозима эрталаб эри ишга кетганидан сўнг Саида хола ўтирадиган тебранма креслода ўтириб, хаёл сурди.

Ёшлиқда одам фирт аҳмоқ бўларкан. Аҳмоқ бўлма-сам, киссасида бир чақаси йўқ Шарифни яхши кўраманми? Ҳалиям ота-онамнинг қистови билан Сайфиддин акага текканим. Шарифга тегсам, балки кимнингдир уйида хизмат қилиб юрармидим? Албатта-да, чунки мактабни аранг тугатган, чаласавод қизни биров ишга олармиди ёки Шарифнинг топган пулига рўзгор тебратармидик?

Эрга текканимдан кейин ҳам ўша «қуруқ» билан юришни давом эттиришимга бало бормиди? Ўшанда буни Сайфиддин акам сезиб қолганида нима бўларди? Эримнинг фикру хаёли фақат пул топиш билан бандлиги, мени ҳаддан ташқари яхши кўриши, ишонувчанлиги ҳамиша қўл келган. Мана, эрим сезмаса ҳам саёқ юрганларимнинг жабрини энди тортаяпман. Ўша пасткаш неча йилдан бери ҳеч қаерда ишламай, мендан пул талаб қилади. Бахтимга Сайфиддин акам топармон-тутармон, яхшигина бизнесмен. Ўзи ҳам топган пулларининг ҳисобига етмайди, шекилли ёки мени яхши кўргани учунми, қанча пул совурсам ҳам уришмайди.

Шарифнинг бу сафарги қўнғироғи ҳамма нарсани ўзгартириб юборди. Ҳалиям қайнонамнинг сирымдан

воқиф бўлиб юраги кўтармай жон таслим қилгани мени қутқариб қолди. Худо сақлади, деб шуни айтишса керак...

Нозима уй телефони жиринглаётганини эшитиб, ўрнидан турди. У трубкани кўтариб:

– Эшитаман, – деди.

– Хўш, айтганларимни тайёрлаб қўйдингми? – трубкадан Шарифнинг овози эшитилди.

– Мен сенга уйга қўнғироқ қилма, деган эдим-ку!

– Биринчидан, мени сенлама, худди илгаригидек, менга эркаланиб «сиз» дейишингни истайман.

– Қуриб кетсин, қўнглимнинг кўчаси-ей! Мен сендан жирканишимни неча марта айтганман?

– Мен эса сени агар айтганимни бермасанг, нима-ларга қодир эканим ҳақида огоҳлантирганман.

– Шунча пулни қаердан топаман, ҳайвон!

– Тилингда эрк берма, акс ҳолда ҳозирнинг ўзида эрингда қўнғироқ қиламан.

– Овозингни ўчир!

– Менинг гапларимни яхшилаб эшитгин, қайнонанинг маъракалари ўтгунча жим ўтирдим, энди эса бу ёғига менинг айтганим бўлади!

– Ўйлаб кўришимга бир оз фурсат керак, менга раҳминг келсин, – деди Нозима бирдан сўз оҳангини ўзгартириб.

– Сенга ўйлаш учун қанча вақт керак?

– Билмайман, илтимос, бирор муддат мени тинч қўй!

– Бунақаси кетмайди, жонидан. Менга айт-чи, одатда шоҳлар ножўя иш қилиб қўйган ўз фуқароларига хатосини тўғрилаш учун неча кун муҳлат беришган?

– Билмайман, ўзи нима демоқчисан?

– Билмайсан, чунки мактабда ҳам «иккичи» эдинг. Сенга уч кун муҳлат бераман. Шу вақт ичида элик минг кўкидан келтириб менга топширмасанг, бошқа огоҳлантирмайман. Соатга қара, эрталабки ўн, уч кундан сўнг эрталабки ўнда вақтинг тугайди.

Нозима бир нима дейиш учун оғиз жуфтлаганди, трубкадан қисқа гудок эшитилди. У трубкани қўйиб, жойида қоққан қозикдек туриб қолди.

Нозима эрталаб тирноқларини кўздан кечириб, гўзаллик салонига бормоқчи эди. Аммо у хонасига қараб юрди, ётоғига ўзини ташлаб йиғлай бошлади.

Нозима шу алфозда анча ётганидан кейин кўз ёшларини артиб, ўрнидан турди. Бунақада шармандам чиқади-ку, йиғлашдан нима фойда, бу масалада менга биров ёрдам беролмаса, ўзим ҳам бу гапни ҳеч кимга айтолмасам, фақат яхшилаб фикримни бир жойга тўплаб, вазиятдан чиқиш йўлини топишим зарур, деб ўйлади. У хонадан чиқиб яна тебранма креслога бориб ўтирди.

У бошини орқага ташлаганича анча тебраниб ўтирди, кейин бирдан оёғини ерга қўйиб, тебранишдан тўхтади. Нозима бир қарорга келди чоғи, сал юзига қон югургандек бўлди. «Ҳа, ҳа, Шариф менга шантаж уюштирган дейман, кейин эрим билан биргаликда прокуратурага борамиз. Унинг телефон рақамлари ҳаммаси менинг телефонимда ёзилиб қолган. У ярамасдан шундай қутулмасам, бошқа йўли йўқ», деб ўйлади Нозима.

У бу режасини пухталаш учун янада қаттиқроқ бош қотира бошлади. «Режам жуда ишонарли чиқиши керак, ахир бу менинг ҳаёт-мамотимни белгилайди!»

Нозима бирпасдан сўнг бошини сарак-сарак қилиб, йўқ, деди.

– Ишламаган бошим, ақлсиз хомкалам! – деди у бошига бир уриб. Ахир унинг қўлида ДНК кўригидан ўтганлиги ҳақидаги Фазлиддин унинг ўғли эканлигини ҳеч қачон инкор этиб бўлмайдиган далили бор-ку. Демак, шантаж ҳақидаги уйдирмам тўғри келмайди. Бошқа бирор нима ўйлашим лозим, – деди у пичирлаб.

«Шарифни ўлдиришим керак! Ҳа, фақат уни ўлдириб қутулишим мумкин. Бироқ, қандай қилиб? Мен

уни ўлдиришни эплай олармикинман? Яхшиси, одам ёллайман. Аммо ўша киллерни* қаердан топаман? Бунақалар фақат чет эл филмларида бўлади-ку. Хўп, майли уни бир амаллаб топдим ҳам дейлик. Бироқ ўша ёлмаган одамим ундан ҳам кўп пул талаб қилса-чи? Унга пулни қаердан оламан?

Энг ёмони қотиллигим фош этилса, умрим қамоқда чириydi. Йўқ, бу режамдан воз кечишим керак!»

Нозима бошини чангаллаб ўтирарди. Шу пайт уйлари тозаловчи қиз келиб унинг хаёлини бўлди.

– Нозима опа, холлдаги* қандилнинг чангини ол, деган эдингиз, унга нарвон етмаяпти?

– Нима деяпсан? – деди Нозима жаҳд билан.

– Қандилга йиғма нарвон етмаяпти...

– Мен нима қилай?

– Қандай тозалашни билмаяпман.

– Бор, менга айтмасдан, бирор йўлини топ! Мени тинч қўй! – деб бақирди Нозима.

Хизматчи қиз ҳеч қачон ўзига озор бермай гапирадиган бекасининг нимага бугун жаҳддор бўлиб қолганини тушунолмай, ажабланиб қаради ва индамай нари кетди.

Нозима хаёл суришда давом этарди.

«Шарифнинг айтган пулини йиғсаммикин. Лекин шу пулни бериб ундан қутулишимга ким кафолат беради? Балки Шариф айтган пулини олганидан сўнг мени тинч қўяр? Бироқ шунча пулни Сайфиддин акамдан қандай сўрайман. Шунча пулни нимага ишлатишимни айтишим керак, нимага сарфладим, дейман? Квартира сотиб олдим десам, мени ақддан озган деб, психиатрга кўрсатиши аниқ, шунча пул-а.

* Киллер, инг. – ёланган қотил.

** Холл, инг. – hall – жамоат биноларида катта ҳажмдаги кутиш, дам олиш учун мўлжалланган хона: турар жой биноларида эса хоналарга кираверишдаги катта, баланд хона.

Аблаҳ Шариф, илгари минг доллар, ошиб борса, икки минг доллар сўрарди, бу сафар нимага шунча сўраяпти, ҳайронман?»

Шу пайт ичкаридан гумбурлаган, тарақ-туруқ овозлар эшитилди, Нозима ўша тарафга бир қараб қўйди. У осмон узилиб ерга тушса ҳам менга барибир эмасми, дегандек, парво қилмай қошларини чимириб яна Шарифдан қутулиш ҳақидаги режаларини ўйлашда давом этди.

Ичкаридан отилиб чиққан хизматчи йигит Йўлдошнинг:

– Бийи*, Каромат зангидан йиқилиб тушди! – деган ваҳимали овози унинг қулоғига аранг кирди.

– Нимага йиқилади? – деди Нозима.

– Оёғи синдимми ёки боши ёрилдимми, хушидан кетдимми, ўлиб қолдимми, билолмаяпмиз, ўзингиз бир кўрасизми?

Нозима ўрнидан турди. У холга кириб:

– Вой, аҳмоқлар, қандилни нима қилдинглар! – деб бақириб юборди. Рангли биллурдан ишланган баҳайбат чет эл қандили ер билан битта бўлиб ётарди.

– Каромат анави ерда ётибди, опа, – деди секингина ошпаз аёл Омина опа қўли билан бир чеккада кўзларини юмиб ётган қизни кўрсатиб.

– Фалон минг доллар турадиган қандилни қандай қилиб тушириб юбординглар, ахир бунинг пулини бир умр ишлаб берсанглар ҳам тўлай олмайсанлар-ку! Бу кимнинг иши?!

– Каромат шўрлик янги келгани учун билмасдан... – деди Омина опа йиғламсираб.

– Сиз бу ерда нима қиляпсиз, ошхонага боринг.

– Тарақ-туруқ овоздан қўрқиб кетиб кирган эдим, уни дўхтирга кўрсатиш керак, шекилли?

Нозима Каромат тарафга эътиборсиз назар ташлаб:

* Бийи – янга, келинойи. Шевада.

– «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилгин! – деди Йўлдошга бақриб. Ўзи эса трубкини олиб, эрининг телефон рақамларини тера бошлади:

– Дадаси, тезроқ уйга келинг! – деди Нозима ваҳима билан.

– Нима бўлди, тинчликми?

Сайфиддин онасининг вафотидан кейин ҳалигача ўзига келмагани учун қўрқиб кетганидан юраги қиндан чиқиб кетаёзди.

– Анави аҳмоқ қиз катта қандилни тушириб юборибди.

– Қайси аҳмоқ... қандил ... – деди ҳеч нарсага тушунмай Сайфиддин.

– Тезроқ келинг, у қиз йиқилган жойида тарашадек қотиб ётибди, нима қилишни билолмаяпман!

– Қиз... қаердан йиқилган, нимага йиқилади?

– Тавба қилдим, бу уйда ҳамма ташвиш менинг бошимда, сиз ҳам ёрдам бера қолинг, келсангиз ким қаердан йиқилганини кўрасиз! – деб Нозима жаҳл билан трубкини қўйди.

«Тез ёрдам» ходимлари Кароматни ҳушига келтириш учун ҳаракат қилардилар.

Сайфиддин келиб нима гаплигини билганидан кейин Нозимадан:

– Ўзи нима учун қандилни тозалашга нарвон киритишди? – деб сўради.

– Қизиқ гапирасиз-а, дадаси, нарвонсиз қандай тозалаш мумкин, ахир қандил жуда баландда-ку?

– Наҳотки манави тугмача нима учун ўрнатилганини билмасанг? – деди Сайфиддин бурчакдаги тугмачани кўрсатиб.

– Йўқ, у нима эди? – деди Нозима.

– Бу ўша чилпарчин бўлган қандилни пастга туширувчи тугмача эди!

– Бундан чиқди...

– Ҳа, шунча пайтдан бери қандилни тозалаш учун нарвон уйга кирмаган. Сен эса қандилни тугмача-

ни босиб пастга туширишни ҳалигача билмас экансан!

– Буларни онамиз назорат қилардилар. Менга ҳам шуни бир оғиз айтиб қўйганларида олам гулистон эдику, – деди Нозима лабларини чўччайтириб.

– Бечора онам буни айтиш учун сенинг ўзингдан бўшаган пайтингни тополмаган бўлсалар керак-да? – деди Сайфиддин овозини кўтариб.

– Дадаси, бақирманг, бегоналарнинг олдида-я... – деди Нозима бошини чайқаб.

Сайфиддин қўлини силтаб унинг ёнидан кетди ва «Тез ёрдам» шифокорларидан:

– Жароҳати оғир эмасми? – деб сўради.

– Ҳушига келди, бироқ сон суяги синган, бошидаги жароҳати ҳам жиддий, касалхонага олиб кетишимиз лозим, – деди врач.

– Майли, мен ҳам ҳозир етиб бораман, ўша ерда нима зарур бўлса, ҳаммасини айтарсиз, ҳал қиламиз.

– У ерда жарроҳ билан гаплашасиз, мен фақат бориб уларга ҳолатни тушунтираман, холос.

– Майли, раҳмат, сизга, – деди Сайфиддин ва машинасини улар билан баробар ҳайдаб касалхонага кетди.

– Ёрдамчисини юборса нима қиларди? – деди Нозима эрининг касалхонага кетганини ёқтирмай.

У холга кириб ҳар тарафга сочилиб ётган қандил синиқларига қараб, ғазаб билан бақирди:

– Тезда йиғиштир, кўзимдан йўқот буларни!

Йиғиштириб олсаммикан, деб супурги, хаскаш кўтариб турган Йўлдош ишга киришди.

* * *

Фазлиддин ўқишдан келганидан сўнг чала овқатланиб, ўртоқларим билан ўтирамиз, деб кўчага чиқиб кетди. Нозима эса Шариф белгилаган муҳлат эртага тугашидан хавотирда эди.

У яна тебранма креслога ўтириб, шу ҳақда ўйлай бошлади. «Ким билади, кечаги ноҳуш воқеа юз берма-

ганида, балки муаммонинг ечимини топармидим? У мараз мени эринга айтаман, ўғлимга айтаман, деб қўрқитяпти. Агар эримга айтса, у мени ё ўлдиради ёки ўлгандан ҳам баттар қилиб, шип-шийдам аҳволда уйдан ҳайдаб юборади. Ўғлимга айтса-чи? Унда нима бўлади? Унда... Тўхта, тўхта муаммонинг ечимини топдим, шекилли.

Мен ўғлимга ҳаммасини Шарифдан олдин ўзим айтаман! Воқеани ўз фойдамдан келиб чиқиб Фазлиддинга тушунтирсам, у буни қандай қабул қилар экан? Унга Шариф ўшанда мени зўрлаган эди, энди пул талаб қиляпти, деб йиғлаб, уни ишонтиришга уришиб кўраман. Ахир ўғлим мени яхши кўради-ку.

Агар режам амалга ошса, Фазлиддин буларни ўзим ўйлаганимдек қабул қилса, Шарифга ҳеч вақо бермайман! Аксинча, энди ундан қўрқмаслигимни айтаман. Чунки мени Фазлиддин ҳимоя қилади. Ўғлим менинг айтганимни, албатта, бажаради, бунга ишонаман. У эримнинг ўзига нисбатан қаттиққўллиги, пул бермагани учун ёқтирмаслигини биламан. Мен эса ундан ҳеч қачон пулни аямаганман. Агар гапларимга қулоқ солса, унга хоҳлаганича пул беришимни айтаман. Менимча, Шарифдан қутулишнинг бошқа йўли йўқ. Эрим ишдан келгунча Фазлиддин билан гаплашишим керак, кейин кеч бўлиши мумкин», деб ўйлаб Нозима трубкани кўтарди.

– Алло, Фазлиддин.

– Опа, уйдан ҳозиргина чиқдим-ку, нима дейсиз? – деди Фазлиддин норози оҳангда.

– Ўғлим, сен билан гаплашадиган муҳим гапим бор, тезроқ келгин.

– Опа, ўша гапингизни борганимдан кейин гаплашаверамиз, ўртоқларим билан ўтирибмиз, халал берманг!

– Биласанми, бу мен учун ҳам, сен учун ҳам жуда муҳим, агар ҳозир гаплашмасак, кейин кеч бўлади.

– Майли опа, бораман, лекин сал кейинроқ, – деб Фазлиддин телефонини ўчириб қўйди.

«Эҳ, ўғлим, онангни оғир аҳволдан қутқармасанг иккимиз ҳам қийналиб қоламиз, ишқилиб эрим келмасидан бурун кел-да».

Кутилмаганда эшик қўнғироғи жириглади. Нозима домофон экранига қаради. Сайфиддин келибди, тавба, аксига олиб намунча вақтли келмаса? Нозима тугмачани босиб эшикни очди.

Сайфиддин тўғри холга ўтиб кетди. Нозима эса яна креслога ўтирганича ўйга чўмди. Сайфиддин холга кириб, ўртада туриб қолди, кейин диванга ўтирди. Бошини кўтариб ўзи яхши кўрган қандилнинг узилиб тушган ўрнига қаради, сўнг қўлини пешонасига тираб, хаёлга толди

У онам ўлмаганларида бу ҳодиса юз бермасди, деб ўйлади. Сўнг худди шу ерда диванда ёнма-ён ўтириб, яқиндагина онаси билан бўлиб ўтган суҳбатларини эслади.

– Болагинам, тиним билмай югурасан-а, уй-жойинг ҳамма ҳавас қилгудек, машина-ку ҳар бирингга биттадан, энг қимматлари. Яна сенга нима керак? Энди ўзингни кўп уринтирмай, соғлигингни ўйласанг-чи, – деганди Саида хола ўғлининг елкасини силаб.

– Вой, онажоним-эй, соғлигим жойидалиги учун югуриб-югуриб ишляпман-да. Машиналарни эслатганингиз яхши бўлди, сизга илгариям бир марта айтгандим, ўша дадам раҳматли совға қилган машинани сотиб юбораман, – деди Сайфиддин.

– Ҳа, буни илгари ҳам айтгандинг, лекин ўшандаям сенга сотма, деганман. Шу эски машинанинг пули сенга зарурми?

– Йўқ, пули учун эмас, ўша эски машина келинингизга ёқмай қолибди.

– Вой, тавба, у машинанинг келинимга нима оғирлиги тушибди-а?

– Ўша эски машина гаражда жой эгаллаб тургани сабабли у машинасини киритишга, чиқаришга қийналяпти. Гараж қанча кенгроқ бўлса, машинани шунча бемалол бошқарасан-да.

– Ўзинг айтгансан-ку, гаражимизга тўртта машина бемалол сиғади, деб.

– Тўғри, лекин шу машина эскириб, хунук кўриниб қолган, балки шунинг учундир...

– Келинимга хунук кўринган бўлса, бордир. Лекин биласанми, ўғлим, биз шу машинани даданг билан сенга атаб бир умр йиққан пулимизга сотиб олганмиз. Шу йиллари «Нексия» деган машина ўзимизда эндигина ишлаб чиқарила бошлаган эди. Балки сен эсингдан чиқаргандирсан, биринчи марта даданг иккимизни машинада айлантириб келганигда дунёда учаламиздан бахтиёр киши йўқ эди. Мен ҳар сафар гаражга кириб, сен айтган шу «хунук» машинани кўрганимда, нима учундир, худди ўша пайтдагидек ўзимни бахтиёр ҳис этаман.

– Майли, онажон, тушундим, бундан кейин шу машинани сотиш ҳақида оғиз очмайман.

– Раҳмат, ўғлим.

– Гараж торлик қилса, уни кенгайтираман, – деди Сайфиддин.

– Қандай қилиб?

– Қўшнимиз уйини сотмоқчи, шекилли, шуни ўзим сотиб олиб қўя қоламан.

– Бибижон менга бу ҳақда гапирмади-ку.

– Бу томонимиз, Мардон акани айтяпман.

– Ўзимизнинг ҳовлимиз кенгина-ку, яна бир ҳовлини нима қиласан? Ундан ташқари, шунча пулни қаердан топасан?

– Яқинда бизнесимни янада кенгайтириш учун биттасидан катта миқдорда қарз олдим, насиб этса, кўзлаган операциям муваффақиятли тугаса, бундан жуда кўп фойда қолади.

– Шунча қарзни қандай беришди?

– Э, онажон, нима қиласиз ҳаммасини билиб, яхшиси, менга қўйиб бериб, хотиржам юраверинг.

– Демак, менга айтгинг келмаяпти?

– Яширадиган жойи йўқ, айтишим мумкин, уйимизни гаровга қўйганман.

– Вой, ўлай!

– Илгари ҳам бир операцияни бажаришда уйни гаровга қўйган эдим, буни сиз сезмагансиз ҳам, ҳаммаси яхшилиқ билан тугаган. Қарзини қайтариб, анча даромад қилгандим.

– Ўғлим, жуда нотўғри иш қилибсан, кўза ҳар куни синмайди, кунида синиши мумкин. Бир офиз маслаҳатлашишинг керак эди.

– Она, бунча хавотирланасиз, ёш бола эмасман-ку, яқинда қирқ беш ёшга тўламан.

– Ишқилиб, ҳаммаси яхши бўлсин... – деди Саида хола ўғлининг ишидан кўнгли тўлмай.

«Раҳматли онажоним, менинг хато қилиб, афсусланиб қолмаслигим учун ҳар бир ҳаракатимга эътибор берардилар. Маслаҳатгўйим эдилар, энди ким билан маслаҳатлашаман, Нозима биланми? Лекин у фақат пул керак бўлиб қолсагина ёнимга келади...»

Сайфиддин шуларни ўйлаб, анча ўтирди. Эрининг шу ердалигини билса-да, Нозимадан дарак йўқ эди. Сайфиддин хотинининг беғамлигидан жаҳли чиқиб ўзини босолмай:

– Нозима!! – деб бақириб юборди.

Унинг овозига ошхонада овқат пишираётган Омина опанинг қўлидан капгири тушиб кетди, ҳовлидаги ёққан қорларни супураётган Йўлдош супургини ташлаб ичкарига қараб югурди, лекин у бийини чақирдику, мен борсам уришиб бермасин, деган хаёлда яна орқасига қайтди.

Тебранма креслода ҳалиям хаёлга чўмиб ўтирган Нозима ўрнидан сакраб туриб, ичига туфлади. У эрининг бундай оҳангда ўзининг номини айтиб чақирди-

шини илгарилари сира эшитмагани учун титроқ босиб Сайфиддиннинг ёнига келди.

– Дадаси, тинчликми? – деди у қўрқа-писа.

– Мен қачон келгандим? – деди у хотинига қараб.

– Ҳозир келдингиз... – деди Нозима Сайфиддиннинг жаҳл билан тикилган ўткир нигоҳига дош беролмай ерга қараб.

– Роппа-роса ярим соат бўлди, лекин сен креслода ялпайиб ўтирганингча ўрнингдан туриб, ҳалигача ёнимга келмадинг!

– Мана келдим-ку, дадаси.

– Мен бақирганимдан кейин келдинг, Нозима. Ҳайронман, нима учун сенинг бунақалигингни шу пайтгача сезмаган эканман-а? – деди Сайфиддин овозини сал пасайтириб.

– Қанақалигимни? – деди Нозима хавотир билан.

– Менга шунчалар бефарқлигингни. Ахир эрингман-ку, ўйлаб қарасам, шу пайтгача ишдан келганимда сен ҳеч қачон кутиб олмас экансан, фақат ўзингни ишларинг билан юрасан, муҳимроқ уй ишлари билан банд бўлсанг ҳам гўрга эди-я ёки базмга кетишга тайёрланаётганлигингни айтишади ё уйда дугоналаринг билан ўтирасан. Бошқа вақтларда эса массаж олаётган ёки шунга ўхшаш бир нима билан бандсан. Бугун бу юмушларингни эртароқ бажариб, мени кутяпсанми, деб ўйлаган эдим, аммо янглишибман, бўш ўтирсанг ҳам, ишдан келганимда ёнимга келмас экансан!

– Дадаси, менинг бошим оғриётган эди, шунга...

– Йиғиштир, ҳар хил важ-баҳоналарингни! Эшитишни ҳам хоҳламайман! Онамнинг вафотларидан кейин мен ёлғизланиб, уйимизнинг файзи кетиб қолди. Улар уйимизнинг фариштаси эканлар. Ҳамма ёқнинг орасталиги, тозалиги, буюмларнинг жой-жойига қўйилиши бу фақат онамнинг хизмати эканини мен аҳмоқ энди билибман. Сен ўзи уйда нима иш қиласан, менга бир бошидан айтиб бер-чи?

Нозиманинг назарида Сайфиддин шу ҳолатида жаҳли чиққан бургутга ўхшаб кетди, у жиккаккина, қотмадан келган киши бўлса ҳам, важоҳати қўрқинчли туюлди. «У ҳозир менга чанг солиб, тилка-пора қилади, чунки ҳамма сир-асрорларимдан хабар топган кўринади, акс ҳолда бунчаликка бормасди. Айёрлик қилиб, бирор йўлини топмасам, ҳозир ишнинг пачаваси чиқади», деб ўйлади у ва бирдан юрагини ушлаб, креслога ўтириб қолди. Кейин секин эрига қаради. Унинг ҳалиям жавоб қутиб турганини кўриб:

– Дадаси, кейинги пайтлари юрагимнинг мазаси қочган кўринади, ўша куни кўққисдан онажонимнинг ўлиб ётганларни кўриб қўрқиб кетган эдим, шунга бўлса керак...– деб йиғлаб юборди. Кейин секин инқилиб гапини давом эттирди. – Шундан бери мазам йўқ. Ҳалиям юрагим нотекис уряпти, бир тез уриб кетади, бир жуда секин уриб, тўхтаб қолгандек туюлади. Кейин мадорим қочиб, ўрнимдан туролмайд қоламан. Ҳозир сиз келган пайтингизда ҳам ўзимни ёмон ҳис қилаётгандим, шунинг учун ўрнимдан туришга ҳолим йўқ эди, кечиринг, илтимос, – деб Нозима кўз ёшларини артди.

– Нима учун буни менга айтмаган эдинг? – деди Сайфиддин юмшаб.

– Ўзингизнинг қайғунгиз етарли эди, мен ҳам касалимни айтиб сизни ташвишга қўйгим келмади.

– Сени ўзим яхши кардиологга кўрсатаман.

– Йўқ, овора бўлманг, врач берган таблетканинг фойдаси тегяпти шекилли, аста-секин ўтиб кетади, – деди шошиб Нозима.

– Сен сиқилма, мени тушунишга ҳаракат қил. Онамни йўқотганимиздан кейин менга ҳамма нарса орқага кетаётгандек туюляпти. Ўзинг уйлаб кўр, мана, оддий мисол, сен шунча йилдан бери ўз уйингдаги қандилни қандай тозалашни билмай, уйга нарвон киришиб кўнгилсизлик юз берди.

– Айб менда, – деди Нозима бошини қуйи солиб.

– Биласан, мен ўша қандилни жуда яхши кўрадим, уни чет эздан келтирганман. Ҳар сафар холга кириб, қандилга қараб кайфиятим кўтариларди. Бунинг устига, офисда ҳам ишларим орқага кетяпти. Даромаднинг ўрнига нуқул чиқим...

Нозима бунақа нарсаларга, айниқса, Сайфиддиннинг иш ҳақидаги гапларига бош қотиришни, ҳатто эшитишни ҳам истамасди, бироқ у эрига ўзини куюнаётгандек кўрсатиш учун:

– Ҳаммасини сезяпман, лекин сизга ҳеч қандай ёрдам беролмаслигимдан афсусдаман, азизим, – деди эрига яқинроқ ўтириб, бошини унинг елкасига қўйиб.

– Сен хавотирланма, ҳаммаси яхши бўлади.

– Албатта.

– Шифохонага бориб хизматчи қизнинг аҳволидан хабар олдингми? – деди Сайфиддин кутилмаганда.

Ордона, шу пайтда қайси гўрдан ҳам унинг хаёлига хизматчи келиб қолди, деб ўйлади Нозима, лекин сир бой бермай:

– Сизга шуни энди айтмоқчи эдим, қаранг, иккала-миз бир хил ўйлабмиз. Мен юрагимнинг мазаси қочганидан бери ўзим машина бошқаролмаяпман, шунинг учун касалхонага бормадим.

– Унда бирга бора қолайлик, – деб Сайфиддин ўрнидан турди.

– Сиз овора бўлманг, ишдан чарчаб келдингиз да-дажониси, мен сизни ўйлаб, келишингиздан сал илгари Фазлиддинга қўнғироқ қилган эдим. Уни кутяпман. Юринг, қорнингиз ҳам очдир, боя Омина опа овқат тайёр, деяётган эди.

Сайфиддин Нозиманинг биринчи марта унинг овқатланиши ҳақида қайғураётганини эшитиб, қувониб кетди.

– Майли, юра қол.

Овқатланиш столига овқатдан бошқа ҳамма нарсани қўйган Омина опа эр-хотиннинг овқатланиш хонасига кириши билан:

– Овқатни сузаверайми? – деб сўради.

– Ҳа, фақат дадасига сузинг, мен ҳозир Кароматни кўришга кетяпман. Биз кейинроқ Фазлиддин билан бирга овқатланамиз, – деб Нозима чиқиб кетди.

Сайфиддиннинг капалаги учиб кетди. Ахир у хотини шу ерда бўлса ҳам ёлғиз овқатланаркан. Майли, Нозима менсиз тамадди қилишга ўрганиб қолган, чоғи. У одатини аста-секин ташласа ажаб эмас, деб ўйлаб, хотинига бу ҳақда оғиз очмади.

Шу пайт кўчадан шоша-пиша келган Фазлиддин дадаси ўтирган хонага бир қадам ташлаб, остонада турганича:

– Ие, дада, бугун эрта қайтибсизми? – деди.

Сайфиддин унинг ўзига ёқмайдиган сал шалпанг-қулоқларига ва алақандай маъносиз боқувчи кўзларига, дароз бўйига бошдан-оёқ разм солиб:

– Ҳа, кир, ўтир, мен билан бирга овқатлан, – деди унга стулни ишора қилиб курсатаркан.

– Йўқ, мен кейинроқ опам билан бирга овқатланарман. Опам кўнғироқ қилиб, муҳим гап бор, деганди, тинчликми дада? – деди Фазлиддин хонадан чиқаркан, орқасига ўгирилиб қараб.

– Ҳа, анави хизматчи қизни кўришга касалхонага бормоқчи эди.

– Нима экан, дебман-а, шунга мендан бошқа одам қуриб қолгандек...– деб тўнғилаб чиқиб кетди Фазлиддин.

Сайфиддин ўғлининг орқасидан қараб қолди. Унинг иштаҳаси бўғилиб, қўлидаги санчқи билан пичоқни кўйиб ўйлади:

«Тавба, ўғлимда ўзимникига ўхшаш хислатлардан бирортасини ҳам тополмасам-а! У ёлғиз ўғлимиз бўлишига қарамай, нима учундир ҳеч бир одатини ёқтирмайман. Фазлиддин нимага бунчалик бефаросат экан-а? Онаси ҳаддан ташқари талтайтириб юборгани учунми? Раҳматли онам Нозимага қанчалик уқтирмасинлар, ўз билганидан қолмай ўғлимизни эр-

калатишдан бошқасини билмасди. Мана оқибати, у на мулозаматни билади, на одоб-ахлоқни. Бу йил институтни тугатади, ишлашга эса умуман ҳафсаласи йўқ...»

– Дадаси, биз касалхонага кетяпмиз, – деди Нозима кийиниб, тайёр бўлиб чиқиб.

– Майли, яхши бориб келинглар, – деди Сайфиддин.

Демак, мен овқатланаётганимда у кийиниш билан банд экан. Шуни ярим соат орқага сурса нима қиларди? Нима учун шу пайтгача Нозиманинг мени асло ўйламаслигига эътибор бермаганман? Ахир биз ҳаммаша шундай яшаганмиз. Мен уни яхши кўрганам учун, ҳа, фақат яхши кўрганам учун унинг ҳамма айбидан кўз юмганман. Севгининг кўзи кўр бўлади, деб шуни айтишса керак, деб ўйлади у ва иштаҳаси йўқлигидан ҳеч нима егиси келмай, ўрнидан турди. Сайфиддин онаси билан бирга ўтириб чой ичадиган хонага кириб, диванга чўзилганича шифтга тикилиб, хаёл суришда давом этди.

* * *

Нозима Фазлиддиннинг машинасида касалхонага кетаркан, ўғли билан Шариф ҳақида қай тарзда суҳбатлашишни ўйларди. «Ҳозир ҳеч нима демайман, касалхонага кириб чиққанимиздан сўнг ҳаммасини айтман. Унга бу қандай таъсир қиларкин», деб ўйлаб, Нозиманинг юраги дукиллаб уриб кетди.

– Опа, нега жимсиз, гапириб ўтиринг, ўйчан бўлиб қолибсизми? – деди Фазлиддин Нозиманинг индамай ўз хаёллари билан ўтирганига ажабланиб.

– Ҳўп, ўғлим.

– Опа, мени ҳайрон қолдирыпсиз, ҳеч гап тополмаганингизда қўшиқ эшитардингиз. Ростини айтсам, хаёл суриш сизга ярашмас экан.

– Мен ҳаммасини қайтаётганимизда гапираман, майлими?

– Нимани, опа?

– Боя телефонда айтдим-ку, муҳим гап бор, ўғлим.

– Ишқилиб бувимдан қолган хазинани топиб олмадингизми? Балки шуни яширишни маслаҳатлашармиз? – деди Фазлиддин хахолаб қулиб.

– Бу сен ўйлагандек ҳазил гап эмас, яхшиси, ҳозирча жим ўтирайлик.

– Ҳа, гапингиз ростга ўхшаяпти, сизни ҳеч қачон бунчалик жиддий қиёфада кўрмаганман.

Нозима Кароматни кўришга кириб кетиб, тезгина қайтиб чиқди. У машинанинг орқа ўриндигига ўтираркан:

– Кетдик, ўғлим, – деди.

– Вой, тавба қилдим, опа, сизга нима бўляпти, ахир сиз машинанинг орқа ўриндигига ўтирсам юрагим сиқилади дердингиз-ку. Ҳақиқатан ҳам бугун сиз бошқачасиз.

Нозима индамади, у Фазлиддинга қандай гапирсам экан, деб қийналаётган эди.

– Ўғлим, шу ерда машинани тўхтат, – деди Нозима серҳашам рестораннинг рўпарасига келганларида.

– Опа, мени ресторанга таклиф қилмоқчимисиз, боя ўртоқларим билан бундан яхшироғида ўтирганмиз. Бир кунда иккита ресторанга кириш яхши эмас, хўп десангиз, эртага келайлик.

– Фазлиддин, юр, шу ер овлоқроқ шекилли, гаплашамиз, – деб Нозима машинадан тушди.

У ичкарига кириб атрофга қаради, таниш-билишлар кўринмасди. Одам унча кўп эмас, фақат икки стол банд эди. Биттасида ёшлар, яна бир столда иккита катта ёшли киши гаплашиб ўтирарди. Улар ёшгина йигит билан кириб келган кўҳликкина жувонга қараб қўйиб, кейин яна суҳбатларини давом эттиришди. Нозима бошқалардан узоқроқда турган стол ёнига бориб, стулга ўтираркан:

– Ўтир, ўғлим, – деди.

– Опа, нима буюрай, – деди Фазлиддин онасининг рўпарасидаги стулга ўтирганидан кейин.

– Менга сувнинг ўзи кифоя, қолганини ўзинг биласан.

Фазлиддин официант қизга у-бу буюрганидан сўнг:

– Опа, нима демоқчисиз, гапиринг, қизиқиб кетяпман, – деди.

– Хўп, лекин гапни нимадан бошлашни билмай турибман.

– Менга гапиришга-я, ахир ўғлингизман, нимага ўзингизни худди бегона билан гаплашаётгандек тутяпсиз? – деди Фазлиддин елкасини қисиб.

Нозима олдида турган сув солинган қадаҳнинг қиррасида кўрсаткич бармоғини айлантириб, узун тирноғини қадаҳнинг четига секин уриб, тиқиллатиб қўйиб, гап бошлади.

– Ўғлим, бу гапни сенга гапириш мен учун жуда оғир, лекин айтишга мажбурман.

– Ўзи гап нима тўғрисида?

– Илтимос, гапимни бўлмайд эшит, агар айтмоқчи бўлганларим сенга оғир ботса ҳам, ўзингни тутишинг керак, акс ҳолда, мендан айрилиб қоласан.

– Опа, нималар деяпсиз?!

– Шариф исмли бир ярамас мендан элик минг доллар беришни талаб қиляпти...

– Буни дадамга айтмай, нима учун менга айтяпсиз, менда пул йўқлигини биласиз-ку?

– Ўғлим, гапимни охиригача эшит, шунда ҳаммасига тушунасан. Бу сенга алоқадорлиги сабабли ўзингга айтишга жазм қилдим.

– Тушунмадим, пулга бориб тақаладиган гапнинг менга нима дахли бор?

– Биласанми, мен даданг билан янги турмуш қурган пайтларимизда бир ёмон воқеа юз берган эди. Олдинлари менинг орқамдан юрадиган Шариф исмли аблаҳ пайт пойлаб, мени алдаб, ёнига чақириб номусимга теккан...

– Нима?!

– Бундан ҳам даҳшатлиси, ўшандан кейин сенга ҳомиладор бўлганман.

– Нималар деяпсиз?!

– У менга айтган пулини бермасам, сенга, дадангга ҳақиқатни айтаман, деб мени қўрқитяпти. Менда шунча пул йўқлигини биласан, дадангдан бу пулни сўраш учун сабаб тополмадим. Агар у воқеани билиб қолса, мени ўлдириши тайин, сени эса уйдан ҳайдайди. Сен хор-зорликда қолиб кетасан. Шунинг учун буни билишга ҳаққинг бор. Ахир, сен у аблаҳнинг гапи билан мендан воз кечмайсан-ку, тўғрими? Ундан ташқари, бу воқеа менинг ўз хоҳишим билан бўлмаган, у мени зўрлаган...

– Демак, менинг ҳақиқий отам ўша пасткаш эканда... Буни ҳеч қачон кечирмайман. Уни ўлдираман!

Фазлиддиннинг кўзлари ёш эди. Нозима ўғлининг аҳволидан хавотирланиб:

– Ўғлим, ўзингни бос, ахир буни учаламиздан бошқа ҳеч ким билмайди-ку. Биз иккаламиз яхшилаб ўйлаб, Шарифдан қутулиш йўлини топишимиз керак.

Официант Фазлиддин буюрган нарсаларни столга қўя бошлади. Фазлиддин унга:

– Менга ароқ келтиринг, икки ҳисса қилиб! – деди.

– Хўп...

– Ўғлим, эсингни йиғ, одамлар қарашяпти, мен сенга яхши бўлишини ўйлаб шу қарорга келган эдим, нотўғри ўйлабман...

– Сиз ҳамма ишни қойиллатиб бажаргансиз, сиз менга дада топишда устаси фаранг экансиз! Қойилман!

– Ўғлим...

– Мени ўғлим, деманг, менинг дадам ҳам, онам ҳам йўқ! – деб Фазлиддин столга бир мушт урди. У официант қиз столга қўйган ароқни бир кўтаришда бўшатиб, қадаҳни дўқ этиб қўйди. Официант қизга қараб:

– Яна икки ҳисса... – деди.

– Хўп.

Официант қадаҳни тўлдириши билан Фазлиддин уни кўтариб ичиб юборди ва ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Ресторан ходимлари ва ўтирганлар улар томонга қарадилар.

Нозима сумкасидан пул чиқариб столга ташлаб, тез-тез юриб чиқиб кетди. У бу гапларни ўғлига айтганига пушаймон эди. Нозима Фазлиддиндан олдин етиб бориш учун югурди. У шошиб машинага чиқди.

Нозима рулга бошини қўйганича ўтирган ўғлига қараб:

– Ўғлим, ялинаман, мени айблашдан бирпас тўхтаб, гапларимни яхшилаб эшит. Мен нимаики десам, ҳаммаси сенинг келажагингни ўйлаб, болам. Сен ишон, бўлиб ўтган воқеада менинг заррача айбим йўқ. Мен ўшанда ўзимни ўлдирмоқчи эдим, фақат сенга ҳомиладорлигим учун бу фикрдан қайтганман. Агар сен онанг ҳақида ёмон хаёлга борсанг, мен ўша пайтда бажаролмаган ишимни ҳозир амалга оширишга мажбурман. Чунки менга ўз фарзандим ишонмаяпти, энди менга яшашдан маъно қолмади.

Фазлиддин жим ўтирарди. Нозима айтган гапларининг унга таъсирини билиш учун:

– Майли, ўғлим, сен кетавер, хайр, бошинг омон бўлсин, фақат мени айблама. Эсингдан чиқарма, ҳаммасини сени деб қилганман, ҳаммиша руҳим сен билан бирга юради, – деб аста машинанинг эшигини очиб тушди.

У ўғлининг опа, тўхтанг, керак эмас, мен сизни яхши кўраман, дейишини кутган эди, лекин ундан ҳеч қандай садо чиқмагач, йўлида давом этди. Уни ваҳима боса бошлади. Наҳотки, ўғлим менинг ўлимимга бефарқ қараса, ростдан ҳам ўзимни ўлдириб қўйсам-а?! Нозима бошлаб қўйган ишидан пушаймон эди. У ўзини койирди. «Бу дунёда ўйламай иш қилиб қўйиб, кейин пушаймон бўлишдан чарчамайдиган иккита аҳмоқ бўлса, шуларнинг бири ўзимман, агар шундай

аҳмоқ битта бўлса, ўша битта ҳам ўзимман! Машинадан тушмаслигим керак эди...» У шундай хаёллар билан оғир қадам ташлар экан, орқасидан эшитилаётган оёқ товушларига қулоқ солиб, мабодо Фазлиддин эмасмикан, деб ўйлади. Буни аниқ билиш учун тезроқ одимлай бошлади.

– Опа, тўхтанг! – деди Фазлиддин.

– Кет, ўғлим, энди менинг қароримни ўзгартиролмайсан! – деди Нозима янада тезроқ юриб. Онаси чорраҳага яқинлашиб қолганига хавотирланган Фазлиддин югуриб унга етди ва қўлидан ушлаб тўхтатди.

– Опа, мен сизни яхши кўраман, – деб қучоқлади.

Нозима йиғларди, Фазлиддин эса уни юпатиб:

– Йиғламанг, опа, ҳаммаси ўтиб кетади, – деди.

Нозима титраб ўғлининг елкасига бошини қўйганича йиғларди. Бу унинг севинч кўз ёшлари эди. Чунки ўғли энди унга ёрдам беришга тайёр! Иккаламиз бирлашиб Шарифдан қутилишимиз аниқ, деб ўйларди Нозима.

Совуқдан дир-дир титраётган Фазлиддин:

– Опа, юринг машинага, – деб онасининг қўлидан етаклади.

Улар машинага чиқиб, юзларига урилган илиқ ҳаводан кўчада анча совқотганларини сездилар.

– Гапиринг, опа, мендан нима истайсиз? – деди Фазлиддин ўгирилиб, орқа ўриндиқда ўтирган Нозимага қараб.

Нозима ўғлининг ҳамма гапга тушуниб етганидан қувониб, унга бундан кейин қандай йўл тутишларини тушунтира бошлади. Фазлиддин эса онасининг гапларини тасдиқлаб бошини қимирлатиб қўярди. Нозима гапини тугатди, шекилли, ўғлидан кўзини узиб, ресторан томонга қаради. Боягина югуриб чиқаётганда кўзига балодай совуқ кўринган ресторан энди унга файзли туюлиб кетди. Бинонинг нақшинкор безаклар билан ишланган фасади ион чироқларининг сут-

ранг ёруғида жуда гўзал кўринарди. Унинг кайфияти кўтарилди.

«Фазлиддин жаҳл устида кўпроқ ароқ ичиб юборганига машинага чиққанымдан кейин жанжал кўтарса керак, деган хаёлга борган эдим. Буни қарангки, у ҳамма гапларимга тушуниб, нима десам рози эканини айтяпти. Муаммо бунча силлиқ яқун топади, деб ўйламаган эдим. Қандай яхши...»

– Ўғлим сен ичгансан, хўп десанг, машинани ўзим ҳайдасам.

– Ҳаммаси жойида, хавотирланманг.

– Унда жуда соз, кетдик, ўғлим. Дадангдан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз керак. У илгаригидек эмас, шу кунларда қандайдир ғалатироқдай... Ҳамма нарсага эътибор беряпти.

Нозима ўғлига нималарга диққатини қаратиши ҳақида уқтирарди.

– Хўп, опа, – деди Фазлиддин машинани юргизаркан. У боши айланаётганини сезиб, яхшиси, рулни опамга бера қолай, деб ўйлади. Бироқ йўлга чиққанларидан кейин бундан кўпроқ ичганда ҳам ҳайдаганман-ку, шу ҳам ичиш бўптими, деб йўлида давом этди.

– Сен дадам бошқа киши экан, деб асло сиқилма, ўғлим. Бундай ўйлаб қараса, бунинг нима фарқи бор, энг муҳими, сен ҳаммадан зўр яшашингда. Ҳеч кимдан кам бўлмай, қўлингда жарақ-жарақ пул ўйнашида, тўғри эмасми? – деб Нозима ўғлига қаради. Фазлиддин унинг гапини тасдиқлаб, бошини кимирлатиб қўйди.

Улар катта йўлга чиқиб яна шу мавзуда гаплашдилар. Нозима ўғлига Шарифнинг ҳаминша ундан қўрқитиб пул ундириб келганини айтганида Фазлиддин азбаройи жаҳли чиққанидан светофорнинг қизил чироғи ёнаётганига ҳам эътибор бермасдан ўтди. У орқа ўриндиқда утирган онаси томонга ўгирилиб:

– Мен у аблаҳни ўлдираман! – деб бақирди.

Шу пайт Нозиманинг қўл телефони жиринглаб қолди. У рақамларга қараб Сайфиддин қўнғироқ қилаётганини кўриб:

– Бирпасга ҳам тинч қўймайди-я! – деб йўлга қаради ва чорраҳадан йўлни кесиб ўтаётган КаМАЗ машинасига кўзи тушиб:

– Йўлга қара! – деб қичқирди. Лекин Фазлиддин қарашга улгурмади. Машина КаМАЗнинг қоқ ўртасига тўғри келган эди. Тўсатдан урилган зарбадан КаМАЗ бир томонга қийшайиб қолди, қора ВМВ машинаси эса унинг тагига кириб кетди...

КУРМАК

Вилоят прокуратурасининг терговчилар иштирокидаги мажлисидан Собиржоннинг кайфияти тушиб чиқди. У вилоят прокурори ўринбосарининг гапларидан хафа эди.

Собиржон хонасига кириб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Унинг «Биз Мирзаевдан бунни қутмагандик, наҳотки улар Ботиров билан бошқа жиноят ишининг терговини зиммаларига олишдан қочиб, қўлларидаги арзимаган «иш»ни шарт-шурт тугатиб ташламасдан, муддати тугагунча чўзиб, қўлтиқлаб юрсалар! Ишонган тоғимизнинг аҳволи шу бўлгандан кейин ёшлардан нимани кутамиз? Бунақада «тергов»нинг тақдирига ким қайғуради?»– деган сўзлари қулоғи остидан нари кетмасди.

Наҳотки, шу гаплар тўғри айтилган? Ахир Жабборовни кимдир ўлдирмоқчи бўлгани аниқ-ку. Унга суиқасд қилган жиноятчини тополмаяпман, лекин сусткашликка йўл қўйяпманми? Йўқ, аксинча, ҳатто кечалари ҳам ишляпмиз. Тергов муддати тугагунча жиноятчи аниқланиб қолса ажаб эмас...

Фарҳод кириб унинг хаёлини бўлди.

– Бу қанақаси, Собиржон ака, қўлимиздаги жиноят иши тергов муддатининг тугашига бир ҳафта қол-

ганида бизни сусткашликда айблашса-я?! Нима, биз пашша кўрияпмизми? – деди у ва компьютер қаршисига ўтирди.

Собиржон индамади.

Шу пайт қия очиқ эшиқдан терговчи Талъат кўринди. Бўйи пастроқ, лекин ёшига ярашмаган қорин кўйган бу йигит хонага кириб:

– Собиржон ака, мажлисдаги гаплардан хафа эмас мисизлар? – деди.

Собиржон унга бир қараб кўйиб, индамай у ёқдан-бу ёққа юришда давом этди.

Унинг саволини жавобсиз қолдирмаслик учун:

– Жуда хафамиз, нима деб кўнглимизни кўтармоқчи эдингиз? – деди Фарҳод азалдан Талъатни ёқтирмагани сабаб энсаси қотиб.

– Мен нима деб тасалли беришим мумкин, энди иш бўлгандан кейин танқид ҳам бўлади-да, – деди Талъат стулни тортиб ўтириб.

– Шунақа денг! – деди Фарҳод унга бошдан-оёқ разм солиб.

– Ҳа, албатта, ўзларинг яхши биласанлар, масалан, мени бугунгидан ташқари, ҳар мажлисда тилга олишарди. Кўп иш қилсанг, камчилиги ҳам тез кўзга ташланаркан. Ўзиям тергов қилавериб хўжалик жиноятларининг устаси бўлиб кетганман.

– Демак, энг уста жиноятчи ўзлари экан-да, – деди Фарҳод мийиғида кулиб.

– Э, хўжалик жиноятлари терговининг устаси демоқчи эдим.

– Шунақа демайсизми? Мен бошқача тушунибман...

– Ҳазилни ҳам қийратасиз-да, Фарҳод.

– Ҳозир кўнглимга ҳазил сиғмаяпти, айтганларимни жиддий деб қабул қилинг.

Талъат Фарҳоднинг гапига унча аҳамият бермай, Собиржонга қараб:

– Собиржон ака, сиздан бир нарса сўрамоқчиман?
– деди.

Собиржон юришдан тўхтаб унинг қаршисида нима демоқчисиз, дегандек қараб туриб қолди.

– Ўша тергов қилаётган ишингиз тўғрисида боя мажлисда анча маълумот беришди. Менинг тушунишимча, жабрланувчи ишининг тутуруғи йўқ, яшаш жойи йўқ, яқинлари ҳам йўқ, илгари ичкиликка берилган киши экан. Бу афтодаҳол одамни кимдир ўлдирмоқчи бўлганини шунчалик чуқур тергов қилиб, суиқасднинг тагига етиш шартми?

– Менинг ўрнимда сиз қандай йўл тутардингиз? – деди Собиржон.

– Нима қилардим, жиноят состави йўқлиги учун жиноят ишининг терговини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида битта чиройли қарор чиқарардим, тамом, вассалом!

– Жабрланган киши сизнинг сўзингиз билан айтганда, «афтодаҳол» одам эканлиги учунми?

– Албатта, унда ҳеч қандай келажак кўринмаяпти, бунинг устига ўлмаган, тирик қолган, жиноятни очман деб, шунча уринишнинг нима кераги бор?

– Аммо жиноятчи уни ўлдиришга бир эмас, икки марта уринган. Унинг ҳаракатини жазосиз қолдириш мумкинми? Ўша жиноятчи кейинги сафар уни ўлдириб қўйса-чи?

– Собиржон ака, айтдим-ку жабрланувчининг келажаги йўқ, аниқроғи, тамом бўлган одам.

– Менга айтинг-чи, Талъат, жиноят қонунининг мазкур моддасига қўшимча изоҳ киритилганми ёки мен бундан беҳабарманми?

– Тушунмадим?

– Қонуннинг шу моддасига фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий аҳволини назарда тутган ҳолда терговни чуқурроқ, ўртача ёки юзаки олиб борилиши ҳақидаги янги киритилган қўшимча изоҳдан наҳотки мен беҳабарман?

– Қўйсангиз-чи, унақаси бўлмайди-ку.

– Демак, қонунда унақаси бўлмаса, айтганларингиз ўзингизнинг шахсий фалсафангиз экан-да?

– Собиржон ака, нима қиласиз ўзингизни қийнаб, менинг ақлим етган нарсага сизнинг ҳам ақлингиз етпти, лекин ўзингизни кўрсатмоқчисиз, холос.

– Сизнингча, менинг терговни тўғри олиб боришим, бу – одатий ҳол эмас, ўзимни кўрсатиш учун ҳаракат экан-да?!

– Унақа демоқчи эмасман...

– Бир вақтлари сиз ҳам менинг шогирдим эдингиз, мен сизга шундай ўргатганманми?

– Сизни устозим деб ҳурмат қиламан, лекин одам фақат устозидан ўргангани билан ишламайди-ку, унинг ўзи ҳам ўйлаши, фикрлаши, шароитдан келиб чиқиб ўзи мустақил иш юритишини наҳотки билмасангиз?

– Устоздан ўрганганини бажармаслик бу – жиноят эмас, ошиб борса, ноқобиллик дейилиши мумкин, лекин қонунда кўрсатилганини бажармасдан, ўзи хоҳлагандек ҳаракат қилиш, бу бизнинг касбимизда жиноят саналади! – деди Собиржон асабийлашиб.

– Мен сизларни хафа бўлдинглар, кунгил сўрай деб кирсам, роса бошимни қотирдингиз-ку, агар аламингизни мендан олишингизни билганимда қадамимни ҳам қўймасдим! – деди Талъат. Унинг кўкиш кўзлари совуқ чақнаб кетди ва тарс ёрилай деб турган семиз юзи биров гезариб, ўрнидан турди ва:

– Хайр, – деб тез-тез юриб хонадан чиқиб кетди.

Фарҳод жойига ўтириб жиноят иши ҳужжатларини варақлашга тушган Собиржонга қараб:

– Эсингиздами, сизнинг ёнингизга иш ўрганувчи бўлиб Талъат билан бирга келганмиз?

– Эсимда.

– Ўшанда унга раҳмим келарди.

– Нима учун? – деб Собиржон қўлидаги қоғозлардан кўзини узиб Фарҳодга қаради.

– У оддий казусларни ҳам ечишга ақли етмай, бошқалар олдида ўзини ноқулай сезишини билардим.

– Қизиқ, институтни тугатган, лекин миясида ҳеч вақоси йўқ одамга нима учун раҳмингиз келганди?

– Билмайман, унга бизнинг олдимизда ҳар қадамда танбеҳ бераверганингиз учун уялганигами, ишқилиб, унга жуда ачинардим. Мен унинг ўрнида бўлсам, бу соҳада ишлашни ҳечам орзу қилмасдим, деб ўйлардим.

– Энди-чи, ҳозир фикрингиз қандай?

– Ҳозир унинг бурро-бурро гапириб, сизга ақл ўргатганига ҳайрон қолганимдан тилим калимага келмай қолди.

– Майли, Фарҳод. Талъатни қўя турайлик, ишга ўтайлик. Сизга ростини айтсам, ўша танқид жуда тўғри эди.

– Тушунмадим?

– Нимасини тушунмайсиз, ҳақиқатан ҳам мен каванинг учини топишда сусткашликка йўл қўйганман.

– Йўғ- э. Ҳар доимгидек кечаю кундуз ишляпмизку, – деди Фарҳод ажабланиб.

– Гап кечаю кундуз ишлаганда эмас, каллани ишлатишда! Мен шунча пайтдан бери Жабборовнинг бирор яқин кишисини топишга астойдил ҳаракат қилмабман.

– Ие, сизга нима бўлди, Собиржон ака? Ахир Сайфиддин ака менинг ҳеч кимим йўқ, деб неча марта айтган? Йўқ одамни қандай топамиз?

– Мен унинг гапига ишониб, бошқа йўллари қидирмабман. Балки у ўзи ҳақида ниманидир яшираётгандир? Агар биз Жабборовнинг бирор қариндошиними ёки бошқа бирор яқининими топмасак, у ҳақда тўлиқроқ маълумотга эга бўлмасак, жиноят жумбоқлигича қолиб кетаверади.

Май ойи ҳам тугай деб қолди. Собиржон эрталаб ишга келиб хонанинг деразаларини очиб қўйиб, компьютерни улади. У иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатмаларини бир бошдан қайта кўриб чиқа бошлади. Улардан бирор натижа чиқара олмади, шекилли, боши ғовлаб, столни бир уриб, ўрнидан турди.

– Ассалому алайкум, Собиржон ака, эрталабдан кайфиятингиз йўқми дейман? – деди Фарҳод ланг очик турган эшикдан кира солиб.

– Ваалайкум ассалом.

– Кеча Сайфиддин аканинг олдига касалхонага борган эдим, – деди Фарҳод Собиржон ҳозиргина туриб кетган компьютер қаршисидаги стулга бориб ўтираркан.

– Хўш?

– Сайфиддин ака хотини билан гаплашиб ўтирган экан. У энди анча соғайиб қолганини айтди ва мана буни берди, – деб Фарҳод бир варақ қоғозни стол устига қўйди.

– Нима экан у? – деб Собиржон варақни ўқий бошлади. У ўқиб чиққанидан кейин қоғоздан бошини кўтариб. – Жиноят ишини ёпишни сўрабди-ку. Нима учун? – деди.

– Мен ҳам ҳайронман, наҳотки сизни ким ўлдирмоқчи эканини билгингиз келмаса, дедим.

– Нима деб жавоб берди?

– Мен энди тузукман, ҳаётимни давом эттирмоқчиман. Бўлмаган жиноятни деб, бекорга сизларнинг бошингизни қотирганим етар, – деди.

– Қанақасига, ахир ҳақиқатан ҳам сизни кимдир икки марта ўлдиришга уриниб кўрди-ку, дедим.

– Мен сизлар ҳам, ўзим ҳам шу пайтгача ҳаётимга суиқасд деб ҳисоблаган воқеаларга оддий тасодиф, деб қарай бошладим. Биринчи кўнгилсизлик ҳақида шуни айтиш мумкин, машина эскилиги учун тормози хоҳ-

лаган пайтда ишламай қолиши табиий ҳол. Касалхонадаги воқеани тушуниш эса жуда оддий, мен комадалигимда ҳам қўл-оёғимни кескин қимирлатган бўлишим мумкин. Ҳамшира чиқиб кетган пайтда худди ана шундай қилганман. Шу пайт кислород ниқоби тушиб, игна венандан суғурилиб кетган, деб ўйлаяпман, – деди.

– Наҳотки? – деди Собиржон ҳайратланиб.

– Менимча, Сайфиддин аканинг гапида жон борга ўхшайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, уни кимдир ўлдиришга уринса, касалхонада ҳеч қандай соқчи йўқ эди, бемалол мақсадига етиши мумкин эди-ку.

– Жиноятчини қидириб, тергов кетаётган бир пайтда-я. Бундай қилиш учун жиноятчи ақли норасо шахс бўлиши лозим эди.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми?

– Ҳа. Айтинг-чи Фарҳод, сизнингча, ўша қимматбаҳо рўмолча қаердан келиб қолган?

– Билмадим, балки у Дездемонага тегишлидир, – деди Фарҳод кулиб.

– Фарҳод, ҳозир ҳазилнинг вақти эмас, масалага жиддий ёндашишимиз керак! – деди Собиржон қовғини уйиб.

– Биламан, бироқ ўша рўмолчанинг қаердан келиб қолганини қанча ўйласам ҳам тополмаяпман-да. Агар биз рўмолчанинг эгасини қотилликни режалаштирган шахс, деб ҳисобласак, бу мантиқдан анча узоқ бўлади.

– Нима учун?

– Чунки бой-бадавлат хонимга афтодаҳол, зўрға кунини кўраётган, ичкиликка берилган кишининг ўлими нима учун керак? Майли, у ўша кишини ўлдиришга ҳаракат қилган ҳам дейлик, лекин унинг ўзи шуни амалга оширишга уриниши мумкинми? Мен бунга асло ишонмайман! – деди Фарҳод қизишиб.

– Айрим пайтлари жуда «даҳо» бўлиб кетасиз-да. Хўш, тушунтириб беринг-чи, нима учун мумкин эмас? – деб Собиржон ўйланиб қолди ва Фарҳодга қараб:

– Сайфиддин ака бу аризани сиз борганингиздан кейин ёзиб бердимиз? – деб сўради.

– Йўқ, мен кетаётганимда тайёр аризани қўлимга тутқазди.

– Тушунарли...

– Мен эса тушунмадим, аризани қачон ёзганининг нима фарқи бор, жабрланувчи терговни тўжтатишни истаяпти. Бу ҳаммамиз учун айни муддао эмасми?

– Кўпчиликнинг хоҳишини инобатга олсак, ҳа, айни муддао... Тергов қилиниши лозим бўлган ишлар қалашиб ётибди. Буни ўйлаб кўришим керак, ҳақиқатан ҳам майда-чуйда муаммолар атрофида ўралашиб қолдик, шекилли...

– Э, бормисиз, Собиржон ака! Сизнинг бундай қарорга келишингизни хаёлимга ҳам келтирмагандим! Шунинг учун ҳам Сайфиддин акага мен билган терговчи Мирзаев сизнинг аризангизни инобатга олмайди, у фақат сезгиларига қулоқ солади, деган эдим. Қаранг-а! Фарҳод хурсандлигидан бақриб гапирарди.

– Шунақа деганмидингиз?

Эшикдан прокурор ёрдамчиси Саъдулла ака кўринди.

– Нимага шовқин солаёпсизлар, овозларингиз йўлакка эшитиляпти? – деди у.

– Келинг, Саъдулла ака, – деди Собиржон.

У Собиржоннинг қаршисидаги стулга ўтираркан:

– Чойингиз бўлса, қуйинг ука, – деди.

– Чой анча совиган, иссиғидан дамлайми? – деди Собиржон чойнакни кўтариб.

– Совуғи яхшироқ, шу қанд касалининг падарига минг лаънат, нуқул чанқаб юрасан, – деди Саъдулла ака соғлигидан нолиб.

– Саъдулла ака, нафақага қанча қолди? – сўради Фарҳод Саъдулла аканинг ҳансираб ўтиришига раҳми келиб.

– Атиги олти ой қолди, ўғлим. Прокуратура ходими учун эсон-омон шу ёшга етиб, иззат-икром билан на-

фақага кузатиб қўйишганидан катта бахт борми? Ўша кун и хамма чарчоқларим чиқиб кетса, ажаб эмас.

– Ҳа, албатта...

– Айтмоқчи, ёмон янгиликдан хабарларинг борми?

– деди Саъдулла ака пиёлани столга қўяркан.

– Қанақа янгилик?

– Боя Талъатни олиб кетишганини эшитмадингларми?

– Қаерга?

– Унинг хонаси менинг хонам билан ёнма-ён. Шунинг учун ҳаммасини ўз қўзим билан кўрдим.

– Тушунтириброқ гапирсангиз-чи, ўзи нима гап? – деди Собиржон.

– У аҳмоқ бола пахта заводининг ишини тергов қилаётган экан, каттагина пул сўрабди. Пора олаётганида қўлга туширишибди. Ҳозиргина олиб кетишди.

– Ярамас Талъат, иснод келтирибди-ку! – деди Собиржон асабийлашиб.

– Дарвоқе, у сизнинг шогирдингиз эди. Қаранг, сизнинг шогирдларингиз ичидан бунақаси чиқади деб, ким ўйлабди, дейсиз?

– Мен унинг қадам босиши ўзгариб қолганини сезган эдим, лекин бунчаликка боришини...

– Яхши иш бўлмади, лекин кўп куюнманг, ахир айтишади-ку, гўшт суяксиз бўлмас, шоли – курмаксиз, деб. Ҳамма соҳада ҳам бунақа «курмак»лар учраб туради. Нодонлар нафслари ҳакалак отиб ўзларининг оёқларига ўзлари болта уриб, чопиб ташлайдилар-да, кейин оёқсиз қолиб, юра олмай, қилмишларига пуншаймон бўлишади...

КУЛФАТ

Сайфиддин хотини билан ўғлини дафн қилгач, ҳайхотдек уйда ёлғиз қолди. У қирқ беш кун ичида аввал онасидан, сўнг фарзанди ва хотинидан ажраб қолгани учун тамоман ўзини йўқотиб қўйганди. У ҳатто йиғ-

лашга ҳам ўзида куч тополмасди. Ҳеч кимнинг тасаллиси унинг қулоғига кирмас, неча кундан бери кечалари кўзи юмилмаганини, бирор нима тамадди қилгани ёки қилмаганини ҳам билмасди.

Сайфиддин шу йўсинда маъракаларни бир амаллаб ўтказди. Кейин эса кўчага чиқмай ётиб қолди. У уйдаги хизматчилар келтирган таомлардан татиган бўлар, лекин томоғидан ҳеч нима ўтмасди. Уни йўқлаб келганларга уйда эмаслигини айтиб, қайтариб юборишни қаттиқ тайинлади.

Тасалли бериб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришга чиққан кўни-кўшнилар унинг остонасидан қайтаверганларидан сўнг чиқмай қўйдилар.

Сайфиддиннинг фикрлари чувалашиб кетган эди. У ғамга ботиб ётганича ҳеч нимани ўйламасди. У бошига тушган шунча кулфатлардан кейин ўзининг ҳалиям тириклигига ишонмасди. У фақат бир нарса-ни, ҳамма яқинларидан ажраб, ёлғиз ўзи суппайиб қолганини ҳис қиларди, холос.

Ана шунда унга оға-инисининг йўқлиги ёки жуда яқин дўсти ҳам бўлмаганлиги алам қилди. Шунчаки пул билан алоқадор таниш-билишлар ундан ўзларини олиб қочишган эди.

Сайфиддин шу алфозда қанча ётганини билмасди. У тасодифан ойнага кўзи тушиб қолиб, кимдир уйга келибдими деб ўйлаб, орқасига ўгирилиб қаради. Чунки ойнадан унга юзини соқол босган, териси суягига ёпишган бир одам қараб турарди. Уйда ҳеч ким йўқлигини билгач, ойнадаги киши ўзи эканини пайқаб қотиб қолди. У ўзининг аҳволидан воқиф бўлгач, ҳўнграб йиғлаб юборди. Йиғлайверди, йиғлайверди...

Ниҳоят, у йиғидан тўхтаб, ўтган воқеаларни эслай бошлади.

«Мен онамнинг ўлиmidан кейин шўрлик Нозимани қийнаб қўйгандим. Ўша лаънати қандил учун уни қанча айбладим-а? Қандил одамдан азизмиди?! Севган кишимдан... Мен уни қанчалик яхши кўрардим.

Ўйлаб қарасам, мен нима қилсам фақат Нозимани деб ҳаракат қилган эканман. Унинг ҳеч нимага зориқиб қолмаслиги учун сўраган пули қанчалигидан қатъи назар берардим. Жонимни жабборга бериб елиб-югуришимдан мақсадим ҳам шу эди. Унинг пул сарфлашига ҳеч қачон қаршилиқ қилмаганман, лекин ўлимидан олдин уни хафа қилдим. Ана шу мен учун армон бўляпти.

Фазлиддинни жонимдан ҳам яхши кўришимни энди сезяпман. Тириклигида бирор марта эркалатмабман-а. Шунчалар ношукур эканман. Ундан ўзимга ўхшаш жиҳатини излардим. Онасига тортса, нима қипти? Мана, энди уларни ҳеч қачон тополмайман!»

Сайфиддин камод устидаги учаласининг тушган расмларига қараб, анча туриб қолди. Кейин эса яна бошқа расмлар ҳам бор эди, шекилли, деб ўйлаб камоднинг эшигини очди. У бир неча шиша ароқ турганини кўриб, эшикни бекитиб қўйди. У ўзига боғлиқ бўлмаган алақандай куч таъсирида ўша эшикни қайта очиб, шишалардан бирини қўлига олди. Уни очиб, шишани кўтарганича ича бошлади. Балки ўшанда Сайфиддиннинг ароққа кўзи тушмаганида, у қачондир ўзига келиб, қайғу-аламларни четга суриб, ҳаётини бошқатдан бошлашга ҳаракат қилармиди? Бироқ у ароқни кўриб қолганди...

Сайфиддин қўлида ароқдан бўшаган шишани ушлаганича гиламга чўзилиб донг қотиб ухлади. У шу ётганича қанча вақт ухлаганини билмади.

Йўлдош хўжайинига сездирмай, секингина келиб унинг аҳволидан хабар олиб юрди. Сайфиддиннинг эрталаб гиламда чўзилиб қолганидан кечқурун ҳам ўрнидан турмаганига хавотирланиб, бориб томирини ушлаб кўрди. Унинг тириклигини билганидан кейин шўрлик неча кундан бери ухламаган эди, пича ором ола қолсин, деб бошига ёстиқ қўйиб, устига кўрпа ёпиб қўйди.

Эрталаб боши тарс ёрилай деб турган Сайфиддин яна бир шишани очиб, икки-уч қултум ичди. Оғриқ сал босилгандек бўлди.

Бундан кейинги кунлар худди шу йўсинда давом этди. Йўлдошнинг келтирган егулигидан озгина тамадди қилиб, ароқ ичиб ухларди. Сайфиддин ана шунда ҳаммасини унутар, тўғрироғи, ҳеч нимани уйламасди.

Бир куни эрталаб Сайфиддин Йўлдошнинг ароқсиз, фақат нонушта келтирганини кўриб:

– Нимага ароқ йўқ? – деди.

– Кечиринг, хўжайин, уйда ҳеч қандай спиртли ичимлик қолмади, – деди Йўлдош.

– Наҳотки? – деди Сайфиддин ва деразадан боғга қаради, у боғ ўртасидаги катта ўрикнинг оппоқ гуллаганини кўриб онасини эслади. Бир неча йил илгари Саида хола ўрик кўчатини ўғлига тутқазиб:

– Раҳматли дадам эккан ўрик шунча йилдан кейин қуриб қолди, унинг ўрнига экин болам, руҳлари шод бўлиб юради, – деган эди.

– Баҳор келдими? – деди Сайфиддин шуларни ўйларкан.

– Ҳа, бугун иккинчи апрел.

– Дарров уч ой ўтиб кетибди. Иккинчи январда Нозима билан Фазлиддинни ерга қўйган эдим. Улар энди йўқ, мен эса ҳалиям тирикман. Бор, Йўлдош, ароқ келтир! – деб Сайфиддин унга пул узатди. Йўлдош пулни оларкан:

– Хўп, хўжайин, лекин сизга бир нарсани айтмоқчи эдим... – деб чайналди.

– Нимани?

– Офисдан қўнғироқ қилишди, кейин ўзлари келишди. Сиз билан гаплашишлари жуда зарурлигини айтдилар. Сиз ҳеч кимнинг киришига рухсат бермаганингиздан сўнг қайтиб кетишди.

– Мен сенга иш юзасидан ким нима дейишидан қатъи назар, гапирма, деган эдим-ку!

– Лекин улар кимлардир ниманингдир муддати ўтиб кетгани учун сизни судга беришаётганини айтгандилар.

– Менга барибир. Ўша суд мени отиб ўлдиришга ҳукм қилса, айна муддао бўларди, бу азоблардан қутулиб, у ёққа кетганларнинг ёнига борардим. Бу ерда битта ўзим нима ҳам қилдим?

– Хўжайин...

– Ма, манавиларни ҳам олгин-да, яхшиси, сен ароқни яшиги билан келтиргин, хўпми? – деб Йўлдошга бир пачка пул узатди.

Йўлдош чиқиб кетди.

* * *

Кунларнинг бирида эрталаб нонушта тайёрлаб келган Йўлдош:

– Хўжайин, бугун имом домлани чақириб Қуръон тиловат қилдирсакми деган эдим? – деди.

Сайфиддин нима учун дегандек унга савол назари билан қаради.

– Бугун декабр ойининг иккинчи куни...

– Раҳматли онажоним... Мен ноқобил фарзандман, ҳатто сизнинг вафот этган кунингизни ҳам унутаёзиман, чунки кунларни билмайман. Сен домлага айтгин, бугун келсин.

– Хўп.

Йўлдош чиқиб кетганидан кейин сал ўтмай бир йигит билан қайтиб келди. Сайфиддин унинг рухсатисиз олдига кимнидир бошлаб келганидан жаҳли чиқиб:

– Нимага менга айтмасдан олдимга бировни олиб кирдинг! – деб бақирди. Йўлдош хўжайинининг шундай дейишини билган чоғи, унинг бақирғига унча аҳамият бермасдан:

– Бу йигит сартарош... – деб тушунтирди.

– Майли, – деди Сайфиддин.

Сайфиддин кўчага чиқмагани учун соч-соқолига ҳам эътибор бермасди. Қабристонга бориш олдидан

хўжайинининг соч-соқолига Йўлдош қарарди. Сайфиддинга эса унинг қандай қиртишлаганининг фарқи йўқ эди.

Хонага кириб Сайфиддинга бирдан кўзи тушган сартарош сесканиб кетди. Бунни сезган Йўлдош уни олдиндан огоҳлантириб қўймаганига пушаймон бўлиб:

– Хўжайиннинг товлари йўқ эди, ука, энди бу ёғини ўзингиз бир амалларсиз, – деди.

– Хўп, – деди сартарош ва бироз хавфсираб Сайфиддиннинг ёнига келди.

Сартарош ишини тутатгач, Йўлдош уни кузатгани кетди. Сайфиддин кўзгуга қаради. У анча ўзгариб кетганини кўриб узоқ тикилиб турди кейин бирдан:

– Йўлдош! – деб чақирди.

– Лаббай, хўжайин.

– Ароқ олиб кел!

– Мен бугун сизга ароқ бермайман, чунки Саида холани ҳурмат қилардим... Ҳозир домла келади.

Сайфиддин индамади, ахир ҳозиргина гапираётганимни дарров унутаманми деб, ичида ўзини койиди. У Йўлдошнинг тайёрлаб қўйган тоза кийимларини кийди. Кейин диванда ғужанак бўлиб ётиб қолди.

Сайфиддин титрай бошлади.

– Уй совиб кетди, устимни қалинроқ қилиб ёпиб қўй, – деди у Йўлдошга.

Устига икки қават кўрпа ташланганига қарамай, Сайфиддин қалтирарди.

– Аччиққина мастава қилган эдим, ичасизми? – деди Йўлдош унинг аҳволига раҳми келиб.

– Нимага сен... Омина опа қаерда? – деди Сайфиддин титраб.

– Унинг қиладиган иши қолмаганидан кейин аллақачон кетиб қолган.

– Каромат-чи? У тузукми?

– Унинг бир оёғи ишламайди, ҳассада юрармиш.

– Шўрлик қиз...

Бир амаллаб шу кунни ўтказган Сайфиддин кейинги кунлари яна одатдагидек ича бошлади.

Эрталаб қўлида аллақандай қоғоз ушлаб келган Йўлдошга:

– Нима учун ароқнинг ўрнига қоғоз узатасан, керак эмас, – деб Сайфиддин қоғозни ўзидан нарига итарди.

– Суддан чақирув қоғози келибди, ҳамкорларингиз шартнома шартларини бажармаганлигингиз учун сизни судга бериш ҳақида огоҳлантирган эди. Хўжайин, ялинаман, бугун ичманг, судга боринг, – деди Йўлдош.

– Мен ҳеч қаёққа бормайман, нима қилишса, қилишаверсин. Улар қандай қарор чиқарса ҳам менга нисбатан Худонинг чиқарган ҳукмидан қаттиқ жазо йўқ, тушундингми? Менга ароқ бер!

Кўп ўтмай Сайфиддин шартномани тузган иккинчи томонга келтирилган зарар учун катта миқдорда пул тўлаш ҳақидаги суднинг қарорини олди. Суд ижрочилари уйдаги учта машинани кимошди савдосига қўйиб, суд қарорини ижро қилишди.

Сайфиддин бунга заррача аҳамият бермади.

Шу воқеадан бир неча кун ўтганидан сўнг Йўлдош кириб:

– Хўжайин, кимдир кириб гаплашишим жуда муҳим деяпти, кирсинми? – деди.

– Йўқ, кераги йўқ... – деди Сайфиддин аранг тили айланиб.

– Бу ҳовлингиз билан боғлиқ деяпти.

– Менга барибир.

– Сайфиддин, қарзингизни қайтариш муддати ўтиб кетди, лекин сизга яна бир ой муҳлат бераман, агар, шунда ҳам қарзингизни қайтармасангиз, ҳовлингизни ўз ихтиёрингиз билан бўшатиб қўйишингизга тўғри келади! – деди келган киши унинг қаршилигига қарамай ичкарига кириб.

– Нима қилсангиз, қилаверинг... – деб Сайфиддин ухлаб қолди.

– Хўжайинингиз ҳозир тушунадиган аҳволда эмас экан, сал ўзига келганидан кейин менинг айтганларимни тушунтириб қўясиз, – деди у одам Йўлдошга қараб.

– Хўп.

Бироқ Сайфиддинга буни тушунтиришнинг иложи йўқ эди.

Бу ҳовлида Сайфиддиннинг ота-боболари яшагандилар, аммо у уйни қайта қуриб қаср барпо этди, Саида ая бундан фахрланганди. Лекин қарзлари эвазига ҳовли ҳам кимошди савдосига қўйилди.

* * *

Сайфиддин деразадан қараб гупиллаб қор ёғаётганини кўрди. У ҳамма фалокат қишда юз берганди, оиламдан ажраб қолганимга дарров бир йил бўлиб қолибди, назаримда, худди бир кун ўтгандек, деб ўйлади. Кимдир келиб унга салом берди. Сайфиддин алик олмасдан:

– Сизга нима керак? – деди.

– Мен бу уйнинг эгасиман, шундай экан, менга нима кераклигини ўзингиз яхши тушунасиз... – деб унга қўлидаги ҳужжатларни узатди.

Сайфиддин ҳаммасига тушунди.

Ҳовлининг янги хўжайини Сайфиддинга уйдан чиқиб кетишни талаб қилганидан кейин у лаш-лушларини йиғиштириб уйдан чиқди, лекин қаерга боришни билмасди.

Сайфиддин изгирин совуқда букчайиб, кўчанинг ўртасида туриб қолди. Унинг аъзойи-бадани совуқдан музлаб қолай деганда, сал наридаги тахта ўриндиққа кўзи тушиб, бориб ўтирди. У бошини пўстини ичига тортиб, ғужанак бўлганича онасини эслади. Чунки шу тахта ўриндиқни унга гужумнинг остига қўйишни Саида хола айтган эди.

– Она, биз кўчага чиқиб ўтирмаймиз-ку, нима кераги бор ортиқча ташвишнинг, – деганди ўшанда Сайфиддин.

– Бу нима деганинг, бобонг эккан гужумнинг остига битта тахта ўриндиқ кўйишга қийналяпсанми?

– Кераги йўқ нарсага...

– Менимча, шу ўриндиқ энг зарур нарса, бу сенинг одамлар учун қилган энг савоб ишинг бўлади. Жазирама иссиқда келаётган йуловчи бирпасгина шу ерда ўтириб ором олиб, дуо қилиши, бу, сенингча, керак эмас нарсами?

Шунча йиллар ўтиб Сайфиддин бу ерда биринчи марта, тикка туришга оёқларининг мадори қолмаганида қақшаб-қалтираб ўтирди.

– Эҳ, онажон, ҳозир менга сизнинг доно маслаҳатларингиз шунчалар асқотяптики, ўзим ҳатто бирор нимани ўйлашга ҳам қодир эмасман, – деди Сайфиддин пичираб. У совуқдан дағ-дағ титрарди.

Югуриб келган Йўлош Сайфиддиннинг жонига оро кирди.

– Хўжайин энди қаерга бормоқчисиз? – деди Йўлош.

– Билмайман...

Сайфиддиннинг ҳаммаёри гупилаб ёғаётган қордан оппоқ бўлиб, тахта ўриндиқда ўтирарди.

Йўлош унга раҳми келиб, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Қандай одам эди, қандай аҳволга тушди-я. Ўша ароқни чиқарганга минг лаънат! Бошига оғир ташвиш тушган ҳамма ҳам шу кўйга тушиб қолмайди-ку. Мажбур қилса ҳам, мен унга ароқ келтирмаслигим керак эди... Йўлош ана шуларни ўйларкан, Сайфиддиндан кўз узиб, гараж томонга қўлини чўзди.

– Хўжайин, анави кўк машинани-чи гараждан чиқариб ташлашди, у сизга тегишли экан.

Сайфиддин ўгирилиб қаради.

Устини оппоқ қор қоплаган, гилдираклари тепасидан кўк ранги кўриниб турган ўша дадаси билан онаси совға қилган кук машина!

– Ким ўйлабди, дейсан, кимгадир текинга бериб юборишни истаган «хунук» машинанинг бир кун ке-

либ менга бошпана бўлишини? – деди у Йўлдошга қараб.

Сайфиддин машина томонга қараб тез-тез қадам ташлади. У машинага чиқиб, эшигини бекитди. Изғирин совуқдан киргани учунми, машинанинг ичида унинг юзига аллақандай ёқимли, иссиқ тафт урилганини туйди. Сайфиддин рулга пешонасини қўйиб ўтириб онасининг гапларини эслади: «...Балки бу машина келинимга ёқмас, лекин мен уни ҳар сафар кўрганимда даданг, сен ва мен шу машинада сайр қилиб юрганимизни эслайман, ширин хотиралар кўз ўнгимда гавдаланади. Мени хафа бўлмасин десанг, машинани йўқотма...»

– Онажон, ўшанда қўнглингиз ниманидир сезганмиди? – деб Сайфиддиннинг кўзлари ёшланди. У ҳозиргина қадрдон уйини кимларгадир ташлаб чиқиб кўчада қолиб кетганида, совуқда музлаган тахта ўриндикда ўтирганида, қаерга боришини билмай боши берк кўчага кириб қолганида кўзига бир томчи ёш келмаган эди. У машинага чиқиши билан ўзини онасининг бағрида ўтиргандек ҳис этиб, унга бутун дардларини тўкиб солаётгандек туюлиб, ичидаги ғам-аламлари аччиқ-аччиқ кўз ёшлари билан тўкилаётгандек эди. У шу кўйи анча ўтириб қолди.

Ташқарида турган Йўлдош машина ойнасини секин тақиллатди. Сайфиддин йиғидан қизарган кўзларини аранг очиб, унга қаради.

У машинани юргизмоқчи бўлиб калитни буради, бироқ машина юрмади.

Йўлдош машина капотини очиб:

– Машина анчадан бери юрмагани учун аккумулятори ўтириб қолган. Мен ҳозир бориб уни тузаттириб келаман, – деб аккумуляторни бўшатди.

Сайфиддин индамай чўнтагини кавлаб унга пул узатди.

– Пулим бор, – деб Йўлдош пулни олмади.

У кетганидан кейин ҳам Сайфиддин машинада рулни ушлаб ўтирар, аламли кўз ёшлари тўхтамас эди. У унсиз йиғларди. Йўлдош келиб машинанинг эшигини очганидагина у бошини кўтарди. Хўжайинининг ўсиб кетган соқоли орасидан сизиб, иягидан оқаётган ёшни кўриб Йўлдош унга бирор нима деб тасалли бермоқчи бўлди, лекин нима дейишни билмай:

– Ҳозир машинани юргизамиз... – дея олди, холос.

Йўлдош айтганидек, машинани юргизишди, аммо Сайфиддин қаерга боришни билмасди. У чўнтагидан кир рўмолчасини чиқариб, юз-кўзларини артди.

– Машинага чиқ, сени уйингга ташлаб қўяман, қайси тарафда яшайсан? – деди у машинанинг олдинги эшигини очиб.

Йўлдош машинага чиқиб:

– Ўзингиз... қайси тарафга борасиз? – деди.

– Мен... менга барибир, бирор меҳмонхонага борарман...

– Агар бизникига борсангиз, ота-онам хурсанд бўлишади.

– Қаерда яшашингни айтмадинг-ку?

– Ҳали айтмадимми... Тўғри, уйимиз бир хонали, лекин балконни ҳам кичкина хона қилганмиз. Ота-онам у ерда ётишни яхши кўрадилар. Мен эса ошхонада ухлайвераман, чунки кун бўйи ишдаман, кечаси ётишга иссиққина жой бўлса бўлди-да... Сиз учун бўш хона топилади.

– Раҳмат, Йўлдош, уйланмаганмисан?

Сайфиддин ана шунда уйда беш йилдан бери хизмат қилаётган одамнинг ҳаётига энди аҳамият берганига ўзини ёмон кўриб кетди.

– Уйланган эдим, иккита қизим ҳам бор. Ажрашганмиз.

– Нимага?

– Хиёнат қилди...

– Ҳа...

– Болалар қийналмасин, деб уйни уларга ташлаб чиқдим. Мен ота-онам билан бир хонали уйда яшайман.

– Сен манзилингни айтмадинг...

– Етиб келдик ҳисоб, сал юрганимиздан кейин тушиб қоламан.

Сайфиддин Йўлдошни муюлишда туширди.

– Хўжайин, телефон рақамимни биласиз, агар ёрдамим керак бўлса, мени чақиринг.

Сайфиддин индамай бошини қимирлатиб, машинани ҳайдаб кетди. Йўлдош анча пайтгача унинг ортидан қараб турди.

ҲАЙРАТ

Собиржон жабрланган Сайфиддин аканинг аризаси бўйича терговни тўхтатишни ўйларди, бироқ унда ҳақиқатнинг тагига етиш истаги устун келаётганди.

Шунинг учун ҳам Собиржон кечагина Сайфиддин ака билан бўлган суҳбатни бир бошдан эслай бошлади. Назаримда, у ҳаётига суиқасд қилган кишининг кимлигига қизиқяпти, лекин нима учундир терговнинг давом этишини истамаяпти. Даволовчи врач унинг касалхонадан чиқишга бир неча марта рухсат сўраганини айтди. Балки салкам икки ойдан бери шифохонада ётавериш жонига теккандир? Ёки деярли ҳар кунги сўроқлар, юзлаштиришлар ва бошқа ғалвалардан безор бўлиб кетдимикин? Ё мен кўра олмаётган яна бошқа бирор сабаб бормикин?..

Дарвоқе, у бир йил ичида, кейинги уч ойни ҳисобламаганда, борган жойим фақат қабристон эди, деганмиди? Ҳа, худди шундай деди. Демак, Сайфиддин ака оиласидан ажраб қолганидан сўнг ҳеч қаёққа чиқмаган, ҳеч ким билан гаплашмаган, фақат қабристонга бориш учунгина кўчага чиққан!

Буни илгарироқ ўйлашим керак эди. Унинг энг кўп борган жойида уни яхши биладиган, мен аниқдай ол-

маётган ниманидир биладиган киши бўлиши мумкин. Собиржон бу фикридан қувониб кетди.

Хонага шошиб кирган Фарҳод Собиржоннинг кайфияти яхшилигини сезиб:

– Кайфиятингиз яхшилигига қараганда, иш бўйича бирор янгилик бор, топдимми? – деди.

– Ҳозирча ҳеч қандай янгилик йўқ.

– Ҳа, майли, ҳозирча бўлмаса, тез орада бўлиб қолар.

Собиржон ака, мен бугун вақтлуроқ кетмоқчи эдим.

– Қаерга?

– Футбол ўйнамоқчимиз.

– Қанақа футбол?

– Ҳозиргина қўнғироқ қилишди, бизнинг маҳалла болалари қўшни маҳалла билан ўйнамоқчи экан. Мен бир чеккада қараб ўтирсам яхшимас, бориб уларга ёрдамлашмоқчиман.

– Бугун футбол ўйнай олмайсиз, деб ўйлайман.

– Нимага?

– Чунки ҳозир сиз мен билан бошқа ёққа боришингизга тўғри келади.

– Қаёққа?

– Қабристонга.

– Нима? – деб сесканиб кетди Фарҳод.

– Ҳа, биз ўша Сайфиддин ака айтган қабристонга борамиз.

– Қизиқ, у ерда нима қиламиз?

– Бу қандай савол? Биз иш бўйича борган еримизда нима қиладиган бўлсак, у ерда ҳам худди шундай қиламиз.

– Лекин биз иш бўйича бориб, тергов қилардик.

– Ҳа, биларкансиз, нимага сўраяпсиз?

– Бироқ, у ердагиларни сўроқ қилиб бўлмайди-ку.

– Нимага?

– Чунки улар аллақачон сўроқ-саволларга жавоб беришган, бизнинг эса ҳеч нимани сўрашимизга ҳожат қолмаган, деб ўйлайман.

– Нима деб ўйлаш сизнинг ишингиз, кетдик, – деди Собиржон Фарҳоднинг кесатигига эътибор бермасдан йўлга отланаркан. Фарҳод ҳам ноилож норози қиёфада унга эргашиди.

Улар Сайфиддин ака айтган мазорга етиб борганларида қуёш ботиш арафасида турган эди.

– Менимча, мен билган нарсани сиз ҳам биласиз, – деди Фарҳод машинадан тушаркан Собиржонга қараб.

– Нимани?

– Одатда, қабристонга қуёш ботганидан кейин кирилмайди.

– Тўғри, лекин қўлингиздаги тергов қилинаётган жиноят ишининг муддати тугашига атиги беш кун қолган бўлса-чи?

– Бунисини билмадим, – деди Фарҳод тўнғиллаб.

– Бунинг устига ҳали қуёш ботганича йўқ.

Машина келиб тўхтаганини билган қаровул чол ўзининг кичик ҳужрасидан чиқди. У оппоқ сурпдан кўйлак-иштон, бошига ҳам оқ думалоқ дўппи кийган эди. Чол букчайиб қўлидаги ҳассаси билан тез-тез қадам ташлаб йигитлар ёнига келди. Саломлашганларидан кейин Собиржон ўзларини таништириб:

– Сизнинг исмингиз-чи, ота? – деди.

– Ҳусан отаман, ўғлим, – деди чол сал қаддини ростлаб, оппоқ соқолини силаб.

– Ота, сиздан бир-иккита нарса сўрамоқчи эдик, ҳозир вақтингиз борми? – деди Собиржон.

– Ҳозиргина асрни ўқиб чиқдим, шом намозигача вақтим бор, ўғлим.

– Қаерда гаплашсак бўлади?

– Қаерда дейсанми? Ҳужрага кирамиз, ўша ерда бир пиёла чой ичиб, бафуржа суҳбатлашамиз.

Ҳусан ота йўл бошлади.

Фарҳод жим эди, у нимадандир чўчиётганга ўхшар, атрофга ҳадиксираб аланларди. Собиржон унинг

аҳволини сезиб, шогирдининг ўзини ёш боладек тутаётганига кулгиси қистаб:

– Фарҳод, аҳволингиз яхшими? – деди.

– Бўлади... – деди Фарҳод қабрлардан кўзини узмай.

Улар Ҳусан ота яшайдиган кичкина хонага кириб, ихчамгина хонтахта атрофида ўтирдилар. Ҳусан ота чой қўйгани чиқиб кетди ва кўп ўтмай қайтиб келиб:

– Мендан нимани сўрамоқчи эдинг, ўғлим? – деди Собиржонга қараб.

– Сайфиддин ака тўғрисида, уни танийсизми?

– Ҳа, Сайфиддинни танийман, ундан хавотирланаётган эдим.

– Нимага?

– У бу ерга тез-тез келиб турарди, мана, икки ойдан ошяпти, кўринмай қолди, ишқилиб тинч эканми?

– Ҳа, у ҳозир анча тузалиб қолди.

– Унга нима бўлган эди?

– Автоҳалокатга учраганди.

– Шўрлик, ичиб машина ҳайдагандир-да?

– Йўқ, у ичишни ташлаган экан.

– Ростданми?

– Ҳа, у ҳаётини бошқатдан бошламоқчи бўлгани кимгадир ёқмаяпти. Менинг сиздан сўрамоқчи бўлган гапим ҳам шу ҳақда эди. Сайфиддин ака бу ерга келиб сиз билан гаплашиб ўтирармиди?

– У бечора келибоқ онаси, ўғли, хотини дафн қилинган қабрлар томонга кетарди. Мен кўпинча унинг орқасидан бориб қарардим. Сайфиддин у ерда ўтириб, ўлганлар билан хаёлан гаплашарди. У шу ерда соатлаб қолиб кетарди.

– Сайфиддин ака сизга яқинлари, балки душманлари ҳақида гапиргандир.

– Бу дунёда унинг яқинлари қолмаганини айтганди, шунинг учун менга ҳаётнинг қизиғи йўқ деб, йиғларди. Душманлари бор-йўқлиги тўғрисида оғиз очмаган. У бошпанасиз юрганини айтганида мен:

– Ўғлим, ёшим саксонга қараб боряпти, аранг суд-ралиб юрибман. Сенга маслаҳатим, мен билан яшай-вер, ўлганимдан сўнг ўрнимда қоласан. Ахир бу ерга қарашга ҳам битта-яримта керак-ку, – деган эдим. Сайфиддин гапимга жавоб бермади.

Хусан ота ўрнидан туриб кетди ва чой келтирди. Собиржон чойнакни олиб ўзи чой қуйиб, унга узатди. Фарҳод Собиржон узатган пиёлани нари итариб, йўқ ишорасини қилди.

– Бу болам келганидан бери на гапиради, на чой ичади, ранги ҳам бир аҳволда, – деди Хусан ота Фарҳодга қараб.

– Ўзим ҳам ҳайронман, бошқа пайтлари жуда сергап эди, бирдан жимиб қолди.

– Балки қабристондан чўчиётгандирсан, ўғлим?

– Йўқ...

– Сенга бир гапни айтайми, ҳеч қачон ўликлардан қўрқиш керак эмас, чунки улар қабрларида тинчгина ётибдилар. Тириклардан қўрқиш керак. Нимага деганда, уларнинг қўлидан ҳамма нарсга келади.

– Тўғри айтасиз, – деб унинг гапини маъқуллади Собиржон.

– Эй, болам, охир-оқибат, ҳамманинг келадиган жойи шу ер экани зинҳор эсингдан чиқмасин. Дунё ўтгувчи, дейишади, аслида эса дунё ҳеч қаёққа ўтиб кетмайди, у жойида туради, одамлар ўтади. Кимдир туғилади, яна кимдир ўлади. Шу тариқа, дунёга биров келиб, биров кетаверади. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда меҳмонлармиз...

Собиржон Хусан отанинг бу ерларга нима сабабдан келиб қолганини билгиси келди чоғи, ундан:

– Ота, ўзингиз бу ерга қачон келгансиз? – деб сўради.

– Мен ёлғиз қизим ва хотинимни ерга қўйганимда ёшим олтмиш бирда эди. Ҳовлимизни меҳрибонлик уйи болаларидан бирининг номига ўтказиб, шу ерга қўчиб келдим. Мана, улар билан бирга яшайпман, улар билан гаплашаман, ҳасратлашаман...

Хусан ота ўзининг аччиқ қисмати ҳақида гапираркан, уни диққат билан эшитиб ўтирган йигитларга:

– Дардимни дастурхон қилиб, сизларнинг бошларингни оғритиб қўймадимми? – деди.

– Унақа деманг, ота, сизнинг ҳар сўзингиз биз учун сабоқ.

– Раҳмат, ўғлим.

– Наҳотки, Сайфиддин ака сизга бирор яқини ёки қариндоши ҳақида гапирмаган, балки эсингиздан чиққандир? – деди Собиржон энди туришлари лозимлигини билиб Сайфиддин ака ҳақида ниманидир эшитиш илнжида.

– Қарилик – зимистонлик, деб бекорга айтишмайди, ўғлим. Хотирам чатоқроқ, балки айтган бўлса ҳам эсимдан чиқаргандирман.

У оппоқ соқолини силаб, серажин пешонасини тирштириб бир нуқтага қараб қолган эди. Собиржон одатдагидек сабр-тоқат билан чолнинг ниманидир гапиришини кутиб, жим ўтирарди. Фарҳод орага чўккан сукунатдан зерикиб, гоҳ Собиржонга, гоҳ Хусан отага қарарди. Ниҳоят, Хусан ота жимликни бузиб:

– Эсимга тушди, ўғлим, Сайфиддин бир марта онасининг қабри тепасида туриб гапираётгани қулоғимга чалинган эди.

– У нима деган эди? – деди Собиржон жонланиб.

– Онажон, нима учун мени ёлғиз қилиб туққансиз, дардлашишимга на бир ака-укам, на опа-синглим бор. Синглингиз ҳақида гапиришни хоҳламасдингиз. Унинг қаердалигини билсам эди, бориб холамни кўриб, сизни учратгандек бўлардим. Менимча, у сизга ўхшаса керак, деган эди.

Мен унинг бу гапларини эслаганимга сабаб, Сайфиддин шўрлик ҳам худди менинг аҳволимга тушиб қолганлиги эди. Менинг ҳам ҳеч кимим қолмаган эди-да.

– Бундан чиқди, унинг холаси бор экан, тўғрими? – деди Собиржон.

– Ҳа, лекин унинг исми нима экани ҳам маълум эмас, – деди Фарҳод.

– Буни аниқлаш унчалик қийинчилик туғдирмаса керак, деб ўйлайман, – деди Собиржон.

Терговчилар Ҳусан ота билан хайрлашиб, машинага чиқдилар. Собиржон машинани энди юргизган эди, Фарҳод:

– Собиржон ака, тўхтанг-чи, анави чол бир нима деяпти, – деди.

Собиржон машинани ўчириб, Ҳусан ота томонга қаради. Ота ҳассасига таяниб, уларнинг кетидан нималарнидир гапириб келарди. Собиржон машинадан тушди. Фарҳод ҳам тушиб, оббо, яна нима демоқчи, дегандек Ҳусан отага қаради. Ҳансираб етиб келган ота:

– Шом пайти ҳам бўлиб қолди, лекин сизларга бир нарсани айтишим керак, деб ўйладим, – деди.

– Ниманидир айтишни унутибсизми, ота? – деди Собиржон.

– Йўқ, бу воқеа эсимдан чиқмаган эди, лекин Сайфиддинни кимдир ўлдиришга уриниб юрибди, деганингиз учун айтишим шарт, шекилли, дедим-да.

– Ўзи нима гап?

– Аммо-лекин мен буни Сайфиддиннинг ўзига ҳам айтмаганман, унинг эзилган юраги баттар эзилмасин, деганман. Тўғриси, ўша ярамас Шарифнинг гапларига унча ишонмаганман.

– Ким у Шариф?

– Буни сизларга бошидан гапирмасам, тушунмай-сизлар.

– Албатта, келинг, отахон, мана бу ерга ўтиринг, кейин гапириб берасиз, – деб Собиржон машинанинг орқа эшигини очиб, Ҳусан отанинг ўтириб олишига ёрдамлашди ва ўзи ҳам унинг ёнига ўтирди. Ота нафасини ростлаганидан сўнг:

– Боя айтганимдек, бундан бир йилча олдин Сайфиддин онаси қазо қилганида унинг қабрини зиёрат

қилишга келиб турарди. Кўп ўтмай ўғли билан хотини ҳам ҳалокатга учради. Шундан кейин Сайфиддиннинг қадами бу ердан узилмади, шунинг учун ҳам мен уни яхши таниб қолгандим, унинг қайси қабрга боришини билардим.

Мен яна бир киши бу ерга серқатнов бўлиб қолганини пайқаб, унинг кими бу ерга дафн этилганини билиш мақсадида орқасидан бордим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, у одам ҳам ўша Сайфиддиннинг ўғли ва хотини ётган қабр тепасида туриб йиғларди. Мен уни марҳуманинг акаси деб ўйладим, лекин унинг нималар деб йиғлаётганини эшитиб, таажжубим янада ортди.

– Хўш, у нима деётган эди? – деди Собиржон.

– У одам мени бир бор «дада» деб атамаган ўғлим, гуноҳкор отангни кечир. Нозима, сени бир умрга севганимни айтолмай, ўлимингга сабаб бўлган ношудман! – деб бақириб йиғларди.

– Йўғ-э? – деди Собиржон ҳайратланиб.

– Ҳа, мен ҳам сизга ўхшаб ҳайратдан қотиб қолдим, кейин масалани ойдинлаштириш учун унинг олдига бориб, ўғлим, сиз қабрларни адаштириб юбормадингизми, ахир, бу... деётган эдим, у одам сўзимни бўлиб:

– Яхшиси, сиз менинг ишимга аралашманг, озгина ичганман, лекин нима деётганимни яхши биламан, – деди.

– Ичиб, кайфда мазорни босиб келиш гуноҳи азим, тезроқ бу ердан кетинг, деб у одамни кетказиб юбордим, лекин у чиқиб кетгунича бир сўзни такрорларди.

– Нима деди? – деди Собиржон.

– Мен алаимдан ичаман, ахир ўғлим билан севгимнинг умрига зомин бўлдим! Мен ўша Сайфидан қасдимни оламан! – деб бақирарди.

– Шундан кейин у яна келдими?

– Ҳа, лекин у Сайфиддин кетганидан сўнг келарди, менимча, қаердадир пусиб туриб, унинг кетишини

пойларди. Мен бу воқеани Сайфиддинга айтиб нима гаплигини билмоқчи эдим, бироқ унинг қалбини чилпарчин қилишдан кўрқиб, ўша маст-аласт кишининг ўзи билан гаплашмоқчи бўлдим.

Қаҳратон қиш кунларининг бирида у келиб, қабр тепасида узоқ ўтириб қолди. Қоронғи тушай деганида музлаб қолган бўлмасин деб, олдига бордим. У кўзларини юмганича қабрни кучоқлаб ўтирарди. Мен унинг тириклигига ишониш учун туртиб кўрдим. У зўрға кўзларини очди.

– Туринг, кечаси бу ерларда ўтириш мумкин эмас, – дедим ва ўрнидан туришига ёрдамлашдим. Уни етаклаб ташқарига қараб юрдим.

– Борадиган жойингиз борми? – деб сўрадим.

– Йўқ, – деб бошини чайқади у.

Мен уни қабристондан ташқарига чиқариб дарвозани қулфлаб қўйсам, тунги совуқда ўлиб қолишини билардим. Гуноҳкор бўлишдан кўрқиб уни ҳужрамга киритдим. У бир бурчақда ётиб ухлаб қолди. Бир маҳал қарасам, хайр-хўшни насия қилиб чиқиб кетяпти. Уни тўхтатиб:

– Ўғлим, қани, мана бу ерга ўтиринг-чи, – деб унга кўрпачадан жой кўрсатдим. У истар-истамас кўрпачага чўккалади. – Энди менга тушунтириб беринг, сиз нима учун бегоналарнинг қабри тепасида йиғлаб юрибсиз? – дедим.

– Улар менга бегона эмас, аксинча, ҳаётимда бору йўғим шулар эди, – деди.

– Қанақасига, ахир улардан бири Сайфиддиннинг хотини бўлса, иккинчиси ўғли-ку?

– Бу фақат номига, Фазлиддиннинг ҳақиқий отаси менман. У ярамас бойлиги эвазига менинг яхши кўрган аёлимни тортиб олган эди, – деди.

Ростини айтсам, мен унинг гапларига унча ишонмадим, чунки у ичавериб мияси айниб қолганми, деган хаёлга борган эдим-да.

– Кейин нима бўлди? – деди Собиржон.

– Ҳеч нима, унинг исми Шариф экан. У баъзан шу ерда ётиб қолади, айрим пайтлари қаергадир кетади, нима билан шуғулланишини ҳам билмайман. Боя айтганимдек, Сайфиддинга бу ҳақда гапирмадим.

– Биласизми ота, мен ўша Шариф билан гаплашишим зарур, – деди Собиржон.

– Майли, у бу ерга келганида мен сизга қўнғироқ қиламан, – деди Ҳусан ота.

– Ҳаммаси учун раҳмат, ота, – деб Собиржон Ҳусан отанинг қўлини сиқиб хайрлашди.

Эртаси куни Собиржон билан Фарҳод Шариф ҳақида кечаги воқеани узоқ муҳокама қилишди.

– Ростини айтсам, Собиржон ака, кеча ўша ерга боришга оёғим тортмаган эди, лекин шунга қарамай, натижа жуда яхши бўлди. Ким ўйлабди дейсиз, қабристон қоровулининг жиноятчини аниқ билишини? – деди.

– Шарифни сўроқ қилишимиз керак.

– Менимча, уни топишимиз билан дарров қамоққа олишимиз лозим, чунки у дайди бўлгани учун кейин яна қидириб топишимизга қийинчилик туғдириши мумкин.

– Аввал уни топайлик-чи.

– Ҳа, унинг Сайфиддин акани ўлдиришга урингани аниқ, ахир ўзи айтган-ку, қасдимни оламан, деб.

Собиржон жиринглаётган телефон гўшагини кўтариб:

– Эшитаман, ҳўп ҳозир етиб борамиз, – деди шошиб.

– Тинчликми?

– Ҳусан ота қўнғироқ қиляпти, Шариф ўша ерда экан, кетдик, – деб Собиржон ўрнидан турди.

Улар етиб боришганда Шариф гандираклаб қабристондан чиқиб кетаётган эди. Бўйи новчадан келган, сал букчайган, соч-соқоли бетартиб ўсган бу одамни терговчилар Ҳусан отанинг кечаги таърифи бўйича таниб тўхтатишди.

– Сизнинг исмингиз Шарифми? – деди Собиржон.

– Ҳа, мен кетяпман, йўлимни тўсманг, – деди у тор йўлакдан Собиржонни айланиб ўтишга ҳаракат қилиб.

– Биз билан боришингизга тўғри келади, – деди Собиржон ўзини таништирганидан кейин.

– Йўқ, мен у ерга бормаيمان, прокуратурада ҳеч қандай ишим йўқ, – деди Шариф ғудраниб.

– Биз сиздан айрим нарсаларни сўрашимиз лозим, боришга мажбурсиз.

Уни машинада олиб кетишди. Шариф ғирт мастлиги учун уни эртаси кuni сўроқ қилишди.

Собиржон билан Фарҳод унинг гапларидан ҳайрон қолдилар. Шариф Нозима билан бўлган муносабатини бир бошдан гапириб берди.

– Сиз у аёлни яхши кўрган экансиз, нима учун ундан пул талаб қилиб, қийин аҳволга солиб қўйдингиз? – деб сўради Собиржон.

– Мен ҳамиша унинг қайтишини кутиб яшадим. Агар Нозима эридан шунча кўп пулни яширинча олса, буни эри билиб қолса ёки ўртамиздаги муносабатлардан хабар топса, уни ўғли билан бирга ҳайдаб юборишига ишонардим. Ана шундан кейин ўғлим, Нозима ва мен учаламиз бир оила бўлиб яшаймиз, деган хом хаёлга бориб, шу бемаъни ишни қилган эдим. Лекин тўсатдан уларнинг автоҳалокатга учраши мени адоийтамом қилди. Агар ароқ бўлмаганда, мен алақачон ўзимни ўлдирардим

– Сиз бунда ўзингизни айблаётган экансиз, шу тўғрими?

– Ҳа, менинг ўйлашимча, машинада кетаётганларида Нозима Фазлиддинга мен ҳақимда айтиб қўйган, кутилмаган ёмон хабардан ўзини йўқотиб қўйган ўғлим КаМАЗнинг тагига кириб кетган. Уларнинг ўлимида мен айбдорман, хоҳласанглар, мени қамоққа олинглар, – деди Шариф йиғлаб.

Собиржон бирпас индамай ўйлаб қолди, кейин Шарифга қараб:

– Менга айтинг-чи, сизнинг битта қизга ёшлигингизда кўнгил қўйиб, у аёл оилали, қирқ ёшга бориб қолган бўлса ҳам, уни деб бошқа оила қурмай, ҳаётингизни барбод қилганингизни қандай тушуниш мумкин? – деди.

– Билмайман... Буни ўзим ҳам тушунмайман...

– Сиз Сайфиддин Жабборовдан, яъни Нозиманинг эридан қасдимни оламан, деганда нимани назарда тутган эдингиз? – деди Собиржон.

– Уни ёмон кўраман, ўша гўрсўхта Нозимага уйланигани учун мен бир умр ғурбатда яшадим.

– Шунинг учун уни ўлдирмоқчи бўлдингизми?

– Йўқ, ҳозирча ҳеч нима қилганим йўқ, лекин уни ўлдириш мақсадим ҳамиша бор эди.

– Жабборов машинасининг тормозини ишдан чиқариб қўйиш, касалхонада унинг кислород ниқобчасини олиб ташлаш, укол игнасини суғуриб ташлаш, бу – ҳаммаси ўша мақсадингизни амалга ошириш учун уринишларингизми?

– Тушунмадим, мени нимададир айбламоқчимисизлар?

– Нимададир эмас, Жабборовнинг ҳаётига суиқасд қилишда.

– Мен яна айтаман, унга ҳеч нима қилмаганман, акс ҳолда, у ўлган бўларди! – деди Шариф.

– Сизнинг яшаш жойингиз борми?

– Ҳа, албатта, – деб Шариф манзилени айтди.

– Уйингиз бор экан, нима учун Ҳусан отанинг ёнида, мозорда ётиб юрасиз? – деди Собиржон.

– Улар ёнида ўзимни яхши ҳис этаман...

Собиржон Шарифга шаҳардан ташқарига чиқмаслик шарти билан кетишга рухсат берди.

Шариф кетганидан кейин Фарҳод:

– Сизга тушунмадим, Собиржон ака, уни нимага қўйиб юбордингиз? – деди ажабланиб.

– Чунки ҳибсга олишга ҳеч қандай далил тополмадим.

– Сайфиддин аканинг шу Шарифдан бошқа душмани йўқлиги-чи, бу асос эмасми?

– Йўқ, ундан ташқари, Сайфиддин ака ётган шифохона атрофида ҳеч ким Шарифни кўрмаган.

– У кимнидир ёллаган деб фараз қилсак-чи?

– Масалан?

– Айтайлик, ўша рўмолчанинг эгасини.

– Билмадим, Фарҳод, жуда бошим қотди. Сизнинг гапларингиз эса илгаригисига мутлақо тўғри келмаяпти.

– Нимани назарда тутаяпсиз?

– Эсингиздами, ўша қимматбаҳо рўмолчанинг эгаси, яъни, сизнинг фикрингизча, бадавлат хоним қотил эмаслиги аниқ, акс ҳолда, у бировни ёллаши мумкин эди, деган эдингиз. Энди ичкиликбоз, текинхўр Шариф худда ўша «бадавлат хоним»ни ёллаган бўлиши мумкин, деяпсиз. Буни қандай тушуниш мумкин?

– Бу фикрларим чувалашиб кетганидан...

Собиржон ўрнидан туриб дераза олдига бориб, кўчага қараганича ўйга толди.

– Мен Сайфиддин аканинг марҳума хотини қилмишидан ҳайратдаман. Қаранг, унинг ўлиmidан икки эркак шу аҳволга тушган-ки, ўша аёлдан айрилиб қолганлари учун ҳатто уларнинг бу дунёда яшагилари йўқ. Ваҳоланки, у аёл эрини бир умр алдаб, ҳатто ўглини бошқа эркакдан туққан, иккинчиси билан эса фақат кўнгилхушлик учун юриб, бадавлат кишини учратганидан кейин уни лақиллатиб ташлаб кетган.

– Мен ҳам Сайфиддин ака ҳозиргача хотинининг ноҳўя ишларидан беҳабар эканига таажжубдаман, – деди Фарҳод.

– Одам ҳам шунчалик гўл бўладими?

– Нима деб ўйлайсиз, Сайфиддин акага марҳума хотинининг қилмишларини айтаммизми?

– Менимча, буни айтиш ёки айтмаслик биз олиб бораётган терговга ёрдам бермайди, шунинг учун индамаганимиз маъқул

«НАРИГИ ДУНЁГА ҲАМРОҲ»

Сайфиддин Йўлдошни машинадан тушириб қолдирганидан кейин ўзини янада ёмон ҳис қилди. У яқинларидан ажраган, бошпанасиз қолган эди. Энди эса унга ёрдам берадиган киши ҳам йўқ. Сайфиддиннинг чўнтагида озроқ пули бор эди, холос. Сайфиддин бу пул билан ҳеч нима қилолмаслигини биларди. У кичикроқ меҳмонхона олдида машинасини тўхтатди ва орқага суянганича ўтириб қолди.

У чўнтагидаги пулларини санай бошлади. Кейин бошини чайқаб, пулларни қайта чўнтагига солиб қўйди. У энди букчайиб, рулга иягини тираб ўтирарди.

Ўчириб қўйилган машинада совқотиб, ҳамма ёғи музлаб кетганини сезган Сайфиддин машинадан тушиб, ичкарига кирди.

Кираверишдаги меҳмонларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш жойида бир эркак билан гаплашаётган келишган жувон – меҳмонхона ходимаси қаршисидаги суҳбатдошидан кечирим сўраб, соқолмўйлови бетартиб ўсган, калта пўстинига ўралганча дийдираб турган Сайфиддинга бефарқ назар ташлаган ҳолда:

– Сизга нима керак? – деди.

– Тунашга жой топиладими? – деди Сайфиддин худди ўлаётган бемор охирги гапини айтаётган оҳангда.

– Қандай хона?

– Оддий.

– Неча кунга?

– Ўзим ҳам билмайман.

– Тахминан-чи?

– Ўн кунча... пули қанча бўлади?

Аёл нархни айтганидан кейин Сайфиддин:

– Майли, ўн кунга, – деди.

Чиройли жувон унинг қўлига калитни тутқазиб:

– Энг тепадаги қават, яъни тўртинчи каватдаги қирқ биринчи хона, – деди.

Сайфиддин қўлидаги оғир сумкасини судраб, зина томонга кетди. У хонага кириб, торлигигами ёки димиққан ҳавосигами юраги сиқилиб, боши айланиб кетди. У кароватда деворга суянганича анча утирди. Эшик тақиллади. Сайфиддин қаради. Қўлида тоза сочиқлар, чойшаблар ушлаган меҳмонхона хизматчиси кириб келди. У салом бериб, Сайфиддиннинг ҳалиям ҳўл кийимлари, ечилмаган оёқ кийими билан кароватда ўтирганига қараб:

– Кийимларингиз намга ўхшайди, тагин шамоллаб қолманг, – деди.

Сайфиддин индамади. Аёл унинг тушқун кайфи-ятда эканини сезиб:

– Кўпам хафа бўлаверманг, ҳамма нарсага вақт даво дейишади, ўтиб кетади. Мени айтди дерсиз, ҳали бу кунлар эсингиздан ҳам чиқиб кетади, – деди сочиқларни ваннага жойлаштираркан. Сайфиддин индамади.

– Агар ўрнингиздан турсангиз, чойшабларни тўғрилардим, – деди аёл.

Сайфиддин ўрnidан туриб йўлакка чиқди ва босиб-босиб сигарета тутата бошлади. У боя кўчада қор ёғаётганида туриб қолиб, усти-боши ҳўл бўлганини энди сизди. Унинг бутун вужуди титрарди. Сайфиддин хонага кириб пўстинини ечди. Енгилгина пўстини оғирлашиб қолганини пайқаб, уни стулга ташлади, этигини ечиб кароватга ётди. У устига кўрпа тортди, лекин титроғи босилмасди.

Сайфиддин кечаси билан мижжа қоқмади, бошини кўрпага буркаганича титраб-қақшаб тонг оттирди. У эрталаб кирган меҳмонхона ходимининг:

– Эшикни яхшилаб бекитмабсиз-ку, – деган гапини эшитиб, бошини кўрпадан чиқарди.

– Аҳволингиз унча яхшимас, шекилли, иситмангиз борми? – деди у дир-дир титраётган Сайфиддинга қараб.

– Бу ер совуқ экан... – деди Сайфиддин тиши-тишига тегмай қисирлаб.

– Йўғ-э, совуқ эмас, иссиғингиз баландлигидан сизга шундай туюлаётгандир. Мен ҳозир ҳамширани юбораман, – деб у чиқиб кетди.

Бироздан кейин келган ҳамшира аёл Сайфиддинга иссиқлик ўлчагичини узатиб:

– Қани, манавини қўлтиғингизга жойлаштириб қўйинг-чи, ука, – деди.

– Керак эмас, шундоғам иситмам борлиги билиниб турибди, – деб Сайфиддин кўрпага бурканди.

– Ўзингиз биласиз, манави дориларни ичарсиз, – деб аёл бир нечта дорини стол устига қўйиб чиқиб кетди.

Сайфиддин қандай дори эканига назар ташламасдан уларни бирин-кетин ичди. У сув ичаётганида қаттиқ чанқаганини сезиб, графиндан яна бир стакан қўйиб ичиб, жойига ётди. Сайфиддин уйқудан кўзини очганда хона ғира-шира ёруғ эди. У деразага қараб ўйланиб қолди, тонг отяптими ёки кун ботяптими? Сўнгра қўлини силтаб, мен учун бунинг нима фарқи бор, деган хаёлга борди.

– Ака, анча тузукмисиз, менинг ёрдамим керак эмасми? – деди бояги меҳмонхона ходими хонага кириб.

– Тузук...

– Иш вақтим тугади, мен кетяпман, агар бирор нима керак бўлиб қолса, навбатчига айтарсиз.

– Раҳмат, – деди Сайфиддин йигит томонга қарамасдан бурканиб ётганича.

– Майли, тузалиб кетинг...

Йигит бу ғалати одамга ажабланиб яна бироз қараб туриб, сўнг эшикни бекитиб чиқиб кетди.

Иш вақти тугабди, демак, кеч кияпти экан, ўйлади Сайфиддин. У ўрнидан турди ва шалаббо бўлиб терлагани учун кийимларини ечди. У свитер ва шимда ётиб қолган эди. Энди нима кийсам экан, деб туриб қолди ва сумкани титкилаб, ғижимланиб қол-

ган жинси шимини, иссиқроқ жемферини топиб кийди.

У оёқларининг мадори йўқлигидан стулга ўтириб қолди. Қулдираётган қорнига пича қулоқ тутди ва чўнтагига озроқ пул солиб хонадан чиқди.

Сайфиддин меҳмонхонанинг биринчи қаватида жойлашган кафега кириб, чеккароқдаги буш столга бориб ўтирди. Анчадан кейин унинг олдига келган официант қиз:

– Нима келтирай? – деди.

– Овқатнинг фарқи йўқ, лекин бир шиша ароқ беринг.

Қиз соқоллари ўсиб кетган, кийимлари ғижим бу одамга бироз жирканиб қаради ва:

– Хўп, – деб кетди.

Кафедан чиқиб Сайфиддин аранг хонасига кириб ётди.

* * *

Сайфиддиннинг меҳмонхонадаги кунлари шу тариқа ўтарди. Бир куни у кафедра дераза ёнидаги столда овқатланаётган аёлга кўзи тушди. Аёл унга ён томони билан кўринарди. Унинг сариқ сочлари, оппоқ юзи, қирра бурни, сал чимирилган қошлари бир қарашда Нозимага ўхшаб кетгани учун Сайфиддин унга яна бир марта қаради. Кейин ундан кўзини олиб, раҳматли Нозима сочини сариққа бўярди, ўзига ярашарди. У аёл ҳам бўяганмикан ёки ўзининг сочлари шу рангдамикин? Сайфиддин шишада қолган ароқни қуйиб ичди ва бояги аёл эсига тушиб яна шу тарафга қаради, у энди йўқ эди, ўрнида бошқа биров ўтирарди.

«Демак, кўзимга шарпа кўринган, худди тушимдагидек. Гоҳида тушларимни ўнгимдан ажратолмай қоламан, энди улар кўзимга кўрина бошлабди», деб ўйлаб Сайфиддин гандираклаб хонасига кетди.

Эрталаб уни таниш меҳмонхона ходими уйғотди.

– Сайфиддин ака, кечирасиз, сизни безовта қилишга мажбурман, бугун кетасизми ёки яна бу ерда қолмоқчимисиз?

– Нимаиди? – деди Сайфиддин кўзини очолмай.

– Агар яна қанча турмоқчи бўлсангиз, кунини белгилаб, пулини тўлашингиз лозим.

– Ҳозир тушаман...

– Мен сизни пастда кутаман, – деб йигит чиқиб кетди.

Сайфиддин ўрнидан туриб сумкасини кавлай бошлади. Наҳотки, пулим қолмаган, шунча пул-а. Дарров қандай тугаб қолди экан? У чўнтақларини титкилай бошлади. Озроқ пул топди. Бу меҳмонхонада уч кун яшашга етади, холос, деб ўйлади Сайфиддин. Кейин нима бўлади? Овқатланишим-чи?

Сайфиддин шуларни ўйлаб бу ердан кетишга қарор қилди. У нарсаларини йиғиштириб, пастга тушди. Меҳмонхона гаражида турган қадрдон машинаси томонга юрди ва машинага ўтириб, ўйланиб қолди. Мен бу ерда қанча вақт яшадим? Кўчада ёмғир ёғаяпти, мен келганимда қор ёғаётган эди. Шу пайт бир йигит келиб:

– Оға, машинани ҳайдайсизми, ўрнига бошқасини қўймоқчи эдик? – деди.

– Хўп, бу ёққа қаранг!

– Нима дейсиз, оға?

– Бугун қайси число?

– Биринчи март, баҳор ҳам келиб қолди, оға!

– Раҳмат...

Демак, бу меҳмонхонада бир ойдан кўпроқ вақт турибман, деб Сайфиддин машинасини ҳайдаб кетди, лекин қаёққа кетаётганини билмас эди. У шаҳардан ташқарига чиқиб, бир овлоқ жойда машинани тўхтатди. Ёмғир челақдан қуйгандек ёғарди. Сайфиддин ўриндиқ суянчиғига суяниб, шаррос қуяётган ёмғирга қараб кўзларига ёш келди.

– Энди бу ёғига нима қиламан? Ҳеч кимим йўқ, уйим ҳам йўқ, пулим ҳам йўқ ҳисоб, демак, тамом бўлибман-да... – деб пичирлади у.

«Биттагина эски машинам бор. Сотсаммикан? Йўқ, бу мумкин эмас, чунки онам раҳматлига машинани сотмасликка сўз берганман. Ундан ташқари, агар уни сотсам, бошпанасиз қолиб кетаман, бундай яшашдан қандай наф бор? Ахир мен аллақачон ҳаёт билан видолашишим керак эди-ку. Мен ҳалиям тирикман, ҳалиям судралиб юрибман. Бунга тезда чек қўйишим керак», ўйлади Сайфиддин.

У машинада ўтириб кўзи илинганини билмай қолди.

Сайфиддин туш кўрди. Тушида онаси Саида хола-нинг тиззасига бошини қўйиб ётган эмиш. Онаси унинг бошини силаб:

– Ўғлим, анча қийналдинг, лекин кетишинг керак, ахир сен ҳам бизнинг олдимизга келсанг, у ёқда ким қолади, – деб такрорларди.

– Онанг тўғри айтади, бора қол, кеч қолма! – деди алақадан шошиб келган дадаси.

– Йўқ, мен сизлар билан қоламан! – деб Сайфиддин онасининг этагига ёпишди. Шунда Саида хола унинг кўлидан этагини тортиб олиб:

– Тур ўрнингдан! – деб Сайфиддиннинг туришига ёрдамлашиб, кўлига оппоқ тугун тутқазди.

– Бу нима? – деди Сайфиддин тугунни олиб.

– Бу сенинг бахтинг, тугунни уйга борганингдан кейин оч, ўғлим, – деб жилмайди Саида хола.

– Она, ахир менинг бахтим аллақачон қаро бўлиб тугаган-ку!

– Йўқ, сен адашдинг, ўғлим, улар сенинг бахтинг эмас эди. Аксинча, бахтсизлигинг эди. Бахтли ҳаётинг эса олдинда! – деб онаси кетиб қолди.

– Она, тўхтаг, она! – деб бақирган ўз овозига Сайфиддин уйғониб кетди.

Сайфиддиннинг юраги қинидан чиқай деб, тез-тез урарди. У машинанинг эшигини очиб ташқарига чиқ-

ди. Ҳаво очилиб, ёмғир тўхтаган эди. У ҳозиргина кўрган тушини эслаб, ўйлаб қолди.

«Онам менинг ўлишимни хоҳламаяптилар, раҳматли онам... Дадам ҳам... Мени кечиринглар, бошқа иложим йўқ. Энди мен чўнтагида ҳеч вақоси йўқ, дайди-ман! Ким эдим, ким бўлдим? Менга бир шиша ароқ керак, шундай бир кўтариб ичсам, ҳаммасини унутардим...»

Сайфиддин яна машинага чиқиб ўтирди. У атрофга қаради, қуёш қизариб, ботиш арафасида. Ҳозиргина ёққан ёмғирдан кейин чиққан камалакнинг товланиб туриши Сайфиддиннинг қалбида аллақандай илиқлик уйротди. Бунга унинг ўзи ҳам ҳайрон қолиб, «менимча, бу болалигимда камалакни кўриб қувонишимдан қолган одатим», деб ўйлади.

Сайфиддин қош қорайгандан кейин шундоққина ёнгинасидаги бир бинонинг атрофида ион чироқлари ёниб, бировларнинг у ерга кириб-чиқаётганини курди. Бу мўъжазгина ошхона эди.

Сайфиддин беихтиёр машинадан тушиб, ошхона томонга юра бошлади. У ошхонага кириб димоғига урилган овқат ҳидидан оғзининг сўлаги оқиб кетди. Сайфиддин навбатда турган хўрандаларнинг қаторида туриб, қайси егуликни харид қилишини танади.

– Менга палов, – деди у ва бироз ўйлаб қолди, кейин: – Шўр бодрингдан ҳам, спиртли ичимлигингиз борми? – деди.

– Бизда спиртли ичимликлар алоҳида сотилади, – деб сотувчи йигит чаққонлик билан Сайфиддин айтган егуликларни патнисга қўйиб узатди.

Сайфиддин нариги томонга ўтиб ароқ харид қилди ва овқатлана бошлади.

У қачон келиб машинасига кирганини эслаб олмади, кўзини очганда қуёш эндигина чиқиб, атрофга ўзининг нурларини соча бошлаган эди.

Бугун ҳаво очиқ бўлади, шекилли, деб ўйлади Сайфиддин. У машинасини кўздан панароқ жойга қўйиш

учун юргизди ва дарахтлар орасига ўтиб тўхтади. У сал наридаги сув кранига кўзи тушиб севиниб кетди, чунки юз-қўлини ювишга сув излаётган эди-да. Сайфиддин машинадан тушиб кранни очган эди, сув отилиб чиқди. У сувни сал пасайтириб қўйиб муздай сувда ювиниб олди.

У тушки пайт ошхонага кириб овқатланди, лекин ароқ ичмади. Кейин машинасига чиқиб, хаёл сура бошлади, боши тарс ёрилар даражада оғрирди. «Ўша зормандадан ичишим керак эди. Бу оғриққа қандай чидайман, ўйлади у. Кейин ўзини койиб, бу оғриқ қалбимдаги оғриқ олдида нима бўпти, яхшиси мен ўзимни ўлган деб ҳисоблашим лозим, ахир ҳақиқатан ҳам тирик эмасман-ку. Тириклар ҳаёт учун курашадилар, уларнинг кўзлаган мақсадлари бўлади, яхши яшашга ҳаракат қиладилар, оилалари билан бахтли ҳаёт кечирадилар. Менда эса буларнинг ҳеч қайсиси йўқ, демак, менда тириклик аломатлари кўринмайди, фақат ароқ билан ўзимни алдаб яшайпман, холос... Тирик мурдаман...»

Ниҳоят, қоронғи туша бошлади. Сайфиддин нима учундир қоронғини кутарди. Қуёш ботганидан кўнгли сал ёришган Сайфиддин ошхонага қараб кетди. У егулик харид қилиш учун навбатда турди.

– Менга бифштекс, яна... шўр бодринг...

– Ака, кимнингдир келишини кутяпсизми, машинангиз билан шу ердан кетмай қолдингиз? – деди сотувчи йигит.

– Ҳа...

– Узоққа кетяпсизми? – деди у овқатни Сайфиддинга узатаётиб.

– Ҳа, жуда узоққа...

– Майли, ака, сафарингиз бехатар бўлсин, – деди йигит Сайфиддиннинг гапига унча ишонқирамай, унинг соч-соқоли бетартиб ўсиб кетган турқига қараб.

Сайфиддин бўш столларнинг бирига бориб жойлашаркан, «бу ердагилар менинг машинада ётиб юрга-

нимни сезишибди, албатта. сезишади-да. У йигит менга дайдига қарагандек назар ташлади... Дайди бўлмай кимман? Дарвоқе, ахир мен бу дунёда йўқ одамман-ку, лекин мавжудман, бу расво мавжудликка тезда барҳам беришим керак», деган хаёллар билан Сайфиддин шишани бўшатди. У ўрнидан турмоқчи эди, бир чеккада ўтирган аёлга кўзи тушди.

Во ажабо! Ахир бу меҳмонхонада кўзимга кўринган аёл-ку! Нозимага ўхшайди, яна аввалгидек шарпа бўлиб чиқса-чи? Сайфиддин жойига ўтириб, у аёлдан кўзини узмай қараб қолди.

Шу пайт жувоннинг ёнига бир киши келиб:

– Хоним, шу стул бўшми? – деди унинг ёнидаги стулни кўрсатиб.

– Банд! – деди аёл унинг афтига ҳам қарамасдан.

– Ҳеч ким кўринмайди-ку, майлими ўтирсам, – деди бояги одам мижровланиб.

– Йўқ, ўтириш мумкин эмас, йўқолинг! – деди аёл ўрнидан туриб, кутилмаганда бақириб. Ўтирганлар у томонга ўгирилиб қарашди. Ҳалиги одам ўзини ноқулай сезиб, чиқиб кетди. Жувон эса ҳеч кимга парво қилмай қайта жойига ўтирди. У майдалаб ароқ ичарди.

«Ё, алҳазар, бу аёл Нозиманинг қуйиб қўйгандек ўзи-ку! Ҳатто унинг қадди-басти, бўйининг баландлиги ҳам...» ўйлади Сайфиддин. У аёлнинг олдига боришга шайланди, лекин анави эркакнинг аҳволига тушишидан қўрқиб, ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Сайфиддин машинада ўтириб ҳам хаёлидан бояги жувон кетмади. «Бу сафар кўзимга Нозиманинг шарпаси кўринмагани аниқ, чунки уни ҳамма кўрди, унинг гапларини ҳамма эшитди, ҳатто кимдир ундан хафа ҳам бўлди».

У шундай хаёллар билан ухлаб қолди. Эрталаб кўзини очиб, чўнтагини ковлади, қўлига илиниб чиққан пулни санади. Жуда кам, аранг бир шиша ароққа етади. «Тамом, бошқа ичмайман, ҳеч нима емайман ҳам, демак, бугун ҳаётимнинг охирги куни...»

Сайфиддин машинага бирдан газ бериб, тез ҳайдаб кетди. У шаҳардан узоқлашиб бораркан, темирйўл ўтган жойда қизил чироқ ёнаётганини кўриб тўхтади. Мана, ниҳоят, манзилга ҳам етиб келдим, поезд яқинлашиши билан газни боссам, ҳаммаси тугайди... Узоқдан поезд кўринди. Сайфиддиннинг юраги дукиллаб бошлади. У қўрқмаслигим керак, ахир бундай расво ҳаётимга нуқта қўйишим лозим-ку, деган фикрда тўхтади. Поезд жуда яқин келган эди. Сайфиддин кўзларини чирт юмиб, машинага газ берди.

Бироқ машина жойидан жилмади... Ие, нима бўлди, бензин етарли, қаери бузилди экан, деб Сайфиддин машинадан тушди ва капотини кўтариб қўйиб кавлаштира бошлади. Поезд ўтиб кетди... Сайфиддин машинага чиқиб ўтирди.

– Оғайни, аҳволингиз яхшими? – деди йўлни назорат қилувчи нозир унинг ёнига келиб.

– Бузилиб қолди...

– Машинангиз йўлнинг ўртасида қолиб кетибди, келинг, бир чеккага олиб қўямиз.

Бир неча киши машинани итариб, ҳеч кимга халал бермайдиган жойга ўтказишди.

Сайфиддин машина юрмай қолгани сабабини тополмай, тушгача роса уринди. У ҳориб-чарчаб, машинага чиқиб орқа ўриндиқда чўзилиб қолди. У шу ётганича ухлаб, кечга яқин уйғонди.

Сайфиддин кўзини очибоқ кечаги Нозимага ўхшаб кетадиган жувонни эслади. «У ароқ ичаётган эди, кайфияти меникидан ҳам баттар ёмон эди. У соҳибжамол аёлнинг нима дарди бор экан? Назаримда, у ҳеч кимни кўргиси йўқ эди, бу унинг ҳаммага орқасини ўгириб ўтирганидан ҳам маълум. Кеча у билан гаплашишим керак эди, лекин у гаплашмасди-да...

Ўлишга ҳамиша вақт топилади, бироқ мен жонимдан ҳам кўпроқ яхши кўрган аёлимга ўхшаган аёлнинг дард-ғамини сўрашга-чи? Уни яна бир бор кўриб, кейин ўлсам ҳам ҳеч ким мендан хафа бўлмас?»

Сайфиддин машинани юргизишга ҳаракат қилиб, калитни буради. Кутилмаганда мотор ишлаб кетди. У машинани орқага бурди ва ўша ошхона томонга ҳайдади. «У аёл кеча ўтирган эди, бугун келмаса-чи? Майли, келмаса, орқамга қайтаман», деб ўйлади у.

Сайфиддин ошхонага кирганида қоронғи тушиб қолган эди. У дарров кечаги жувон ўтирган столга қаради. У жойида кўринмасди. Сайфиддин ҳаммаёқдан кўзи билан аёлни қидира бошлади. Йўқ... Келмабди...

Сайфиддин орқасига қайтиб кетаётганида ошхонадаги сотувчи йигитнинг овозини эшитиб қолди:

– Ака, кечки овқатни емасдан кетмоқчимисиз?

Унинг гапи Сайфиддинга қолиши учун баҳона бўлди.

– Йўқ, ўтираман...

Сайфиддин ҳар кунги жойига бориб ўтирди. Салдан кейин бир шиша ароқ келтириб, газаксиз ича бошлади. У ичиб тугатди ва ўрнидан туриб гандираклаб кетиб, олдидаги стулни ушлаб қолди. Кейин ўзини сал ўнглаб, яна юриш ниятида олдинга қаради. Сайфиддиннинг ўша аёлга кўзи тушиб, тўхтаб қолди. Аёл илгариги ўрнида ҳеч кимга аҳамият бермасдан ўтирибди. Унинг столида бир шиша ароқ турарди.

Сайфиддин унинг ёнига бориш учун бир қадам ташлади. У яна гандираклаб кетиб тўхтади. «Бу аҳволда унга нима дейман? Яхшиси, машинамга чиқиб катта тезликда ҳайдайман ва осонгина жон бераман. Киссамдаги охирги пулимни ҳам ишлатдим, энди яна яшамоқчи бўлсам, тиланчилик қилишимга тўғри келади. Шундай экан, менга у хотиннинг қандай дарди борлигининг нима қизиғи бор?»

Сайфиддин ташқарига чиқди. У машинада бирпас ўтирди. Сўнгра калитни жойига туширолмай, анча қийналди, гудраниб сўкинди, ниҳоят, калитни жойлаштириб буради ва машинани юргизди. У катта йўлга чиқиб энди тезликни оширмоқчи бўлганида, машина

чироқлари ёруғида йўлда кимдир, тўхтаг, деб қўлини силкиётганини кўриб қолди.

– Мен йўловчи олмаيمان, чунки ўлгани кетяпман...

Сўнг у бирдан сергак тортиб, йўлдаги ўша аёл эмасмиди ёки ичганимдан кейин одатдагидек кўзимга кўринган шарпамиди? Сайфиддин тезликни камайтириб, машинани секин орқага ҳайдади. У қоронғида турган ўша йўловчи қаршисида машинани тўхтатди.

Сайфиддин машина ойнасини туширди.

– Мени ҳам олиб кетасизми? – деди аёл киши.

Сайфиддин унга яхшилаб тикилди. Янглишмаган экан, худди ўша аёл!

– Қаёққа? – деди у тили зўрға айланиб.

– Нариги дунёга!

– Нима?!

– Адашмасам, сиз ҳам ўша ёққа боряпсиз, ҳамроҳ бўламоқчиман. Раъйимни қайтарманг, илтимос...

– Сиз буни қ-қаердан биласиз? – деди Сайфиддин аёлга ҳайрат билан тикилиб.

– Машинага чиқсам майлими, кейин суҳбатимизни давом эттирардик.

Сайфиддин индамай машинанинг олд эшигини очди. Жувон чиқиб ўтирди. Сайфиддин унга қараб анграйиб қолди. Унинг сариққа бўялган сочига мослаб кийган оч жигарранг курткеси, шунга мос торроқ, тиззадан сал тушган юбкаси, бўйнига икки қават қилиб ўраган чиройли шарфи, қисқаси, бошдан-оёқ кийиниши, ҳатто унинг ҳаракатлари ҳам Нозимага ўхшарди.

– Менинг қаерга кетаётганимни қандай билганингизни энди айтасизми? – деди Сайфиддин хаёлини йиғиб олганидан сўнг.

– Буни аҳмоқ ҳам билади-ку.

– Қаердан?

– Газаксиз бир шиша ароқ ичиб, катта тезликда машина ҳайдаган киши бошқа қаерга ҳам бориши мумкин? – деди аёл истехзоли жилмайиб.

– Сиз ҳақсиз, лекин ўзингиз нима учун... Ёки ҳазиллашмоқчимидингиз?

– Ҳазил дейсизми? Бунақа гапларни унутиб юборганман. Жуда билишни истасангиз, айтишим мумкин, мен ҳам яшашдан тўйиб кетган бахти қаро аёлман.

– Йўғ-э, шундай чиройли аёл-а?

– Чиройнинг нима аҳамияти бор, мен ўлишни истайман. Машинани ҳайдамайсизми?!

– Мен фақат ёлғиз ўзим ўлмоқчиман, яна кимнингдир ҳаётига зомин бўлиш ниятим йўқ.

– Нима фарқи бор?

– Сиз, яхшиси, менга нима учун ўлишни истаётганингизни айтиб беринг, ундан кейин нима қилишни ўйлаб кўраман, – деди Сайфиддин нимагадир аёлга ёрдам бергиси келиб.

– Мен ҳеч ким билан дардлашмоқчи эмасман, шунинг учун гапирмаганим маъқул.

– Балки ёрдамим тегар...

– Нималар деяпсиз, ўзингизнинг муаммоларингизни ҳал қилолмаяпсиз-у, бировга ёрдам беришга сизга йўл бўлсин.

– Мен ҳамма яқинларимдан айрилиб, Худонинг қаҳрига учраган одамман. Шунинг учун менинг муаммоимни ҳал этишнинг асло иложи йўқ, умид қиламанки, сизда бунақа эмас.

– Мен ҳам яқинларимдан айрилганман, лекин улар тирик...

– Тирик бўлса, қанақасига?

– Мен сизга ҳасратимни дастурхон қилмоқчи эмас эдим, лекин ҳаммасини айтмаганимга қўймайсиз, шекилли, – деди аёл шарфининг попутини ўйнаб.

– Исмингиз нима?

– Марғуба.

– Асли қаерликсиз?

– Тошкентлик.

– Бу ерларда нима қилиб юрибсиз? Энди бир бошдан айтиб беринг-чи, ўзи нима бўлди?

– Машинангиз йўлнинг қоқ ўртасида турибди, уни бир чеккага олинг, кейин гаплашамиз, – деди Марғуба.

– Тўғри айтасиз, – деб Сайфиддин машинани йўлнинг чеккасига чиқариб қўйди. Кейин Марғубага қаради.

– Мен бахти қора хотин тўхматга қолганман. Ҳақлигимни исботлашнинг ҳеч иложини тополмаганман, – деб Марғуба йиғлади.

– Тинчланинг, ахир шунча йиғлагансиз, барибир, фойдаси тегмаган-ку, тўғрими?

– Тўғри, лекин ўзимни босолмай қоламан.

– Тушунаман.

– Бундан икки йил олдин менинг узоқ вилоятдаги амаким вафот этиб, эримга ишидан рухсат бермаганлари учун у ерга бир ўзим бордим. Қайтаётганимда мен келаётган машина йўлда бузилиб қолди, аксига қўл телефоним ҳам хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида бўлиб, уйдагилар билан гаплаша олмадим. Қоронғи тушиб қолди, лекин машина тузалмади. Мен бошқа машина тўхтатиб кетмоқчи эдим, бироқ кўрқдим.

Ҳайдовчи ёши катта, мўмин-қобил киши эди. У:

– Синглим, ўзим сизга машина топиб бераман, – деб ҳаракат қилди, лекин тунда бирорта машина тўхтамади. Тонг ёришганидан кейин битта машина тўхтаб, унда уйга етиб келдим. Эрим жуда ичи қора киши эди. У мен йўлга чиққан пайтимни билгани учун қоронғи тушмасдан уйга келишимни мўлжаллаган. Ўзим ҳам шуни режалаштирганман, лекин машина бузилганидан кейин ноилож қолганман-да, – деб Марғуба кўз ёшларини артиб қўйди.

– Кейин-чи?

– Шу куни эрим мени уйга киритмади. Бор, ўша ўйнашининг олдига, деб ҳайдаб юборди.

Мен ҳеч қаёққа кетмай, уйимиз атрофида тентираб юрдим, унга воқеани тушунтиришга уриндим, лекин у мени эшитишни истамасди. Шунча одам ора-

га тушди, бироқ эрим сўзида қаттиқ турди. Энг ёмони, у иккита фарзандимизни ҳам ўзининг гапларига ишонтирди. Натижада ўғлим ҳам, қизим ҳам мени ёмон йўлда юрувчи бузуқ аёл, деб ўйлайдилар.

Судда иккаласи ҳам дадаси билан яшашни танладилар, менга эса қиё ҳам боқишмади. Менинг заррача гуноҳим йўқлигини қандай исботлашни билмасдим...

– Сизга қийин бўлибди.

– Ҳа, менга жуда қийин, азобда қолганман. Болаларимни қанчалик софинганимни билсангиз эди! – деб Марғуба яна йиғлай бошлади.

– Илтимос, тинчланинг, – деди Сайфиддин. У Марғубанинг бошини силаб, тасалли бергиси келиб қўлини чўзди, лекин у бошқача тушуниши мумкин деб ўйлаб, қўлини тортди.

– Нимага машинани юргизмаяпсиз? Мен сиз билан бирга нариги дунёга жўнамоқчи эдим. У ёққа ёлғиз кетишга кўрқаман... Агар билсангиз, мен жуда кўрқоқман, фақат кўрқоқлигим учун ҳалигача яшайман. Болалари юз ўтирган, эри хиёнатда айблаган аёл қандай қилиб ҳалигача тирик юриши мумкин!

Марғуба Сайфиддиннинг елкасига бошини қўйиб, хўнг-хўнг йиғларди.

«Шўрлик аёл анчадан бери ичида ётган дард-ғамларини менга тўкяпти. Майли, анча енгил тортади», деб ўйлади Сайфиддин ва унинг бошини силаб:

– Тинчланинг, синглим, ҳаммаси ўтиб кетади. Мана, мени айтди дерсиз, болаларингиз сизни бир куни тушунишади. Онажон, деб олдингизга келишади, – деди.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми? – деди Марғуба бошини Сайфиддиннинг елкасидан кутариб.

– Ҳа, албатта, ҳар қалай улар тирик, умид қилса бўлади. Мен-чи, мен нимага умид қилишим мумкин? Ҳеч нарсага!

– Сиз эркак кишисиз, кучлисиз. Бахтингиз ҳамиша ўз қўлингизда.

– Куч қолмаган бўлса-чи?

– Шундай келишган, бақувват киши кучим йўқ деса-я, бунга ким ишонади, – деди Марғуба Сайфиддиннинг билаги мускулларини ушлаб.

Сайфиддин Марғубанинг гапларидан кейин кутилмаганда ҳақиқатан ҳам ҳаётимни қайта бошласам-чи, деган фикрга борди.

Ичгани учунми, Сайфиддинга Марғубанинг гаплари, ҳаракатлари ёқимли туюла бошлаганди. У ўзидан ўн ёшча кичик бу гўзал жувонга тикилиб, жим ўтирарди. Марғуба эса тўхтамай гапирарди, гоҳида кўз ёши қиларди. Сайфиддиннинг қулоғига унинг гаплари кирмасди, у худди ўзини Нозима билан ёнма-ён ўтиргандек сезарди.

– Индамай қолдингиз? – деди Марғуба.

– Бир нарса десам хафа қилиб қўймасмиканман, деб ўйлаяпман.

– Гапираверинг, сиздан хафа бўлмайман.

– Ишонасизми, мен ўзимни худди раҳматли хотиним Нозима билан бирга ўтиргандек ҳис қиляпман.

– Нимага?

– Чунки сиз унга жуда ўхшар экансиз. Бошда кўри-нишингиз ўхшагани учун сизга эътибор бергандим, кейин билсам, хатти-ҳаракатларингиз ҳам жуда ўхшаркан.

– Наҳотки?

– Ҳа, рост гапиряпман, сизни учратиб Нозимани қайта топгандекман, ҳатто менда яшашга иштиёқ пайдо бўлди, – деди Сайфиддин Марғубанинг қўлларини ушлаб.

– Бундан хурсандман, ҳартугул битта одам мен туфайли ҳаётга қайтаркан-ку.

– Сиз-чи, мен билан нариги дунёга кетмоқчи эдингиз, балки бу дунёда ҳам бирга яшашга рози бўларсиз демоқчиман, лекин афсус, бундай дея олмайман.

– Нима учун? – деди Марғуба ерга қараб.

– Чунки сизни олиб бориш учун уйим йўқ.

– Нима экан, дебман. Сайфиддин ака, сиз одам бахтли умр кечирishi учун уй-жойнинг, бойликнинг аҳамияти бор, деб ўйлайсизми?

– Ҳарқалай, бошпана керак-ку.

– Мен ижарада турган уй кичкина, аммо қулайгина...

– Бўпти, агар хўп десангиз, ҳозироқ у ерга борамиз, – деди Сайфиддин қувониб.

– Мен сизнинг ҳаётда қийналиб, ўзингизни ўлдирмоқчи бўлганингиз учун ачинганимдан яхши гаплашдим. Дардларимиз ўхшаб кетгани учун мен ҳам кўнглимни ёздим. Сиз эса буни бошқача тушуниб, мени кўчада учраган кишини уйига етаклаб кетадиган аёл деб ўйладингиз, тўғрими?

– Йук, унақа эмас...

– Худди шундай деб ўйладингиз! Ахир мен сизни ҳозиргина учратиб, қандай қилиб уйга бирга боришим мумкин? Мен кетдим, эркак зотига ишонмаслик кераклигини билардим! – деб Марғуба машинанинг эшигини очиб тушиб кетди.

Сайфиддин соатга қаради, тунги уч. У Марғубанинг орқасидан югурди.

– Тўхтанг, Марғубахон! Алламаҳалда сизни қўйиб юбормайман, ўйламай гапирганим учун мени кечиринг! – деб унинг қўлидан маҳкам ушлаб, машина томонга юрди. Марғуба қошларини чимириб жим ўтирарди. Сайфиддин орадаги дилхираликни қандай тарқатишни билмай боши қотди, кейин секин сўз бошлади:

– Марғубахон, мен сизнинг қўлингизни сўрасам, нима дейсиз?

– Қанақасига?

– Қонуний никоҳдан ўтсак, деган эдим...

– Билмадим... Ростини айтсам, мен бошқа биров билан турмуш қуришга тайёр эмасман.

– Мен эса боя сиз машинамни тўхтатмагунингизча, бошқа турмуш қуриш у ёқда турсин, ҳатто яшашни

ҳам истамаётган эдим. Сиз мени ҳаётга қайтардингиз, энди сиздан ҳам ажралсам яна илгариги аҳволга тушишим турган гап. Наҳотки, сиз шунга йўл қўйсангиз?

– Яширишнинг ҳожати йўқ, очиғи, мен ҳам сизни учратганимдан кейин ўзимни анча яхши ҳис қилдим, лекин сизнинг қандай одам эканингизни билмайман, шунинг учун...

– Марғубахон, эшитинг, мен сизга ҳозир ҳаммасини гапириб бераман, – деб Сайфиддин ўзининг ҳаёти ҳақида гапира бошлади.

Марғуба унинг ҳикоясини тингларкан, сумкачасидан рўмолча чиқариб Сайфиддиннинг кўз ёшларини артди.

– Мен сизга ишонаман, бўлди, бошқа сиқилманг.

– Раҳмат, Марғубахон. Эртага мен билан ЗАГСга боришга розимисиз?

– Ҳа, лекин ундан олдин сизга бирор иш қидирамиз.

– Бўпти, қандай ишлигининг фарқи йўқ, ишлайвераман!

– Жуда яхши.

Марғуба ўриндиқ суянчиғига бошини қўйиб ухлаб қолди. Сайфиддин унинг ширингина бўлиб ётишига тикилиб ўтириб, устига ўзининг пальтосини ёпиб қўйди. У хаёл сурарди: «Тавба, ким ўйлабди дейсиз, эрталаб охирги куним деб ҳаёт билан видолашган кишининг яна яшашни хоҳлаб қолишини? Агар Марғубани учратмаганимда ҳозир урилиб мажақланган машина ичида қонга беланган ҳолда ўлиб ётардим. Қандай даҳшат!

Бу аёл менинг халоскорим. Эрталаб кўрган тушим... Ҳа, онажоним менга бахтинг олдинда, деб айтганлари Марғуба экан-да. Эҳ, онажон, онажон, мени ҳатто вафотингиздан кейин ҳам қўллаб-қувватлаб юрасиз-а...»

Сайфиддин ҳам пинакка кетди...

КУТИЛМАГАН САФАР

Собиржон билан Фарҳод ишхонанинг ошхонасига тушлик қилиш учун кирдилар. Фарҳод иштаҳа билан овқатланар ва тинмай гапирарди:

– Юмурта баракни* жуда яхши кўраман-да. Ошпазимиз Холмурод оға баракни бошлабди, мазасини қаранг!. Уйда кам пиширадилар, опам семириб кетишимиздан кўрқармишлар. Собиржон ака, нимага емаяпсиз, олинг!

Собиржон чойдан бир хўплаб қўйганича овқатга қўлатмаганди. Унинг иштаҳаси бўғилган, нимадандир кўнгли хижил эди.

– Собиржон ака, ростини айтсам, мен бирдан бундай фикрга келишингизни кутмаган эдим, – деди Фарҳод баракни тишлаб.

– Ўзим ҳам...

– Ахир сиз бутунлай бошқача ўйлаётган эдингиз-ку. Нима сабабдан кутилмаганда Жабборовнинг «иш»и терговини тўхтатишга қарор қилганингизни сўрасам бўладими?

– Шарифнинг жиноятчи эмаслиги аниқ бўлиб қолди... Қарасам, мендан бошқа ҳамма шу ишнинг терговини тўхтатишимни хоҳлаяпти. Жабрланувчининг жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишни сўраб ёзган аризасидан кейин мен ҳам ўйланиб қолдим, ниҳоят, терговни тўхтатишга қарор қилдим.

– Бироқ бу ишингиздан кўнглингиз тўлмаётгани сезилиб турибди, кайфиятингиз йўқлигидан ҳатто овқатга ҳам эътибор бермаяпсиз.

Собиржон индамай санчқини қўлига олиб, овқатга энди узатганида телефони жиринглаб қолди.

– Ҳа, Азиза.

* Юмурта барак – хамирнинг ичига тухум, сариёғ солиб пиширайдиган миллий таом.

– Нима учундир Нурбек ҳаяллаяпти, унинг кеч қоладиган одати йўқ эди, – деди Азиза ташвишланиб.

– Балки қўшимча дарси бордир?

– Ўқитувчисига қўнғироқ қилгандим, алақачон уйга кетганини айтди...

– Ие, шунақа дедими, мен ҳозир етиб бораман!

– Тинчликми, нима гап? – деди Фарҳод ўрнидан турган Собиржонга қараб.

– Нурбек ҳалигача уйга қайтмабди.

Фарҳод ҳам ўрнидан турди, у иккинчи синфда ўқийдиган Собиржоннинг ўғилчаси Нурбекни яхши биларди. У кўча-кўйда санғиб юрадиган бола эмаслигини билса ҳам, Собиржонни тинчлантириш учун:

– Бола-да, балки бирор ўртоғи билан ўйинга берилиб кетиб кеч қолдими, бориб қолар, – деди.

Улар шошиб машина томон юрдилар. Нурбек ўқийдиган мактабга кетарканлар, йўл буви кўчадан Нурбекни излардилар.

Ўқитувчидан дарслар тугагач, Нурбек билан бир томонга кетувчи боланинг манзилени олиб, уникига боришди. Собиржон боладан Нурбекни суриштирди:

– Азамат, бугун мактабдан ўртоғинг Нурбек билан бирга қайтганмисизлар? – деб сўради Собиржон.

– Йўқ, мен пича кеч қолиб чиқдим, унинг ўзи кетган.

– Нега кечикдинг?

– Устозимдан уй вазифаларни ёзиб олишга улгурмаганим учун бошқатдан сўрадим.

– Нурбек билан сендан бошқа ҳеч ким бирга кетмасмиди?

– Йўқ, фақат иккаламиз кетардик. Мен чиқиб унга етиб олиш учун югурдим.

– Етолмадингми?

– Диғириқ* кўчага бурилганда Нурбекни кўрдим, лекин менинг ёнимдан бир қора машина ўтиб кетаёт-

* Диғириқ - тор.

ганда унга йўл бериб, четга чиқдим. Кейин қарасам, Нурбек кўринмади, уйга ёлғиз қайтавердим.

– У ўша қора машинага чиққан бўлиши мумкинми?

– Билмадим, қарамаган эдим...

– Ўша қора машинанинг номерини кўрдингми, ўзи қанақа машина эди?

– Катта эди... «Нексия» эди, шекилли. Номерини билмайман.

– Яхшилаб эслаб кўр-чи, эсингга келиб қолар.

– Йўқ, мен унга қарамадим, нима, Нурбекни ўғирлаб кетишибдими? – деди Азамат кўзларини катта-катта очиб.

– Йўқ...

Собиржон Азаматнинг бошқа нарса билмаслигига кўзи етгач, Фарҳодга қаради. У елкасини қисиб қўйди. Улар машинада борарканлар, Фарҳод кўнғироқ қилиб Нурбекни суриштирарди. У милиция йўл нозирларига қора «Нексия» ҳақидаги хабарни тушунтирарди.

Собиржон уйга бориб Азизадан ўғлининг қаерларда бўлиши мумкинлигини сўраб, қариндошлари, танишлари, Нурбекнинг ўртоқлари – ҳаммасини суриштирди. Ўғлининг дарагини тополмаган Собиржон соатига қаради: олти бўляпти, Нурбекнинг йўқолганига олти соат бўляпти, ҳадемай қоронғи тушади... деб ўйлади. Собиржон деворга суянганича турган Азизага қаради, унинг кўзлари қизариб кетган эди. У Нурбекни мактабдан бориб олиб келмаганликда ўзини айблайвериш чарчаган чоғи, жим бўлиб қолган, у энди фақат ичида ўғлининг топилишини Яратгандан илтижо қилиб сўраётгани сезилиб турарди.

Собиржон Азизага қараб:

– Мен кетдим, сен куюнавермагин, Худо хоҳласа, Нурбек тезда топилади... – деди ва ишхонасига келди. У қаергадир кўнғироқ қилаётган Фарҳодга нима гап, бирор янгилик йўқми дегандек қаради.

Фарҳод трубкани қўйиб:

– Ҳеч қандай хабар йўқ... Почтангизни қўйиб кетишди... – деди.

Мурод ака Собиржоннинг хонасига кириши билан:

– Собиржон, ўғилчангизнинг қўққисдан йўқолиб қолишига бирор шубҳангиз борми, наҳотки бу ... – деди у гапини охиригача айтмай.

– Ўзим ҳам ҳайронман, бунга ҳеч қандай сабаб тополмаяпман.

– Ҳамма ёқдан суриштирдик, нима учундир дараги чиқмаяпти. Биласизми, балки у болалик қилиб бирор жойга кетиб қолгандир. Ҳадемай топилди, деган хабарни эшитсак, ажаб эмас. Сиз қўпам хавотирланманг, агар бирор ёрдам керак бўлса, мен хонамдаман...

– Раҳмат.

Собиржон ўғлининг тириклигига шубҳалана бошлади. Наҳотки, у энди топилмаса? Нурбекни бошқа қўролмасам... Бунга қандай чидайман?

Унинг ўкириб йиғлагиси келди, ёлғиз қолиш мақсадида Фарҳодга қараб:

– Сиз кетишингиз мумкин, – деди.

– Нималар деяпсиз, Нурбек топилмагунча қаерга кетаман? Майли, хонамдан қўнғироқ қиларман, – деб қўлидаги трубкани жойига қўйиб, чиқиб кетди.

Собиржон ёлғиз қолди. Уни даҳшатли хаёллар ўз исканжасига ола бошлади: «Наҳотки, ўғлимни машина уриб кетган бўлса ёки... Анави қуни машинада ўтаётганимизда пишқириб оқаётган каналдаги сувга қараб, дада, шу ерда чўмилиш маза-а, деган эди. Ҳеч кимга билдирмай чўмиламан, деб каналда оқиб кетдимикин? Ўғлим, қаердасан? Сенга нима бўлди, ҳозир қандай аҳволдасан?» Собиржон шуларни ўйлаб кўзлари ёшланди.

У кўз ёшларини артиб, «нима қиляпман, ўғлимни топиш йўлларини излаш ўрнига йиғлаш... Йўқ, уни топишим керак», деди.

Собиржон беихтиёр стол устида ётган бугунги почтани олдига тортди ва конвертни очиб, унда ёзилган-

ларга бeфapқ назар ташлади. Сайфиддин аканинг холаси қаерда яшаши ҳақидаги сўровимга жавоб кeлибди, бунинг энди кераги ҳам йўқ, терговни тўхта-тишга қарор қилганман, деб ўйлаб, қоғозни ўзидан нарига итариб қўйди ва бошини қўллари орасига олиб ўйга чўмди.

Собиржон анча ўтиргач, хаёлига бир зумгина ҳозир кўзи тушган манзил, Сайфиддин аканинг холасининг манзили қандайдир танишдай туюлди. Кўчасининг номини қаерда эшитганман, деган фикр келди. У ўрнидан туриб юра бошлади, телефон жириглаб қолди, у тезда трубкини кўтарди.

– Азиза, сенмисан, ҳеч қандай янгилик йўқ, йиғма! – деб трубкини жойига қўйди.

У хона бўйлаб юришда давом этарди. Собиржонни ўша таниш туюлган манзил қизиқтириб қўйганди. У буни аниқлашга қарор қилди, шекилли, бирдан юришдан тўхтаб Сайфиддин ака ҳаётига суиқасдга доир жиноят иши ҳужжатлари тўпланган каттакон папкани очиб варақлай бошлади. У тез-тез қоғозларни очиб ташлаб, бир варақли маълумотномага тикилиб қолди.

– Марғубанинг собиқ эрининг манзили билан бир хил экан, улар ён кўшни бўлишганми? Тасодифни қаранг, мен эса манзили таниш кўринди, деб ўйлабман, – деб Собиржон яна ўрнидан туриб юра бошлади. Кейин яна нима учундир, ўша манзил ҳақида ўйлади. Бу тасодиф бўлмаса-чи? Балки бу ерда бошқа гап бордир? Собиржон ўша маълумотномага яхшилаб қаради.

– Пирниёзов Шаҳриёр Жонибекович... Энди эса Марғубанинг ажрашган эрининг отасининг исми билан фамилияси таниш... Пирниёзов Шаҳриёр Жонибекович... Жонибек... ака, янгишмасам, Инобат опанинг эри эди. Унинг фамилияси нима эди-я?

Собиржон қоғозларни титкилашга ҳафсаласи йўқлигидан трубкини кўтариб Фарҳодга қўнғироқ қилди.

– Эшитаман, Собиржон ака, Нурбекдан бирор хабар борми? – деди шошиб Фарҳод.

– Йўқ, Фарҳод, анави Бобоқулованинг «иш»и бўйича бир нарса сўрамоқчи эдим, унинг онаси Инобат опа эди, отаси Жонибек аканинг фамилияси нима эди?

Фарҳод Собиржоннинг нима демоқчи эканини тушунмай:

– У «иш»ни судга ошириб юборганимизга икки ой бўлди-ку, суд жиноятчига жазо белгилаб, қотил жазо муддатини ўтаяпти. Уни нима учун сўраяпсиз?

– Фарҳод! Ҳеч бўлмаса, шу бугун саволимга савол билан жавоб бермасангиз нима қиларди? Билмасангиз, эсимда йўқ, деб қўя қолсангиз-чи?

Собиржон одатига хилоф равишда бақриб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

– Кечирасиз, биламан, мана, унинг телефонини ёзиб қўйганман. Фамилияси Пирниёзов.

– Телефон рақами-чи? – деди Собиржон ва Фарҳод айтган рақамларни ёзиб олди.

Наҳотки, бу ўхшашлик тасодиф бўлса, менимча, тасодифга ўхшамаяпти. Ҳозир буни аниқлаймиз, деб Собиржон телефон трубкасини қўтарди.

– Жонибек ака, ассалому алайкум, мени эслайсизми, терговчи Собиржонман.

– Тинчликми? – деган хавотирли овоз эшитилди.

– Хавотирланманг, тинчлик, мен бир нарсани ойдинлаштириб олмақчи эдим. Тўғри, ишни судга ошириб юборганмиз, лекин, барибир, расмиятчилик-да, ўшанда сиздан Дурдона ва Бурҳондан бошқа фарзандингиз бор-йўқлигини сўрамаган эканман.

– Ҳа, шунақами? Шаҳриёр исмли ўғлимиз бор, у оиласи билан Тошкентда яшайди.

– Инобат опа яхши юрибдиларми?

– Сизга айтсам, Инобатнинг илгари ҳам бир оёғи Тошкентда эди-ю, ҳозир биратўла ўша ёққа кўчиб кетди.

– Э, шунақами?

– Айтмоқчи, улар ҳаммаси шу ерда эдилар, бугун эрталаб кетишди.

– А...Мабодо, улар қора рангдаги «Нексия»да эмас-мидилар? – деганини Собиржоннинг ўзи ҳам билмай қолди.

– Ҳа, Шаҳриёрнинг машинаси қора рангда. Аммо сиз буни қаердан биласиз?

– Ҳа... Менми... Бугун эрталаб светофорда тўхтаб турганимда қора «Нексия»да ўтирган бир аёлни Инобат опага ўхшатдим... Ўзи аслида, бу ҳужжатни тўлдириб қўйиш ҳам шунда эсимга тушган эди. Беговта қилганим учун айбга буюрмайсиз, Жонибек ака.

– Ҳечқиси йўқ, ука. Тушунаман, ишингиз шундай бўлганидан кейин...

– Майли, хайр, – деб Собиржон тезда трубкани қўйди.

Бундан чиқди Сайфиддин аканинг хотини Марғубанинг собиқ эри Шаҳриёр, Жонибек ака билан Инобат опанинг ўғли экан-да. Ё, тавба, Инобат опа менинг ўғлимни ўғирлаганми? Лекин нима учун? Жонибек аканинг ҳеч нимадан хабари йўқлиги кўриниб турибди... Бу ерда бир гап борлиги аниқ! – деб ўйлаб Собиржон бирпас туриб қолди ва югуриб Мурод аканинг олдига чиқиб кетди.

Мурод ака Собиржоннинг гапларини диққат билан эшитаркан:

– Бир соатдан кейин учадиган рейс билан самолётда Тошкентга кетаман, деган фикрингизга қўшиламан. Аэропортга қўнғироқ қилиб чипта айтдингизми?

– Ҳа.

– Унда яна бир чипта айтишим керак, – деб Мурод ака трубкани қўтарди.

– Яна кимга?

– Сизни ёлғиз юборолмайман, кетдик Собиржон. Йўл-йўлакай у ёққа, прокуратурага қўнғироқ қилиб ҳаммасини тушунтираман. Пирниёзовнинг уйига биздан олдин бориб, биз боргунимизча кўз-қулоқ бўлиб

турадилар. Аэропортдан тўғри Пирниёзовнинг уйига борсак, Худо хоҳласа, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

– Майли, раҳмат, Мурод ака.

– Собиржон, энг асосийси, ўғлингизни ким ўғирлагани тўғрисида тахминингиз бор. Бу тахмин тўғри чиқишига ишонаман.

Улар чиқиб кетишди.

* * *

Фарҳод кечаси алламаҳалгача хонасида ўтириб, ҳамма милиция бўлимлари, вокзал, аэропорт, йўл милиция нозирлари билан гаплашиб, Нурбек ҳақида бирор хабар тополмай хуноб бўлди. У Собиржон акамдан хабар олай-чи, бирор янгилик борми деб турганида телефон жиринглаб қолди.

– Эшитаман, Собиржон ака.

– Фарҳод, мен хизмат сафарига кетяпман, тўғрироғи, йўлдаман.

– Ие, қачон чиқиб кетдингиз? Мен...

– Хавотирланманг, ҳаммаси жойида, сафарим фақат бир кунлик, холос.

– Нурбекдан бирор хабар борми?

– Ҳозирча ҳеч нима дея олмайман.

– Тушунмадим, сафарингиз Нурбек билан боғлиқми ёки тугалланмаган жиноят иши биланми?

– Унисиям, бунисиям... Сизга айтмоқчи бўлганим, эртага эрталаб терговга иккита гувоҳ чақирилганидан хабарингиз бор. Уларни ўзингиз сўроқ қилиб, қайтаринг.

– Ҳўп. Менга айтинг-чи...

– Ҳаммасини келганимдан сўнг гаплашамиз.

– Майли...

Фарҳод ўйланиб қолди. «Собиржон ака нимага сафарга отланди экан-а? Иш бўйичами? Бундан чиқди у Нурбекнинг йўқолиб қолишини қўлимиздаги тергов қилинаётган жиноят ишига алоқадор деб ўйлаяптими? Нима гаплигини менга айтса бўларди-ку. У киши ҳеч

қачон тергов сирини ошкор қилмайди. Ахир терговни иккаламиз олиб боряпмиз, буни билишга мен ҳам ҳақлиман. Хойнаҳой, жуда муҳим бир нарсани аниқлаш зарурияти туғилиб қолган, бироқ мендан буни яширишдан нима наф?

Ҳа, майли, сафардан кейин ҳаммаси ойдинлашиб қолар, барибир, Собиржон аканинг одатини ўзгартиролмайман. Ишқилиб, Нурбек соғ-саломат топилсин...»

Мурод ака билан Собиржон етиб борганларида белгиланган жойда уларни ИИБ ва прокуратура ходимлари кутиб туришган эди. Улар Шаҳриёрнинг уйига қараб кетдилар. Эшикни Инобат опа очди.

Собиржон унга салом бериб:

– Яна учрашганимизни қаранг, Инобат опа, – деди.

Инобат опа ташқарида турган машиналарга, милиция ходимларига қараб ранги ўзгариб кетди, лекин сир бой бермасдан:

– Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, дейдилар, – деди.

– Ўғлингиз Шаҳриёр уйдаими?

– У қизини дугонасиникидан олиб келгани кетувди. Тушунмадим, нега бунча одам билан келдингиз, тинчликми?

– Мен ҳам бир нарсани тушунмасдан, бу сиз орқа-ли ечилишини билганим учун олдингизга келдим.

– Қизиқ, мен ҳал қиладиган нима экан?

– Ўғлим Нурбекни уйингизга олиб келганингизни назарда тутаётгандим. Уни нимага ўғирлаганингизни тушунмаяпман.

– Бу нима деганингиз? Бу ерда ўғлингиз йўқ!

– Агар гапларингиз рост бўлса, остонадан нари турсангиз, биз уйни кўздан кечирсак, – деди Мурод ака.

– Менинг уйимга босқинчиларга ўхшаб келиб, тинтув қилишга нима ҳақларинг бор? Мен бунга рухсат бермайман!

– Мана бу тинтув қилишга ҳаққимиз борлигини кўрсатувчи ҳужжат.

Мурод ака қўлидаги қоғозни Инобат опага кўрсатди ва ёнидагиларга кираверинглар, деб ишора қилди.

Инобат опа бирдан ичкарига қараб югуриб кетди. У ошхонага кириб тез қайтиб чиқди ва тўғридаги хонанинг эшигини очиб, ўйинчоқ макет ясаётган Нурбекнинг бўйнига пичоқ тиради. У деворга суяниб турганича ортидан кирган Мурод ака, Собиржон ва бошқаларга:

– Менинг айтганларимни бажармасанглар, пичоқни тортиб юбораман! – деди.

– Самадова, эсингизни йиғинг, бу билан нимага эришмоқчисиз? – деди Мурод ака.

Собиржон Инобат опанинг кутилмаган ҳаракатидан, Нурбекнинг «ота» деганича бошқа гапиролмай, кўрққанидан дир-дир титрашидан ўзини йўқотиб қўйди.

– Агар бола тирик қолишини истасанглар, ҳамма хонадан чиқиб кетсин! – деб бақирди Инобат опа.

– Чиқинглар... – деди Мурод ака.

– Мирзаев, сиз қолинг!

– Хўп, фақат пичоқни нарироққа олинг, бўйнига тегмасин... – деди Собиржон.

Ҳамма чиқиб кетганидан сўнг:

– Эшикни ёпинг! – деди Инобат опа.

Собиржон эшикни бекитиб:

– Нурбек, кўрқма, ҳаммаси яхши бўлади, – деди.

Нурбек ранги оқариб индамай турарди.

– Ўзингиз айтгандек, ҳаммаси яхши бўлиши учун сиз айтганларимни хатосиз бажаришингиз лозим. Шартларимни биттадан айтаман, яъни бири бажарилгач, иккинчисига ўтаман. Агар айтганларимни бажармасангиз, ҳеч иккиланмасдан, пичоқни тортиб юбораман. Билиб қўйинг, мен ҳеч нимадан кўрқмайман, яшашнинг эса менга мутлақо кераги йўқ. Биринчи шартим, сиздан бошқа ҳамма менинг уйим атрофидан қорасини ўчирсин. Билиб турганингиздек, ҳаммаси деразадан кўриняпти. Айтганимни қанчалик тез

бажаришса, болага шунча яхши, буни ўзингиз сезаётган бўлсангиз керак.

Собиржон эшикни очиб Инобат опанинг шартини айтди. У ҳеч ким қолмаслигини илтимос қилди. Келган машиналар бирин-кетин ўрнидан қўзғалиб, атроф жимжит бўлиб қолди.

– Илтимос, тезроқ шартингизни айтинг! – деди Собиржон.

– Столнинг устидаги қоғозни олиб ёзинг.

– Нимани?

– Жабборов Сайфиддиннинг ҳаётига суиқасд жиноят ишининг терговини тўхтатиш ҳақида. Қисқаси бунга нуқта қўйинг!

– Қарор ёзинг, демоқчимисиз?

– Ишни ёпиб ташлаш учун нима қилиш кераклигини мендан кўра ўзингиз яхши биласиз.

Собиржон қоғозни олиб, ниманидир ёза бошлади. У ўғлига қаради. Кейин Инобат опага:

– Биласизми, мен бутун бу ҳақда қарор ёзган эдим, лекин Нурбекнинг йўқолиб қолиши ишни бутунлай тамомлашимга ҳалал берганди, – деди.

– Ёлғон гапиряпсиз, шогирдингизнинг айтишича, сиз жиноятни очмагунча ишни тўхтатмас экансиз. Мен буни билгач, болани ўғирлашга мажбур бўлдим.

– Айтинг-чи, Инобат опа, терговни тўхтатишимдан сизга нима наф?

– Бу ерда сиз мени тергов қилаётганингиз йўқ, савол берманг! Кўзингиз олдида уни бўғизлаб ташлайман!!

Инобат опа пичоқни Нурбекнинг бўйнига теккизди. Бўйнидан қон томчилай бошлади. Собиржоннинг қўлидан ҳеч нима келмасди. У ҳансираб, терга ботиб кетди.

– Илтимос... Ёлбораман... Пичоқни олинг... Нимани ёз, десангиз, шуни ёзаман. Айтганингизни қиламан, фақат ўғлим тирик қолсин...

Бўлаётган воқеаларга тушунмай, анграйганча компьютер қаршисида қимирламасдан ўтирган Инобат опанинг невараси Нурбекнинг бўйнидаги қонни кўриб қичқириб юборди.

– Буви, Нурбекни кўйиб юборинг, у яхши бола!

– Сен аралашма, жим бўл!

– Ахир уни қариндошимиз деган эдингиз-ку!

– Жим бўл, аҳмоқ!

– У билан ёшимиз ҳам тенг экан, дўст бўламиз, деб келишиб олгандик.

– Бу ёққа қарама, ўгирилиб ўтир!

Инобат опа Собиржон бир нима қилиб кўйишидан кўрқиб, ундан кўзини узмасди. Невараси эса ўрнидан туриб, Инобат опа билан Нурбекка қараб қотиб қолганди. У стол устидаги биллаур гулдонни олиб:

– Бувижон, унга тегманг, сизни яхши кўрардим... Ҳозир худди кинолардаги каннибалларга* ўхшаяпсиз... Сиз менинг бувим эмассиз! – деб бақирди.

– Овозингни ўчир, тентак, ҳаммасини сенларни деб...

Инобат опа сўзини тугатолмади. У невараси отиб юборган, ён томондан қулоғи аралаш теккан оғир гулдон зарбидан инграб, бошини ушлашга мажбур бўлди. Бўйнидан пичоқ нари кетиши билан Нурбек отаси томон югурди. Собиржон ўғлини олиб, тезда хонадан чиқди. Эшик олдида турган икки милиция ходими Инобат опанинг кўлига кишан солди.

АФСУН

Ниҳоят, Фарҳод эртаси куни тонгда Собиржон билан телефонда гаплашди.

– Нимага кўнғироқларимга жавоб бермайсиз, мен фақат Нурбек ҳақида сўрамоқчиман...

* Каннибал – (фр. Cannibale) одамхўр.

– Нурбек топилди, соғ-омон. Бугун кечқурун етиб борамиз, вақтим жуда зиқ, бошқа қўнғироқ қилманг!
– деди Собиржон.

– Хўп...

Нурбек топилганидан қўнгли хотиржам бўлган Фарҳод бошқа иши йўқлигидан сканворд ечишга киришди.

Эрталаб Фарҳод сафардан қайтган Собиржон билан саломлашиб, Нурбекни сўради. Уни Инобат опа билан ўғли ўғирлаганини эшитиб бир қанча саволлар бермоқчи эди, аммо Собиржон шошилиб Мурод аканинг хонасига кириб кетди. У бироздан кейин хонасига қайтди.

Собиржонни кутиб турган Фарҳод унинг хонасига кириб шошилиб ёзаётганини, кутилмаган сафари ҳақида ҳеч нима дейиш нияти йўқлигини сезиб, атайлаб бошқа нарсалар ҳақида сўради:

– Бир нарсани сўрамоқчи эдим, – деди.

– Нимани? – деди Собиржон тез-тез ёзаркан, унга қарамасдан.

– Соддадил, қалби пок кишининг тушиб қолиши мумкин бўлган тузоқнинг номи нима?

– Сиз шундай тифиз пайтда сканворд ечяпсизми? Бу ҳам етмагандек, яна менинг бошимни қотиришингизни-чи! – деди Собиржон асабийлашиб.

– Ҳозир бутунлай бўшман-да, биласиз, бекорчиликни ёқтирмайман. Нима, бир оғиз сўз айтиш сиз учун шунчалик қийинми? Кайфиятингиз эса яхши эмас, аъло! Жавоб беришингизга ишонганимдан сўраяпман.

– Макр, десам, сиздан қутуламанми? Боринг, ҳозир жуда муҳим ишни ҳал қилишимиз керак, ёзадиганларимни ёзиб олай.

– Макр, ҳийла, найранг сўзларидан бошқасини топиш лозим. «А» ҳарфи билан бошланади, бешта ҳарфдан иборат, «алдов» деган сўз ҳам тўғри келмаяпти, – деди Фарҳод ўша сўзни топмаса тинчимаслигини билдириб.

– Фарҳод, агар вақтимиз бемалол бўлганида сиз билан Нурбекнинг ўғирланиш тафсилотлари ҳақида гаплашардим. Ҳозир жуда муҳим ишни амалга оширишимиз керак! Менга халал берманг! – деди Собиржон.

Фарҳод Собиржоннинг ҳақиқатан ҳам асабийлашаётганини билиб, хонадан чиқиб кетди.

Собиржон қўнғироқ қила бошлади:

– Алло, Сайфиддин ака, тузукмисиз?

– Ҳа, бугун касалхонадан чиқмоқчиман, Марғуба кийимларимни келтирган экан, кийинаётган эдим, – деди Сайфиддин ака.

– Жуда яхши, табриклайман. Мен боргунимча кутиб туроласизми?

– Тез келасизми? Ростини айтсам, бу ерда ётавериш жонимга тегиб кетди.

– Тушунаман, лекин хизматчилик, айрим нарсаларни...

– Собиржон ука, мен ишни ёпиб ташлаш ҳақида ариза берганман-ку, яна галвами?

– Йўқ, бу сафар худди сиз айтганингиздек бўлади.

– Мен хотиним билан сизларни кутиб тураман, кўп вақтимизни олмайсиз, деган умиддаман.

– Албатта, албатта, хавотирланманг, фақат арзимаган расмиятчилик қолган, холос! – деб Собиржон трубкани қўйди.

Мурод ака қўлида икки варақ қоғоз билан Собиржоннинг хонасига кириб уни узатаркан:

– Сизлар, тўғри касалхонага бораверинглар. Агар унинг яшаш жойига борамиз деб кутсак, ҳаммасидан хабар топиб, жиноятчи қочиб кетиши мумкин! Мен орқаларингдан ички ишлар ходимлари билан бирга етиб бораман, – деди.

– Хўп, – деди Собиржон ва йўл-йўлакай Фарҳоднинг хонасига бошини суқиб: – Кетдик, – деди.

– Қаерга? – деди Фарҳод унинг нима қилмоқчи эканини билолмай.

– Сайфиддин ака ётган шифохонага.

Улар машинада борарканлар:

– Боя саволимга жавоб бермасдан жаҳд қилдингиз, ҳозир вақтимиз бемалол-ку, саволимни қайтарайми?

– деди Фарҳод.

– Майли.

– Қалби тоза, соддадил кишининг тушиб қолиши мумкин бўлган тузоқнинг номи. «А» ҳарфи билан бошланади, бешта ҳарфдан иборат, айтиб қўяй, «алдов» сўзи тўғри келмаяпти.

Собиржон бироз ўйланиб қолди, кейин:

– Бу сўз «афсун» бўлса керак. Ҳатто бу тузоққа Сайфиддин акага ўхшаганлар ҳаётлари давомида икки марта ҳам тушишлари мумкин экан... – деди ўйчан қиёфада.

– Ҳа, тўғри, қизиқ, нима учун шу сўз олдинроқ хаёлимга келмабди-я?

– Хаёлингизга келмаганининг сабаби эса ўйлаш сал оғирлик қилса, дарров ёрдамга чақирришга югуришингиздан.

– Ўзи касалхонада нима қиламиз? – деди Фарҳод гапни бошқа томонга буриб.

– Жиноятчини қўлга оламиз, – деди Собиржон ортидан ўзиб кетишга ҳаракат қилиб, тезлигини ошириб келаётган машинани ўтказиб юбориш учун рулни сал ўнгга буриб.

– Жиноятчини? – деди Фарҳод елкасини қисиб.

Собиржон машинани бошқариб кетаркан, унинг юзи алақандай ташвишли эди. У ниманидир ўйлаб, бошини чайқаб қўйди. Фарҳод бунинг сабабини билиш мақсадида:

– Собиржон ака, ўша жиноятчининг кимлигини менга ҳам айтасизми? – деди.

Собиржон ўз хаёллари билан шунчалик банд эдики, у ҳатто Фарҳоднинг гапини эшитмади. Фарҳод бундан хафа бўлиб:

– Собиржон ака, жиноят ишини иккимиз тергов қилаяпмиз-у, сиз эса менга жиноятчининг кимлигини ҳалигача айтмадингиз, – деди.

– Нима? – деди Собиржон.
– Жиноятчи ким, деб сўраяпман.
– Ҳа, уми, мен ҳам унинг жиноятчи эканини кечагина, сафарда билдим.

– Менга ҳам айтиш ниятингиз борми ёки ҳибсга олганимиздан кейин ўзим билиб оламанми?

Собиржон касалхонага келиб қолишгани учун машинани тўхтатиб, тезда ичкарига қараб юрди.

Фарҳод Собиржоннинг бундай кескин ҳаракатидан аҳвол жиддий эканини сезиб, у ҳам ичкарига отилади.

Сайфиддин ака Собиржон ва Фарҳод билан саломлашаркан:

– Марғуба, сен мени нариги дунёга кетаётганимда йўлдан қайтарган эдинг, мана бу икки йигит эса ўлимдан сақлаб қолган, – деди.

– Раҳмат, сизларга, – деди Марғуба.

– Сиз билан бир нарсани гаплашишимиз керак, – деди Собиржон кийиниб, кетишга тайёр бўлиб турган Сайфиддин акага қараб.

– Майли ука, лекин боя айтганимдек, жуда шошаяпман. Шунинг учун сизни ўтиришга таклиф ҳам қилмаяпман, кўриб турганингиздек, ўзим ҳам тикка турибман.

– Сайфиддин ака, бу сиз ўйлагандек тез гаплашадиган иш эмас, гап жиноятчи ҳақида боряпти.

– Қанақа жиноятчи, ахир мен жиноят ишини ёпиб ташлашни сўраганман-ку?

– Тўғри, аммо сиз нима дейишингиздан қатъи назар, биз ўзимиз лозим топсаккина жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишимиз мумкин, агар...

– Аризани топшираётганимда бу гапни Фарҳод айтган эди, бироқ мен қаттиқ илтимос қилгандим.

– Шунақами?

– Ука, бугун кайфиятим жуда яхши, келинг, ўша жиноятни эсламайлик, яхшиси, хайрлашайлик, – деди Сайфиддин ака Собиржоннинг гапини бўлиб.

– Бунинг иложи йўқ, чунки жиноятчи кимлиги аниқланди.

– Мен эса буни эшитишни ҳам хоҳламайман.

– Сиз истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам биз жиноятчини қонун бўйича жавобгарликка тортишимиз лозим. Буни сизга билдиришга мажбурмиз.

Эшиқдан кўринган милиция ходими Собиржонга етиб келганини айтиб, чиқиб кетди. Сайфиддин ака уларни кўриб жиноятчининг кимлиги билан ўзи ҳам қизиқиб қолди, шекилли:

– Майли, Собиржон, шунча тер тўкиб топган жиноятчингизни олиб келинг-чи, уни бир кўрайлик, – деди.

– У ташқарида эмас, жиноятчи ёнингизда турибди, – деди Собиржон.

– Ука, ҳазиллашманг, – деди кулиб Сайфиддин ака.

– Сизнинг ҳаётингизга суиқасд қилган жиноятчи бу – Марғуба Холиқова!

– Бу ҳазилингиз аввалгисидан ҳам ошиб тушди, жуда қалтис ҳазил қилдингиз!

– Жабборов, биз бу ерга сиз билан ҳазиллашгани эмас, жиноятчини олиб кетгани келганмиз! – деди Собиржон бироз асабийлашиб.

– Нималар деяпсизлар? Мен... қанақасига... ахир у кишини яхши кураман... – деб Марғуба Сайфиддинга яқинроқ келиб унинг билагидан ушлади.

– Сен хафа бўлма, жоним, булар адашаётганлари аниқ, – деди Сайфиддин унинг елкасидан қучиб.

– Жабборов, Холиқованинг макрига учиб, сиз адашгансиз! – деди Собиржон.

– Собиржон, мен сизни жуда ҳурмат қиламан, лекин бу гапларингиз билан мени хафа қиляпсиз.

– Сайфиддин ака, сиз ўтиринг, ҳаммамиз ўтирайлик, чунки мен ҳаммасини бир бошдан айтиб беришим керак, – деди Собиржон.

Марғуба Сайфиддинга яқин ўтириб, дир-дир титрай бошлади. Унинг кўзлари олазарак эди.

– Хўш, Холиқова, нима учун Жабборовнинг ҳаётига суиқасд қилдингиз, нима сабабдан қотилликка қўл урмоқчи эдингиз? Ўзингиз айтиб берасизми ёки мен гапирайми?

– Очиги, сизнинг гапларингизга тушунмаяпман. Биринчидан, мен никоҳдан ўтилаётганда Сайфиддин акамнинг фамилияларини олганман, Жаббороваман, нимага ҳадеб Холиқова деяётганингизга ҳайронман. Иккинчидан, мен ўз эримни ўлдирмоқчимасман! – деди Марғуба ўзига сув юқтирмасликка ҳаракат қилиб.

– Демак, айбингизга иқрор эмассиз, тўғрими?

– Қанақа айб, бундай дейишга бирор асосингиз борми? – деди Марғуба асабийлашиб.

– Шошилманг, менда қандай далиллар борлигини ҳозир биласиз, – деди Собиржон ва Сайфиддин акага қараб:

– Тўғриси айтганда, Сайфиддин ака, мен сизнинг ишингизни бошлаган биринчи кунимданоқ суиқасдда Холиқовадан шубҳаланганман, чунки бунга асосим бор эди. Агар диққат билан кузатсангиз, машинанинг тормози ишламай қолганидан бир кун олдин сиз калитни фақат хотинингизга бергансиз, бошқа ҳеч кимга эмас.

Касалхонадаги воқеа – кислород ниқобчасининг ва игнанинг олиб ташланиши, бунда ҳам атрофингизда фақат хотинингиз бўлган. Ундан бошқа шубҳали нотаниш кишиларни ҳеч ким кўрмаган.

Ниҳоят, сиз жиноят ишини ёпиш ҳақидаги аризани ёзишингиз, бунда ҳам ёнингизда хотинингиз бўлган...

– Ука, сизга тушунолмадим, ахир сиз айтган пайтларда ёнимда хотиним бўлиши табиий ҳол-ку! Наҳотки, сиз шуларни айблов учун асос деб ҳисобласангиз?

– Сайфиддин ака, гапимни бўлмай, эшитинг. Мен шу ҳозир айтганларимга асосланиб, Холиқованинг шахсини ўргана бошладим. У ҳақиқатан ҳам бундан

икки йилча илгари турмуш ўртоғи билан ажрашиб, вояга етмаган иккита фарзанди эри тарбиясида қолганлиги аниқланди.

Мен қанчалик синчковлик билан текширмай, барибир, Холиқова сизни ўлдириш учун ҳаракат қилган, дейишга бирор сабаб тополмадим. Шундан кейин Холиқовани шубҳадан холи, деб ҳисоблаган эдим.

– Жуда тўғри қилгансиз, бироқ яна нима учун уни айблаяпсиз?

– Мен бундан икки кун олдин сизнинг ҳаётигизга суиқасд қилингани бўйича очилган жиноят ишини сиз истаганингиздек ёпиб ташлашга жазм қилгандим. Худди шу куни менинг ўғилчам ғойиб бўлиб қолди. Биласиз, фарзанд дунёдаги ҳамма нарсадан азиз. Табиийки, кўзимга ҳеч нима кўринмади, хаёлим фақат ўғлимда эди. Шундай оғир аҳволда ўтирганимда яна сизнинг «иш»ингизни эслаб қолдим.

– Нимага?

– Бунга сизнинг холангиз сабабчи эди.

– Холам, Саломат холамни қаердан биласиз, у киши тирикми? Қаерда эканлар?

– Сиз берган саволларга жавоб топишимиз жуда қийин кечди. Ўша куни, ниҳоят, холангизнинг қаерда яшаганлиги, яъни унинг охириги яшаган манзили ҳақида почта орқали маълумот келган эди. Мен маълумотномадаги унинг манзилини ўқир эканман, кўчасининг номи жуда таниш туюлди. Мен бу танишликни билолмай анча ўйландим. Билганимдан кейин эса ҳайратга тушдим. Наҳотки, бу тасодиф, деб ўйладим.

– Собиржон, илтимос, холамнинг қаерда яшашини тезроқ айтинг! – деди Сайфиддин ака Собиржонга юзланиб.

– Биласизми, мен олган маълумотномани Холиқова Марғубанинг илгари яшаган манзили билан таққослаганда, уларнинг уйлари ёнма-ён жойлашган қўшни бўлиб чиқдилар.

– Нима? Сайфиддин ака, бизнинг қўшимиз Саломат опа сизнинг холагиз эканми? – деди Марғуба таажжубланиб.

– Агар сиз буни билмаганингизда, Сайфиддин ака билан қонуний никоҳдан ўтмаган бўлардингиз!

– Тушунмадим, бу оддий тасодифдан бошқа нарса эмас-ку! – деди Марғуба.

– Мен кечагина Саломат опанинг уйига бордим. Мен у ерга фақат буларни билгани эмас, эрингиз билан қайнонанингиз ўғирлаб кетган ўғлимни ҳам олиб келгани борганман.

– Нима? – деди Марғуба саросимада.

– Сиз телефон қўнғироқларингизга улардан жавоб ололмаётганингиздан ҳеч нимани сезмадингизми? Биз уларни ўша кечасиёқ ҳибсга олганмиз. Болалар эса бизнинг назоратимизда. У ерда қўшилариингиздан кўп нарсаларни билдим. Ана шунда менга ҳаммаси аён бўлиб қолди. Сиз фақат Сайфиддин акани эмас, балки бизни, яъни терговни ҳам чалғитиб, роса лақиллатиб юрган экансиз!

– Тўхмат қилманг!

– Собиржон, мен ҳеч нимани тушунмаяпман, илтимос, бир бошидан батафсил сўзлаб беринг, холам билан Марғуба қўшни бўлган бўлишлари мумкин, лекин бунинг нимаси жиноят? Ўғлингизни кимдир ўғирлаган, лекин бунга Марғуба айбдор эмас-ку? – деди Сайфиддин ака.

– Сайфиддин ака, сиз фақат исминигина билган, бошқа ҳамма тарафи сизга нотаниш холагиз Саломат опа миллати украин Тарас Кравчук билан турмуш қуриб, бирга яшаганлар. Уларнинг фарзандлари бўлмаган. Эрининг вафотидан кейин унинг ҳамма мол-мулки холагизга қолган. Унинг Украина билан ҳамкорликдаги қўшма корхонасидаги улуши жуда катта пулни ташкил қилган, иккита супермаркети, банкдаги пуллари, уй-жойи, иккита чет эл маркаси-

даги машиналари, ҳаммаси етмиш ёшдан ошган кам-пирга қолиб кетган.

Холиқова Марғуба билан унинг эри Шаҳриёр Саломат опанинг уйида хизмат қилишган. Холангиз уларга каттагина маош берган. Қўшнилари айтишича, Саломат опа бу эр-хотинга ҳамма нарсасини ишонган, уларга худди ўғли билан келинига қарагандек қараган. Булар эса қайнонаси Инобат Самадованинг маслаҳати билан Саломат опанинг меросхўри йўқлигини билганлари учун унинг ҳамма мол-мулки ўзларига қолишига ишонганлар. Шунинг учун ҳам холангизнинг ҳамма нарсасига худди ўзларининг мулкига қарагандек асраб-авайлаб қарашган ва Саломат опанинг меҳрини қозонишган. Бундан бир ярим йилча аввал улар кутмаган бир воқеа юз бериб, ҳаммасини ўзгартириб юборган, – деб Собиржон ўша воқеани батафсил сўзлай бошлади.

* * *

Саломат опа эрининг вафотидан кейин ҳеч нарсага қизиқмай қўйди. У корхонада ишлар қандай кетаётганини, супермаркетлардаги савдони бориб текшириб юришига чек қўйди. У булар менга нимага керак, Шаҳриёр ҳаммасини ўзи эплайпти-ку, охиروқибатда бойлигимнинг ҳаммаси унга қолади, деб ўйларди.

Шаҳриёр тиним билмай ишлар, ҳатто айрим пайтлари кечалари уйга келмас, корхонанинг бир тийини бировга ўтиб кетишидан хавотирланарди.

Марғуба эса Саломат опанинг атрофида парвона эди. У қўшнилари чиққанида суҳбатларини диққат билан тинглар, уларнинг ўзлари ҳақидаги ҳамма гапларини эшитишга ҳаракат қилар, катта меросдан маҳрум бўлиб қолишдан жуда қўрқарди.

Қиш тунларининг бирида Саломат опа туш кўрди. У уйғониб кетиб, тушининг таъбирини ечолмай ўтириб қолди; эрталаб нонушта пайтида бир оғиз ҳам га-

пирмади. Марғуба Саломат опанинг бундай ўтиришининг сабабини билиш учун:

– Опажон, нима бўлди, соғлигингиз яхшими? – деди чой узатаркан.

– Яхши...

Унинг ўзгариб қолганидан хавотирланган Марғуба:

– Опа, бирор нимадан хафамисиз ёки мен билмасдан кўнглингизга озор етказдимми? – деди.

– Йўқ, сизларга минг раҳмат. Биласанми, мен галати туш кўрдим, шундан хавотирдаман.

– Қандай туш? – деди Марғуба ичида хайрият, туш экан-ку, деб ўйлаб.

– Опамни кўрдим, у оппоқ кийимда эди. Саида опам худди ёшлигимиздагидек дадам ҳақида қайғуриб, менга: «Дадам қийналиб кетди, унга ёрдам бер», дедилар.

– Улар ўлганлар-ку, қандай қилиб ёрдам бераман? – дедим ажабланиб.

– У тирик, фақат сен уни танимайсан... – деди опам ва кетиб қолди. Менимча, опам вафот этганлар, бироқ менга нима демоқчи эканини тушунмадим, – деди Саломат опа ўйга толиб.

– Э, опажон, шунга ҳам бош қотириб ўтирасизми, ахир, тушга нималар кирмайди, душман нималар демайди, деб бекорга айтишадими? Кечаси опангизни ўйлаб ётганингиз учун тушингизга киргандир.

– Мен опамнинг ёнига боролмайман, лекин унинг ҳозир тирикми-йўқми эканини аниқлашим мумкин, – деди Саломат опа.

– Албатта... – деб Марғуба чиқиб кетди.

Саломат опа буни телефон орқали аниқлади. Опасининг бундан икки ой олдин вафот этганини билиб, чуқур қайғуга ботди. «Балки опам мени ҳам ёнига чақираётгандир, деб уйлади у. Йўқ, у фақат ёрдам сўраб, кетиб қолди-ку. Ёки бу ҳақиқатан ҳам, Марғубанинг гапи билан айтганда, бор-йўғи тушмикан? Унда нимага илгари бундай туш кўрмаганман?

Тўхта, Саломат, ҳамишагидек яна қисқа ўйлаяпсан, наҳотки, жиянинг борлиги эсингдан чиқди? Ахир унинг исми Сайфиддин эди-ку! Балки опам раҳматли ўз ўғлини назарда тутгандир? Ҳа, худди шундай, у бекорга сен уни танимайсан, демаган. Мен буни аниқлайман», деб ўйлади Саломат ва Марғубани олдига чақириб:

– Шаҳриёр қани? – деди.

– У кеча қўшни вилоятга моллар савдосини аниқлагани кетган эди.

– Келганидан кейин менинг ёнимга келсин.

– Хўп бўлади, опажон.

Эрталаб Шаҳриёр нонушта пайти Саломат опанинг олдига кирди.

У қуюққина қилиб сўрашганидан кейин:

– Йўқлаган экансиз, опажон? – деди тавозе билан.

– Ҳа, ўғлим, биласан, мен сени ўғлим деганман, сен менинг суянган тоғимсан.

– Раҳмат, опажон.

– Мен сенга бир вазифа топширмоқчиман, ишонаманки, сен бунинг уддасидан чиқасан.

– Албатта, опажон, нима хизмат?

– Биласанми, менинг Сайфиддин исмли жияним бор эди. Унинг ҳозир ҳам ўша отамга тегишли ҳовлида яшаётганини аниқладим. Сен бориб унинг қандай яшаётганини билишинг керак, агар у бирор нимадан қийналаётган бўлса, унга ёрдам бермоқчиман.

Шаҳриёр кутилмаганда Саломат опанинг жияни пайдо бўлиб қолганидан хавотирга тушди ва буни онаси Инобат опага айтди.

– Кампирнинг жияни қайси гўрдан чиқиб қолди экан? – деди асабийлашиб Инобат опа.

– Ҳамма бало ўша тушдан бошланди, кеча кампир туш кўрибди, тушида опаси бир нима деганмиш.

– Э-э, мияси суюлган кампир, жиянимиш... – деб Инобат опа ўйлаб қолди.

– Манзилини биламан, бориб бирёқлик қилиб келсам-чи? – деди Шаҳриёр.

– Калланг ишлайдими, агар унга бир нима бўлса, кампир сендан кўриши тайин. Кейин-чи?

– Ҳа, бу томони ҳам бор...

– Мен бориб кўрай-чи, «жиян»нинг қандай яшаётганини аниқлаб, бирор хулосага келарман. Ундан сўнг сенга нима қилишинг кераклигини айтаман.

Шаҳриёр билан Инобат опанинг Сайфиддиннинг иқтисодий аҳволини билиш учун боришлари унинг бошига кулфат тушган, олдига ҳеч кимни қўймай ароқ ичиб ётган вақтига тўғри келган. Шаҳриёр Сайфиддин бошига тушган оғир жудоликни эшитиб, қайтиб кетди. У бу ҳақда Саломат опага айтмади. Сайфиддин ҳовлисининг ҳар томондан расмга туширилган, онаси берган суратларни Шаҳриёр Саломат опага курсатиб:

– Жиянингиз Сайфиддин Жабборов мана шу қасрда яшар экан, унинг бойликлари сизникидан куп бўлса бордир, лекин кам эмас, – деди.

– Баракалла, Сайфиддин, бизнинг эски ҳовлимизнинг ўрнида шундай серҳашам иморат тиклабди, – деб Саломат опа расмга меҳр билан тикилди. – Буни қаранг, бизнинг ёшлигимиздаги гужум ҳалиям турибди. Уни юз йилдан ошиқ умр кўради деб тўғри айтишаркан...

– Энди сал хотиржам бўлдингизми? – деди Шаҳриёр Саломат опанинг жиянига ёрдам бериш фикридан қайтганини аниқ билиш учун.

– Ҳа, раҳмат сенга, ўғлим, жиянимнинг яхши яшаётганини айтганингдан бошим осмонга етди. Мен унга бутун мол-мулкимни мерос қилиб қолдираман.

– А! Нимага? – деб юборди Шаҳриёр Саломат опанинг кутилмаган гапидан эсанкираб.

– Чунки унга дадамнинг исми қўйилган. Мен дадамга ҳеч нима қилиб беролмаганман, мендан рози бўлмай, бу дунёдан кўз юмганлар. Унинг исми билан аталган ёлғиз неварасига қўлимдан келган шу ишни қиламан, зора, дадамнинг руҳи бундан қувонса...

– Бироқ унинг мол-мулки беҳисоб-ку?!

– Бу жуда яхши, унга меники ҳам қўшилиб, жияним улкан мол-давлат эгасига айлансин, авлодимизнинг шон-шухратини бундан ҳам юксакларга кутарсин. Қолаверса, менинг номимни ҳам, қайтадан ўзимизнинг оиламиз номи билан бирга қўшиб айтсин. Токи, бу менинг умримнинг охирида қабул қилган бирдан-бир тўғри қарорим бўлиб қолсин!

Шаҳриёр ҳозир Саломат опага бир нима деб қарши чиқса, унда ўзига нисбатан шубҳа уйғотиши мумкинлигини билиб, айёрлик билан:

– Тўғри айтасиз, опа, мен ҳам сизнинг фикрингизга қўшиламан, – деди.

– Шундай дейишингни билардим, Шаҳриёр, чунки сен мен бу дунёда билган одамлар ичида энг садоқатлисисан.

Саломат опа эртасигаёқ нотариусни чақириб, айтганидек қилиб, ҳамма мол-мулкни, яъни меросини ўзи бу дунёни тарк этганидан кейин жиянининг номига ўтишини қонуний расмийлаштириб қўйди.

Ўзини шунча бойликнинг бўлғуси хўжайини, деб ҳисоблаб юрган Шаҳриёрнинг боши қотиб қолган эди. Инобат опа эса шунча меҳнатим бесамар кетишига йўл қўя олмайман, деб қандай қилиб бўлса ҳам, кампирнинг ўлиmidан сунг, ўзи орзу қилган мол-давлатни қўлга киритиш йўларини излай бошлади. У Сайфиддиннинг ёлғиз фарзанди ва хотинидан ажраб қолганини, ниҳоятда тушкун кайфиятда эканини эслаб, мол-мулкнинг ўзимизда қоладиган йўли топилади чоғи деб, сал кайфияти кўтарилади.

Инобат опа уйлаб-уйлаб, охири разил мақсадини амалга оширишнинг йўлини топган эди. У режасини ўғли Шаҳриёрга айтганида:

– Эсингиз жойидами, ойи, мен қандай қилиб хотиним билан ажрашиб, унинг ўша чолга тегишига рози бўламан? Кейин-чи, кейин нима қиламан? Болаларчи? – деди ўрнидан сапчиб тушиб.

– «Жиян» билан никоҳдан ўтганидан сўнг бир ойга ҳам етмасдан у бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлади. Мерос эса Марғубада, яъни бизда қолади. «Жиян»нинг ҳеч кими йўқлиги мақсадимизни амалга оширишга асосий омил ҳисобланади.

– Мен кейин Марғуба билан қандай қилиб бирга яшайман, бу томонини ҳам ўйладингизми?

– Ўғлим, ҳаммасини ўйлаганман. Авлод-аждодингга ҳам етадиган мислсиз бойлик турганда хотинингни бошқага никоҳлаш бир чақага арзимаган иш-ку. Ахир, сен шу бойликни деб Тарасни ўлдирдинг, энди биз ҳеч нарсадан қайтмаслигимиз керак, акс ҳолда, бойлик қўлимиздан чиқиб кетади!

– Мен Марғубани ўйлаб...

– Сен хотинингни ўйлама. Катта мол-мулк эгасига қайси қиз хотин бўлишни истамайди дейсан?

– Гапингиз тўғри... Ойи, яна ниманидир кўздан қочириб, унинг қаердандир бирор яқин қариндоши чиқиб қолмасин, тагин.

– Йўқ, мен ҳаммасини яхшилаб аниқлаганман, унинг меросига шериклик даъво қиладиган ҳеч кими қолмаган.

Шаҳриёр бирпас ўйлаб қолди ва норози оҳангда:

– Ойи, очиғини айтсам, шу таклифингиз менга ёқмаяпти. Бошқа йўлини изласак-чи, – деди.

– Нима, ўз келинини бегона билан никоҳлаш менга ёқади, деб ўйлайсанми? Бундан бошқа чорамиз йўқ. Акс ҳолда, бир мирисиз қолиб кетамиз. Ким ўйлабди дейсан, лаънати кампир кутилмаганда фикрини ўзгартиради, деб?

– Ахир...

– Ҳозирча биз режани амалга оширишнинг биринчи босқичини бажариб турамыз, кейин шароитга қараб йўл тутамиз, – деди Инобат опа Шаҳриёрни тингламай.

– Биринчи босқич деганингиз нимаси?

– Бу эртагаёқ никоҳингизни бекор қилиш ҳақида судга ариза берасиз, дегани.

– Судда бунинг сабабини сўрашади-ку?

– Сабабини ўйлаб қўйганман, муддатсиз тезда никоҳни бекор қилишнинг бирдан-бир йўли бу – хиёнат. Марғуба ўз «хиёнат»ига иқрор бўлиши лозим.

– Қанақа хиёнат, шу шармандали сабабдан бошқасини топсак-чи?

– Сенга тушунолмаяпман, нима фарқи бор, ахир муҳими, мерос бизнинг қўлимизда қолиши эмасми?

– Ҳа, шундай... Лекин қўшнилар нима дейишаркин?

– Аҳмоқ бола, буни қўшниларга сездирмаслик керак, шунга ҳам ақлинг етмайдими?

– Тушундим... Марғуба у ёққа қачон кетади?

– Кампир ўлганидан кейин, балки ўша кунёқ! Чунки унинг адвокати жиянини қидириб топишидан илгарироқ ҳаракат қилишимиз зарур.

– Одамларга Марғубани қаёққа кетган деймиз?

– Шу ҳам муаммоми, узоқ вилоятдаги ёлғиз холасига қараяпти, у оғир касал экан, деймиз.

– Кейин-чи?

– Нима кейин? Марғуба уни бир ойнинг ичида асфалософилинга жўнатганидан сўнг, ўша холасининг мероси унинг номига қолганини айтиб, қайтиб келади, тамом-вассалом!

– Марғуба бунга кўнармикин?

– Агар мен билган, мол-дунёни ҳамма нарсадан яхши кўрадиган ўша хотиннинг бўлса, кўнади. Кўнмай қаёққа ҳам борарди?

Инобат опанинг гапи тўғри чиқди. Марғуба катта бойликни деб, аёллик шаънини бағишлашга осонгина рози бўлди...

Она-бола Марғубага нима қилиш лозимлигини тушунтириб, ҳеч кимга билдирмасдан, судга нотўғри кўрсатмалар бериб никоҳларини бекор қилишди.

Шундан кейин Сайфиддин Инобат опанинг доимий кузатувида бўлди. Сайфиддиннинг бошпанасиз, хорзорликда қолиши унинг учун айти мурдао эди.

Шу орада Саломат опа тўсатдан вафот этди. Инобат опа эса Сайфиддиннинг қўлига мерос шартномаси ҳақидаги хабар тегмасидан Марғубани унинг ёнига эридан тухматга қолиб, оиласидан ажралган аламзада аёл қиёфасида юборишга шошилди. Инобат опа Сайфиддинни шу даражада яхши ўрганган эдики, у ҳатто Сайфиддин хотини Нозимани жуда яхши қўришини ҳам билиб олган эди. Шунинг учун ҳам Инобат опа Сайфиддиннинг эътиборини тортиш учун Нозиманинг расмига қараб Марғубани унга ўхшатишга ҳаракат қилди. Соч турмагини ҳам уникидай тилла рангга бўяттирди.

Ҳаммаси Инобат опанинг режасидек бораётган эди, бироқ қизи Дурдонанинг ўлими уни эсанкиратиб қўйди. У ўзига бу ёғини ўзи давом эттиришни айтиб, бироз чалғиб қолди. Шаҳриёр Марғубага йўл-йўриқ кўрсатиб мақсадига етишига бир баҳя қолганда, терговчининг, ҳатто ишни ёпишга ариза берилишига қарамай, жиноятни очишга астойдил уриниши ишнинг белига тепарди.

Ана шунда Инобат опа яна ўзига ёрдамга шошилди. У қандай қилиб терговчининг қўлидаги жиноят ишига безътибор бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида ўйлади. У ишни ёпиб ташлаши учун терговчининг фикрини чалғитиш керак деган қарорга келганди. Бунинг учун эса унинг яқинларидан бирига зарар етказиш керак, деб ўйлади. Инобат опа Нурбекни ўғирлашни таклиф қилди.

Она-бола буни силлиққина бажардик, деб қувонганларида, шу кечасиёқ уйига милиция, прокуратура ходимларининг бостириб келиб, болани қутқаришларига ўзининг невараси ёрдам беришини ва уларнинг

бошқа жиноятларининг ҳам очилишини хаёлига келтирмаган эдилар.

* * *

Собиржоннинг гапларини эшитган Сайфиддин ака хайратдан қотиб қолганди. Унинг ҳатто тили калимага келмасди. Марғуба эса жон ҳолатда:

– Ҳаммаси бўҳтон, Сайфиддин ака, буларга ишонманг! – деб қичқирди.

Сайфиддин унга қаради, нима дейишини билмай яна Собиржонга қараб:

– Наҳотки, айтганларингиз рост бўлса? – деди.

– Ҳаммаси ёлгон! Бу айтганларингизни исботлай олмайсиз! Мен ажрашиб кетган собиқ эримнинг қилмишидан хабарим йўқ! – деди Марғуба жазавага тушиб.

– Бунга нима дейсиз, шифохонада Сайфиддин аканинг оғзидан кислород ниқобини олиб ташлаганингизнинг исботи шу эмасми? – деди Собиржон унга воқеа жойидан топилган ипак рўмолчани кўрсатиб. – Сиз бармоқ изингизни шу рўмолча билан артиб ташлагансиз, шошганингиздан рўмолчани сумкага солиш ўрнига, пастга тушириб юборгансиз.

– Мен бу рўмолчани биринчи марта кўриб туришим, гапингиз ғирт тўҳмат!

– Тўғри, сиз Саломат опа вафотигача бунақа рўмолчани кўрмагансиз, у ўлганидан кейин сиз унинг қимматбаҳо рўмолчаларини, атирлари орасидан эса «Шанел 5» атрини олиб, бемалол фойдаланиб юргансиз. Мана бу рўмолча унинг хонасидан олинган, иккаласи бир-биридан умуман фарқ қилмайди, деб иккита рўмолчани кўрсатди.

– Мен бу рўмолчаларни кўрмаганман!

Собиржон Марғубанинг ёнида турган сумкасини олди ва оча бошлади.

– Бировнинг нарчасига тегишга ҳаққингиз йўқ! – деб қичқирди Марғуба.

Собиржон ундан худди қўлидагига ўхшаган рўмолча олиб:

– Бу нима, Холиқова, ҳозиргина мен бундай рўмолчани кўрмаганман, демаганмидингиз?

Марғуба индамади.

– Мен бу рўмолча ҳақида гапиришимнинг сабаби, аниқланишича, бундай рўмолчалар Ўзбекистоннинг ҳеч қаерида сотувга чиқарилмаган экан, буларни марҳума Францияга борганида харид қилган, – деб Собиржон Марғубанинг сумкасини текширишда давом этди.

– Мен шикоят қиламан, тинтув қилишга ҳужжатингиз йўқлигига қарамай, менинг сумкачамни титкиляпсиз! Бу билан менинг қонуний ҳуқуқларимни поймол қиляпсиз! – деди Марғуба ўрнидан туриб. У Собиржондан сумкасини тортиб олмоқчи бўлди.

Эшикдан кириб келган Мурод ака қўлидаги бир варақ қоғозни кўрсатиб:

– Холиқова, хавотирланманг, мана тинтув ҳақидаги ҳужжат, мана бу эса суднинг сизни ҳибсга олиш ҳақидаги берган санкцияси, – деди.

Марғуба шилқ этиб ўзини стулга ташлади.

Собиржон Марғубанинг сумкаси астардаги кичкина йиртиқдан ингичка қилиб ўралган қоғозни топиб, эҳтиёткорлик билан тортиб ва уни столга қўйиб, секин гижимини ёйиб:

– Мана бу эса Сайфиддин ака, Саломат опанинг ўлимидан сўнг сизга қолган меросни ҳужжатлаштириш учун юборилган билдириш хати. Бунга сизнинг сотилган уйингизнинг манзили ёзилгани учун у ерга борган. Холиқова буни сизнинг қўлингизга тегишидан қўрқиб, ўша уйдагилардан никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномани кўрсатиб, қоғозни олган ва сиздан яшириб қўйган.

– Нимага? – деди Сайфиддин ака Марғубага қараб.

– Холиқова буни сизга қандай қилиб айтади? Мен айтиб бера қолай. Холиқова сизни ўлдирганидан ке-

йин бу ҳужжат билан меросга эга бўлмоқчи эди. Ахир унинг сизга тегишидан ҳам мақсади шу эди-ку!

– Нима учун, нимага? Ахир мен сенга ишонгандим! – деб Сайфиддин Марғубага нафрат билан тикилди. – Ишни ёпиш ҳақида ариза ёзиш учун мени шоширганингдан, қанчалар авраганингдан ҳам ҳеч нимани сезмабман-а...

Марғуба индамай тескари қаради. Сайфиддин унга бақирди:

– Гапларимга жавоб бер, ярамас, мени алдаб, лақиллатиб ҳаётимга кириб олишга қандай ҳаддинг сизди! Туйғуларимни оёқости қилишга нима ҳаққинг бор эди?

– Сени алдаган фақат мен эканманми? Бошқалар нима қилганини ҳам шу пайтгача билишинг керак эди! Сенинг лақма, анқовлигингдан ҳамма хотин ҳам фойдаланиши мумкин! – деди Марғуба истеҳзоли жилмайиб.

– Холиқова, жим бўлинг, сиз фақат ўзингизнинг қилмишларингизни гапиришингиз мумкин! – деди Собиржон унинг нима демоқчилигини пайқаб. Сайфиддин акага ҳозир марҳума хотинининг хиёлати ҳақида эшитиш жуда оғир ботишини, унинг юраги бу икки разиликни кўтара олмаслигидан кўрққан Собиржоннинг Марғубани бу гапни айтишдан тўхтатиш учун қилган ҳаракати бекор кетди. Сайфиддин ака Марғубанинг нима демоқчи эканини билиш учун ўзини тўхтатолмай, унинг ёқасидан ушлаб:

– Нималар деяпсан, бу билан нима демоқчисан? Гапир, лаънати! – деди.

– Ўзингизни босинг! – деб Собиржон уни четга тортди.

– Нимага гапирмаслигим керак экан? Хотининг сени бир умр алдаб, хиёнат қилганини ҳам билиб қўй. Ёлғиз ўғлим деб, унинг учун жонингни бермоқчи бўлиб юрган арзандангни эса хотининг ўйнаши Шарифдан ортириб олган!

– Овозингни ўчир, ифлос! – деб Сайфиддин ўтириб қолди.

Фарҳод Собиржонга буларни у қаердан билади, дегандек қаради, кейин югуриб чиқиб врачни бошлаб келди. Унинг муолажалари Сайфиддин акани бироз тинчлантирди. Сайфиддин ака Собиржонга:

– Хавотирланманглар, мен тузукман. Собиржон, ўтиниб сўрайман, ростини айтинг, бу хотиннинг гаплари тўғрими? – деди.

Собиржон нима дейишини билмай:

– Сиз тинчланинг, ҳаммаси ўтиб кетади, – деди.

Сайфиддин ака бошини чангалаб:

– Демак, тўғри, сизлар ҳам буни биласизлар, ҳамма билади, фақат мен беҳабарман! Бу нима деган гап? Наҳотки, мен хиёнаткор хотин, бошқа бировдан ортирилган бола учун таркидунё қилдим? – деб йиғлади.

Собиржон уни қандай юпатишни билмасди. У Марғубага қараб:

– Эрингиз Пирниёзов Шаҳриёр, қайнонанинг ҳозирги пайтда ҳибсда сақланмоқда, – деди.

– Нима?! Болалар-чи, улар қаерда? Шаҳриёрнинг бу ишларга алоқаси йўқ, ҳаммасини қайнонам мажбурлагани учун битта ўзим бажарганим!

– Болаларни илгарироқ ўйлаш лозим эди, энди гишт қолипидан кўчди, фойдаси йўқ.

– Бу ишларда Шаҳриёр бегуноҳ, уни қамаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Ҳаммаси қайнонамнинг айби билан бўлди! Фақат уни қамаш керак! – деб такрорларди Марғуба.

– Пирниёзов фақат бу жинояти учун эмас, у яна бир мудҳиш жиноят – Саломат опанинг эри Тарас Кравчукни ўлдиришда айбланиб қамоққа олинган.

– Йўқ!!

– Ҳа, у Кравчукнинг қандли диабет касали билан оғриганини билгани учун қонидаги қанд миқдорини янада ошириб юборувчи дори бериб ўлдиришда айбланмоқда, – деди Собиржон.

– Нима учун? – деди Сайфиддин ака Собиржонга қараб секингина.

– Ҳалиям тушунмадингизми, Сайфиддин ака, булар холангизнинг мол-мулкига эгалик қилиш мақсадида биринчи унинг эрини ўлдириб, кейин осонгина Саломат опанинг мерос ҳақидаги васиятномасини олоқчи эдилар. Кутилмаганда унинг меросни сизга қолдириши бу кимсаларнинг яна бир қотилликка қўл уришига сабаб бўлган. Лекин сиз бахтли тасодиф туфайлигина омон қолдингиз. Энди эса буларнинг учалови ҳам қасддан одам ўлдириш, ҳаётига суиқасд ҳамда гаразли мақсадда бола ўғирлаш ва бошқа жиноятлари учун тайинланадиган қонуний жазодан қочиб қутулолмайдилар!

– Қизим... Ўғлим.... улар ҳали вояга етмаганлар...– деб Марғуба деворга суяниб қолди.

– Табиийки, улар қотилликка қўл урган мунофиқ ота-онанинг тарбиясидан кўра, меҳрибонлик уйида тарбияланганлари яхшироқ.

ДИЛХИРАЛИКНИ ЙЎҚОТГАН ГЎЗАЛИК

Марғубани ҳибсга олгандан кейин терговчилар шифохонадан қайтишаркан Фарҳод:

– Собиржон ака, Шаҳриёрнинг Саломат опанинг эрини ўлдирганини қандай билдингиз ёки Украинада тергов бошланган эканми?

– Буни тасодифан сезиб қолдим.

– Қандай қилиб?

– Мен Саломат опанинг қўшнилари сўроқ қилаётганимда Турғун исмли дорихонада ишлайдиган бир киши Шаҳриёрни ва унинг хотинини қамасанглар, уларнинг фарзандлари нима бўлади, ахир унинг катта қизи диабет билан оғрийди, деб қолди.

– Сиз буни қаердан биласиз? – дедим.

– У Тарас ака билан Украинага кетаётган куни эди. Қизимнинг дориси қолмаган экан, шуни олиб

бериб кетсам хотиржам бўламан, лекин дорининг номини эсимдан чиқардим. Қонида қанд моддаси етишмаслигида қандай дори истеъмол қилишарди, сиз ўзингиз айтинг, эсимга тушади, деди. Мен айтишим билан эсига тушиб, уни мендан харид қилди. Мен, ахир, бу дорилар ҳисобда турганларга бепул берилади-ку, дедим, у эса ҳозир касалхонага боришга вақтим йўқ, шошаяпман, деб дорини олиб кетган эди, – деди.

– Мен Кравчукнинг қандли диабет билан оғриганлигини, унинг нима учундир Украинада бирдан вафот этганини қўшниларини сўроқ қилаётганда билиб қолиб, бу менга шубҳали туюлганди. Дорихоначининг гапи эса менинг гумонимни тасдиқлади, чунки Шаҳриёрнинг қизи ҳеч қандай касал билан оғримаганлиги аниқланди. Эр-хотин никоҳларини бекор қилганликларидан қўшнилариинг хабари йўқлиги бу разил кимсаларнинг Саломат опанинг мол-давлатига эришиш учун ҳар қандай қабихликдан қайтмаганликларини кўрсатади.

– Ким ўйлабди дейсиз, жиноятнинг бошида ёши бир ерга борган, яқиндагина қизини йўқотган Самадова Инобат турганини? Унинг бойлик учун фарзандларини қотилликка ундаши ақлга сифмайди.

– Ҳа... ҳатто гапиринг келмайди...

Узоқ давом этган машаққатли меҳнатлари натижасида жумбоқли жиноят очилган эди, аммо бўлиб ўтган хунук воқеаларни эслаб, Собиржоннинг ҳам, Фарҳоднинг ҳам кайфияти тушиб, индамай ўтирардилар.

Шаҳарнинг катта шоҳкўчасидан борарканлар, жимликни ёқтирмайдиган Фарҳод машинанинг ойнасини очиб, йўл бўйида яқиндагина қад рослаган серҳашам, кўп қаватли иморатларга суқланиб қараркан:

– Собиржон ака, шаҳримиз кундан-кунга чиройли бўлиб боряпти. Пўзал иморатлару кенг, равон кўчаларга қараб, кўзинг яйрайди, – деди дилхираликни тарқатиш мақсадида.

– Ҳа, жуда чиройли, – деди Собиржон атрофга назар ташларкан.

– Мабодо, бундан-да гўзалроқ манзарадан баҳраманд бўлишни хоҳламайсизми?

– Нимани назарда тутяпсиз? – деди Собиржон Фарҳоднинг нима демоқчи эканини англамай.

– Агар машинани Шовот канали бўйлаб ҳайдасангиз, у ерда олиб борилаётган ишларни кўриб, кўнглингиз тоғдек кўтарилади.

– Нима, мен шаҳарга кеча келганманми? Шу ерда яшайман-ку, буни биламан. Нима учун иш тифиз пайтида, яқин йўл турганида ишхонага узоқдан айланиб боришимни таклиф қиляпсиз? Ниманидир режалаштирганингизни сезяпман, бироқ мақсадингизни аниқ билолмаяпман, очиқроқ гапиринг.

– Очиғини айтсам, қорним оч, ўша Шовот канали бўйида қурилган янги кафедра овқатланишни хоҳлаган эдим, таомларни жуда мазали тайёрлашади-да...

– Ҳа, одатдагидек, режангиз овқат билан боғлиқлигини пайқагандим. Кафени орзу қилмай кўя қолинг, ундан кўра сиз ишхонанинг ошхонасида беш дақиқага тамадди қилиб олиб, қўлимиздаги «иш»ни тезроқ судга оширишимизни ўйланг! Унинг бугун муддати тугаши, наҳотки, эсингиздан чиққан бўлса!..

*2012 – 2013 йиллар,
Урганч*

19000С.

Адабий-бадиий нашр

ЗУЛАЙҲО МАШАРИПОВА

ДАҲШАТЛИ НИКОҲ

Детектив қисса

Мухаррир

Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадиий муҳаррир

Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ

Дилдора ЖҲРАБЕКОВА

Техник муҳаррир

Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи

Феруза БОТИРОВА

Босишга 03.10.2013 йда руҳсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 11,0. Шартли босма тобоғи 18,48.

Гарнитура «Bookman Сут + Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 230.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: А1 № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун т елефонлар:

Нашр бўлими — 278-36-89; Маркетинг бўлими — 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru